

МУАССИС:*Жиззах давлат педагогика институти***БОШ МУҲАРРИР***Абдуғани ХОЛБЕКОВ - соц.ф.д., профессор***БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ***Усмонжон ҚОСИМОВ - фил. ф.н., доцент
Ғайрат ҚОДИРОВ - б.ф.н.***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

*Аҳмадали АСҚАРОВ - тар. ф. д., академик
Анатолий САГДУЛЛАЕВ - тар.ф.д., академик
Алишер УСМОНКУЛОВ - тех. ф.д., доцент
Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ - сиё.ф.д., доцент
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ - пед.ф.д., профессор
Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ - соц.ф.б.(PhD)
Бахтиёр ТЎРАЕВ - фал.ф.д., профессор
Нигина ШЕРМУҲАМЕДОВА - фал.ф.д., проф
Бахти ОЧИЛОВА - фал.ф.д., профессор
Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ - фил.ф.д., проф.
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ - фил.ф.д., проф
Абдуғафур МАМАТОВ - фил.ф.д., профессор
Олег КИМ - фил.ф.н., децент
Дилором ХОЖИМЕТОВА - фил.ф.н., доцент
Суннатулло СОИПОВ - фил.ф.н.
Юлдуз КАРИМОВА - фил.ф.н.
Омон ИСАРОВ - фил.ф.н., доцент
Норбек ТОЙЛАКОВ - пед.ф.д., профессор
Барно АБДУЛЛАЕВА - пед.ф.д., профессор
Ғайрат ШОУМАРОВ - псих.ф.д., профессор
Ҳамид МЕЛИЕВ - пед.ф.н., профессор
Холбўта ТЎРАҚУЛОВ - тех. ф.д., проф.
Раҳматулла БЕКМИРЗАЕВ - ф.м.ф.д., проф.
Қаҳрамон РАЖАБОВ - тар.ф.д., проф.
Мухторқул ПАРДАЕВ - тар.ф.н., доцент
Умарқул РАХМОНҚУЛОВ - биол.ф.д.
Худойберган МАВЛОНОВ - биол.ф.д.
Қўчқор ҲАКИМОВ - геог.ф.н., профессор
Рустам АБДУРАСУЛОВ - псих.ф.д., проф.
Холмат ШОДИЕВ - псих.ф.н., доцент
Марат СУЛТОНОВ - кимё ф.д., доцент
Фурқат АХМЕДОВ - пед.ф.н., доцент
Аъзам ХОЛМУРОДОВ - иқт.ф.н.
Абдунаби ҲОТАМОВ - фал.ф.н., доцент
Раббим ЮСУПОВ - тех.ф.н., доцент
Камолiddин ЗОЙИРОВ - пед.ф.н., доцент
Фурқат ТОШБОЕВ - тар.ф.б. (PhD), доцент*

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР*Ғазилат ИБРАГИМОВА - фил.ф.н.***МАСЪУЛ КОТИБ***Бекзод МИРЗАЕВ*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018 йил 29 декабрдаги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.

МУНДАРИЖА**БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ****Абдуғани ХОЛБЕКОВ.** Илм-фан интеграцияси — тараққиёт омили3**ДАВР МУАММОСИ****Зарина БОЙТЕМИРОВА.** Ёшлар маънавий хавфсизлигини таъминлаш - глобал муаммо сифатида.....4**ТАҚВИМ: ТАРИХИМСАН, ТАҚДИРИМСАН, КЕЛАЖАГИМСАН, ОНА ТИЛИМ!****Муродилла ЖЎРАЕВ, Усмонжон ҚОСИМОВ.** Бадиий тил сабоқлари.....6**ТАҚВИМ: АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИ****Усмонжон ҚОСИМОВ.** Ёзувчиларнинг амири - Ўзбек романчилигининг асосчиси.....9**ИЖТИМОЙ ҲАЁТ ВА ФАЛСАФА****Жўрабой ЯХШИЛИКОВ.** Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади - ижтимоий тараққиёт ва инсон фаровонлиги хусусида.....12**Акбар САИТҚОСИМОВ.** Фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш - ижтимоий барқарорлик мезони.....14**Илҳом СУВАНОВ, Анзура СУВАНОВА.** Миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ва ривожланиши.....16**Фарход МАМАТҚУЛОВ, Сайёра ЖАСАНОВА.** Оилада фарзанд тарбиясининг демократик принциплари.....20**ФИЛОЛОГИЯ: ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР****Раъно МАДЖИДОВА.** Олам миллий аксиологик манзарасининг лисоний воситаларда тавсифланиши.....22**Ғазилат ИБРАГИМОВА.** Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилига доир.....24**Шоҳида СИДДИҚОВА.** Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар хусусида.....27**Ойбекжон НАСИРДИНОВ.** Номинатив гапларнинг тил тизимида тутган ўрни.....30**Зухра МАМАДАЛИЕВА.** "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги ҳайратлар тарихига бир назар.....32**Номира СОАТОВА.** Бадиий адабиётда умумийлик ва ўзига хослик.....34**Севад УСМОНОВА.** Жадидчилик ва адабий муҳит хусусида.....37**Зулфия ПАРДАЕВА, Арслон ДЖАНЗАКОВ.** Бадиий тафаккур ва бадиий талқин.....39**Шомирза ТУРДИМОВ.** Халқ кўшиқларида аънавий қайтариқларнинг ўрни ва бадиияти.....41**ИННОВАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ****Аъзам БЕГБЎТАЕВ.** Тармоқ технологиялари фанини ўқитишда имитацион моделларнинг ўрни.....43**Ҳалима ШУКУРОВА.** Олий таълим тизимида касбий маҳоратни такомиллаштириш муаммолари.....46**Зилола САНАҚУЛОВА.** Бўлажак ўқитувчиларда бунёдкорлик маданиятини шакллантиришда илмий ёндашув.....48

Журнал Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасидан 2018 йил 28 мартда 06-037 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАХРИРИЯТ:**МУҲАҲРИР:**

Шоҳида СИДДИКОВА
(Фил.ф.д. Ph.D)

ТАРЖИМОНЛАР:

Феруза ШУКУРОВА
(рус-тили)

Камолитдин НОРМУРОДОВ
(инглиз тили)

САҲИФАЛОВЧИ:

Сорахон НОРКУЛОВА

Журнал йилда 4 маротаба (ҳар чоракда) ўзбек тилида чоп этилади.

Матнларда фойдаланилган кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиш шарт

МАНЗИЛ:

130100. Жиззах шаҳри.
Ш.Рашидов кўчаси.
4-уй, бош бино

ТЕЛЕФОН:

(99872) 226 02 93.
(99890) 643 29 64

ФАКС:

(99872) 226-46-56

Журнал андазаси Ахборот технологиялар марказида
Собир СИБГАТУЛЛИН
томонидан тайёрланди

“ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ”**МАТБАА БЎЛИМИ**

Тошкент шаҳри, Амир
Темур кўчаси, 60А-уй

2019 йил 25 октябрь куни босмаҳонага топширилди.

Қоғоз бичими **A4**

Буюртма: **11/1**

Нашр адади: **100**

Насиба БАЙТУРАЕВА, Муқаддас СОИПНАЗАРОВА. Ёш авлоднинг ахлоқий маданиятини шакллантириш йўли.....50

Бахтиёр МИРКОМИЛОВ. Талабаларга тарихни ўқитиш жараёнида бадиий қадриятларга қизиқиш уйғотиш.....52

Ширин КАМОЛОВА, Насиба АҲМЕДОВА, Назира ПЎЛАТОВА. Баркамол авлодни тарбиялашнинг узвийлиги ва узлуксизлиги.....54

Раҳим УМАРОВ, Нафиса УМАРОВА. Ўқувчиларни оилада тежамкорликка ўргатиш.....57

Эрмат ФАЙЗУЛЛАЕВ. Бадиий дид тарбиясида ўзбек мумтоз муסיқасидан фойдаланиш.....59

Абдуманнон МАХАММАТОВ, Ўткир ТЎҒУЛОВ. Талабаларда муסיқий қобилиятларни ривожлантиришга оид тавсиялар.....61

ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНИКА

Музроб РАББИМОВ. Математика дарсларида талабалар билимини Б.Блум таксономиясидан фойдаланиш хусусида.....63

Абдували ШАМСИЕВ, Махлиё ҲАСАНОВА. Математикани масофавий ўқитишда интерфаоллик муаммоси.....65

Камола ХУММАМАТОВА. Мактаб ўқувчиларида таянч ва математика фанига оид компетенцияларни ривожлантириш.....68

МОЗИЙ САДОЛАРИ

Боқижон МАТБОБОЕВ. Фарғона водийси: илк ўрта асрларда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар.....70

Фурқат ТОШБОЕВ. Антик даврдаги миграцияларнинг Уструшона аҳолиси дафн маросимларида акс этиши.....72

Бахтиёр ТУРАЕВ. Муҳаммад Ибн Мусо Хоразмий: даври, таълим тизими, интеллект.....75

Саодат ТОШТЕМИРОВА. Ўзбекистонда коллективлаштириш ва унинг оқибатларини ўрганишга доир мулоҳазалар.....78

РУҲИЯТ ОЛАМИ

Рустам АБДУРАСУЛОВ, Гулноза ҚАРШИБОЕВА. Ўқувчи спортчиларнинг интилиш даражаси.....81

Холмат ШОДИЕВ. Ўқувчиларнинг пунктуацион саводхонлигини оширишнинг психологик жиҳатлари.....83

Дилдора АБДУВАХОБОВА, Малика ҚОДИРОВА. Шахснинг ички конфликтлари ва ҳимоя механизмлари.....86

ГЕОГРАФИЯ ВА ТУРИЗМ

Лапас АЛИБЕКОВ, Кўчқор ХАКИМОВ. Орол денгизи: кеча, бугун, эртага.....88

Гулбахор ХОЛДОРОВА, Сурайё ҲАЙДАРОВА. Жиззах вилоятида шаҳарларни саноатлаштириш омиллари.....91

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

Сайёра АБДИКАРИМОВА. Оила: тушунчаси, талқинлари, эволюцияси.....93

Аскарбек УТЕМИСОВ. Таълим жараёнида компютер ва инновацион технологияларнинг роли.....96

Дилноза АБДУВАЛИЕВА. Оила ва ахборот технологиялари.....99

Умид НОРБЕКОВ. Ёшлар фуқаровий-сиёсий позициясини аниқлашда муқобил илмий-педагогик йўللари.....101

Усмон ТЎПЧИЕВ. Туркистонга янги узум навларининг кириб келиш тарихи.....104

Фаррух АКЧАЕВ. Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларнинг этнолокал жиҳатлари.....106

Жамол ЮЛДАШЕВ. С.П.Толстовнинг Хоразм воҳаси археологиясини ўрганишдаги ўрни.....109

Умида ЗОКИРОВА. Бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда Б.Блум педагогик технологияси.....112

Феруза ОРИПОВА. Ёшларда интеллектуал ва ижодий фазилятларни шакллантириш механизмлари.....114

Жаҳонгир АНАРБАЕВ. Ижтимоий ҳамкорлик ва адолат таъминининг демократик-гуманистик моҳияти.....117

ЖАВОНДАГИ ХАЗИНА

Юлдуз КАРИМОВА. Онага эҳтиром - одамийликка эҳтиром.....120

ИЛМ-ФАН ИНТЕГРАЦИЯСИ - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

2019/3-СОҲ

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган тезкор ўзгаришлар таълим тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда, чунки мукамал таълим тизими орқали Республикаимизнинг келажак интеллектуал имкониятларини ва унинг гуллаб яшнаши ҳамда ривожланишини белгилаб берувчи ёшларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун таълимда энг муҳим стратегия йўналиш таълим муассасаларининг инновацион фаолияти ҳисобланади. Бу эса барча таълим муассасаларида, айниқса, ижодкор, юқори салоҳиятли мутахассис кадрларни тайёрловчи олий таълим масканларида инновацион технология кўринишида фаолият олиб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб келган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ОТМларда ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, ОТМларнинг академик мустақиллигини таъминлаш; Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи "хаб"га айлантириш; Олий таълимнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш каби масалалар кўрсатилган.

Дарҳақиқат, Жиззах давлат педагогика институтида бугунги кунда 10 та факультет, 31 та кафедрада 526 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келмоқда. Институтда 19 нафар фан докторлари (DSc), фан номзоди (PhD) 117 нафарни ташкил этади. Институтнинг илмий салоҳияти 25,9 %ни ташкил этмоқда.

2019 йил биринчи яримида 13 нафар тадқиқотчилар (2 нафар DSc ва 11 нафар PhD) фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Шу ўринда кўрсатиш мумкинки, институтнинг илмий салоҳиятини ошириш, олий таълим муассасалари рейтингига юқори ўринга чиқиш бўйича бажарилган ишлар натижасида:

- илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш юзасидан 2019-2023 йилларга мўлжалланган йўл харитаси ишлаб чиқилди;
- кафедраларнинг 2019 йилнинг иккинчи ярим йиллиги ҳамда 2020-2023 йилларга мўлжал-

**Абдуғани ХОЛБЕКОВ -
социология фанлари доктори, профессор
Жиззах давлат педагогика институти**

ланган дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар, шунингдек, "Web of science", "Scopus" маълумотлар базасига ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган журналларда мақолалар чоп этиш юзасидан режа ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди. Жумладан, 2019 йилда институтнинг 7 нафар педагог ходимлари Бошқирдистон давлат университети, Буюк Британиянинг Норвич институти, Франциянинг INSHEA институтида ўз малакаларини оширишган.

Бундан ташқари, институтнинг 2 нафар педагог ходимлари Корея Республикасининг Чоннам ҳамда Инже университетларида таянч докторантурада таҳсил олмоқда.

Институтнинг бир нафар магистранти Бошқирдистон давлат университетида илмий-тадқиқот ишларини ўтаб келди.

Бугунги кунда институтнинг 5 нафар талабалари бир қанча хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура йўналишида таълим олмоқда.

Институтнинг 6 нафар профессор-ўқитувчилари дунёнинг кучли рейтингдан жой олган Москва давлат университети, Қозоғистоннинг Инновацион Евразия Университетида ҳамда Туркиянинг нуфузли олий таълим муассасалари томонидан ўтказилган Халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этмоқдалар ва шунингдек, институт профессори, биология фанлари доктори У.Раҳмонкулов "Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги шўрхок ва сувсиз ерларда (Ferula foetida, Bunge, Regel) янги коврак кўчатларини етказиб берувчи инновацион плантация-ларни барпо қилиш" мавзусидаги инновацион лойиҳаси билан танловда иштирок этиб 700 млн. сўмлик грант эгаси бўлди.

2019 йил 7 октябрь куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан яратилган Ўзбекистон Республикаси илмий журналларини рецензиядан ўтказувчи рақамли платформа (Uzbekistan Research Online)нинг ишга туширилиши билан университетларнинг халқаро рейтингга кириши ва ўзбек илм-фанини кенг жаҳон оламига танитиш имкониятини жадаллаштиради. Шу жумладан, юртимиз ОТМларининг илмий журналлари каби, Институтнинг илмий-услубий журнали ҳисобланган "Тафаккур зиёси" журнали ҳам бутун дунёнинг 700 дан ортиқ етакчи университетлари томонидан фойдаланиладиган Digital Commons Network глобал тармоғига интеграциялашиб бормоқда.

Умуман олганда, олий таълим муассасалари илмий журналларининг халқаро SCOPUS номли илмий-техник маълумотлар базасига кириши натижасида Ўзбекистон Марказий Осиё ва жаҳоннинг илм-фан ва таълим бўйича хабиға айланиш сари ишончли қадам ташлаётганлигининг яққол далили бўлади.

ДАВР МУАММОСИ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ - ГЛОБАЛ МУАММО СИФАТИДА

Зарина БОЙТЕМИРОВА -
фалсафа фанлари номзоди
Кўкон давлат педагогика
институтини

Бугун глобаллашув асри деб ном олган, шиддат билан кечаётган асримизда инсониятни, шубҳасиз унинг улуғ қадриятларидан бири бўлган миллатни, миллат маънавиятини асраш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Афсуски, миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолади.

Шу ўринда бугун миллатни асраш, унинг миллий маънавий қадриятлари хавфсизлигини таъминлаш - умумбашариятнинг муаммоси эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки бугун бутун дунё миқёсида маънавий таҳдидларга рўбарў келмаётган бирор бир давлат ёки миллатни учратиш қийин. Бугун бирон-бир давлатни босиб олиш учун курул-аслаҳа, катта қўшин талаб қилинмаётгани, аксинча, бу учун ўша давлат аҳолисининг онгини заҳарлаш, менталитет ва миллий қадриятлари учун ёт бўлган гоёларни сингдиришнинг ўзи кифоя қилаётгани бу муаммонинг барча давлат ва миллатлар учун бирдек салбий таъсир кўрсатишига замин ҳозирламоқда.

Яна шунигиндек, бугунги тезкор даврда, айниқса, глобал интернет тармоғи турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бераётган бир пайтда, баъзи бузғунчи кучлар бу имкониятлардан ўз мақсадлари йўлида мафкуравий курул сифатида фойдаланмоқда. Бу эса ҳар қандай миллат келажагининг давомчиси бўлган ёш авлод тарбиясига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис, онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамиятга молик масаладир. Айнан бугун ёшларнинг маънавияти ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборот психологик ҳуружлар ва таҳдидлар сонининг кун сайин ортиб бораётганлиги ташвишланарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида дунё ҳамжамиятини бу борада яна бир карра огоҳлантираркан, "бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод" эканлигини, "улар 2 миллиард кишини ташкил" этаётганлигини қайд этиб, "сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ" эканлигини алоҳида таъкидлади [2].

Президент Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда эътироф этганидек, "бизнинг асосий вазифамиз ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гоёси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир" [2].

Демак, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини асраш, уларнинг миллий маънавий хавфсизлигини таъминлаш, дунё ёшларини тинчлик ва барқарорлик учун дахлдорлик руҳида тарбиялаш эртанги тинч-тотув ҳаёт, барқарор дунё учун қайғурадиган ҳар бир инсоннинг олийжаноб бурчидир.

Гап умуммиллат маънавиятининг хавфсизлиги бо-

Аннотация

В данной статье анализируются вопросы национальной духовной безопасности, в частности, обеспечение духовной безопасности молодежи как наиболее актуальной и глобальной проблемы современности.

Ключевые слова: *безопасность, духовная безопасность, духовная безопасность молодежи, общественное сознание, информационные атаки, интернет*

Abstract

This article analyzes the issues of national spiritual security, in particular, ensuring the spiritual safety of youth as the most actual and global problem of today.

Keywords: *security, spiritual security, youth spiritual security, social consciousness, information attacks, the internet*

расида борар экан, сўзни рус олими В.И. Митрохиннинг "хавфсизлик тушунчаси остида шахс, ижтимоий гуруҳлар, давлат, жамият ва умуман цивилизация қадриятлари, шаъни, кадр-қимматининг ҳимояланганлик даражасини англаш лозим"лиги борасидаги фикри билан бошлаш ўринли [4].

Афсуски, бугун умумжаҳон цивилизация қадриятлари, шаъни, кадр-қимматининг ҳимояланганлик даражасини қониқарли дея олмаймиз. Негаки, дунёнинг бир қатор давлатларида ядро курули ишлаб чиқариш бўйича ҳаракатлар давом этаётган бўлса, қайсидир минтақада ахборот ҳуружларини уюштириш устида тинимсиз иш олиб борилмоқда. Айниқса, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар кун сайин авж олмоқда. Баъзи бир ғаразли кучлар томонидан бу борада турли усул ва услублар қўлланилиб, маънавий таҳдидларнинг ёлгон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгини манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, менталитетга мутлақо ёт бўлган қадриятларни тарғиб этиш каби турлари кенг тарқалмоқда. Энг ачинарлиси шуки, буларнинг барчаси миллатларнинг фожасига сабаб бўлмоқда. Таниқли ўзбек олими Савдулла Отамуродов ўзининг "Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик" китобида ҳақли тарзда таъкидлаганидек, "миллат инсонлар жони ва қони билан яратилган олий қадриятлардан биридир, унинг маънан ўлиши эса муқаррар равишда бутун инсониятнинг жисмонан ўлишига ҳам олиб келади" [5].

Бугун дунё ёшлари маънавиятига таҳдиднинг энг оммалашган тури қайси, - деган саволни бериш ўринсиз. Чунки маънавий таҳдидларнинг энг асосий майдони - бу интернет тармоғи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Табиийки, ёшлар катта авлодга нисбатан интернет тармоғининг энг кўп фойдаланувчи қатламидир. Замонавий жамиятда эса асосий тармоқ ҳисобланган ушбу воситадан воз кечиш ёки уни умуман инкор этиш мумкин эмас.

Хозирги даврда интернет сайтларида ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир қилувчи ахборотлар оқимидан ташқари бузғунчи гоёлар асосида шакллантирилган материаллар ҳам учраб туради. Интернет сайтларида ёшларга кучли таъсир этувчи ахборотларни қуйи-

дагича таснифлаш мумкин.

Биринчи тоифадаги ахборотлар сирасига ёт, бузгунчи ғоялар (диний экстремизм ва террорчилик ғоялари, миллатчилик, ирқчилик, садизм кабилар)ни киритиш мумкин.

Иккинчи тоифадаги ахборотлар ғарб ҳаёт тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу айниқса, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага порнографик ахборотларни киритиш мумкин.

Тўртинчи тоифага эса ҳали текширилмаган, ўз ибодига эга бўлмаган турли ҳужумкор ахборотларни киритиш мумкин.

Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт ғоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул қилинаётганлиги ва унинг оқибатлари жаҳондаги барча мамлакатлар халқини ҳам ташвишга солмоқда.

Хуллас, бугун биз ахборот алмашинуви жадаллашган, тинимсиз янгиликлар бораётган даврда, яъни глобаллашуви шароитида яшаймиз. Глобаллашуви жараёни илм-фан, техника тараққиёти билан биргаликда инсон маънавиятига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатаётган. Айниқса маданий қадриятларнинг глобаллашуви шиддат билан рўй бераётган бугунги кунда асрлар оша ўтмиш аждодларимиз қадрлаб келган ва бизнинг миллий ўзлигимизни ташкил қилувчи ахлоқий қадриятларимиз тақдирини қандай кечди каби саволлар ҳар биримизни ўйлантириши табиийдир. Шундай экан, глобаллашуви шароитида маънавий мерос ва унинг ёшлар дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни ортиб бораверади.

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда "буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, "оммавий маданият" хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашуви шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда" [1].

Йиллар,асрлар исботлаган бир ҳақиқат борки, у ҳам бўлса ҳар қандай қийинчиликларга, шафқатсиз синовларга қарши ўзининг юксак маънавияти ва маърифати билан жавоб берган миллатни ҳеч ким,ҳеч қачон енга олмайди. Айнан юксак билим, маънавият ва маърифатгина миллатнинг замон билан ҳамнафас ҳаёт кечирishiни таъминлаб, миллат тақдирини учун хатарли вазиятларда қалқон бўла олади.

Шу маънода ёшлар масалалари мамлакат тараққиёти ва равнақи билан бевосита боғлиқ экан, ушбу муҳим вазифаларни ҳал этиш учун ёшларга юксак маънавият ва маърифат асосида таълим ва тарбия бериш, уларни турли ҳил маънавий, мафкуравий таҳдидлардан асраш лозим.

Афсуски, сайёрамизда тинчлик ва осойишталикни сақлашдек олийжаноб мақсад йўлида қайғураётган кўпгина олимлар таъкидлашаётганидек мафкуравий ва бошқа кўринишлардаги таҳдидларга қарши жаҳон миқёсида яқдиллик ва ҳамжиҳатликнинг йўқлиги бу нопок иш билан шуғулланаётган кучларнинг тегири-монига сув куймоқда. Бунга сабаб эса аввало, мафкуравий таҳдидларни бартараф этишда ягона концепциянинг йўқлиги ва ёндашувларнинг муштарак эмаслигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сонли "Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишида қайд этилганидек, "дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаш даражасининг пастилиги, бу борадаги яхлит тушунча ва тасаввурларнинг етарлича шаклланмагани терро-

ризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес каби турли трансчегаравий таҳдидларга қарши курашишда миллий ғоя омилдан самарали фойдаланиш имкониятини бермапти" [3]. Айни пайтда мафкуравий таҳдидларни бартараф этишда ижтимоий-сиёсий омилнинг унутиб қолдирилаётганлигини ҳам жиддий сабаб қилиб кўрсатиш ўринли деб ўйлаймиз. Ваҳоланки, ҳар қандай таҳдидга, энг аввало, ғоявий жиҳатдан зарба бериш мақсадга мувофиқ.

Демак, ёшлар миллий маънавий хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи омили - уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, фарзандларимизда миллий ғурур ва миллий ор-номус шакллантиришдир. Зотан миллий ғурур ва миллий ор-номус миллий ғоянинг таянч нуқталаридир. Ўғил қизларимиз миллий ютуқларимиздан, умум инсониятга алоқадорлигимиздан ғурурланмаса, ўзгаларни буюк ҳисоблаб юраверади. Ўзимиздаги мавжуд иллатлардан ор-номус қилмаса, тараққий этиш имкониятларини йўқотаверади.

Шу боис мактабга таълим муассасларидан бошлаб мактабдан ташқари таълимгача бўлган узлуксиз таълим тизимида болалар, ўқувчи ёшлар, талабалар ва тингловчиларнинг ёшига мос равишда миллий ғояни сингдиришимиз ҳамда дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш, улар онгида миллий ғоя ва миллий мафкурави шакллантиришни узлуксиз тарзда олиб бориш, юқоридаги фармойишда белгилаб қўйилганидек, "миллий ғоя" туркумидаги фанларни ўқитишга нисбатан янги ёндашувлар, жумладан, мактабга таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим босқичлари учун мазмунан ва шаклан мос бўлган, бир-бирини такорламайдиган таълим дастурларини тайёрлаб, амалиётга жорий этиш, бу жараёнда тарбияланувчи, ўқувчи ва талабаларнинг ёш хусусиятлари, маънавий эҳтиёжлари, истеъмол даражаси инobatга олинган ҳолда ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар яратиш" [3], уларда миллий ғоя ва мафкурамизнинг мазмун моҳияти, асосий тушунчаларини аниқ раван акс эттириш зарур.

Бинобарин, XXI асрдаги инсоният тараққиёти тажрибасидан кўришиб турибдики, у ёки бу давлатнинг хавфсизлиги, барқарорлиги, келажаги сон-саноксиз, устувор даражадаги янги таҳдидлар, хавф-хатарлар тизимини, биринчи навбатда унинг "муҳитий омиллари"ни идрок эта олиш даражасига бориб тақалмоқда.

Бу борада олдимизда турган вазифалар кўп. Мафкуравий таҳдидларга қарши курашда асосий мақсадимиз жамият маънавиятини юксалтириш экан, биринчи навбатда, миллий ғояни фуқаролар онги ва қалбига чуқур сингдиришга эришишимиз керак. Аҳолида, айниқса, ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш, улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун равишда тарғиб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман, фуқароларнинг билими ва тафаккурини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларини изчил амалга ошириб бораверсак, ҳар қандай таҳдидлар бизга хавф соломмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимидаги нутқи.// Халқ сўзи. 2016 йил 19 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.//Халқ сўзи.2017 йил 20 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ф-5465-сонли фармойиши.// Халқ сўзи. 2019 йил 9-апрель.
4. Митрохин В.И. Концептуальные основы стратегии национальной безопасности России.// Социально-политический журнал. - М.: 1995.№6. С.23.
5. Отамуродов С. Глобаллашуви ва миллий-маънавий хавфсизлик. -Т.:Ўзбекистон, 2013, 4-бет.

БАДИИЙ ТИЛ САБОҚЛАРИ

Муродилла ЖЎРАЕВ - катта ўқитувчи,
Усмонжон ҚОСИМОВ - филология фанлари номзоди, доцент
Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация

Статья посвящена изучению проблемы развития узбекского языка на современном этапе. На основе анализа литературных произведений выявлены богатство и значимость искусства слова

Ключевые слова: Своеобразие художественного слова, подтекст, полифонизм, выразительность, смысловое значение

Abstract

The article is devoted to the study problem of the Uzbek language development on the modern stage. On the base of the literal works analyses was revealed the wealth and significance of the word art.

Keywords: The peculiarity of the word of art, subtext, polyphonism, expressiveness, semantic meaning.

Ҳар бир халқнинг ўзлигини намоён этувчи миллий ва умуминсоний қадриятлари бўлади. Тириклик учун тоза ҳаво билан қуёш нури ва нону сув қанчалик ҳаётий зарурат бўлса, миллатнинг яшаши ва равнақ топиши ҳам она тилисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тоғ чўққиларининг юксаклиги олисдан қаралганда, яққолроқ кўринади. Бу ташбеҳни 30 йил муқаддам ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги тарихий Қонунга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Мустақиллигимиз шарофати билан яратилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлар натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги ва унинг тарихий илдизлари чуқур ва манбалари бой эканлиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Лекин баъзан тилимизни соф туркийча қиламиз деб ҳаммага тушунарли бўлган байналмилал-интернационал сўзларни ҳам ўзбекчалаштиришга ури ниш ҳоллари ҳам бўляпти. Масалан, самолёт сўзи ўрнига "тайёра", аэропорт ўрнига "тайёрагоҳ", институт ўрнига "олийгоҳ", транспорт ўрнига "нақлиёт", туман ё район ўрнига "ноҳия" каби ишлатилиши ҳам, талаффузи ҳам оғир сўзларни қўллаш ҳолатлари учурайдилар. Бунинг ўрнига тилимизнинг асл бойл икларини кўпроқ ўрганиш муҳим. Айниқса, Навоий, Бобур, Машраб каби мутафаккир-шоирларимиз ва Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор ва Миртемир, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари улўғ адилларимизнинг ранг-баранг тили, халқчил ва сержило услубини чуқур ўрганиш маънавиятимизни, нутқ ва тафаккуримизни ҳам беҳад бойитади.

Миллий тил ва унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилиш- бу бир гуруҳ мутахассисларгагина тегишли бўлган илмий-амалий соҳа ё мавсумий бир тадбир эмас. Аксинча, бу неча авлодлардан авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқалланиб келаётган халқ тилининг софлиги ва истиқболли учун қайғуриш ўша тилнинг тўлақонли яшаш ҳуқуқи учун кураш, яъни бутун бир миллат маънавияти учун, унинг маърифати ва маданияти учун ҳам курашдир.

Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳорлар халқ тилини ўрганишни ҳамиша ёзувчининг асосий вазифаси деб қараган. Бинобарин, бу жиҳатдан ҳам А.Қаҳҳор ҳозирги ижодкор ёшлар олдида эъзозли бир устоз бўлиб гавдаланади. Негаки у умрининг охирига қадар ижод қилишдан тўхтамагандек, тилни ўрганиш ҳам ҳамиша ёзувчилик меҳнатининг ажралмас бир

қисми деб билади. Чунончи, 1967-йили "Вопросы литературы" журнали саволларига жавоб берар экан, жумладан, куйидагиларни айтган эди: "Агар ёзувчи тоза виждонли бўлса, унинг учун асар ёзиш йил сайин қийинлашиб боради. Ёзувчи ҳеч қачон "Мен ёзишни яхши ўрганиб олдим" деб, ўзини хотиржам қилмаслиги керак" Бу сўзлар ёш ижодкорларни ўзларига талабчанликни оширишга ва бадиий тил сирларини эгаллаш йўлида доимий изланишга ундовчи эзгу бир даъватдир.

Қалбида Истиқлол ёлқини сўнмаган Абдулла Қаҳҳор она тилимизнинг матонатли жонкуярларидан эди. Ибратли бир ҳолат: Абдулла Қаҳҳорнинг адабиёт ва танқидчилик ёхуд ёшлар маънавияти ва маданиятига бағишланган биронта нутқ ё мақоласи йўқки, унда адабий тилимизнинг беқиёс бойлиги ва имкониятларидан фахрланиб ёзмаган ёхуд унинг жиддий муам моларидан ташвишланиб, кескин фикрлар айтмаган бўлсин. Мана Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллар муқаддам ҳозирги Жаҳон тиллари университети талабалари билан учрашувдаги нутқидан бир парча: "Сизлар институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингизга чет тиллар билан бирга биринчи навбатда ўз она тилимиз-ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб бориңлар! Ўзбек тили-ғоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифодалашга қодир эканини амалда кўрсатиңлар; қаерда ва қандай шароитда ишламанглар, тил маданиятимизнинг машъали бўлиңлар!"

Бу сўзлар замиридаги ҳаётий маъно, эзгу мақсад ва тилак мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлмиш бугунги ёшларимиз учун ҳаётий бир дастуриламал бўлиши билан бирга, айна вақтда, улар буюк

У луғ адиб ва мутафаккирлар ҳамиша ўз миллий тилининг равнақи ва истиқболли учун фаол курашганлар. Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижоди ва фаолияти барча авлодларга юксак намуна. "Муҳокамат ул-луғатайн" асарига бу муҳим муаммо хусусида шундай ёзади: "Халқ орасидан чиққан истеъдод аҳли салохият ва қобилиятларини ўз тиллари турганда ўзга тил билан зоҳир қилмасалар ва ишга солмасалар эди. Агар иккала тилда ижод этиш қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ёзсалар эди". Навоий ҳақиқий миллатпарвар мутафаккир-шоир сифатида ўзбек тили ва адабиётимизнинг бой, ранг-баранглиги ва чексиз имкониятларини бутун ижоди ва серқирра фаолияти билан исботлаб, унинг нуфузини жаҳон миқёсига олиб чиқди.

Навоийнинг шоирларимиз ўз она тили- "туркийда кўпрак ёзсалар эди" деган асрий орзуси ҳам, энг аввало, миллатимизнинг маънавий эҳтиёжи ва камолоти билан боғлиқ эканлигини англашга ёрдам беради. Адабиётимиз ва тилимизнинг "сергак ва жасур посбони" бўлган Абдулла Қаҳҳор ҳам жонажон юртимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти ва ёрқин келажagini, бетакрор миллий маданиятимиз ва адабиётимиз тараққиётини бой ва гўзал она тилимиздан айро тасаввур этолмас эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг умри сўнггида ёзган фикрлари ҳам бу муаммонинг нечоғлик муҳим эканлигидан гувоҳлик бериб туради: "Адабиёт- бу тил! Мен шу вақтга қадар бирор ёзувчининг тилсиз, имо-ишоралар билан бадиий асар яратганини эшитганим йўқ. Агар мендан "Сиз учун тил бадиий ижоднинг бошқа муаммолари орасида қандай ўрин тутаети?"- деб сўрашса, мен жавоб беришга қийналаман. "Асосий ўрини"- дейишдан бошқа сўзим йўқ". Бу сўзларда ёзувчи ҳамиша қатъий амал қилган муқаддас эътиқод ва ишонч мужассам. Эндиликда уларни Абдулла Қаҳҳордек буюк адибнинг барча илм ва ижод аҳлига қолдирган эзгу бир васияти сифатида ҳам хотирлаш ва қадрлаш адолатдан бўлади. Бу қутлуғ анъана ижодий давом эттирилмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Қаҳрамони машҳур шоиримиз Эркин Воҳидовнинг биргина "Ўзбегим" қасидаси халқимизнинг ўзлигини англаши ва ўзига ишончини оширишда тенгсиз роль ўйнаганлиги кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. ЎЗБЕГИМ сўзига янада чуқур ва кенг маъно бағишлаш билан миллий ифтихор ва ғурур туйғуларини сингдирилган бу истилоҳ ўзига хос бир рамзга айланган. Қасида жанрининг замонавий порлоқ намунаси бўлган асар шеърятимизнинг юксак бир чўққиси бўлиши билан бирга ҳукмрон коммунистик мафкура ва мустабид тузум учун хавфли бир маънавий кучга айланганлигини кўплаб етук зиёлиларимиз ва салоҳиятли адабиётшуносларимиз фахр билан эсга олишадди. Бундан 50 йиллар муқаддам ёзилган, аммо собиқ шўро давридаги ҳукмрон мафкура тазйиқига дучор бўлиб, шоиримизга қанча таънао дашномлар келтирган "Ўзбегим" қасидасида ҳам, энг аввало, жафоқаш халқимизнинг асрий орзу-армонлари чуқур ҳамдардлик билан ифода қилганлиги адабиётимизда катта бир воқеа бўлганлиги айна ҳақиқат:

**Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди ғурбат,
Зору нолон, ўзбегим.**

Ҳақиқатан ҳам, илму фанда Беруний, Ибн Сино, Фаробий ва Улугбекдек буюк боболаримиз ва шеърятда Навоийдек тенги йўқ аждодларимиз бўлсаю аммо халқимиз ўз юртида эркин бўлолмасе, бундан ортиқ адолатсизлик ва ноҳақликлар бўладими? Эркинликимиз шу даражада эдики, Ўзбекистондай она юртимизда Ўзбек тилимиз Давлат тили даражасида ҳуқуқ ва имкониятга эга эмас эди. Шундай кун келарки, ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинар. Биз истаган идоранинг эшигини қоқиб, ўзбек тилида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлармиз. Кекса оталаримиз, оналаримиз иж-

роқўм эшигида, вокзал кассаси олдида тил билмагани учун абор бўлиб, тилмоч қидириб ўтирмаслар. Бу халқимиз қалбидаги юксак бир орзу-армони эди.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳақиқатни холисона эътироф этиб ўтмоқчимиз. Мумтоз адабиётимиз соҳасида жиддий тадқиқот ва изланиш олиб бораётган юзлаб адибу тилшунос ва адабиётшунослар ичида Ўзбек тилимизга Давлат тили мақоми берилиши ва Навоийнинг тенгсиз сиймо эканлиги, беқиёс ижоди ва юксак санъаткорлиги ҳақида Эркин Воҳидовчалик теранлик ва шарқона нуқтадонлик билан ёзган ижодкор камдан-кам топилади. Эркин Воҳидовнинг сўнгги асари "Сўз латофати" ҳам Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асаридан таъсириланиб ёзилган бўлиб, бу асар ҳам она тили ва адабиётимизнинг жозибдорлигини кўрсатувчи маърифат сабоғи бўлиб хизмат қилади.

Афсуски, ёшларимизда она тили ва адабиётимизни ўрганишга меҳр ва иштиёқ сустлашган ва савдохонлик ҳам паст. Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш тестиде Она тили фани шарт қилиб қўйилиши тўғри. Лекин бўлажак филолог ва педагог-ўқитувчилар она тили ва адабиётдан иншо ёзишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бошқа йўналишларда ҳам Ўзбек тили, адабиёти ўтилиши зарур. Аммо тилшуносликнинг илмий-назарий тушунча ва қодалари мажмуасидан иборат фан сифатида эмас, бадиият ва нафосатни қалбан англаш, мустақил фикрлаш ва ижодий мушоҳадага ўргатувчи санъат даражасида ўтилса, ёшларнинг комил инсон бўлишида беқиёс аҳамият касб этиши мумкин.

Бу жиҳатдан Навоий номли Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг таниқли олимларининг таклифи эътиборга лойиқ: "Олий ўқув юртларида нутқ маданияти, адабиёт ва ўзбек адабий тили бўйича таълимни давом эттириш йўллари топиш ва шу талабга мос намунавий режалар, фан дастурлари тузиб, амалиётга татбиқ этиш вақти етди."* Бинобарин, ёшларимиз мумтоз асарлар (шеър ва бадиий матнлар)ни тушуниб ёд олиш, улардаги бадиий сўз жилолари ва тағмаъноларини ҳаёт билан ва инсон руҳияти билан боғлаб таҳлил этишни ўргансалар айна муддао бўларди. Шу муносабат билан бир-икки мисол келтирайлик. Навоийнинг қуйидаги сатрларининг бадиияти ва гоъвий-бадиий маъноси ҳақида кўпчилик талабалардан сўралганда, айримлари умумийроқ тарзда ҳаминқадар жавоб беришга интилди. Ҳолбуки, шу икки сатрда ҳам Навоий инсон умри мазмуни ва камолоти даражасини теран ифода эта олган:

"Киши агар киши бўлса, ўзин киши демагай,

Қилурда ҳеч ишин ҳам киши иши демагай"

Кейинги мисраларда эса назм - сўз санъатининг ўзига хослиги ва бадиий ҳақиқатнинг талабчан китобхонларга ҳам кучли таъсир этиши шарқона ҳикмат тарзида ёритилган:

"Сўз ичраки ёлғон эрур нописанд,

Чу назм эттилар қилди доно писанд"

Ёки турли вилоятларимиздан келган юзлаб талабаимиздан Чўлпоннинг 1919 й. ёзган "Ўзбегим" шеърини ўқиган-ўқимаганлигига қизиқдик ва шеърдаги

"...Дунёда ҳамма халқ қизиққан
гавҳардек бебаҳо от эди,
Хуррият бўлганда сен келдинг
минайн семирган отга деб..."

сатрлари замирида ифодаланган маъно ва туйғулар ҳақида фикрларини сўраганимизда, афсуски, кўпчилиги уларни таҳлил қилишга ва муҳим фикр айтишга ва мисралардаги фахр ва армон туйғуларини англашга қийналдилар.

Баъзи таниқли танқидчи ва адабиётшуносларимизнинг мақола ва тадқиқотларида бадиий асар тили масаласига деярли эътибор берилмаслиги ҳам номақбулдир. Етук бир шеър, дoston ё хикоя, қисса ё роман ҳақида тақриз ё салмоқли мақола ёзсагу, ўша бадиий асарнинг тили, услуби ва муаллифнинг сўз санъаткорлиги ҳақида деярли фикр юритмасак, шуни адабий таҳлил ва тадқиқ деб атаб бўладими?

Бугунги кунда телерадио дастурлари бойигани ва Ўзбек тили-адабиётимиз ва

бой тарихимизни ўрганишга бағишланган туркум кўрсатувлар мунтазам берилаётганлиги ёшларимиз таълим-тарбияси ва маънавиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Лекин баъзи телешоулар рекламаларида маънисизлик ва шовқин кўпайиб кетяпти: "Войдод караоке" кабилар ўрнига миллий руҳ ва мазмундаги сўз ва иборалар танланиши мумкинку.

Санъаткор ва олимларимиз долзарб мавзулардаги чиқишларида фикрларини адабий тилда ифодаласалар эди. Масалан, таниқли актёрларимиздан Тоҳир Саидов нутқи, фикрлари ибратли, Хоразм шеvasи сезилмайди. Ёки кўплаб шеърларни ёддан ва таъсирчан ўқийдиган халқ артисти Теша Мўминов сингари моҳир санъаткорларимиз таълим муассасаларида ифодала ёқши санъати дарсларига таклиф этилса, ёшларимиз она тили ва адабиётнинг сехри-жозибасидан кўпроқ баҳраманд бўлиб, қалб-шуури эзгуликдан мунаввар бўлади.

— — — — — СЎНГГИ СЎЗ — — — — —

У энг аввал яралмиш,
Келиб бўғзим қадалмиш.
Номи кўнгил аталмиш
Хазинамда турди СЎЗ...

Ижод асли оловдир,
Халққа ёқса қаловдир.
Эл назари синовдир,
Довонимда турди СЎЗ...

Шеър муаллифи: Сайфиддин Окаев, "Мард ўғлон" ордени соҳиби

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://www.uza.uz>
2. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Тошкент. 2014. 144 б.
3. Абдулла Қодирий. Диёри бақр. Тошкент. 2007. 472 б.
4. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. 6-т. Тошкент. 471 б.
5. Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент. 1991. 574 б.
6. Эркин Воҳидов. Асарлар. 1-т. Тошкент. 200. 416 б.
7. Баҳодир Каримов. Ҳақиқий зиёлининг рутбаси ёхуд таълим хусусида жиддий бир таклиф. 1 йилга назар. Тошкент. Академнашр. 2018. 127-б.

ЁЗУВЧИЛАРНИНГ АМИРИ - ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ

Усмонжон ҚОСИМОВ - филология фанлари номзоди, доцент
Жиззах давлат педагогика институти

2019/3-СОҲ

Аннотация

В статье изучается своеобразие многогранного творчества Абдуллы Кадыри, рассматривается художественное мастерство великого романиста

Ключевые слова: Творчество классиков, литературно-эстетические взгляды, традиция и новаторства, мастерство художественного языка, искусство слова.

Abstract

This article studies some thoughts about the emir of the Uzbek writers Abdulla Kodiriy creative work and its importance nowadays.

Keywords: classic literature, literal-esthetic tradition, artistic language, word art

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажгимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади"[1].

Миллионлаб ватандошларимиз ва неча минглаб хорижлик мутафаккирларнинг яқдил фикри мужассам бўлган бу таъриф кўп асрлик мумтоз адабиётимизга қанчалар муносиб бўлса, ХХ аср ўзбек адабиётининг дурдона асарларига нисбатан ҳам шундай ташбеҳни қўллаш муболаға бўлмайди. Сўнгги йилларда халқимиз қалбида муқаддас Қуръони карим ва муборак ҳадисларга бўлган имон-эътиқоди ортиб, Ислому маърифати кенг ёйилаётганлиги бадий сўзнинг асл мақсад-моҳияти, ҳаётий ва руҳоний илди-манбаларини ва Навоий, Қодирийлар ижоди ва беназир сиймоларини чуқурроқ идрок этишимизда ҳам муҳим асос бўлади. Ҳазрат Навоийнинг улкан истеъдоди ва беқиёс ҳақғўйлигининг ёрқин бир ифодаси бўлган ижоди Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор каби кейинги давр адиблари ижодида ва ижтимоий-эстетик позициясига ҳам кучли таъсир кўрсатганлиги айна ҳақиқатдир. Истиқлолдан сўнгги йилларда Навоий ижоди, ёрқин шахсияти ва улкан маънавий-маърифий ишлари ҳамда унинг ҳаётбахш адабий-эстетик аъёнлари ҳозирги замон шоир ва ёзувчилари томонидан ижодий давом эттирилаётганлиги нафақат ўзбек адабиётшунослигида, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бир неча хорижий давлатларда ва ҳамдўстлик мамлакатларида Навоий ҳайкали ўрнатилиши ҳам бу улғ сиймога ва халқимизга, маънавиятимизга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

Таъкидлаш лозимки, Навоий ижоди ва сиймосига юксак эътиқод ва эҳтиром билан муносабатда бўлган Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Тоғай Муродлар ҳам адабиётга, ижодкор шахсияти ва бурчига жуда катта масъулият билан ёндашган. Етуқ матншунос Отабек Жўрабоев аниқлашича, Абдулла Қаҳҳор Навоий ижоди-

Асрлар давомида ўз эрки ва озодлиги йўлида курашиб, гоёта машаққатли ва суронли даврларни бошидан кечирган матонатли халқимизнинг шонли тарихи қанчалар залворли ва шуқуҳли бўлганидек, унинг бадий инъикоси бўлган адабиёти ҳам шу қадар бой ва ранг-баранглиги билан дунё тамаддунида алоҳида ажралиб туради.

га, буюк сиймосига кўп бора мурожаат қилган ва ул зотнинг ижодкор шахси ва бурчи, бадий тил ва сўз санъати соҳасидаги теран қарашлари ва адабий сабоқларидан ишончли ва мўътабар манба сифатида ижодкорона фойдаланган, улардан маънавий-руҳий мадад олган[2].*

Тарихий ва адабий манбалардан бизга маълумки, ҳукмрон шўро тузуми мафқураси таъйиқи остида мумтоз адабиётимиз вакиллари шахси ва ижоди чуқур ўрганилмасдан, аксинча, бирёқлама, ноҳолис баҳоланиб келинган. Мустамлака йилларида ва мустабид шўро даврида бой тарихимиз ва адабиётимизни холисона ўрганиш ва улар билан фахрланиш имкони бўлмаган ва бундай ҳаракатлар "ўтмишни идеаллаштириш, миллатчилик" деган тамгалар билан қораланиб, таъқиқлаб қўйилган. Ана шундай салбий қарашлар ва мафқуравий чеклашлар оқибатида тарихимиз ва миллий қадриятларимиз камситилиб, унутишга маҳкум этилган эди. Яъни 1917 йил Октябрь "инқилобигача бўлган даврда ўзбек адабиёти хон ва беклар учун ёзилган сарой шеърятидан ёки диний мазмундаги асарлардангина иборат бўлган", - деб, бутунлай қораланиб, ҳатто инкор этишгача бориб этилган[3,515].

Мустамлака даври ва шўро тузуми мафқурасининг ҳукмронлиги йилларида ҳам бундай бедодлик ва таҳқирлашлар авжига чиққан. Миллати ва халқига садоқатли адибларимиз, хусусан, Абдулла Қодирий ва "Ўткан кунлар" романи бадном қилиниб, ўзининг ноҳақ айбланиши ўша даврдаги муджиш сиёсатнинг қабиҳона кирдикорларидан бири эканлиги ёш авлодларимизга сабоқ бўлиши лозим. Илк ўзбек романи халқимиз томонидан севиб ўқиётган 1922 йили М.Шевурдиннинг машъум мақоласи эълон қилинган: "Ўзбекларнинг биринчи романи- Қодирийнинг романи гоёвий жиҳатдан бизга ётдир. Унда эскича одат, Қуръон, ўтмиш, "олижаноб қадим замонлар" тарғиб қилинади. "Ўткан кунлар"нинг салбий томонларини ҳатто унинг жуда катта бадий қимматга эга экани билан ҳам оқлаб бўлмайди. Муаллифнинг гоёвий хатолари бирмунча зарарсизлантирилгандан кейингина романни ўрис китобхонига тавсия этиш мумкин" [12].

Халқимиз ва адабиётимизнинг фахри бўлган Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор каби йирик адибларимиз ижоди адабиётшунос ва тадқиқотчилар томонидан анчадан буён ўрганилиб келинаётган бўлса-да, аммо бу бетакорор ёзувчиларимизнинг йирик сиймоси ва ўзига хос ижодиёти ҳали етарли даражада ёритиб берилган дея олмаймиз. Нодир "истеъдоди билан ўзларининг юксак маънавий кўрғони ва бадий оламини ярата олган ва абадиятга даҳлдор" [5,3]. Улуғ адибларимиз ҳаёти ва ижодини анча кенг ўрганиб, улар ҳақида жиддий тадқиқот ва асарлар яратган академик И.Султон ва таниқли

адабиётшунос А.Алиевларнинг куйидаги фикрлари 70-йилларда билдирилганлиги ўқувчини жиддий ўйлашга мажбур қилади: "Ёзувчи Отабек ва Юсуфбек ҳожилар билан бирга халқ орасида ўсиб келаётган революцион ғояларни ташувчи, эксплуатацияга асосланган бутун феодаллик системасига тубдан қарши бўлган прогрессив кучларни пайқолмайди. Абдулла Қодирийнинг ғоявий етуксизлиги, айниқса, миллатчи Чўлпонга бўлган муносабатида кўринади: Чўлпоннинг "Тонг сирлари" шеърий тўпламига ёзган сўзбошисида тўпламга кирган асарларнинг реакцияно моҳиятини очиб беролмайди, автор пессимизмини фош этолмайди" [6]

Адабиётни, ёзувчиликни "муқаддас вазифа" деб билган Абдулла Қодирий Навоий аънаналарига кўра ижодни миллат равнақи йўлидаги "муқаддас иш" деб атади. Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳор каби-эътиқоди юксак адиблар ҳар қандай шароитда ҳам бу олий мезондан чекинмаганлиги ҳам юксак садоқатидан далолатдир. Улар ижодкорлик масъулияти, миллат олдидаги бурч масаласига виждон, имон-эътиқод нуқтаи назаридан ёндашганлиги бутун ижодий фаолиятида ва теран адабий-эстетик қарашларида ҳам ёрқин акс этиб туради. "Агар ёзувчи тоза виждонли бўлса, унинг учун ёзиш кун сайин қийинлашади" (А.Қаҳҳор)

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов улар кўрган ноҳақлигу фожеаларнинг асл сабаб-оқибати ҳақида армон билан мушоҳада юритиб, жумладан, Фафур Фулом ижоди ва унинг мураккаб қисмати ҳақида шундай ёзади: "Фафур Фулом ўз сафдошлари қаторида ғоят мураккаб, ғоят зиддиятли, таҳликали бир даврда яшаб ўтди... Мустабид империянинг беомон мафқураси, мустамлакачилик сиёсати минглаб ҳаққўйларнинг бошини ейишга улгурди, қанчадан-қанча истеъдод эгаларининг бўйнига бўйинтуруқ солишга эришди. Бу сиёсатнинг яна бир даҳшатли томони, у бутун-бутун халқларни темир қафас ичида сақлаб, шодиёна кўшиқлар айтишга мажбур қилди. Ногорасига ўйнашни хошламаганларни қатл қилди, қувғин остига олди. Шу тариқа ўзбек халқи ўнлаб бекиёс фарзандларидан бевақт айрилиб қолди. Мадҳиябозлик кўп миллат атли улкан адабиётнинг оммавий таомилига айланган эди. Не-не гўзал ташбеҳлар, чакмоқдек мисралар сомон орасидаги қаҳрабо буғдой доналаридек назардан қолиб кетар эди. Ушбу аччиқ ҳақиқатни, айниқса, бугунги ёшлар теран тушунмоқлари керак"[7,5]

Бу фикрларга қўшимча қилиб яна бир ҳолатни эслаб ўтиш мумкин. Даврнинг маккор мафқураси кўплаб ижодкорларимиз учун бўйинтуруқдай осиб қўйилганини ўша йиллари Абулла Қодирийга ДИНга қарши асарларни таржима қилишни мажбуран топшириқ берилганлиги ҳам Архив ҳужжатларида сақланган [8]. Бу қабиҳона таъқиб ҳам Абдулла Қодирийдек улкан бир истеъдоднинг ачинарли тақдирига далил. Халқимизнинг бундай нодир истеъдодлари бошидан кечган ноҳақликларни янада аниқроқ тасаввур қилиш ва уларнинг фожеали қисмати га чуқур ҳамдардлик ва армон туйғуларини ҳис этишимизда шоирнинг ана шу улғу устозларга бағишланган бир шеъри муҳимдир:

**Марҳум устозларим, Аҳли шуаро,
Рухимнинг оҳанги-сурудасиз.
Бирингиз китоблар бағридасиз жо,
Бирингиз Чигатой худудидасиз...
Ҳасаду хусумат эзмасин нечоқ,
Сиз шеърдан олибсиз аламни доим.
Олис кечаларда айлабсиз чароқ
Куйиб кўмир бўлган қаламни доим.
Бахтиёр кунларни куйла, деган он
Шоирлар битибсиз қонингиз билан.
Ўзи йўқ кўрғонга бўлибсиз қалқон,
Соддадил, фидойий жонингиз билан...**

Бундай шеърлар буюк Навоий аънаналарининг бардавомлигини кўрсатиши билан бирга танқид ва адабиётшунослигимиздаги айрим бирёқламаликларни олдини

олишга ва адабий жараённинг мураккаб ва зиддиятли тарзда кечишини ҳамиша ёдда тутиш зарурлигини аңлашга ёрдам беради. Лекин шуни ҳам чуқур ишонч билан айтиш мумкинки, Қодирий ва Қаҳҳорлар ўзларининг мустақкам эътиқодига ва муҳим адабий-эстетик принципларига изчил амал қилган ва ҳамиша халқимизга ва адабиётимизга содиқ қолганлар. Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг суддаги "Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса "их" дейдирган йигит эмасман" деган мардона сўзларини, Анварнинг "Ўрдадаги тўкулиб турган гуноҳсиз қонлар, доим тевақаддан эшитилиб турган оху зорлар маним юрагимни эзадир, тинчлигимни оладир. Мен бундай виждонсизлик учун яратилмаган ўхшайман" деган изтиробли сўзлари ва фавқулдда катта жасорат билан Худоёрхонга қарата "Сизда адолат борми, жаноб?", дея олганини кўз олдимизга келтирайлик. Ёхуд мустабид тузум қаҳридан кўркмай-1956 йилда Ёзувчилар уюшмасидаги партия вакилини "ўзбек адабиётининг жаллоди" деб айта олган Абдулла Қаҳҳорнинг жасоратини хаёлимизда жонлантирайлик [9]. Ниҳоят, 1967 йили Абдулла Қаҳҳорнинг нуфузли минбарда туриб, коммунистик партиянинг улкан арбоблари ҳузур ида "Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман!" деган сўзлари ҳам Навоий ва Қодирийнинг ҳаққўйлиги ва ижодий жасоратининг Қаҳҳорона намунаси бўлган деб айтсак, адабий-эстетик тафаккур тарихининг яна бир ҳақиқатини ифодалаган бўламыз.

Адабиёт ҳаёт ва давр воқелигини бутун мураккаблиги билан кенг акс эттиришдек оғир вазифа ҳамиша ўша даврнинг етакчи шахслари, яратувчи қаҳрамонлар характери ни тўлақонли тарзда ифодалаш орқали амалга оширилган. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирийнинг машҳур фикр-лари алоҳида эътиборга молик: "Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дос тончилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг "Тоҳир-Зухра"лари, "Чор дарвеш"лари, "Фарҳод-Ширин" ва "Баҳромгўр"лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз". Янги давр адабиётининг таъмал тошини қўйган ва ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибимизнинг бу фикрлари нафақат ўзи учун, балки кейинги адабий авлодлар учун ҳам ўзига хос бир ижодий дастур бўлиб хизмат қилганлигини кўплаб мисоллар билан далиллаш мумкин.

Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари, муқаддас динимиз ва мумтоз адабиётимиз, хусусан, Навоий ижодига ихлос-эътиқоди адиб асарлари ва асосий қаҳрамонлари орқали ҳам акс этиб туради. Чунончи, ҳар икки романнинг бош қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъноларнинг юксак инсоний фазилатлари, бой маънавияти ва руҳияти улар ўқиган диний ва бадий китоблар билан шаклланганлиги бугунги ўқувчиларга ҳам ибрат бўла олади. Халқимизнинг севимли қаҳрамонларига айланиб кетган бу образларни, хусусан, Кумуш ва Раънодек ҳар жиҳатдан мукамал қизлар образларини яратишда ёзувчи М.Бегжонова каби адабиётшунослар айтганидек, рус адиби Гоголдан ёхуд Ва льтер Скотт ва Журжи Зайдон асарларидан эмас, балки энг аввало, Навоий дostonларидаги Лайли ва Ширин каби ёрқин тимсоллардан таъсирлангани ҳақиқатга яқин[10]. Ўн тўрт ёшли Раъно "ибтидоий мактаб дастуридаги барча дарсларни битиргани, масалан: диний қисмдан -"ҳафтияк", "Куръон", "Чаҳор китоб", "Сўфи Оллоёр", "Маслаки муттақин"; адабиётдан-Навоийнинг барча асарлари, "Девони Фузулий" "Лайли ва Мажнун", Амирий, Фазлий ва шулардек, чигатой -ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан Хожа ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил; ҳуснихат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бир томондан қизларга сабоқ бериб, онасига кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасидан қофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайх Саъдийнинг "Гулистон"идан дарс олади ва шунинг қаторида ўзи яши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг бадий асарларидан алоҳида бир мажмуа тузиб юрийдир"

[11,396]* (Меҳробдан чаён",396-б.)

Қодирийнинг ёрқин инсоний характер яратиш маҳорати ва инсон руҳиятини тасвирлаш хусусидаги қарашлари жаҳон адабиётининг машҳур адибларининг фикрлари билан мос ва ҳамоҳанг. Масалан, XIX асрда ёзувчиларининг кўпчилиги билан Чехов каби улуғ адибларнинг ҳавасини келтирган Норвегиялик машҳур адиб Нобель мукофоти лауреати Кнут Гамсун ҳам гарчанд, у мамлакатда бизнинг юртимиздаги каби мустамлакачилик ва коммунистик мафқуранинг репрессия сиёсати ижодкорларни оммавий қирғинга маҳқум этмаган бўлсада, адабиёт учун ижодий эркинлик ва инсон қалби ва кечинмаларини ҳаққоний акс эттириш асосий мақсад бўлишини орзу қилиб, 1890 йилда ўзининг ижодий кредосини шундай ифодалаган: "Мен учун персонажларимнинг хатти-ҳаракатлари йиғиндисини тавсифлаш етарли эмас. Мен учун уларнинг ички дунёсини ёрқин тасвирлаш зарур, уларнинг қалбидаги ҳис-туйғуларни худди микроскоп орқали кўргандек энг нозик қирраларигача акс эттириш муҳимдир"[11]

Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг шаклланиши ва тарақиётига бекиёс ҳисса қўшган ва жаҳон адабиёти тарихида янги ўзбек романчилигига асос солган Абдулла Қодирий кўпқиррали истеъдод соҳиби эди. У чуқур миллий руҳ билан сўғорилган ва юксак бадиий маҳорат билан яратилган "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари, "Обид кетмон" қиссаси ва қатор ҳикоялари билан XX аср ўзбек реалистик прозасини янги ва юқори бир босқичга кўтаришга муваффақ бўлган устоз адибдир. "Абдулла Қодирийнинг 20-йил ларда яратган романлари гўё теп-текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари каби вужудга келгандай пайдо бўлди" (Мухтор Аvezов). Бу Қодирийнинг чинакам новатор ижодкор эканлигининг самимий ва юксак бир эътирофи.

Қодирийнинг буюк сўз санъаткорлиги, аввало, шундаки, бу романлар ўзбек халқининг асл табиати, теран тафаккури, руҳий олами, миллий ўзига хосликлари нақадар ёрқин ва ҳаққоний тасвирланганлиги билан ҳанузгача тенгсиз дурдоналар бўлиб саналади. Абдулла Қодирий ўз романлари билан халқ ҳаёти, дарди, орзу-аъмолларини теран тасвирлаш, миллий характерлари ва уларнинг ўй-кечинмаларини ҳаққоний ифодалаш ва ўзбек тилимизнинг бойликлари ва бекиёс имкониятларидан моҳирона фойдаланишнинг ажойиб намунасини яратиб берди. Эндиликда бу романлар нафақат ўзбек адиблари учун, балки кўплаб миллий адабиётлар намоёндалари учун ҳам юксак бадиий маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, ҳар икки романда меҳнаткаш халқнинг эрк ва озодлик йўлидаги онгли ва ҳақли бир исёни ва чоризмнинг машъум сиёсатиға қарши адолатли ҳаёт-мамонт курашга бел боғлагани ёрқин акс эттирилади. Чунончи, "Ўткан кунлар" хотимасида асар қаҳрамони ҳаёти хусусида шундай дейилади: "1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек хожи Қаноатшоҳдан хат олди Қаноатшоҳ Авлиёотадан шундай деб ёзар эди: "Ўғлингиз Отабек яна бизнинг киши билан кўшинда эди. Авлиёота устидаги чор аскарлари билан тўқнашувимизда биринчи сафи мизни шу икки йигит олди ва урушда қаҳрамонона шаҳид бўлишди. Мен ўз кўлим билан иккисини ҳам дафн этдим".

Отабекдек илғор дунёқарашли ва комил инсоннинг тақдири бундай якунланиши бежиз эмас эди. А.Қодирий мана шу эпизод орқали ҳам тарихий ҳақиқатни чуқур ифодалашга муваффақ бўлган: ҳижрий 1277 сана милодий 1861 йилга тўғри келади. Бундан маълум бўладики, Отабек каби минглаб йигитларимиз ватанимиз химояси йўлида рус кўшинлари билан Тошкент яқинида бўлган муқаддас жангларда ҳалок бўлганлиги ҳам чор империясининг Туркистонда амалга оширган ваҳшийларча хунрезлигининг рад этиб бўлмас далилидир. Ниҳоят, Отабекнинг ёлғиз фарзанди Ёдгорбек қисмати ва ундан қолган икки ўғилнинг биттаси бу кунда (совет даврида) Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб,

"Иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан"-лиги ҳам ўқувчини чуқур ўйга солади. Балки бу ўлкамизда Октябрь инқилобидан кейин ҳам давом этган толатўплар, босқинчилик ва зўравонлик сиёсатиға қарши халқ қалбида уйғонган ҳақли норозилик ва мунгли дардга ишора. Романнинг бу жиҳатлари ҳам истиқлол даврида кенг ўрганилмоқда.

Ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятидан келиб чиқиб ёндашилса, кичик бадиий детал ҳам адибнинг ноёб бир бадиий кашфиёти эканлигига ва унинг асарда фавқулудда катта аҳамият касб этишиға ишонч ҳосил қиламиз. Масалан, Отабек ва Кумуш Фузулийдек ҳассос шоирнинг дардли шеърларини бирдек берилиб мутолаа қилар экан, демак, улар икковлари ҳам ўқимшли ва зиёли бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу биргина жумла ҳам ("Фузулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?") чуқур бир ҳақиқатдан, яъни Отабек ва Кумушнинг худди узукка кўз кўйгандек бир-бирларига муносиблиги, уларнинг қалби ҳам, ҳис-туйғулари ҳам, маънавий-руҳий олами ҳам бир-бириға ҳамоҳанг ва муштарақлигидан далолат. Халқимизнинг тарихий ўтмиш ҳаётидаги бундай деталлар яна бир муҳим хулоса чиқаришға асос бўлади: собиқ шўро даврида бот-бот такрорланиб, эндиликда миси чиқиб қолган эски бир уйдирма, яъни эмишки, "Октябрь инқилобидан илгари ўзбек халқи ёппасиға саводсиз бўлган" деган сўзларнинг тўхмат эканлигини ҳам тасдиқлай олади[12]. Худди шундай тарихий ўтмишнинг бир лавҳаси А.Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртақлар" қиссасида ҳам акс этган. Булар ҳам ўтмишда нафақат олий мадраса ва макт абларда, балки кўплаб хонадонларда, масжид ва меҳмонхоналарда ҳам бедилхонлик ва навоийхонлик, машрабхонлик ва фузулийхонлик урф-одат, ибратли бир анъана бўлгани рад этиб бўлмас тарихий ҳақиқатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ёзувчилар ва санъаткорлар билан учрашувда сўзлаган нутқи. "Халқ сўзи". 4 август, 2017.
2. О.Жўрабоев. Навоий ижоди Абдулла Қаҳҳор талқинида. А.Навоий ва XXI аср Республика илмий-назарий анжумани 8.2.2018.
3. Икрамов А.Избрание.соч.в трёх томах.т.2, 1973. стр.515.
4. Ҳ.Каримов. Истиқлол даври адабиёти.Т.2010.
5. Б.Каримов. XXаср Ўзбек шеърляти антологиясига сўзбоши.Т.2007.3-б.
6. И.Султон. Асарлар 2-т.343-б., А.Алиев. Ижод ва изланиш. Т.1976, 76-б.
7. Абдулла Орипов. Ўзбекнинг ўз шоири. Фафур Фулом.Танланган асарлар 2003.6-б.
8. Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов, О.Шарафиддинов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи.1999.
9. О.Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Тошкент, 2004.
10. Гамсун Кнут. Голод. Москва.Иностранная литература с.692.
11. Ўзбекистон ССР тарихи. ЎзРФА Тарих ва Археология инст. 4 том. Т., Фан,1971. 344б
12. ("За партию" журнали, 1928 №3,88-96-бб.)
13. М.Бегжонова. Гоголь и Кадири. Т.1982.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ СТРАТЕГИК МАҚСАДИ — ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ХУСУСИДА

Жўрабой ЯХШИЛИКОВ - фалсафа фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Хар қандай шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқ, давлат ва жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади ва уни амалга оширишга қаратилган вазифалари бўлади

Ўзбекистон ҳам мустақилликни кўлга киритган, ўз олдига ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни бош стратегик мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ривожланишлар кўлами акс этмоқда, жамият ҳаётида муҳим ислохотлар тизимли амалга оширилмоқда. Демак, "Бизнинг бош стратегик мақсадимиз - ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир" [1, 28].

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим шаклларида бирини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ташкил этади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти - бу турли мулкчиликка таянган иқтисодий эркинликка асосланган, соғлом рағбат орқали тартибга солиниб демократик тарзда фаолият юритадиган, кучли ижтимоий ҳимоя қўйиш натижасида аҳолининг кескин табақаланиб кетишига йул қўймайдиган, ҳар бир инсоннинг эҳтиёж ва манфаатларини тўлиқ қондиришга қаратилган, давлат томонидан бошқарилиб туриладиган ижтимоий-иқтисодий тизимдир [2, 21].

Ҳуқуқий демократик давлат - ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, Қонуннинг устунлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги таъминланадиган давлатдир. Академик А. Саидов ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларига ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, уларнинг ҳимоя қилиниши ва таъминлиниши, давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти, жамиятда ҳокимиятнинг қонунийлиги (легитимлиги), ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақилиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши, ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражада эканлиги. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви, сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолатланиши, халқ давлат бошқарувида доимо иштирок этиши, ривожланган фуқаролик жамияти шаклланиши кабиларни киритган [3, 19-20].

Ҳуқуқий демократик давлатни бунёд этишдаги энг устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: "Қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаро-

Аннотация

В данной статье анализируется основная стратегическая цель Узбекистана, её роль в обеспечении социального развития, а также в создании правового демократического государства, основанного на социально ориентированной рыночной экономике, формировании и развитии гражданского общества.

Ключевые слова: общество, гражданское общество, социальный, рыночная экономика, право, демократия, государство, главная стратегическая цель, социальное развитие, благосостояние человека

Abstract

This article analyzes the major strategic goal of Uzbekistan, building a legal democratic state based on socially oriented market economy, formation and development of civil society, their role in social development.

Keywords: society, civil society, social, market economy, law, democracy, government, major strategic goals, social development, human welfare.

ларни қонунга ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур", [4, 105]- деган эди.

Кишилик жамияти узоқ давом этган эволюцион ривожланишлардан сўнг онг ва ирода қобилиятига эга бўлган индивидларнинг уюшмаси сифатида пайдо бўлган оламшумул феноменлардан бири ҳисобланади. Ҳўш, шундай экан аслида жамиятнинг ўзи нима, деган савол туғилади. Жамият - бу кишиларнинг манфаатларини ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида, уларнинг ўзаро бирлашуви ва кишилар ўртасидаги иқтисодий, ахлоқий, маънавий ҳамда бо- шқа ижтимоий муносабатлари йиғиндисидан ташкил топган мажмуасидир.

Жамиятнинг субъекти бўлиб фуқаролар, миллатлар, элатлар, синфлар, гуруҳлар табақалар қатнашади. Унда биологик қонунлар эмас, ижтимоий қонунлар ҳаракат қилади ва куйидаги учта назарий хулоса келиб чиқади: биринчидан, кишилик жамияти турли ижтимоий иқтисодий босқичларга бўлинади. Иккинчидан, ижтимоий турмуш иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади. Учунчидан, ижтимоий муносабатнинг субъектлари шахс, оила, миллат, элат, синф ва турли табақалардир.

Фуқаролик жамияти - бу инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган, унинг манфаатлари устуворлиги, ҳуқуқий аънаога қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик муҳити шаклланган, умуминсоний қадри-

ятларни эъзозлаш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз амалга ошириши кафолатланган, жамоатчилик назоратида самарали фаолият кўрсатаётган демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, юқори маънавий-маданий қадриятларга асосланган инсоний муносабатлар ҳукмронлик қилувчи адолатли, эркин ижтимоий макондир. Фуқаролик жамиятининг асосий белги ва хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши. Меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

- жамият мазмуни, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятининг хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

- хусусий мулк барча мулк шакллари катори раванқ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида ўрин тутиши;

- фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бир хил ҳуқуқга эгаллиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи қосбон идорага айланиши;

- шахснинг хусусий ҳёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

- шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкӣ ва иқтисодий мустақиллиги;

- давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқининг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши. Фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

- фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги [5, 171-172].

Давлат, ҳуқуқ ва жамият муайян алоқадорликдадир. "Жамият" - нисбатан кенг тушунча. Давлат унинг ичида мавжуд бўлади. Давлат ҳуқуқ келтириб чиқаради, аммо ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йуналитиради. Жамият давлат ва ҳуқуқ таъсирида у ёки бу томонга ўзгаради. Ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлиб, давлат учун ҳам, жамият аъзолари учун ҳам муҳимдир.

Фуқаролик жамияти давлатнинг фуқаролари, уларнинг ихтиёрий равишда бирлашган гуруҳ, жамоа ва ташкилотлари, яъни ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган кишилардан иборат жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг мажбурият кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг бевосита ўзлари, уларнинг жамоалари орқали онгли равишда бошқариб туриладиган ва катъи тартиб - интизом қарор топган жамиятдир. Бундай жамият бошқа жамиятлардан ўзини ўзи

юксак даражада ташкил этиши ва бошқариб туриши билан ажралиб туради. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Унда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари кенг жамоатчилик назоратида бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади ижтимоий йуналиштирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожланишдан иборат экан, уни амалга оширишдаги устувор вазибалар қуйидагилардан иборат:

Сиёсий соҳада: Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш - мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг асосий йўналишидир.

Иқтисодий соҳада: Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тусикларни бартараф этиш - бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир.

Ижтимоий соҳада: Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолаверади.

Маънавий соҳада: Маънавий қадриятларимизни илмфан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йул қўймаслик бу борадаги асосий вазибаларимиздир. Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг "Дилинг-Аллоҳда, қўлинг - меҳнатда бўлсин" деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётӣ тамойил бўлиб қолаверади. [6, 29-30].

Умуман олганда ҳуқуқий демократик давлатнинг иқтисодий илдизларини хилма-хил мулкчилик, уларнинг дахлсизлиги; ижтимоий заминларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш, кишиларнинг ўз қобилиятларини эркин намоён қилишлари, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши, фикрлар хилма-хиллиги; ахлоқий асосларини эса инсон кадр-қиммати, эрк ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги, инсонпарварлик ва адолат принципларининг ҳар томонлама қарор топганлиги шундай ташкил қилади. Шундай қилиб, ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамиятининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи асосий таянч нуқталардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: "Ўзбекистон", 2001. - Б. 28.
2. Негматова Ш. Ўзбекистонда соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари: Монография. - Т.: "Фан", 2016 - Б. 21.
3. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. - Т.: Шарқ, 2002. - Б. 19-20.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: . - Б. 105-107.
- 5.: Одилқориев У.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. - Т.: "Шарқ", 2002. - Б. 171-175.
- 6.: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: "Ўзбекистон", 2001. - Б. 29-36.

ФУҚАРОЛАРНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ - ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК МЕЗОНИ

Акбар САИТҚОСИМОВ - сиёсий фанлари
номзоди, доцент в.б.
Жиззах давлат педагогика институти

Жамиятда ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши жараёнида инсон фаровонлиги, моддий ва маънавий манфаатларини рўёбга чиқариш устувор аҳамиятга эга бўлиб, шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва жамият ўртасидаги манфаатлар мувозанати ва ўзаро алоқалар уйғунлиги таъминланади. Алоқаларнинг мазкур уйғунлиги фуқароларда ўзаро ишонч, жамият иши учун юксак фаоллик каби ижтимоий қадриятларни вужудга келтиради. Давлат инсонлар ва ижтимоий гуруҳларга тегишли ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлар кўринишида уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга ёки ўзгартиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳоли ижтимоий аҳволи, турмуш даражасини ошириш бўйича улкан натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масалалар. Тақрор айтаман, тинчлик ва соғлиқни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз. Ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифамиз бўлиб қолади" [1].

Инсон ижтимоий муносабатларнинг асосий ўзаги бўлиб, у ижтимоий соҳанинг асосий объекти ҳисобланади, у ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирок этади, ижтимоий манфаатларга эга бўлади. У ўзи яшаётган жамиятнинг фаол аъзоси ҳисобланади, жамият ўзига хос равишда унинг мақомини белгилаб, ундан мавжуд қадриятлар, меъёрларга шундай муносабат ва содиқликни талаб қиладики, оқибатда жамият барқарорлиги мустаҳкамланади. Россиялик олим Г.Осиповнинг фикрича, "инсон жамиятда устун тартибда ижтимоий манфаатларга эга бўлиши лозим" [2, 64-65].

Жамиятда инсонларнинг ижтимоий аҳволи турли манбалар томонидан олинаётган моддий даромаднинг ҳар хил кўринишлари ҳисобига мустаҳкамланиб, моддий имкониятлари шакллантирилади. Мазкур ижтимоий ҳимоя механизмлари инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади, давлат томонидан бу борада меъёрий воситалар ишлаб чиқилади. Ш.Негматованинг таъкидлашича, "Фуқаролик жамияти шаклланишида инсон эҳтиёжлари, қизиқишларини бозор иқтисодиёти муносабатларига мос ижтимоий ҳолатга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга, чунки барча демократик, гуманистик, ҳуқуқий қадриятлар қонун мақомидаги шу тамойилга асосланади" [3, 19].

Индивидуалнинг ижтимоий манфаатлари бу билан чегараланиб қолмайди, индивидуал моддий ресурслар фақат давлат томонидан таъминланмайди. Ижтимоий соҳанинг яна шундай хусусиятлари мавжудки, у инсон эҳтиёжларини қондиришни турли, янги-янги, инновацион йўллари излаб топади, юксак инсонпарварлик туйғуларига асосланган маънавий қадриятлар ва тамойилларни юзага чиқаради. Умуман олганда, бу маконда инсон ҳаётини қайта тиклашнинг зарур ижтимоий шакллари вужудга келади. "Барча ислохотларнинг - иқтисодий,

Аннотация

В данной статье анализируются вопросы удовлетворения материальных и духовных потребностей людей в обществе, обеспечения их прав и интересов и реализации принципов социальной справедливости и стабильности.

Ключевые слова: общество, человек, потребность, материальная потребность, духовная потребность, право, справедливость, социальная справедливость, социальная стабильность.

Abstract

This article analyzes the major strategic goal of Uzbekistan, building a legal democratic state based on socially oriented market economy, formation and development of civil society, their role in social development.

Keywords: society, civil society, social, market economy, law, democracy, government, major strategic goals, social development, human welfare.

демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат" [4, 269-260].

Ижтимоий соҳани такомиллаштириш давлат томонидан ижтимоий ҳимоя тизими ҳамда индивидуалнинг ижтимоий ҳолати орқали амалга оширилади. Ижтимоий ҳимоя тизими турли хил ижтимоий қатламлар манфаатларини ўзаро боғлайди. Ижтимоий ҳимоя тизими кўпинча давлат томонидан мустақил равишда зарур фаровонликни қўлга кирита олмайдиган фуқароларга нисбатан ташкил этилади.

Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий хусусиятларидан бири инсон фаровонлиги таъминлашдир. Инсон ижтимоий муносабатларнинг асосий ўзаги бўлиб ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этади, ижтимоий манфаатларга эга бўлади. Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоевнинг таъкидлашича, "янгилаш ва ислохотларнинг мақсади инсон манфаатларига қаратилади. Албатта, бу жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирок этишларига ҳам муҳим эътибор берилади" [5, 24].

Давлатнинг ижтимоий сиёсати воситасида юзага келувчи ижтимоий ҳимоя тизими билан биргаликда ижтимоий соҳанинг муҳим элементларидан бири индивидуалнинг ижтимоий аҳволи даражаси ҳам бу борада муҳим жиҳатлардандир. "Ижтимоий мавқе" тушунчаси "Ижтимоий сиёсат" дарслигида: "Ижтимоий мавқе" аҳоли ва унинг таркибий қисмлари ҳаёти ва фаолиятининг асосий уйғун бирликдаги хусусиятларини ҳамда жамият таркибий қисмлари яшashi ва ривожланишининг ижтимоий шароитларини ҳосил қилувчи муҳим омиллари натижаси сифатида шаклланувчи ижтимоий аҳволни тушунадилар", деб кўрсатилган [6, 22].

Ижтимоий аҳволнинг тузилиши учта элементдан: индивидуалнинг эҳтиёжлари; турмуш шароитлари; эҳтиёжлар ва турмуш шароитлари ўртасидаги алоқани амалга оширувчи даромаддан иборат. Бу учта элемент биргаликда, жамият ижтимоий тузилишининг асосини, унинг хужайрасини - ижтимоий аҳволини ташкил қилади. Даромад индивидуал ижтимоий аҳволининг сезиларли ифодаси бўлиб хизмат қилади. Олим-

ларнинг фикрича, "Аҳоли турмуш даражаси бу инсон фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади" [7, 399].

Мамлакатимизда инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитини яхшилаш, моддий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш учун туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда бу борада эришилган натижаларни таҳлил қилсак, жуда мураккаб, ўта қалтис муаммоларни ҳал этиш учун ниҳоятда улкан бунёдкорлик вазифаларнинг амалга оширилганлиги аниқ бўлади.

Иқтисодчи олим Ҳ.Абулқосимовнинг фикрича, "Аҳоли ҳаёт шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий соҳанинг истиқболдаги ривожлантирилиши макросоциодий барқарорликни ва изчил юқори иқтисодий ўсиши суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техника ва технологик янгилаш асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш билан узвий боғлиқдир" [8].

Давлатнинг ижтимоий сиёсати - бу инсоннинг ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқариш. Инсонни ҳимоя қилиш ва камол топишига қаратилган сиёсатдир. Унинг мақсади оммани фаровонлигини оширишга кўмак беришдир. Бу сиёсатда иш билан бандлик даражасини белгилаш, минимал иш ҳақи, нафақа, пенсия, ижтимоий ҳимоя меъёрларини белгилаш ва бу борада тегишли масалаларни ҳал этиш борасида чора-тадбирлар олиб боришдир. Унинг асосий йўналишлари бандлик, даромад ва ижтимоий ҳимоя сиёсатидир.

Шу маънода, "Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ўзгаришлар юз бераётган, бозор муносабатлари устивор бўлиб бораётган айни пайтда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш давр тақозосидир. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасига муҳтож қатламларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатишнинг асосий қоидалари ва йўллари ишлаб чиқилди. Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор, инсон учун деган шиор ўртага ташланди" [9, 39].

Жамиятда демократик кадрларни рўёбга чиқаришнинг асосий элементларидан бири ижтимоий адолат принциpidир. Жамиятимизда ҳар бир кишининг ҳаётини фаровон, маънавий жиҳатдан бой қилишга бўйсундирилган бўлиб, бу ижтимоий адолатнинг қарор топишига хизмат қилади. Шу мазмунда, "Ижтимоий адолатнинг таъминланиши жамият барқарорлиги асосини ташкил этди, одамларнинг давлатга ва ислохотларга ишончини мустаҳкамлади. Чунки адолатпарварлик гоёси халқимизнинг онгига, маънавиятига минг йиллар давомида чуқур сингган, унинг кадрлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди" [10, 189].

Халқаро миқёсда аҳолини, шу жумладан кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари белгиланган. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" 25-моддасида "ҳар бир инсон ўзи ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмаган қолган бошқа ҳолатларда таъминланиш ҳуқуқига эга" [11].

Ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асоси шунингдек, "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро пактнинг 11-моддасида куйидагича белгиланган: "Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этади" [12, 240].

Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган муҳим ижтимоий ҳуқуқлардан бири бу ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга" [13], деб таъкидланган. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқининг рўёби учун мамлакатимизда зарур ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим

натижаларидан бири ижтимоий ҳимоя сиёсатининг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрнини ва аҳамиятининг ортиб бориши билан белгиланмоқда. "Бугунги кунда ижтимоий ҳаёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий муҳофазасини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва фуқаролар товулигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди" [14, 10].

Бугунги кунда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг замонавий тизими шакллантирилмоқда. Жамиятда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш борасида куйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади:

- инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитини яхшилаш, моддий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш учун туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларда ижтимоий соҳа тузилмаларни иштироки самарадорлигини ошириш;
- инсон эҳтиёжларини қондиришни турли, янги-янги, инновацион йўллари излаб топиш, юксак инсонпарварлик туйғуларига асосланган маънавий кадрлар ва тамойилларни ривожлантириш;

- ҳар бир кишининг ҳаётини фаровон, маънавий жиҳатдан бой қилиш, ижтимоий адолатнинг қарор топишига қаратилган вазифаларни амалга оширишда жойларда ижтимоий йўналтирилган чора-тадбирларни кучайтириш;

- инсонлар ва ижтимоий гуруҳларга тегишли ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлар кўринишида уларнинг ижтимоий аҳолини яхшилашга ёки ўзгартиришга қаратилган ижтимоий сиёсатни амалга оширишда чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш;

- оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ижтимоий шерикчиликни мустаҳкамлашдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. www.president.uz
2. Осипов Г.В. Россия: национальной идея, социальные интересы и приоритеты. Н., Фонд содействия развитию социальных и политических наук, 1997. с. 64-65.
3. Негматова Ш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари. //Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, 2018. -Б.19.
4. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Тошкент, "Ўзбекистон, 1996. -Б. 259-260
5. М.Қирғизбоев. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. / Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2007. - Б 24.
6. Социальная политика: Учебник./Под.общ.ред. Н.А.Волгина. М., Экзамен, 2002. с.22.
7. В.Салин, Е.Шпаковская. Социально-экономическая статистика. М., 2001. -С. 399.
8. Ҳ.Абулқосимов. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар. www.biznes-daily.uz
9. С.Шермухаммедов. Истиқлол қуёши. Тошкент, "Ma'rifat-madadkor", 2002 й. 39-бет.
10. А.Эркаев. Ўзбекистон йўли. Тошкент, "Маънавият", 2011. -Б. 189.
11. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. / www.insonhuquqlari.uz.
12. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. Дарслик. - Тошкент, 2012. - 240-бет.
13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 39-модда.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги (2002 йил 29-30август) маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар Дастури. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.10.

Илхом СУВАНОВ - фалсафа
фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент
Анзура СУВАНОВА - ўқитувчи
Тошкент давлат аграр
университети

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

"Ўзликни англаш", "Миллий ўзликни англаш", "Инсоний ўзликни англаш" каби тушунчалар диний ва дунёвий, демократик ва нодемократик жамиятларда турлича маъно-мазмун эга бўлиб, маълум маънода ижтимоий-фалсафада ҳам ўз ифодасини топган.

Жамият ҳаётида нодемократик тамойиллар устувор бўлган шароитда миллий ўзликни англаш эмас, аксинча, миллатни ўзлигидан бегоналаштириш ҳолати содир бўлган. Собиқ шўролар даврида "миллатларнинг бир-бирига яқинлашуви ва қўшилиб кетиши" сиёсати олиб борилди. Натижада турли миллатлар ўзининг миллий негизи: тили, дини, тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналаридан муайян даражада узоқлашди, ҳамда миллий ўзликдан бегоналашув жараёни рўй берди. Оқибатда, бу бир томондан, жамият маънавий қашшоқлашуви, иккинчи томондан, турли халқлар ва миллатлар ўзлигини англашга, миллий ўзлигини сақлаб қолишга бўлган интилишини келтириб чиқарди. Аслида, миллий ўзликни англаш халқнинг озодлиги, хурлиги билан боғлиқдир.

Мустақиллик туфайли ўзликни англашга кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 13-моддасида белгилаб қўйилганидек, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" [1].

Ўзликни англашнинг шаклланиш жараёни ва омиллари Шарқ ҳамда Ғарб алломалари томонидан ҳар тарафлама ўрганилган. Шарқ алломаларидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар ўзликни англашнинг руҳий, ботиний жиҳатларини, инсон маънавиятининг таркибий қисми, олам ва одам муносабатини билиш асоси экани каби масалаларга эътибор қаратганлар. Ғарб алломаларидан Фалес, Сукрот, Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Р.Декарт, И.Кант, Г.Гегель, Ф.Ницше, З.Фрейд, Н.Бердяев, Э.Эриксон ва бошқалар ўзликни англашнинг зоҳирий жиҳатларини, уни ижтимоий борлиқ, макон ва замоннинг фаол ижодкорлиги омили сифатида ўрганганлар. Ўзини ва ўзликни англашнинг мураккаблигини инобатга олиб - Фалес "энг қийин нарса нима?" деган саволга ўзини англашдир [20], деб жавоб берган. "Индивидуал онг - ўзини англашдир" [11], деб ёзади И.Кант. Тарихий зарурят остида "инсоннинг жамият ва бошқа кишилар билан муносабатлари жараёнида ўзини назорат этиш ва ўзини идора қилиш каби ҳаётий муҳим восита сифатида пайдо бўлган. Агар меҳнат ва жамият пайдо бўлмаганида кишида ўзликни англаш ҳам шаклланмас эди. Шундай экан, ўзликни англашсиз жамият ва ҳақиқий инсо-

Аннотация

В данной статье сделан анализ формирования и взаимосвязанного развития понятий: "самосознание", "национальное самосознание", "общечеловеческое самосознание"; осознание человеком себя не только перед своих близких, но и на основе отношений, касающихся всего человечества, а также создание широких возможностей для развития национального исторического наследия, национального самосознания и духовности личности в процессе реформ, проводимых в Узбекистане.

Ключевые слова: история, государство, общество, религия, Зороастризм, национальная идея, национальное самосознание, личность, духовность личности.

Abstract

In this article thoroughly analyzed the formation of concepts "self-consciousness", "national self-consciousness", "social self-consciousness" and their development depending on each other, self-consciousness stages of individual not only on the base of relations with close relatives, but also with whole humanity, the being created opportunities widely at present time for consciousness of national historical heritage, national self-consciousness and improvement of individual spirituality.

Keywords: history, state, society, religion, Zoroastrianism, national idea, national self-awareness, personality, spirituality of personality.

ний меҳнат ҳам муваффақиятли ривожланмас эди" [11]. Кишидаги индивидуал онг, ўзликни англаш, ўзини назорат этиш, бошқариш тарихий ривожланиш жараёнида, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар таъсирида шаклланиб борган. XVIII аср охири - XIX аср бошларидаги файласуфлар томонидан ривожлантирилган ўзликни англаш тўғрисидаги қарашлар ҳам эътиборга моликдир. Жумладан, ўша давр ижтимоий-фалсафий таълимотларида хусусан, Р.Декарт қарашларида ўзликни англаш "cogito ergo sum" тушунчаси орқали ифодаланган. Р.Декарт "Агар мен ҳар қандай нарса ва ҳодиса ҳақида фикр юритадиган бўлсам, мен ўзимни субъект сифатида мавжудлигимни ҳис қиламан", деган. Ўзликни англаш - бу фақат индивидуал ҳодиса ёки жараён бўлмай, балки жамоа ёки бирор-бир халқнинг мақсадли фаолиятдан ҳам иборат. Шу нуқтаи назардан ҳам миллий ўзликни англашнинг этнопсихологик жиҳатларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб

этади. Уни шахс ва гуруҳ, миллат ва бошқа миллат, анъанавий онг ва замонавий менталитет, этнос ва суперэтнос онги, миллий ўзликнинг меҳнат фаолиятида, миллатлараро муносабатларда, турмуш тарзида намоён бўлиши каби йўналишларда очиб бериш мумкин. "Халқ руҳи" категориясини фанга олиб кирган Г.Гегель Аристотелнинг "Рух ҳақида"ги асарига таянган. Г.Гегель таъбири билан айтганда, Рух - ўлмайдиган ғоядир[10].

Рух, қалбни ўрганишни Аристотель "Энг улугвор ва мафтункор" машғулот деб билади. У "руҳни билиш ҳар қандай ҳақиқатни билишга, айниқса, табиатни билишга кўп ёрдам беради"[7], - деб ёзади. Файласуф фикрига кўра, рух, қалб киши ва нарсанинг мавжудлик моҳиятидир[7]. Рух қалбга маконда ҳаракат қилиш, фикрлаш, ҳис этиш, билиш, ривожланишга хосдир. Шу нуқтаи назардан ҳам рух инсон мавжудлигининг ўзига хос феноменал кўринишидир. Айнан ушбу бетакрорлик мазмун-моҳиятига эга бўлган рух, аввало, инсон қалбига хатто муайян халқ, миллат ҳаётига ўзига хос моҳият бахш этади. Шу боисдан ҳам Г.Гегель биринчи бўлиб рух билан ўзликни англаш масаласини уйғунликда қаради. "Билишнинг ҳақлиги ўзликни англашдадир, ўзликни англаш эса билишнинг асосидир, чунки бошқа предметни ҳар қандай билишнинг мавжудлиги ўзликни англашдадир. Мен билманки, предмет меники (у менинг тасаввурим), шунинг учун уни билганимда ўзимни англайман"[10]. Г.Гегель ўзини англашни: 1) ўзи-ўзи учун мавжуд, "ёлғиз ўзини англаш" ёки ўз нафсига берилган ўзини англаш; 2) ёлғиз ўзини англашнинг бошқа ўзини англашга ўтиши ёки яққа ва умумийнинг бирлашиши; 3) бир-бирига яқинлашган ўзини англаш, яъни "умумий ўзини англаш"[10] даражасига ўтишига ажратади. Кейин у ушбу босқичларнинг фалсафий-психологик моҳияти ва механизмлари ҳақида фикр юритади. Ўзликни англаш, жамиятдаги муайян мураккаб ўзгаришларни оқилона идрок этиш, унда юзага келган муаммоларга оқилона ёндашишни талаб этади.

Шарқ фалсафасида рух, қалб тўғрисида кўп фикрлар билдирган мутафаккирлардан бири Имом Фаззолийдир. Унинг "Мукошафатул-қулуб", "Кимёи саодат", "Ажойибул-қулуб" каби асарларига кўра, "Рух бўлмаса тана мурдор, рух одам вужудининг аслидурким, ҳамма қолип ва бадан анинг тобъесидир"[5]. Ушбу "асли"ни танимай, билмай инсон, - деб ёзади мутафаккир, - "зоҳирингни танимоқда бош, юз, қўл, пут ва гуштдан ўзгани танимасен. Ботиннинг аҳволдан мунчалик билурсанким, вақтики ғурусна (оч) бўлсанг нон ерсан ва ташна бўлсанг сув ичарсен. Вақтики ғазабинг келса, бир кишига иззо берурсен. Ва ҳамма чаҳорпо ва ҳайвонлар бо ишларда сенинг бирла баробардурлар. Бас сенга лозимдурки. ҳақиқатингни талаб қилгайсен ва не ерга боргунгдур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва сени нима учун офарида қилубдур? Саодатинг не ишдадур?". газзолий саодатни инсоннинг ўзини-ўзи таниганида, англаганида кўради. У ёзади: "ҳеч нимарса ўзингга ўзингдан ёвузроқ эрмасдур. Вақтики, ўзингни танимасанг, ўзгани нечук танигайсан?"[5]. Бу ерда Фаззолий худони танишга даъват этади, лекин худони таниш, энг аввало, ўзлигини танишдан бошланади. У ўзидаги сифатларни камолга етказмай, бад қилиқларини мавҳ этмай, Ҳақ субҳонаҳу ва Таолани танимоққа етолмайди. Рух абдий, ўлим уни нобуд қилолмайди[5]. Бу қарашларни Фаззолий бошқа асарларида ҳам давом эттиради[6].

"Ўзликни англаш", "миллий ўзликни англаш", "умумбашарий ўзликни англаш" тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ. Инсон нафақат ўз яқинлари, балки бутун инсониятга тегишли бўлган муносабатлар асосида ўзлигини англаб боради. Айни шу муносабатлар заминида вужудга келган миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида миллий ғоя тамойиллари шаклланади, ўз навбати-

да уларни замон талаблари асосида бойитиб боради.

Инсоният жамияти тараққиётида мафкура, миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш негизлари тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, ушбу қарашлар этнопсихология билан боғлиқ ёндашувларда ҳам ўз ифодасини топади. Мисол учун немис файласуфи Вильгельм Вундт миллий ўзликни англаш муаммосини тадқиқ қилар экан, у ""миллат", "халқ" тушунчаларини тенглаштирган ҳолда ўзликни англашни тил, афсоналар, дин элементлари ва урф-одатлар билан бирга ўрганишни тавсия этади" ҳамда этнопсихологик концепцияни тузишда маънавий ҳаётнинг - тил, афсоналар, урф-одат ва маросимлар каби томонларини психологик тарзда ўрганиш лозим[9], деган фикрни илгари суради.

Рус олими Д.В.Ольшанскийнинг миллий ўзликни англаш - муайян миллий этник бирликнинг тарихи, унинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболи тўғрисида, шунингдек, ўзига ўхшаш бошқа этник бирлашмалардаги ўрни, улар билан ўзаро муносабатлари тўғрисидаги қарашлари баҳсли, фикр ва муносабатларининг мажмуидир[16], - деган фикрга қўшилиш мумкин.

Аждодларимиз томонидан яратилган миллий-тарихий мерос бугунги кунда бутун дунёда машҳур ва бой маънавий-маданий хазиналардан саналади. Халқимизнинг мана шундай меросининг шаклланишига муносиб ҳиссасини қўшган буюк алломаларимиздан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг кўпқиррали ижодида халқлар турмуш тарзи, эътиқоди, урф-одат ва анъаналари, руҳияти, ўзлигини англашига оид диққатга сазовор фикрларни учратиш мумкин. Шундай буюк алломалардан бири Абу Наср Форобийдир. У ўзининг "Фозил одамлар шаҳри" асарида ёзишча, одамлардаги руҳий бирлик, яъни одамлар орасидаги муайян боғланиш, биринчидан, улар ўртасидаги меҳр-оқибат келишувига асосланади, унинг замирида қабила, уруғ муносабатлари ётади, чунки улар бир аждоддан тарқалган[3]. Иккинчидан, одамлар ўртасидаги руҳий боғланиш уларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига таянади[3]. Алломанинг халқларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги фикрлари муайян халқлардаги ўзига хос руҳий хусусиятларни ва ўзлигини тушуниб етишга хизмат қилади.

Абу Райҳон Беруний турли халқлар урф-одати, маросимлари, эътиқодини ўрганишда қиёслаш методидан фойдаланади. Натижада "халқларнинг миллий хусусиятлари-психологиясининг шаклланиши тарихий ва табиий жараёндир"[4], деган фикрга келади.

Абу Али ибн Сино алоҳида олинган инсон ёки инсонлар хулқ-атвори, миллий хусусияти ва шунга мос руҳиятининг шаклланиш жараёнини табиий рух, табиий қувватлар билан боғлайди. Табиий рух, унингча, яхши ҳидли нарсалар томон интилади, улар билан қувватланади ва улардан озиқланади. Табиий қувватлар эса, шубҳасиз, табиий руҳдан куч олади[2].

XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошиларида ўзбек, қозок, тожик, қорақалпоқ тилларида турли жанрларда ижод қилган Мунис Хоразмий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Завқий, Фурқат, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар алломалар ҳам Марказий Осиёда яшовчи туркий халқларнинг келиб чиқиши, тили, дини, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзида умумийлик бўлсада, яшаш шароити, жуғрофий жойлашиши, касб-хунари туфайли бир-бирларидан фарқли томонлари борлигини, бу ҳолат уларнинг ўзлигини англашда ҳам акс этганлигини ўз асарлари орқали ёритишга хизмат қилганлар.

Шунингдек, баъзи олимлар этник бирликнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда миллий ўзлигини англашида маданий омилларни олдинги ўринга қўяди. Инг-

лиз этнографи В.Малиновскийнинг фикрига кўра, маданий алоқа, урф-одат ва анъаналар миллат ҳаётида мураккаб органик бирлик сифатида асосий мазмун касб этиб, миллат-халқ ҳаёти, унинг турмуш тарзи, идеаллари, анъана ва тилининг, хуллас, маданий омилларнинг муштараклигидир [15]. Албатта, ушбу фикрга қўшилиш мумкин, чунки миллий маданият ўзликни англашнинг ривожига зарурий омил бўлиб, шахснинг дунёқараши, тафаккур доирасини белгилаб боради. "Миллий маданият миллий ўзликни англашнинг марказий муаммоларидан. Миллат ва миллий маданиятга мансублик ўзаро муносабат ва муомала воситасида аниқланади. Ўзга миллий маданиятга мансублик маданиятлараро мулоқотда - ўз маданиятини ўзга маданиятлар билан таққослаш жараёнида амалга ошади" [13].

XX аср бошларига келиб олимлар сиёсатда мафкура, миллий ғоя, миллий ўзликни англаш халқлар руҳияти муаммоси билан узвий боғлиқ ҳолда янада кенгроқ ўрганишга эътибор қаратишган бўлсалар, XX аср ўрталарига келиб эса, этник жамоа (этнослар), этник ўз-ўзини англаш билан боғлиқ моддий, маънавий ва маданий ҳаёт жараёнларида намоён бўладиган миллий руҳиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда руҳий ҳолатлар фарқларининг методологик муаммолари тадқиқотида катта ишлар қилдилар. Шулардан бири "Этнос" тушунчасидир. Мазкур тушунча олимлар томонидан XIX асрнинг охирида қўлланила бошлади. Этноснинг биринчи илмий таърифи рус олими С.М.Широкогородов (1887-1939) томонидан берилган. Унинг таърифича, "Этнос-бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат, маросимлари ва анъаналари тизимига эга бўлган, ўзининг келиб чиқиш ва муштарак шаклланиш жараёнини тан олувчи ўзига хос кишилар гуруҳидир" [21].

Кейинчалик этносга олимлар томонидан бир қанча таърифлар берилдики, улар бу тушунчани бойитишга ўз ҳиссасини қўшди. Рус олими П.И.Кушнер (Кньшев)-нинг таъкидлашича, бир халқнинг турмуш тарзи бошқа халқнинг турмуш тарзидан моддий маданият, урф-одат, тил, эътиқод сингари бир қатор этник белгилари билан фарқ қилади. Бу халқларнинг тарихий яшаш шароитларига жуғрофий муҳит таъсири натижасида шакланган махсус фарқларнинг йиғиндиси этнос деб аталади [19].

Профессор Б.Каримовнинг фикрича, - "этноснинг асосий кўрсаткичлари бўлмиш унинг тили, миллий онги, миллий маданияти, урф-одатлари, анъаналари, тарихи ва ҳоказолар сақланишига ва этнос ўз тақдирини ўзи белгилаб мустақил эркин ривожланиш имкониятига эга бўлиши керак" [12].

Миллий ўзликни англаш ривожига миллий тилнинг ўрни беқийёс аҳамиятга эгадир. Миллат алоқа воситаси сифатида ўз миллий тилида ижтимоий-маданий жараёнларнинг тараққиётини таъминлашга ҳисса қўшиб боради ва бу жараён миллий ўзликни англашнинг ўсишига имкон яратади. Миллий давлатчилик элементлари ушбу миллий тилнинг расмий моҳияти билан мустаҳкамланади.

XX асрнинг охири йилларида миллий ўзликни англаш кўп қиррали маънавий-руҳий жараён ҳамда муҳим тадқиқот объектларидан бири сифатида ҳисобланиб, муаммонинг турфа жиҳатларига эътибор қаратилиб илмий тадқиқотлар яратилди. Олим ва тадқиқотчилар ушбу феноменнинг у ёки бу жиҳатларига ургу беришган. Жумладан, "Ўз-ўзини англаш инсонни ўз билими, қизиқиш ва эҳтиёжи, манфаати ва масъулиятига баҳо бериши, бошқачароқ айтганда, ҳис қилувчи ва фикрловчи мавжудот сифатида ўз-ўзига ҳар томонлама баҳо бериши демакдир" [17], - дейилган таъриф миллий ўзликни англашнинг руҳий жиҳатларига эътибор қаратилган таъриф бўлиб, инсоннинг ўз-ўзини баҳолашини ифодалайди. Профессор И.Хўжамуродов ўрганилаётган муаммо-

нинг ижтимоий-психологик жиҳатларига эътибор қаратиб куйидагича таърифлайди: "...миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатнинг ўзига хос манфаатларини, унинг бошқа миллий жамоа (гуруҳлар) ўртасидаги ўз ўрнини акс эттирувчи ижтимоий-психологик воқеликдир" [18]. Сиёсий фанлар доктори Ж.Бахронов томонидан берилган таърифда: "Бизнингча шахснинг миллий ўзлигини англаши деганда, аввало, муайян миллатга (этник бирликка) мансубликни, мазкур миллатнинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини билиш, миллий қадриятларга садоқат, ўз миллати(этноси)нинг ҳозирги кундаги эҳтиёжлари ва манфаатларини англаши, унинг келгусидаги ривожланиш йўлларини били-ши ҳамда шу мақсадда виждонан хизмат қилиши тушунилади" [8].

Юқорида "ўзликни англаш", "миллий ўзликни англаш" тушунчаларига берилган турлича таърифларда ҳам ўхшаш, ҳам фарқли томонлар борлиги кўзга ташланади. Демак, ушбу тушунчаларга берилган таърифлар ҳам ҳар бир давр моҳиятидан келиб чиқиб сайқалланиб, тугал моҳият касб этиб бораверади. Айни пайтда, бу тушунчанинг ниҳоятда мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу таърифни охири илмий таъриф деган ғоядан узоқмиз. Чунки муаллифларнинг таърифлари ўзларининг қарашларидан келиб чиққан ҳолда миллатдек, мураккаб омилнинг қайси жиҳатини муҳим, - деб ҳисоблаган бўлсалар, ўшани устуворлигига эътибор берганлар.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик туғайли мафкура, миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш муносабати янгича асосга эга бўлди.

Ўзликни англаш - инсоннинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борлиқдан ажрата билиши, баҳолаши ва қадрият сифатида англашини ифодаловчи тушунчадир [14]. "Ўзликни англаш" - инсоннинг борлиқда ўз ўрнини билиши, ижтимоий муносабатларда ўз "мен"и ва ҳаётий мақсадларини бошқа "мен"лар ҳамда уларнинг ҳаётий мақсадлари билан муносабатида намоён бўладиган индивидуал жиҳатларининг идрок этилиши сифатида қаралади. Ўзликни англашнинг муайян даражаси миллий ўзликни англашдир. Бизнинг фикримизча миллий ўзликни англаш - миллат ва ҳар бир миллат вакилининг умумий маданий негизга, тил, маданият, тарихий мерос, руҳиятга, урф-одат ва анъаналарга мансублигини ва ўз ўрнини идрок этишдир.

Маданий ўзига хос жиҳатларни англаш миллатнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолат бизнинг фикримизча, миллатларнинг яқинлашуви, ҳамкорлик қилиши, умумийликка интилишини таъминлайди. Ушбу концептуал ғоя, иқтисодий, жуғрофий, маънавий, маданий омилларни инкор этмайди, балки улардаги тарихий тажрибаларга асосланади ва улардан келиб чиқади.

Миллий ўзликни англашнинг шаклланиши билан этногенетик ривожланиш бир-бирларига диалектик боғлиқ ҳодисалар бўлса-да, улар бир даврда юзага келмайди. Турли халқ, миллат ва элатларнинг этногенетик шаклланиш жараёни уларнинг миллий ўзлигини англашидан олдин бошланган ва унинг ривожланиши миллат шаклланишидан кейин ҳам давом этмоқда. Миллий ўзликни англаш этногенез ичида кечади, у этногенетик ривожланиш жараёнида кишилар онгини умуммиллий, умумхалқ манфаатларини англаш, сезиш, билиш ва ўз хатти-ҳаракатларини ушбу манфаатлар билан уйғунлаштириб боришга йўналтиради. Ушбу фикр бугунги кун учун янгича маънога эга. Ўзликни англаш шахснинг ўзини ҳақиқий инсон, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси ва улар учун масъул эканини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнида шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, миллий ғоя не-

гизлари ва миллий ўзликни англашга оид қарашлар Шарқ ва ғарб мутафаккирлари асарларида ўз ифодасини топган. Шарқ алломалари ўзликни англашнинг руҳий, ботиний жиҳатларини ўрганган бўлсалар, ғарб мутафаккирлари ўзликни англашнинг зоҳирий жиҳатларини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратганлар;

иккинчидан, миллий ғоя миллатнинг ўзлигини англашнинг назарий асоси ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллий ғоядан қувват олади ва ривожланади;

учинчидан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши туфайли миллий тарихий мерос, миллий ўзликни англаш ва шахс маънавиятининг юксалиши учун кенг имконият-

лар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти асарларида миллий ғоя, миллий ўзликни англаш, шахс маънавияти масалаларини ўрганишнинг назарий-методологик асослари ишлаб чиқилди;

тўртинчидан, миллий ғоя ва миллий ўзликни англашнинг куч-қудрати, унинг вакиллари миллий тафаккурида, онгида, дунёқарашда миллий манфаатларни қай даражада ўрин олишида, унинг бугуни, эртаси ва истиқболи йўлида ўзининг масъуллигини англашида ҳамда ўз фаолиятини миллий тараққиёт мақсадларини амалга оширишда намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 7-б.
2. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисоалар. - Тошкент: Фан, 1987. 118-119-б.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 72-б.
4. Абу Райҳон Бериий. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. - Тошкент: Фан, 1968. - 58 б.
5. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. ("Дил ҳақиқати"). - Тошкент: Камалак, 1995. 9-10-б.
6. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафатул кулуб. ("Қалблар кашфиёти"). - Тошкент: Фофур Фулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. - 472 б.
7. Аристотель. О душе // Сочинения. В 4-х т.. Т. 1. - Москва: Мысль, 1975. - 371, 395 с.
8. Бахронов Ж. Проблемы национального самосознания личности в государственной политике независимого Узбекистана. Автореф. дис. докт. полит. наук. - Ташкент: 1997. - 17 с.
9. Вундт В. Проблемы психологии народов. СПб. - Питер, 2001. - 28 с.
10. Гегель Г. Энциклопедия философских наук. Том 3. Философия духа. - Москва: Мысль, 1977. - 32, 34, 36 с.
11. Кант И. Антропология с прагматической точки зрения // Соч. в 6-ти томах. Т. 6. - Москва: Мысль 1986. - 171 с.
12. Каримов Б., К. Мираъзамов. Миллат равнақи ва тил муаммолари. - Тошкент: Фан, 1993. - 7
13. Kuchkarov V., Ernazarov D. Democratization and national self-consciousness. - Berlin: LAPLAMBERT Academic Publishing RU, 2017. - 29 p.
14. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қайта ишланган янги нашри. - Тошкент: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2016. - 406 б. (446 б.).
15. Malinowski B. Freedom and Civilization. London. 1987. P. 65-67.
16. Ольшанский Д.В. Политическая психология. - Санкт-Петербург: Питер, 2002. - 345 с. (576 с.)
17. Туленов Ж., Фофуров З., Исмоилов Ф. Философиядан семинар-машгулотлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990. - 39-б.
18. Хўжамуродов И. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама. Автореферат диссертации доктора философских наук. - Ташкент, 1994. - 85 с.
19. Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2010. - 26 б.
20. Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. - 10 б.
21. Широкогоров С.М. Место этнографии среди наук и классификация этносов // Личность. Культура. Общество. Научно-практический журнал. - Москва. 2000. Том. II Вып. 4 (6). 20-с.

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИНИНГ ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАРИ

Фарход МАМАТҚУЛОВ - фалсафа фанлари номзоди, доцент
Сайёра ЖАСАНОВА - катта ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

Ота-оналар болани тарбиялашда эътиборли, зийрак ва ғамхўр бўлишлари лозим. Болага оиладаги ота-оналарнинг барча хатти-ҳаракатлари, гап сўзлари, вазият, барча муносабатлари таъсир кўрсатади.

Бу ҳақда буюк рус педагоги А.С. Макаренко куйидаги фикрни илгари суради: "Болани фақат у билан гаплашган, насиҳат қилганда ёки унга бирор нарса буюргандагина тарбиялайман деб ўйламанг, сиз болани тушунишингизнинг ҳар бир лаҳзасида, хаттоки, ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан ва бошқалар ҳақида гаплашишингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишлишингиз, дўст ва душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, газета ўқишингиз- буларнинг ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга" (А.С. Макаренко. Болалар тарбияси ҳақида лекциялар.Т.: Ўқитувчи. 1967. 16-17-бетлар).

Ота-онанинг меҳнатга, ҳаётга муносабати болалар тарбиясига бевосита таъсир этади. Оилада болага шундай тўла талаб қўйиш керакки, уни бажариш фарзандлар учун муқаддас ҳисобланиши, уни бажарилиши устидан назорат ўрнатилиши керак.

Ота-боболаримиз, буюк алломаларимиз қадимдан таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллатимиз раванқининг асосий шартини деб билганлар.

Оила жамиятнинг дастлабки бўғини экан, ёшлар аввало, тарбия сабоғини уйда, бобо-бувиси ва ота-онасидан ўрганади. Оилада болалар ақлий, жисмоний ва маънавий жиҳатидан шаклланиб, дунёқараши шаклланади. Оилада ёшлиқдан шахс шакллана боради. Фарзанд тарбиясида ота-онанинг шахсий ибрати жуда муҳимдир. Ота-онага оилада болаларни тарбиялаш, мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш буйича катта масъулият юкланган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов "Юксак маънавият -енгилмас куч" асарида: "Ақли расо ҳар қандай инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш буюк неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди" - деган эди. (Каримов, 2008)

Бугунги кунда ҳар бир оиланинг тутган ўрни, ҳаёт мазмуни, миллий кадриятларни ўрганиши инсон маънавиятига хизмат қилади. Бунинг учун оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, унда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чуқур билим ва юксак масъулият талаб этади. Чунки инсоний муносабатлар оиладан, оила муҳитидан бошланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Инсоннинг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётини тушунча ва тасаввурлари, би-

Аннотация

Как известно, семья является важнейшей ячейкой общества. Именно в ней подрастающее поколение приобретает первое представление о нравственных отношениях в семье и обществе. Каждая нация имеет свои семейные обряды и традиции, которые передаются из поколения в поколение. На базе этой исторической преемственности в статье рассматриваются роль и место семейных отношений в воспитании подрастающего поколения. И даются демократические принципы семейного воспитания.

Ключевые слова: Семья, поведение, нравственность, образование, обучение, родители, ребёнок.

Abstract

As the family is the primary generation of society the youth get their first education by their parents and grandparents. Children form mentally, physically and spiritually in the family. Parents' personal example is very important in upbringing the child. Parents are responsible for upbringing and preparing children for independent life and labour.

Keywords: Family, conduct, moral, education, learning, parentis, child.

ринчи навбатда, оила бағрида шаклланади. Оиладаги тўғри тарбия дастлаб ота-онанинг намунали уларнинг ўзоро илиқ ва самимий муносабатлари орқали амалга оширилади.

Оилавий тарбия - бу, аввало, ота-онанинг ўзини тарбиялаш демакдир. Ота ва она оила деб аталмиш муқаддас кўрғоннинг устунлари. Ота-она қанчалик пишиқ ва пухта бўлса, бу кўрғон ҳам шунчалик мустаҳкамланиб бораверади. Шу боис фарзандни дунёга келтириш билан бир қаторда унинг тўғри тарбияси, иймон-эътиқодли бўлиб тарбияланиши ота-онанинг юксак масъулиятни ҳис қилишига боғлиқ.

"Тарбиянинг мазмуни энг яхши ўзбек оилаларида амал қилган ва амал қилаётган тарбиянинг мазмуни ҳамда мустақиллик шароитида давлат ва жамият томонидан оила-мактаб тарбиясидан келиб чиқади. Муайян фазилатларнинг изчил турли вазиятларда, турли воситалар ёрдамида сингдирилиб, такомиллаштириб борилиши пировард натижада давлат ва жамият, оила, маҳалла, мактаб учун намунавий ўқувчи, ўғил-қиз ахлоқини ҳосил қилиш мумкин. (Куროнов М., 2008) ҳамма нарса ўз номи билан аталиши, ҳамма нарса ўз ўрнига эга бўлиши керак. Бу борада қадимги Хитой илоҳиётчиси, олими

Конфуцийнинг куйидаги фикри ўринли: "Ота-оталигича, фарзанд-фарзандлигича, дурадгор-дурадгорлигича бўлиши лозим" - деганда қанчалар ҳақ эканлигини бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. (Хуқуқий маданият ва ёшлар, 2008)

Ватанга, эл-юртга хурмат каби одамийлик белгилари дастлаб оилада шаклланади. Баркамол авлод, янги давр кишисини тарбиялаб етиштиришда оиланинг аҳамияти бекиёсдир. Бу борада фарзанд тарбиясида ота-онанинг шахсий ибрати жуда муҳимдир. Оиладаги юз берадиган айрим воқеа-ҳодисалар бола шахсининг ривожланиши ва шаклланишига ижобий маънода ёки салбий маънода таъсир кўрсатиши мумкин. Бола бир кунлик ҳаётини уйда, таълим муассасасида, жамоатчилик орасида, бозорда кўплаб воқеаларни кўради, гувоҳи бўлади, шунинг учун болага, авваламбор, оилада катталарнинг эътибори лозим бўлади.

Ҳар бир инсон, халқ, миллат ўзлигини, аввало, оилада танийди. Ўзининг инсоний ҳаёти, кураши, интилиши, қувонч-шодлиги ва дард-аламларининг акс-садоларини англайди. Бундан ташқари, Шарқ фалсафасининг ўзига хос қомуси "Қобуснома"да таъкидланганидек, оила халқнинг тарбия ўчоғи, ақл-идроқи, донишмандлик мактабидир. Шундай бир педагогик ибора бор. Болалиқда одам: "Ота-онам ҳамма нарсани билади, ўсмирликда-ота-онам кўп нарсаларни билмайди, ёшлиқда-ота-онам ҳеч нарсани билмайди, ўрта ёшда-ота-онам баъзи нарсаларни билади, кексайганда-ота-онам ҳамма нарсани биларди", деб ўйлар экан. Шунинг учун ҳам фарзанд тарбиясига ёш даврларида алоҳида эътибор бериб, шунга қараб тарбия жараёнларини йўлга қўйиб бориш лозим бўлади. Ҳамма нарсанинг ўз вақтида бўлгани яхши, вақтни бой бериб, кейин афсусланишдан ёмони йўқ.

Миллий анъаналаримиз ичида бола тарбиясига доир урф-одатлар, айниқса, муҳим ўрин эгаллайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, халқимизнинг соф ҳолдаги кўриниши болаларда намоён бўлади. Оиладаги тўғри тарбия ота-онанинг намунали, мазмунли, маънавиятли, илиқ уларнинг ўзаро самимий муносабатлари замирида амалга оширилади. Оиладаги ота-она ва бошқа оила аъзоларининг саводхонлиги бадий асарларни ўқиши, маънавий-маърифий кўрсатувларни кўриши, уларга оилавий муносабатларини билдириши бола тарбиясига ижобий таъсир этади.

Оилавий муносабатларни тўғри шакллантириш, уларни мавжуд шароитга мослаш, салбий ҳолатлар юз берганда эса уларни босиқлик ва чуқур мулоҳазалар билан бартараф этиш ҳоллари табиий равишда ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятни юксак маънавиятли ёшлар куради. Барчамиз яхши тушунамиз ва англаб етамизки, "ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида кишиларни бирлаштирувчи юрт-фазилатли юртдир, ўсиб келаётган ўғил-қизларни баркамол қилиб тарбиялашни энг катта мақсад деб билувчи халқ - фазилатли халқдир" - деган эди Абу Наср Фаробий.

Ёшларимиз мустақил фикрлашлари, сиёсий ва маънавий етуқликлари, бугунги шиддатли мураккаб дунёни идрок этишлари, оиланинг аҳиллиги учун интилишлари, сўзсиз, ҳар қандай инсонга ўзгаларнинг ногорасига ўйнамаслик учун асос бўла олади. Шундагина биз кутганимиздек, оила мустаҳкам таянчга эга булади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбия. Т.: 2008.
3. Ҳуқуқий маданият ва ёшлар. Т.: 2008.
4. Макаренко А.С. Болалар тарбияси ҳақида лекциялар. Т.: Ўқитувчи. 1967.

Раъно МАДЖИДОВА - филология
фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Замонавий тилшуносликда когнитив тилшуносликнинг айрим жиҳатларига эътибор кундан-кун ортиб бормоқда. Чунки бу йўналиш тилшунослик учун бугунги кунда долзарб бўлган дунё манзарасини инсон учун аҳамиятга эга бўлган қиррала-ри қўршовида ўрганмоқда.

Тил ҳодисалари жамиятнинг ижтимоий ва маънавий соҳаларини когнитив ва лингво-культурологик нуқтаи назардан лисоний ид-рок этиш билан боғлиқ. Жамият ва ҳар бир фан ҳаётидаги ахлоқий, маънавий ва ҳатто жисмоний томони ҳам қадриятлар сифатида қабул қилинади. Тилшунослик фанидаги қадриятлар муаммоси фалсафий талқинни ҳам тақдим этади.

Ушбу мақолада биз этник гуруҳнинг лисоний дунёқарашида олам миллий аксиологик манзараси акс этишининг лингвистик усулларини кўриб чиқамиз.

Тилда объектнинг аксиологик хусусиятларини икки шаклда ривожлантириш мумкин: бу аксиологик жиҳатнинг эксплицит ва имплицит табиати бўлиши мумкин.

Тилни баҳолаш воситалари ёрдамида эксплицит ифода намоён бўлади. Жамиятда ўзгариб турадиган қадриятлар тизими фақат бир қатор аксиологик тоифалар орқали акс этирилиши мумкин.

Шу тариқа, дунёни англашда, инсон онги аксиологик равишда нафақат алоҳида объектларни, балки атрофдаги воқеликнинг бутун денотатив соҳаларини белгилаб беради, деб таъкидлаш мумкин. Алоҳида объектнинг аксиологик табиати эксплицит каби, имплицит тарзда ифодаланиши ҳам мумкин. Денотатив соҳанинг аксиологик табиати фақат имплицит тарзда ифодаланади.

Аксиология фалсафа соҳаларидан бири сифатида тан олинган даврдан ҳали узоқ вақт ўтгани йўқ. XX-XXI асрларда илм-фанда антропоцентрик йўналишнинг ривожланиши инсон ўзи акс этадиган дунёда унинг ўрнини аниқ белгилаб берди. Замонавий тилшуносликда антропоцентризм етакчи йўналишлардан бирига айланди, чунки у инсонни оламнинг маркази ва энг олий мақсади деб билади. Антропоцентрик йўналиш шуни таъкидлайдики, инсон ижтимоий муҳитни батамом ўзгартириб юбориши, унга салбий ва ижобий таъсир қилиши мумкин. Ваҳоланки, антропоцентризмгача манбаларда инсонга фақатгина истеъмолчи сифатида қараб келишган.

Антропоцентризм тилга инсон ҳақидаги барча тасавурларни намоён қила оладиган манба сифатида қараш керак эканлигини таъкидловчи йўналиш сифатида тилшуносликка кириб келди. Инсон тугилганда тилни эҳтиёж сифатида қабул қилади ва унинг фаолиятида бу тил инсон дунёқарашини ҳамда атрофдаги воқеликка муносабатини шакллантиради. Тилга яширин менталитет соҳасига киришга ёрдам берадиган ягона восита сифатида қаралади, чунки фақатгина тил дунёнинг у ёки бу мада-

ОЛАМ МИЛЛИЙ АКСИОЛОГИК МАНЗАРАСИНИНГ ЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАРДА ТАВСИФЛАНИШИ

Аннотация

В статье на основе использования фразеологических единств, имеющих аксиологическую особенность, рассмотрены лингвистические средства оценки национального описания мира на разных системных языках.

Ключевые слова: фразеологические единства, аксиология, антропоцентризм, национальное описание мира, ценности, оценка.

Abstract

The article discusses the linguistic means of assessing the national picture of the world in different languages using phraseological units of an axiological nature.

Keywords: phraseological units, axiology, anthropocentrism, national picture of the world, explicit character, implicit character, values, assessment.

ниятга бўлинганлигини белгилайди [2, с. 320].

Антропоцентризм ҳар бир табиий тил дунёнинг ўзига хос лисоний тасвирига мос келишини дадиллик билан тасдиқлаши мумкин.

Дунёнинг тасвири - бу "дунёнинг глобал қиёфаси, инсон дунёқарашининг асоси, унинг ташувчиларини тушунишда атрофдаги воқеликнинг муҳим хусусиятларини акс эттирувчи ва инсоннинг руҳий фаолияти натижасидир. Дунё манзараси концептуал шаклланиш вазифасини бажаради, у бир қатор хусусиятларга эга ва маълум қонунларга мувофиқ ривожланади" [3, с. 6]. Дунё манзараси тил, урф-одатлар, табиат ва ландшафт, таълим, ўқитиш ва бошқалар каби ижтимоий омиллар таъсири остида шаклланади ва фазовий (юқори-паст, ўнг-чап, шарқ-ғарб, узоқ-яқин), вақт меъёрларига асосланган (кун-тун, қиш-ёз), микдорий, ахлоқий ва бошқа параметрларга эга [4, с. 64].

Дунё тасвири учта кўринишга бўлинади:

- 1) **дунёнинг реал тасвири;**
- 2) **дунёнинг концептуал тасвири;**
- 3) **дунёнинг лингвистик тасвири.**

Дунёнинг реал манзараси - бу дунёда инсон ва унинг билимидан қатъи назар, объектив равишда мавжуд бўлган дунёнинг тасвири.

Дунёнинг концептуал манзараси - бу дунёнинг ҳақиқий манзарасини "сезги ёрдамида олинган ва унинг онгидан ҳам жамоавий, ҳам индивидуал равишда ўтадиган" тушунчалар орқали акс эттирган дунёнинг маданий (тушунчали) тасвиридир [3, с. 6-7].

Дунёнинг лингвистик манзараси - дунё концептуал тасвирининг бир қисми бўлиб, у маълум бир этник-маданий жамоанинг миллий идрокни акс эттирувчи луғавий воситалар ёрдамида воқеликни субъектив миллий ўзига хос тушунчасини (лексика, грамматик воситалар, стилистик воситалар), маълум бир этник-маданий ҳамжамият-

га хос бўлган ва барча тиллар учун умумий категорияларни (вақт, меъёр, сон, сабаб, тақдир, муносабат) ифода этади [3, с. 7]. Агар дунёнинг тасвири объектив равишда мавжуд бўлган дунёнинг акси бўлса, унда дунёнинг лингвистик манзараси уни намоён қилиш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Дунё лисоний манзарасининг ўзига хослиги шундаки, у миллий менталитетни акс эттиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Аввало шуни айтиш лозимки, дунёнинг ҳар бир лингвистик тасвирида фазо, вақт, виждон, эркинлик, тақдир, қонун, меҳнат, яхшилик ва ҳоказолар тушунчаларини ўз ичига олиши мумкин бўлган маданиятнинг алоҳида тоифалари ёки тушунчалари мавжуд.

Санаб ўтилган маданият категориялари "мавжуд қадриятлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан бирга дунёни идрок этишнинг ижтимоий хатти-ҳаракатлари ва шакллари акс эттиради" [2, с. 53].

Тилда акс эттирилган қадриятлар тизими аксиология томонидан ўрганилади. Ушбу фаннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у тилдаги мавжуд субъектив жараёнларга алоҳида қизиқиш билан қарайди. Тилга субъектив муносабат билдиришнинг асосий жиҳати нарса ва ҳодисага баҳо беришда яқин кўринади. Инсон ўз атрофидаги барча жараёнга ўзининг ёки салбий, ёки ижобий баҳосини беришга ўрганган. Биз ҳаммамиз ҳам борлиқда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қараб тура олмаслигимизни баҳолаш орқали кўрсата оламиз. Чунки ҳар бир инсон оқни қорадан, яхшини ёмондан, севгини нафратдан ажрата олиш хусусиятига эга.

Тилни баҳолаш атрофдаги моддий дунё объектларининг маълум бир шахс ва умуман бутун жамият учун объектив қийматини акс эттиради, чунки баҳолаш нормаси жамият томонидан ўрнатилади ва тил орқали шахсни шакллантиради [1, с. 216]. Баҳолашни бир қатор тил воситалари ва усуллари орқали ифодалаш мумкин. Улар фонетик, морфологик, синтактик, лексик ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Биз атрофимиздаги дунёни сифат ва миқдор бўйича баҳолашимиз мумкин. Ижобий муносабатлар мавжуд бўлганлиги сабабли, салбий муносабатлар ҳам мавжуд. Ёки баъзи бир ҳолларда ҳеч қанақа баҳо берилмаслиги мумкин, бу одам бирор нарсага ёки кимгадир бефарқ бўлган пайтда содир бўлади.

Биз ҳаммамиз, болалигимиздан бери шахсий қадриятларга эгамиз. Айтишимиз мумкинки, биз қадриятлар дунёсида саёҳат қилиб, қайси қадриятлар биз учун қадрили эканлигини ёки қайси бири ҳеч қандай қадрга эга эмас эканлигини аниқлаймиз ва хулоса чиқарамиз.

Ҳар бир инсон дунёни ўзи шаклланган маданиятдаги устун қадриятлар асосида баҳолайди. Шунингдек, ҳар биримиз шахсий баҳо бера оламиз ва ҳукм чиқара оламиз. Баъзилар учун "оила"нинг қиймати катта аҳамиятга

эга, кимдир учун "эркинлик" бебаҳо қадрият, кимгадир "ғўзаллик", яна кимдир "вақт"ни юксак қадрият деб билади. Ушбу қарашлар ҳар бир инсоннинг яшаш шароитига ва уни ўраб турган муҳитга чамбарчас боғлиқ бўлади.

Тадқиқот давомида биз ҳатто бир-бирига мос келмайдиган қадриятларга ҳам дуч келдик. Масалан, таълим - бўш вақт, оила - дўстлар, ҳаёт - шараф каби қадриятлар. Улар бир вақтнинг ўзида ижтимоий мавжудотнинг муҳим элементлари бўлиши билан бирга, қарама-қарши ҳолатларда ҳам ишлатилиши мумкин.

Баҳолаш меъзонлари ўз ўрнида тилда белгиланган махсус тизим ёрдамида амалга оширилади. Бунда маълум маънога эга сўзлар тўплами иштирок этади. Баҳолаш маъно таркибидаги ҳам коннотатив, ҳам деннотатив аспектнинг бир қисми бўлиши мумкин. Бу сўзларнинг экспрессивлиги билан чамбарчас боғлиқ. Экспрессивлик эса прагматика билан чамбарчас боғлиқ. Чунки сўзларнинг экспрессивлиги ҳам, прагматик маъноси ҳам субъектнинг объектга баҳо муносабати билан боғлиқ. Бу уларга тўғридан-тўғри тилда антропоцентризмнинг энг ёрқин намоишлари сифатида хизмат қилишларига имкон беради.

Бизнинг тадқиқотимиз фразеологик бирликларни энг кўп учрайдиган экспрессив ифода воситаларидан бири сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Чунки экспрессивлик барқарорлик, такрорланувчанлик ва тасвир билан бирга фразеологик бирликларнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Фразеологизмлар - бу маълум бир тилда гаплашадиган халқнинг миллий менталитети ва қадрият тизимини акс эттириш қобилияти туфайли лисоний ва маданий ҳодисаларнинг луғавий намоишларидир. Фразеологик бирликлар - "миллатнинг руҳияти ва ўзига хослиги намоён бўладиган ҳар бир миллий тилнинг жонидир" [2, с. 69].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фразеологик бирликлар бошқа тил даражаларига қараганда анча жонли бўлиб, ҳар бир миллатнинг миллий ўзига хослиги ва қиймат йўналишини акс эттиради.

Фанда баҳолаш категорияларининг умумэтироф этилган тизими мавжуд эмас. У ўзига хослик ва меъёрларда бир-бирдан фарқ қилувчи ўзига хос баҳолардан фойдаланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, антропоцентрик ёндашув доирасида фразеологик бирликларнинг аксиологик хусусиятларини кўриб чиқишда ҳар қандай ҳаркат ёки ҳодисани баҳолаш жараёнида шахснинг шахс эканлигини ёдда тутиш керак. Ва антропоцентрик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳар қандай вазиятга баҳо беришда субъект сифатида марказда доим инсон туради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амосова Н.Н. *Основы английской фразеологии*. - М.: Кн. дом "ЛИБРОКОМ", 2010. - 216 с.
2. Маслова В.А. *"Ното lingualis" в культуре*. - М.: Гнозис, 2007. - 320 с.
3. Гайдарова З. Т. *Антропоцентризм в в идиоматической картине мира лезгинского, русского, английского и немецкого языков: автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. - Махачкала, 2010. - 29 с.
4. Чеснокова В.Н. *Антропоцентрическая концепция творчества С.Н. Сергеева-Ценского. Лингвистический аспект: автореф. дисс. ... канд. филол. наук*. - Тамбов, 2003. - 24 с.

БАДИИЙ МАТННИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИГА ДОИР

Фазилат ИБРАГИМОВА - филология фанлари номзоди, доцент в.б.
Жиззах давлат педагогика институти

Бадиий услуб доирасида қаралувчи матнлар, аввало, китобхонга маълум бир воқеа-ҳодиса тўғрисида маълумот берибгина қолмай, унинг руҳиятига таъсир ҳам ўтказди. Ҳар бир бадиий матнни шаклантиришда бадиий-эстетик таъсирчанликни таъминлаш кўзда тутилади.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида тилимизни услубий нуқтаи назардан ўрганиш, бадиий матнни шаклантиришда хизмат қилувчи тил бирликларининг аҳамияти юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилган: қатор дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий-назарий ишлар яратилган, номзодлик ва докторлик диссертациялари химоя қилинган[1]. Ўзбек тилшунослигида Х.Дониёров, С.Мирзаев, И.Қўчқортоев, Х.Абдурахмонов, М.Миртожиев, Н.Маҳмудов, И.Мирзаев каби олимларнинг лингвостилистик йўналишда олиб борган тадқиқотларида тўпланган материаллар, илмий назарий хулосалар тилшуносликда лингвопоэтика масалаларига бағишланган умумий характердаги янги ишларнинг юзага келишига замин ҳозирлади. Хусусан, тилшунослар Л.Абдуллаева, Э.Қиличев, Б.Умурқуловларнинг кузатишларида бадиий асарларда лексик бирликларнинг стилистик хусусиятлари тўғрисида сўз юритилди[2].

Бадиий асар тилини стилистик аспектда ўрганиш секин-аста лингвопоэтик изланишлар учун замин ҳозирлади. Ана шу асосда лингвопоэтик характердаги ишлар юзага кела бошлади. Бу ўринда ўзбек филологиясидаги дастлабки ишлар сифатида, масалан, тилшунос Н.Маҳмудовнинг Ойбек, А.Қаҳҳор, М.Шайхзода каби атоқли ўзбек адибларининг асарлари лингвопоэтикасини ўрганишга бағишлаган бир қатор мақолаларини тилга олиш мумкин[3, 12-17]. Бадиий матн лингвопоэтикасини муаммоларини батафсил ва яхлит тарзда тадқиқ этган М.Йўлдошев ҳақли равишда шундай ёзади: "Бадиий асар тилини стилистик аспектда ўрганишга қараганда лингвопоэтик ўрганиш бир қадар илгари қўйилган қадам ва анча самарали йўл эканлиги бугун ойдинлашиб бормоқда. Айни пайтда бадиий асар тилининг лингвопоэтик таҳлили лингвостилистик таҳлил натижаларига асосланиши ҳам тадқиқотчилар томонидан таъкидланади" [4,23].

Кейинги йилларда бу йўналишдаги изланишларнинг миқдори сезиларли равишда ортиб бормоқда. Г.Рихсиева, Л.Жалоловаларнинг мақолаларида бадиий асар тилида қўлланувчи маълум усул ва шаклларнинг лингвопоэтик моҳияти ҳақида сўз юритилган[5,33-35]. Б.Йўлдошев ва З.Шодиёвлар Саид Аҳмад асарларининг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганганлар[6]. Шунингдек, алоҳида олинган ижодкорлар услубининг махсус таҳлилга тортилаётганлиги лингвопоэтика масалаларига қизиқишнинг кучайиб бораётганлигидан далолат беради[7]. Бу йўналишдаги тадқиқотлар ичида И.Мирзаевнинг докторлик диссертацияси алоҳида аҳамиятга молик[8]. Олим

Аннотация

В данной статье кратко изложены вопросы одного из приемов анализа художественного текста - лингвопоэтического анализа.

Ключевые слова: Текст, художественный текст, лингвопоэтика, эстетическая задача языка, экспрессивный синтаксис, стиль творчества.

Abstract

This article interprets the matters briefly regarding one of the methods of the text analysis which is lingvopoetic analysis

Keywords: an aesthetic function of the language, expressive-syntactic, creative manner, the text, poetic text

кейинги ишларида бу соҳада кузатишлар олиб боришда, хусусан, қуйидагиларга амал қилиш лозимлигини таъкидлаб, шундай ёзади: "...Лингвопоэтика бугунги кунда филологиянинг яхлитлигини тиклаши мумкин бўлган соҳа деб эътироф этилаётган экан, унинг мақсад ҳамда вазифаларини, тадқиқот объектини, бошқа тармоқ фанлари билан муносабатини аниқлаб олиш ва бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш керак... Бу соҳадаги тадқиқотларни кўпайтириш ва кучайтириш зарурияти кейинги йилларда филология илмининг энг долзарб вазифаларидан саналмоқда" [9,22].

Табиики, лингвопоэтиканинг асосий ўрганиш объекти бадиий матн ҳисобланади. Бадиий матнни нутқнинг турли кўринишларига хос бўлган бошқа матнлар билан таққослаганда, унинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўзга ташланади. "Сир эмаски, бадиий матн бадиий-эстетик бутунлик сифатида бениҳоя мураккаб, серқатлам ҳодиса. Бадиий матнда ифодаланган асосий ғоя - фикр - мазмунни тушуниш, англаш шунчаки эмас, балки анча қийин ва мураккаб ижодий жараёндир. Бадиий асарда мутлақо ўзига хос, гоҳо очик, гоҳо яширин, турли ишоралар, тағмаёнолар, коса тагидаги ним косалар билан шамойил топган мазмуннинг маъносини тўғри англаш маънавий-маданий, ақлий-ҳиссий ва лисоний-эстетик фаолият натижасида мумкин бўлади. ҳар қандай матннинг мазмунини тушуниш учун тил лексикасини ва грамматикасини билиш зарур ва етарли бўлса, бадиий матннинг мазмунини идрок этиш учун, бундан ташқари, айни пайтда бадиий матннинг ўзига хос лисоний-поэтик қонуниятларини ҳам билиш лозим бўлади" [4,27]. Айтиш лозимки, лингвопоэтик таҳлил бадиий матн доирасида иш кўради.

Қайд этиш лозимки, бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ этишда асосий манба ҳисобланган бадиий матн, унинг таърифи, ўрганилиш даражаси, унда тил воситаларининг поэтик актуаллашуви, таҳлил тамойиллари каби масалалар тилшунос олим М. Йўлдошев томонидан батафсил ўрганиб чиқилди. Ўзининг бу борадаги кузатишларини умумлаштириб, "Бадиий матн лингвопоэтикасини", "Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари" [4] китобларини яратди.

Олимнинг "Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари" ўқув қўлланмасида бадиий асар тилини ўрганиш муаммолари, матн, унинг типлари, бадиий мат-

нинг фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари, кўчимлар, бадий матн таҳлил қилиш методологияси, таҳлил типлари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Унинг "Бадий матн лингвопоэтикаси" номли монографиясида тилшунослиқда матн муаммоси, бадий матн ва унга лингвопоэтик ёндашув тўғрисида сўз юритилиб, бадий матн ва тилнинг эстетик вазифаси, бадий матннинг мазмуний турлари ва интертекстуаллик, бадий матнда маъно ва мазмун, бадий матннинг лингвопоэтик таҳлили тамойиллари каби муҳим масалаларга оидлик киритилган. "Бадий матн бадий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллифнинг бадий ниятига кўра эркин жамлай оладиган, тингловчи ёки ўқувчи эстетик завқ бериш, таъсир этиш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади" [4,88].

Олимнинг илмий-назарий фикрларига таянган ҳолда лингвопоэтик таҳлил олиб бориш ёзувчи индивидуал услуби, бадий матннинг моҳияти ва эстетик вазифаси тўғрисида муайян ҳулосаларга келиши имконини беради.

Лингвопоэтик таҳлил ва лингвостилистик ёндашув орасидаги мавжуд фарқлар В.Я.Задорнова кузатишларида ўз аксини топган. У ўз кузатишларида бу масалага доир кўплаб тадқиқотларни шарҳлаш асосида лингвопоэтик таҳлилнинг ўзига хос томонларини кўрсатиб берган. "Матннинг лингвопоэтик ўрганилиши у ёки бу стилистик приёмлар ва тил воситаларини шунчаки аниқлашга қаратилган эмас, балки бадий асар кўрсатадиган эстетик таъсирни сўз ёрдамида изоҳлашга йўналтирилгандир" [10,60].

Лингвостилистика ва лингвопоэтика ўртасидаги муносабатга оидлик киритиш тил воситаларининг бадий матндаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Бадий асар тилини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда "тилнинг экспрессив вазифаси", "тилнинг поэтик вазифаси", "тилнинг эстетик вазифаси" каби атамалар учрайди. "Аммо шуни ҳам айтиш керакки - деб таъкидлайди М.Йўлдошев, - "тилнинг эстетик вазифаси" атамаси филологик адабиётларда нисбатан кўп ишлатилади. Бундай бўлиши ҳам табиий, чунки эстетик вазифа тушунчаси экспрессивлик, бадийлик, поэтиклик каби бир қатор тушунчаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда уларни умумлаштира олади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур тушунчаларга қараганда эстетик вазифа тушунчасининг қамрови анча кенг" [4,4]. Демак, тилнинг эстетик вазифаси ўзига хос ва мураккаб бўлиб, унинг таъсир имкониятлари маълум услубий мақсадга бўйсундирилган ҳолда бадий нутқда яққол намоён бўлади. Бу ҳақда Н.Маҳмудовнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади: "Тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим-тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, миллий-руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва мухташам ҳодисани, энг камми, жўнлаштиришдан аниқ бир ифодавий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли "тил" га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас... ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларини ҳам ифодалайдиларки, булар ҳаммиша ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди... Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини

бойитади. Тил ва нутқ айни шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади" [11,47-48].

Коммуникация жараёнида қўлланиладиган таъсир этувчи тил бирликларини лингвостилистик жиҳатдан изоҳлаш мумкин. Таҳлилга тортилган бадий матнда дастлаб тил бирликларининг семантик ва метасемантик хусусиятларини ўрганиш мазкур матннинг ғоявий-бадий мазмунини очишда тил бирликларининг ролини аниқлашга имкон беради. И.А.Аржанова ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек: "Лингвостилистика лингвопоэтикага таҳлил учун зарур материални тақдим этади. Бироқ таъсир функцияси билан ўзаро боғлиқлик ва бундан келиб чиқадиган лингвостилистик маркерланганлик матннинг у ёки бу элементи лингвопоэтик вазифа бажариши характери ҳақида ҳам ҳеч нарса демайди, чунки ўзига хос контекстуал шароитда тил бирликлари, умуман олганда, уларга хос кўплаб хусусиятларни йўқотиши ёки аксинча, ўзининг имкониятли хусусиятларини долзарблаштириши, фаоллаштириши мумкин. Матн у ёки бу элементини қўллашнинг лингвопоэтик аҳамияти қандайлигини аниқлаш учун лингвопоэтик таҳлил етарли бўлмай қолади. Лингвостилистика матннинг умумий мазмуни билан стилистик белгиланган бирликлар алоқаларини ўрганиш билан шуғулланмайди, лингвопоэтика учун эса бу масала марказийдир" [12, 148].

В.Я.Задорнова ҳақли равишда таъкидлаганидек: "Филологиянинг алоҳида бўлими сифатида лингвопоэтиканинг предмети бадий асарда фойдаланилган тил бирликларининг йиғиндисини ҳисобланиб, улар ёрдамида ёзувчи ўзининг ғоявий-бадий ниятини амалга ошириш учун зарур эстетик таъсирни таъминлайди; лингвопоэтик таҳлилнинг мақсади муаллиф томонидан у ёки бу тил бирлиги (сўз, сўз бирикмаси, синтактик конструкция) бадий сўз ижоди жараёнига қандай киритилиши, тил воситаларининг у ёки бу ўзига хос бирикмаси мазкур эстетик эффект яратилишига қай тарзда олиб келишини аниқлашдан иборат бўлиши лозим" [10,59].

Лингвопоэтик таҳлил жараёнида бадий матнда муаллиф томонидан қўлланилган ҳар бир тил бирлигини ўрганиш ва таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, улардан фақат бир қисмигина эстетик таъсирчанликка, қўшимча маъно нозикликларини ифодалаш хусусиятларига эга. Мазкур ҳолатда кузатишининг қайси йўналишда эканлиги, тил бирликларининг қайси сатҳда амал қилишини лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганишга қараб тадқиқот мақсади белгилаб олинади. Зотан, И.А.Аржанова ёзганидай, "Бадий асарнинг лингвопоэтик таҳлили шу асар матнини таркиб топтирган тил бирликларининг жами сифатидаги яхлитлик ичидаги айрим бадий усуллар лингвопоэтиканини ўрганишдан бошланиши мумкин; бундай ўрганиш агар таҳлилга тортилган бирликлар чиндан ҳам эстетик таъсир қилиш вазифасини бажараётган ва категориал характерга эга бўлган бўлса, етарли даражада самарали бўла олади" [12, 140]. Бу мулоҳазаларга қўшилиш мумкин. Бадий матн бошқа матнлардан фарқли равишда нафақат тингловчига муайян ахборотни етказиш вазифасини, балки унинг руҳиятига таъсир этиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олади, у, аввало, шуниси билан бошқа матн турларидан фарқ қилади. Унинг бу хусусияти эса бадий матндаги турли поэтик воситалар, синтактик ифодалар, фигуралар орқали намоён бўлади.

Рус тилидаги экспрессив синтактик конструкциялар системасини тадқиқ этган А.П.Сковородников экспрессив синтаксиснинг 13 та ҳодисаси алоҳида системани ташкил қилишини айтади. Айни пайтда у мазкур система муайян майдон шаклида намоён бўлишини таъкидлайди [13,37-38].

Ҳар қандай лисоний бирлик, албатта, бадий матнда стилистик қимматга эга, аммо ҳар қандай лисоний бирликнинг бадий матндаги салмоғи, эстетик юкини баҳолашда стилистик таъкиддан кўра лингвопоэтик қиммат қамровлироқдир.

Маълумки, бадий матн таҳлилида унда иштирок этувчи ҳар бир бирлик ўзига хос эстетик вазифа бажа-

раётганининг гувоҳи бўламиз. Бундан эса айтиш мумкинки, тилнинг экспрессив-эстетик вазифаси бадий матнда намоён бўлади. Айни ҳодиса ҳали ўзбек тилшунослиги ва тилшунослари олдига бадий матн таҳлилида борасида залворли вазифаларни кўяди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. -Т.:Ўқитувчи, 1983.; Каримов С., Жўраев Т. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. -Самарқанд: СамДУ, 2001.
2. Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. - Т.: Фан, 1979.; Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. -Т.: Фан, 1982.; Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. -Т.: Фан, 1990.
3. Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 1985. -№6. -Б.48-51; Маҳмудов Н. А. ғаҳқор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, -Т., 1987. -№4. -Б.34-36; Маҳмудов Н. Шайхзода сўзининг лингвопоэтикасига чизгилар // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий-назарий анжуман материаллари -Тошкент, 2009. -Б.12-17.
4. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. -Т.: Фан, 2008. -Б.23.
5. Рихсиева Г. Нисбат шакллариинг лингвопоэтик тадқиқи доир // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2000. -№4. -Б.33 - 35; Жалолова Л. Абдулла Қодирий асарларидаги жонлантиришнинг лингвопоэтик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 2000. -№4. -Б.33-35.
6. Yo'ldoshev B., Shodiyev Z. "Ufq" trilogiyasining lingvopoetik tahlili masalalari. -Samarqand: SamDU, 2006.
7. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фанлари. номзоди. ... дис. автореф. -Т., 2000.; Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадий-услубий ўзига хослиги: Филол. фанлари. номзоди. ... дис. автореф. -Т., 2000.; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири - 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари. номзоди. ... дис. автореф. -Т., 2004.; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фанлари. номзоди. ... дис. автореф. -Т., 2004.; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий, услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. -Т., 2006.; Шодиева Д.Ш. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. -Т., 2007.
8. Мирзаев И. К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. -Т., 1992.
9. Мирзаев И. Лингвистик поэтика ва унинг филологик таҳлилдаги ўрни // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (ЎзМУ илмий мақолалар тўплами). - Т.: Университет, 2002. -Б.22.
10. Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дис. ...д-ра филол. наук. -М., 1992. -Б.60.
11. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. -Т., 2006. -№ 2 (11). -Б.47, 48, 51.
12. Аржанова И.А. Функционально-коммуникативные и лингвопоэтические функции эллиптических конструкций в современной художественной литературе на английском языке: Дис. ...канд. филол. наук. -М., 1999. -Б.148.
13. Сковородников А.П. О системе экспрессивных синтаксических конструкций современного русского литературного языка // Филологические науки. -М.: Высшая школа, 1982. -№ 1. -С. 37 - 38.

ЎЗИНИКИ БЎЛМАГАН КЎЧИРМА ГАПЛАР ХУСУСИДА

Шоҳида СИДДИҚОВА - филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жиззах давлат педагогика институти

2019/3-СОҲ

Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларда ҳам грамматик, ҳам стилистик, ҳам поэтик, ҳам прагматик ва бошқа жиҳатлар мавжудлиги турли тилшуносликларда турли шаклларда эътироф қилинган. Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар ана шундай кўп жиҳатли ҳодиса бўлганлиги учун ҳам бу ҳодисани ифодаловчи терминлар тилшуносликка оид манбаларда хилма-хилдир.

Аннотация

В этой статье идёт речь о несобственной прямой речи, считающейся одним из видов чужой речи и свойствах

Ключевые слова: несобственная прямая речь, стиль художественной речи, художественный текст синтаксическое целое, коммуникативно-синтаксическая структура

Abstract

This article discusses some of the other non-nonsensical phrases and their specific nature

Keywords: non-original quotations, speech style, fiction, syntactic unit, communicative-syntactic structure

"Таассуфки, - деб ёзади тадқиқотчи О.Л.Пучинина, - бирон-бир лингвистик ёки стилистик ҳодиса терминлаштириш жараёнларида ўзиники бўлмаган кўчирма гапчалик бундай катта миқдордаги терминлар билан иш кўрмаган". Тадқиқотчи ўз ишида турли тилшуносликлардаги мазкур гапни ифодаловчи бир қанча терминларни қайд этиб ўтади[1]. Татар тилшунослигида "уртак сойла" термини Х.Курбатов томонидан илмий истеъмолга киритилган[2]. Терминда ўзиники бўлмаган кўчирма гапларда ифодаланадиган икки шахс: персонаж ва муаллифнинг биргаликдаги, ҳамкорликдаги нутқларини таъкидлашга ҳаракат қилинган.

Ўзбек тилшунослари Б.Йўлдошев ва С.Исроиловлар ўзиники бўлмаган кўчирма гап ҳодисасини номлашда тилшуносликларда қўлланилаётган терминлар ҳақида шундай ёзадилар: "Бу нутқ формаси рус тилшунослигида ҳозирча турли терминлар билан номланмоқда: "своеобразное смешение прямой и косвенной речи", "свободная косвенная речь", "завуалированная или скрытая речь", "пережитая речь", "несобственно-авторская речь", "несобственно-прямая речь", "подражаемая речь", "фигуральная речь", "получужая речь", "непрямая речь автора". Булар орасида "несобственно-прямая речь" термини рус тилшунослигида кенгроқ тарқалди ва қатъийроқ ўрин олди"[3]. Албатта, мазкур терминларнинг барчаси рус тилшунослигида эмас, балки ғарб тилшунослигида қўлланган (масалан, "завуалированная или скрытая речь"). Мазкур муаллифларнинг "ўзиники бўлмаган кўчирма гапларни "эркин ўзлаштира гап" деб баҳолаш мумкин" деган фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди.

Ўзбек тилшунослигида "ўзиники бўлмаган кўчирма гап" деган термин турғунлашган. Аммо ўзбек адабиётшунослигида, масалан, Т.Расулов "қисман ўзлаштирилган кўчирма гап" терминини ҳам қўллаган[4].

Ўзбек тилшунослигида ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар ҳақидаги дастлабки маълумот бениҳоя ихчам бир тарзда бўлса-да, проф.М.Асқарова томонидан муомалага киритилган. Олима ҳам муаллифликда нашр қилдирган олий филологик таълим учун дарслигида бундай гаплар ҳақидаги назарий маълумот куйидаги икки жумладангина иборат: "Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар кўпроқ бадий асарларда учрайди. Бунда автор персонаж тилидан ўзи гапирди ёки воқеага ўз муносабатини

билдиради"[5]. Кейинроқ М.Асқарова ўзиники бўлмаган кўчирма гап ҳақидаги мулоҳазаларини бир қадар кенгайтирган, бундай гапларнинг "кўчирма гап билан ўзлаштира гап оралигидаги синтактик бирлик" эканлигини таъкидлаган ва бу ҳақида батафсил изоҳлар берган[6].

Ўзбек тилида ўзга гапли конструкцияларни махсус тадқиқ қилган тилшунос А. Абдуллаев уларни бир неча турларга бўлиб чиқади ҳамда тилшуносликда ўзиники бўлмаган кўчирма гапларни "билатерал ўзга гапли конструкциялар" деб номлайди ва бу ҳақида ва шундай ёзади: "Билатерал ўзга гапли конструкциялар ўзга гапларни ифода этувчи формалардан бири бўлиб, асосан, бадий адабиётда қўлланади. Билатерал ўзга гапли конструкциялар шаклан кўчирма гапга ўхшаса-да, ёзувчи томонидан ўз баёнига сингдирган ҳолда ифодаланиши, кўпинча, алоҳида автор гапига эга эмаслиги билан ундан фарқ қилади." Айни пайтда у "билатерал гаплар рус тили таъсирида ўзбек тили синтаксисиди пайдо бўлган грамматик категория" эканлигини ҳам таъкидлайди[7]. Бизнингча, аввало, "билатерал ўзга гапли конструкциялар" терминига қараганда "ўзиники бўлмаган кўчирма гап" терминининг ўзи ҳодиса моҳиятини холис акс эттира олади. Бунинг устига, "билатерал" ("билатеральный")нинг маъноси "икки томонлама" бўлиб, бошқа тилшуносликларда, асосан, фонетикага оид термин сифатида қўлланади ва "ўпқадан чиқаётган товушнинг тилнинг икки ён томонидан ўтиши билан ҳосил бўладиган ундош товуш (масалан, "л" ён ундоши)"ни номлайди[8]. Айни пайтда "ўзиники бўлмаган кўчирма гап" термини тилнинг тозаллиги жиҳатидан ҳам муваффақиятлироқдир. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, мазкур термин ўзбек тилшунослиги амалиётида деярли турғунлашган. Қолаверса, ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг, умуман, гап турларининг бошқа тил таъсирида пайдо бўлиши тил табиати ва мантиғига мувофиқ эмас.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар ўзбек тилшунослигида Б.Йўлдошев ва С.Исроиловлар томонидан яратилган ўқув қўлланмада анчайин холис ва батафсил кўрсатилган. "Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг грамматик стилистик хусусиятлари ва бадий текстдаги ўрни" деб номланган бу ўқув қўлланмасида ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг умумий тавсифи берилиб, унинг грамматик-интонацион хусусиятлари ўрганилган, шунингдек,

синтактик вариантлари, бадий нутқ тузилишидаги ўрни, халқ оғзаки ижоди, шеърӣ ва насрий матнда қўлланилиши атрофича баён қилинган[3].

Муаллифлар ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг бадий матнда тутган ўрни, унинг стилистик хусусиятларини таҳлил қилар экан, аввало, бадий услубда "ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг образлилик учун, характер ва манзаралар яратиш учун бевосита бўйсундирилган бўлиши"га, "ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар бадий нутқ услубида қаҳрамонларнинг ўй-хаёли, сезгиси, умиди, ҳадиксираши... кабиларни жонли тарзда, табиий, ўз ҳолича тасвирлаш имконини бериши"га урғу берар экан, яна шундай таъкидлайдилар: "Маълум бир ёзувчи ёки шоирнинг ҳаётни тушуниши ва тушунтиришидаги ўзига хосликлар асар композицияси, деталлари ва тасвир воситаларига ўз муҳрини босганидек, ижодкорнинг баён қилиш услубига, ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг формаларидан фойдалана билишига ҳам таъсир қилади. Асарнинг баён қилиш структурасига ўзиники бўлмаган кўчирма гап шакллари сингдириб юборишида ижодкорнинг дунёқараши, эстетик қарашлари, маънавий қиёфаси ва шахсияти акс этиб туради"[3].

Бадий матнда фикр ифодалашда фаол қўлланиладиган синтактик бирликлар қатори ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар, албатта, образ, характер ва тасвир яратиш вазифасини бажаради. Ўзиники бўлмаган кўчирма гап бадий матнда нутқнинг ички ёки ташқи кўринишида ифодаланишидан қатъи назар, персонаж ҳолати, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини муаллиф истагига мос ҳолда бадий-эстетик тасвирлаш имконини беради, яъни тилнинг эстетик вазифаси ёрқин ифодаланади. Н.Маҳмудов таъкидлаганидай, "эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айна шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади"[9].

Демак, бу ҳақида шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар ўзганиши нутқини ифодалашнинг мураккаб ўзига хос шаклидир. Уларнинг коммуникатив-синтактик структураси сезиларли даражада мураккаб, чунки бундай гапларда муаллиф ҳам, асар қаҳрамони ҳам бирданига гапирди.

Ўзга гапни ифодалашнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг махсус синтактик шакллари мавжуд эмас[10]. М.М.Бахтин алоҳида ва асосли равишда қайд этганидек, ўзиники бўлмаган кўчирма гапларда грамматика нуқтаи назаридан муаллиф гапиргандай бўлади, маъно-мазмун нуқтаи назаридан қаҳрамон гапиргандай бўлади[11]. Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларда алоҳида формал-синтактик белгилар етарли бўлмагани учун контекст муҳим аҳамиятга эга[12]. Шунинг учун ҳам ўзга гап ифодаланишининг деярли барча кўринишларини матн сатҳида олиб қарамасдан ўрганишининг имкони йўқ[13].

Аммо баъзи тадқиқотчилар ўзиники бўлмаган кўчирма гапларни икки аспектда - ҳам лисоний-грамматик, ҳам стилистик аспектда ўрганиш лозимлигини тўғри қайд қилганлари ҳолда уларни кўпинча матндан тамоман узиб олган ҳолда таҳлил қиладилар. Масалан, бир ўқув қўлланмада шундай ёзилган: "ўзиники бўлмаган кўчирма гап: Нима бўляпти ўзи? Бу тентак Отақўзи нима қиляпти? Нега бунчалик ҳовлиқиб кетди? Ахир, чинакам инсофсизлик-ку бу! (О.Ёқубов. "Диёнат")"[3] Кўриниб турибдики, бу мисоллар шу ҳолатида одатий кўчирма гаплардир, улар тегишли матн ичида муаллиф талқинига уйғунлашган ҳолдагина ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар мақомида бўлиши мумкин, матн ичида эса мана бундай: Домладан садо чиқмади, у ўз ўйлари билан банд эди. Назарида,

сўнги пайтларда эшитган гаплари билан бу муштипар аёлнинг арз-ҳоли орасида ҳеч бир фарқ йўқдай, бу ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳамбарчас боғлиқдай туюлди унга. "Нима бўляпти ўзи? Бу тентак Отақўзи нима қиляпти? Нега бунчалик ҳовлиқиб кетди? Ахир, чинакам инсофсизлик-ку бу!" Муаллифнинг айна матн ичидаги ўз ўйлари билан банд эди ифодаси мазкур гапларнинг (Нима бўляпти ўзи? Бу тентак Отақўзи нима қиляпти? Нега бунчалик ҳовлиқиб кетди? Ахир, чинакам инсофсизлик-ку бу!") ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар эканлигини ойдинлаштиради.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг формал-синтактик жиҳатдан ностандартлиги, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эътироф этилган. Аммо шунга қарамасдан, тилшуносликларда ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг структур-семантик турларини белгилаш борасида ҳам айрим изланишлар, бир қатор қараш ва талқинлар мавжуд.

Масалан, ўзбек тилшунослари Б.Йўлдошев ва О.Исроиловлар ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг структур-грамматик хусусиятларини анчайин батафсил ва холис таҳлил этар экан, уларнинг айрим сўз, гап ва гаплар тизими (абзац) шаклидаги турларини фарқлаш заруриятини қайд этадилар. Албатта, бу фикрга қўшилиш мумкин, ўзбек тилида мазкур гапларнинг айна шаклий-синтактик турлари кузатилади. Мисоллар: ҳар йили дам олишга борганимда онамга гилам пайпоқ олиб келардим. У худди ноёб нарсага эга бўлгандек, узоқ дуо қилади, бирпасда ҳамма қўшниларга кўз-кўз қилиб чиқади, шундоқ, "меҳрибон" ўғли борлигини айтиб мақтанади. (Ў.Ҳошимов. "Дунёнинг ишлари") Ақобиров узатилган кўлни худди эрмаклаган каби силкий-силкий кўйиб юборди: бор, ишингни қил! (Эркин Аъзам. "Шовқин") "Опа" улуғларга хос назокат ва вазминлик билан жойига ўрнашаркан, олдинги қаторда ўтириб бор кучи билан чапак чалаётганлар орасидан кимдир кўзига иссиқ кўринди. Бир зум тикилиб қаради-ю, ўзини танимаганга уриб кўзини бошқа ёққа олди.

Ўша, Тепакал, семимий кал! Бу ерда нима қилиб юрибди? Қаёқдан пайдо бўлди? хув ёқдан чиқиб келибди-да. Ўшандан бери учрашишмаган эди. Е буюм шеърийят мухлисимики? Йўқ, бу бошқа нарсанинг мухлиси! Балки, бир замонлар ватандошлари кавлаб кетган гўрнинг бугун нима бўлганини томоша қилгани келгандир? (Эркин Аъзам. "Шоирнинг тўйи")

Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларни немис ва рус тилларида қиёсий тадқиқ қилган А.В.Боровина ва Н.В.Пестовалар бундай гапларнинг киритмалар шаклида ҳам бўлишини, киритмалар одатда гапнинг синтактик яхлитлигини "бузиб" кириб, жумлага кўшимча ифодавий бўёқ бахш этишини, қаҳрамон нутқини эшиттиришини, сўзловчининг ахборотга бўлган эмоционал ва модал муносабатларини ифодалашга хизмат қилишини қайд этадилар.[14]

Айтиш керакки, бундай ҳолат ўзбек тилида ҳам мавжудлигини сезмаслик мумкин эмас. Бу муносабат билан ўзбек бадий нутқидаги парантез бирликлар (киритма конструкциялар)нинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятларини монографик миқёсда тадқиқ этган Д.Жамолиддинованинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: "Бадий матнда муаллиф нутқи ва бегона нутқнинг ўзига хос тарзда қўшилиб кетиши ҳам кузатилади. Бунда бегона нутқ кўчирма гап, ўзлаштирама ва ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар орқали ифодаланиши мумкин. Лекин биз тўплаган фактик материаллар бегона нутқ парантез конструкциялар воситасида ҳам ифодаланиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда бегона нутқ муаллиф ҳикоясини тўхтатиб киритилади. Бадий матнда кўп вазиятларда киритма конструкциялар қаҳрамон нутқини (унинг ташқи нутқини) ва

мулоҳаза-ўйлари (унинг ички нутқини) матнга кириштишга имкон берувчи восита эканлиги билан ҳам характерланади" [15]. Тадқиқотчи бошқанинг нутқини матнга киритма воситасида олиб кирилишини ўзиники бўлмаган кўчирма гаплардан фарқли алоҳида ҳодиса сифатида талқин қилади. Аслида, моҳиятан мазкур ҳолат ҳам ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг айнан ўзидир ёки бир кўринишидир. Д.Жамолиддинова тадқиқотининг умумий хулосасида "икки коммуникатив йўналишли парантезалар бадиий матнда муайян воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамонни турли нуқтаи назарлар юзасидан тав-

сифлашда, шунингдек, полифоник - кўп овозли тасвирни яратишда ўзига хос, энг қулай восита" [15] эканлигини жуда тўғри таъкидлайди. Бунда у, табиийки, ўзганинг гапини матнга олиб кирган парантезалар иштирокидаги гапларни ҳам ҳақли равишда икки коммуникатив йўналишли бирликлар қаторида қараган.

Хуллас, ўзга гап турларидан бири ҳисобланмиш ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар тилшунослар томонидан янада кенгроқ, батафсилроқ тасниф қилинишини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пучинина О.П. Структурно-семантическая репрезентация несобственно-прямой речи (на примере англо-американской прозы XX века) / Приволжский научный вестник. -2013. -N9 (25). -С. 58.
2. Курбатов Х.Р. Татарская лингвистическая стилистика и поэтика. -М.: Наука, 1978. -С. 138.
3. Ёўлдошев Б., Исроилов С. Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадиий текстдаги ўрни. -Самарқанд: СамДУ, 1991. -Б.7.
4. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. -Тошкент: Фан, 1978. -С. 128 - 129.
5. Фуломов А., Асқарова М. А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. -Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961. -Б.265.
6. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. -Тошкент: Фан, 1976. .460 - 461.
7. Абдуллаев А.Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма гапли конструкциялар. -Тошкент: Фан, 1978. -Б. 13 - 14.
8. Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. -М.: Изд-во иностранной литературы, 1960. -С.47; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. -М, 1966. -С.67.
9. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. -2006. -№2 (11). -Б.51.
10. Крючков С.Е., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Синтаксис сложного предложения. -М.: Просвещение, 1977. -С.173.
11. Волошинов В.Н. (Бахтин М.М.) Фрейдизм. Формальный метод в литературоведении. Статья. -М.: Лабиринт, 2000. -С.471.
12. Байдиқова Н.Л. Формально-стилинические характеристики способов передачи чужой речи (на материале англоязычных художественных произведений) // Научный диалог. -Екатеринбург. -2018. -N3. -С.27.
13. Зорина Е.С. "Чужая речь" и речь автора в современном художественном тексте / Вестник СПбГУ. Сер.9. 2011. Вып.4. -С.134.
14. Боровина А.В., Пестова Н.В. Некоторые способы языковой реализации несобственно-прямой речи в немецком и русском языках / Вестник Южно-Уральского государственного ун-та. -2008. -N1. Серия: "Лингвистика", выпуск 6. -С.5.
15. Жамолиддинова Д.М. Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик ва лингвопоэтик хусусиятлари. -Тошкент: Фан, 2011. -Б.93.

НОМИНАТИВ ГАПЛАРНИНГ ТИЛ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ойбекжон НАСИРДИНОВ - ўқитувчи, Кўкон давлат педагогика институти

Дунё тилшунослик фанида гап деб аталмиш лингвистик воқеликнинг ҳозирга қадар берилган 300 дан ортиқ таърифи мавжуд. Албатта, буларнинг ичида содда, қўшма, мураккаб, эргаш гаплар билан бир қаторда номинатив гапларнинг ҳам ўз таърифи бор.

Афсуски, предикативлик, модаллик, оҳанг ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб турадиган гапларнинг тўлақонли барча тиллар учун умумий, универсал ҳисобланган функционал, дифференциал белгилари йўқ.

Бу, биринчидан, синтаксисдаги баҳсли муаммо саналса, иккинчидан, тил структураси, яъни гап қурилиши билан боғлиқ муаммо.

Яқин-яқинларгача номинатив гапларни тил тизимидаги ўрнини аниқлаш ва улар учун хос бўлган белгиларни мажмуасини ўзида мужассам этган таърифи ҳам, ўрни ҳам ўз ечимини топмаган.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, биз мазкур мақоламизда номинатив гапларни таърифини келтириб, уларни тил тизимидаги ўрнини аниқлашга ҳаракат қилишдир.

Лингвистик адабиётларнинг гувоҳлик беришича, номинатив гапларнинг ҳам ўз навбатида бир неча таърифи бор. Бу таърифлар тадқиқотчиларнинг ўз олдига қўйган мақсадларидан келиб чиқиб берилган. Шунинг учун бўлса керак, номинатив гапларнинг моҳиятини очиб берадиганлари санокли.

Демак, бизнинг вазифамиз номинатив гапларнинг бошқа гап тоифаларига берилган таърифлардан фарқ қиладиган тамойилларини ишлаб чиқишимиз керакка ўхшайди. Бунинг учун ҳозиргача берилган таърифларнинг айримларига мурожаат қиламиз.

Профессор И. Расулов номинатив гапларни бир составли гаплар тоифасига киритиб қуйидагича таъриф беради: Номинатив гап бош бўлагининг табиатига кўра ажратилган кесимсиз гапларнинг асосий типидир. Бу тип гапларга бирор предмет, воқеа-ҳодисанинг номи аталиб, шу предмет воқеа-ҳодисанинг борлиги, мавжудлиги тасдиқлаш орқали ифода қилинади." [1:87]

Қ. Абдурахмоновнинг фикрича "Маълум бир предмет ёки ҳодисаларнинг мавжудлигини кўрсатувчи гапларга номинатив гаплар дейилади" [2:123].

Бир гуруҳ рус тилшунослари номинатив гаплар ҳусусида фикр юритиб бу тоифа гаплар предмет ёки ҳодисанинг мавжудлигини тасдиқловчи, эмоционал баҳо, буйруқ, истак маънолари билан мураккаблашиши мумкин бўлган бош келишлик формасидаги от ёки миқдор билдирувчи сўзнинг от билан бирикувидан ҳосил бўлган бирикмали бир составли гаплар туркумига кирадилар дейишмоқда. [3:87]

Демак, номинатив гаплар битта сўздан иборат бўлиши, ҳам аниқловчилар билан кенгайиб келиши ҳам мумкин.

Аннотация

Статья посвящена роли номинативных предложений в системе языка.

Ключевые слова: номинативное предложение, языковая система, эллипсис, односоставное предложение.

Abstract

The article is devoted to define the linguistic essence of nominative sentences in a language system.

Keywords: nominative sentence, language system, ellipsis, one-member sentence.

Масалан, Университет. Ёшлигимнинг олтин даври шу даргоҳда ўтди. Номинатив гаплар бир қарашда кесимсиз, фақат эгадан иборат гаплардек тасаввур этилади. Аслида бу гапларни замонлар бўйича парадигмага солсак, қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

1. Кенг саҳро - Кенг саҳро эди.

2. Тун - Тун эди.

3. Баҳор - Баҳор келди каби.

"Воқеа-ҳодисаларнинг номига тенг бундай бирликлар номинатив гап дейилади" - деб таъкидлайди Ш. Раҳматуллаев [4:167]. Юқорида келтирилган сўзлар воқеликни номлайди холос, унинг таркибида кесимни (гапни) шакллантирадиган грамматик категорияларнинг бирортаси қатнашмайди.

Масалан, Кеч куз. Ҳосилни тўла-тўқис йиғиштириш фасли.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўришиб турибдики, номинатив гапларнинг моҳиятини белгилашда рус ва ўзбек тилшунослари ўртасида яқинлик йўқ. Шунинг учун ҳинд-европа тиллари манбаларига эътиборимизни қаратамиз. Инглиз тили грамматистлари номинатив гапларларга бир составли структураларнинг варианты деб қарашади. Бундай структураларнинг асосий ёки бош компонентни от ёки отлашган элементлардан ташкил топади. (герундий, сон ва бошқалар). Номинатив гапларнинг коммуникация жараёнидаги вазифаси воқеанинг динамика тасвирини амалга оширишдан иборат. Бир гуруҳ гаплар иш-ҳаракатнинг ёки воқеанинг вақтини, унинг ўрнини, воқеа содир бўлишдаги шарт-шароитни, ҳамда коммуникация жараёнининг қатнашчиларини ифода этади. Масалан; London. Fog everywhere. Nasty November weather - Лондон, ҳамма ёқда туман. Келтирилган мисоллардаги таг маъноларни прагматик хусусиятларини изоҳласак; мазкур гаплар ҳам состав, ҳам коммуникация жиҳатидан қуйидагича намоён бўлади.

Лондон. Буюк Британиянинг пойтахти, Минора, кўприк, Трафалгар майдони, Британия музейи, Парламент биноси ва албатта, Темза дарёсини кўз олдимизга келтирамиз; ҳаммаёқда туман - Буюк Британия пойтахтини кузда тумансиз тасаввур қилолмайсиз; қовоғи солиқ ноябрь ҳавоси. Кеч кузда Буюк Британиянинг об-ҳавоси кўпроқ қуёшсиз бўлади.

Инглиз тилидан келтирилган мисоллар ва уларнинг прагматик изоҳи, тилларнинг ривожланишида номинатив гаплар ҳам икки ва ундан ортиқ составли гаплар бўлган.

лигидан далолат беради. Керакли компонентларнинг номинатив гаплар таркибида бўлмаслиги уларнинг эллиптик гаплар тоифасига киритишни ҳам изоҳлаши мумкин. Аслида эллиптик гап бўлиши учун бош бўлақларнинг бирортасини бўлмаслиги асос қилиб олинади. Номинатив гапларда аксарият ҳолларда, албатта, бош бўлақлардан биттасини бўлиши шарт. Хўш, унда номинатив гаплар эллиптик гаплардан қайси хусусиятлари билан фарқланади? Бизнинг фикримизча, номинатив гапларда оҳанг бўлса ҳам, модаллик йўқ, худди шунингдек предикативлик ҳам йўқ, аммо И.И. Мешанинов фикрича, предикативлик яширинган бўлиши мумкин.

Номинатив гаплар тилшунослик фанининг, жумладан синтаксиснинг барча босқичларида, лингвистик адабиётларни гувоҳлик беришича гоҳ атов гап, гоҳ номинатив гап, гоҳ бир составли гап деб юритиб келинган. Ҳозир эса барча тилшунослар ва тадқиқотчилар томонидан номинатив гап атамаси истеъмолга киритилди.

Номинатив гапларнинг когнитив хусусиятлари яққол кўзга ташланади. Масалан, "севги" концептини олсак, бу сўз "севги дардига мубтало бўлмаган ким бор", севилган-севилмаганлар ёки рус тилидаги "не любимых женщин нет, ест не встреченные" каби ибораларнинг тағ маънолари келиб чиқади.

Айрим германист олимларнинг таъкидлашича, номинатив гапларнинг вазифаси (функция, function) бир составли гапларда эганинг мавжудлигини тасдиқлашдир, ёки воқеа ёки ҳаракат бўлаётган маконга ўқувчини олиб киришдир. Масалан; Malay camp. The row of streets crossing another row of streets. Mostly narrow streets. Mostly dirty streets. Mostly dark streets (P.A). Гаплар тизимига жиддий эътибор берилса, у ўқувчини воқеа содир бўлаётган маконнинг барча хусусиятларига, жумладан, жойнинг кўриниши ва воқеада қатнашаётган персонажнинг жойга бўлган муносабатини ҳам ифодалаб келяпти.

Демак, номинатив гаплар кўпчилик тилшуносларнинг фикрига қўшилсак, бу тоифа гаплар бир составли структуралар қаторига кириб, фақат от гуруҳли сўздан

иборат бўлар экан. ҳам семантик, ҳам коммуникатив нуқтаи назардан воқеа, ҳодиса ёки бирор табиат кўринишини мавжудлигини, унинг ўрни, вақтни белгиловчи мустақил синтактик қурилма ҳисобланади. Алоҳида ажратиб олинган гапларга келсак, улар ҳеч қачон бир составли гаплар туркумига кирмайди, чунки бундай гаплар маълум бир семантик вазифа бажариш учун контекстга суянадилар, шунинг учун бўлса керак улар эллипсизланган (ellipsized) гаплар деб аталади.

Хуллас номинатив гаплар бирор предмет, воқеа-ҳодисанинг нутқ сўзланиб турган пайтда (нутқи вазифасидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин) мавжудлигини (existence) кўрсатадиган бир составли гаплар номинатив гаплар дейилади. Улар бир сўз билан ҳам, бир неча ўзаро боғланган сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: Субҳидам. Қуёш ётоғидан бош кўтарди; Winter. It is the coldest season of the year; Тошкент. Бир пайтлар уруш кетаётган йиллари нон шаҳри бўлган. Ҳозир тинчлик шаҳри.

Номинатив гаплар ҳозирги замон кўринишида кесимдан иборат эгасиз гап. Масалан: Сехрли оҳанг. Мумтоз кўшиқлар. Юракларни ларзага солади.

Номинатив гапларнинг тил тизимида тутган ўрнини ёриштишга йўналтирилган мазкур мақола билан чегараланмаймиз. Бу тоифа гапларнинг лингвопрагматик, лингвостилистик ва когнитив хусусиятарини тадқиқ этиш ҳали олдимизда турган асосий мақсадларимиздан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.Расулов. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Монография. Т.1978.
2. Ф.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, Қ.Маҳмудов. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т.2009.
3. Бабайцева В.В. Система односоставных предложений в современном русском языке. М.: Дрофа, 2004.
4. Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.2012.

"ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР" ДОСТОНИДАГИ ҲАЙРАТЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Зухра МАМАДАЛИЕВА - филология фанлари номзоди, доцент
Жиззах давлат педагогика институти

Ҳайрат ул-аброр" достонида йигирма бир бобдан иборат муқаддима бор. Ундаги уч боб - уч ҳайрат кўнгилнинг саёҳати тўғрисида бўлиб, бир қараганда дostonга алоқаси камдай туюлган ўзига хос боблар ҳисобланади. Биз ушбу мақолада мана шу ўзига хосликнинг тарихига бир назар ташламоқчимиз.

Рухнинг сайру саёҳатга чиқиш мотиви пайгамбар меърожига нисбатан яратилганлиги ҳақида илмда бир мунча қарашлар бор. Бу мотивнинг адабиётга илк бор татбиқ этилиши ватандошимиз Абу Али ибн Сино ижоди билан боғлиқ. Алломанинг "Ҳайй ибн Яқзон" қиссасининг тили, услуби жуда оғир. Бунинг сабабини ғарб олимларидан Мехрон "Ибн Сино бу рисолаларни ўзининг энг яқин шоғирдлари учун ёзган", деб изоҳлайди [1,13-б.]. Ушбу қиссада асарнинг бош қаҳрамонлари муаллиф ва унинг суҳбатдоши - Ҳайй ибн Яқзон - юнон мутафаккирлари фикри бўйича, коинотдаги илк яратил - логосдир. Муслмон Шарқи фалсафасига Ақли Аввал, Рухи Аввал тарзида синган бу яратилган Ибн Сино ўзининг ушбу фалсафий асарига бош қаҳрамон этиб танлайди ва уни Уйғоқ ўғли Тирик, Ақли фаол номлари билан атайди.

Асарда муаллиф Ҳайй ибн Яқзонни "бир нуруний, ёши ҳам анчага бориб қартайиб қолган, лекин ўзи ҳали барваста, тетик, суяклари ҳам сусаймаган, ҳеч бир аъзоси бўшашмаган ва хуллас, соч оқаришидан бошқа ҳеч қандай қариллик нишонаси бўлмаган бир чол"[2,59-б.] деб таърифлайди. У ўзининг саёҳатчи эканлигини, ҳунари дунё кезиш бўлганини айтади ва муаллифга бир қанча маслаҳатлар беради. Жумладан, унинг биринчи маслаҳати фаросат (мантик) илмини эгаллаш ва бу илмнинг фойдаси нақд илмлардан деб баҳолаш бўлади. Ҳайй ибн Яқзоннинг бу маслаҳати асарда ўқ чизикдай ўтган. Қиссада муаллиф мантик илмини ҳаёт чашмасига ҳам ўхшатиб, унинг сувидан ичган зот Баҳри муҳитда чўкмайди, жазирамада куймайди, музликларда қотмайди, дейди. Бу фикри билан Ибн Сино ўз фалсафий қарашларида мантиқни (рационал билишни) биринчи ўринга қўйишини кўрсатмоқда.

Ҳайй ибн Яқзон муаллифга ўзи билган нарсаларни ҳикоя қилиб беради. Бу ҳикояни Ибн Сино ўз ўқувчисига образли тил билан баён қилади. Жумладан, коинот жисмлари ва қаватлари мамлакатларга, клим, денгиз ва дарёларга, инсон руҳиятидаги ҳолатлар ҳайвон ва афсонавий жонзотларга ўхшатишган. Одам руҳиятидаги сезгилар турли лавозимдаги ходимларга қиёсланган. Кейинчалик бундан қиём Абу ҳомид ғаззолийнинг "Кимёи саодат" асарида ҳам қўлланилганини кўраимиз.

Жумладан, асаридаги "Олам тузилиши баёнида" фаслидаги қуйидаги сатрларга эътибор берайлик: "Кавокиб ва табойиъ (табиат) ва фалакул кавокибнинг буржлариким, тақсим этилгандур ўн икки қисмга. Ва Аршким, булардан муғайирроқдур (бошқача, ғаройиброқ), мисоли

Аннотация

В статье рассказано об истории поэмы Алишера Навои "Хайрат ул-аброр". Также на основе анализа дано сопоставление поэмы Алишера Навоий с произведениями Авиценны "Хай ибн Яқзон", Имом Газали "Кимёи саодат", Низами Ганджави "Махзан ул-асрор". Этим доказывається новаторство Навоий.

Ключевые слова: Советы, путешествие, пустынный, удивление, Хай ибн Яқзон, Худжа, Душа, собственность.

Abstract

The article tells the story of the creation of astonishment chapter in the poem "Khairat ul-Abror" by Alisher Navoiy. In the discussion was made an analyses on comparison with the works of Ibn Sino "Khay ibn Yakzon", Imom Gazzoliy "Kimyoi saodat", and Nizomiy Gandjaviy "Makhzan ul-asror". From this point Navoiy is an innovator.

Keywords: Advice, travel, deserted, desert result, astonishment, Khay ibn Yakzon, Khudja, Soul, property.

подшоҳнинг ҳужраи хоси бўлғайким, вазир ул ҳужрада ўлтургай. Ва бул ҳужранинг атрофида равоқи бўлғайким ва ҳар тоқида ул вазирнинг ноиби ўлтургай. Ва етти нақибсувор бу ўн икки тоқнинг атрофидан айлангай. Бу нақиблар (раҳбарга яқинлар) вазирнинг ноиблари фармондадур. Ва тўрт пиёда камонандоз бу етти нақибдан йироқроқ мунтазир турурларки, ҳазрат подшоҳдан нечук фармон еткусидур. Ва тўрт каманд - арқонни бу тўрт пиёдага берибдурлар, токим фармон тақозоси бирла баъзисини подшоҳ даргоҳига тортарлар ва баъзисини йироқ қилурлар"[2,80-б.]. Кўрганимиздек, ғаззолий бу ерда Аршни - подшоҳнинг ҳужраи хоси, осмон буржларини - ўн икки равоқда ўтиргувчи вазирнинг ноиблари, осмоннинг етти қаватини - етти нақибсувор, тўрт унсурни - тўрт камонандоз тимсолида тасвирлаган. Яна ушбу асарда инсон вужудини - бир мамлакатга, дилни - унинг подшоҳига, қолган аъзоларни унинг аён ва мулозимларига қиёс қилса[2,35, 40-б.], одам баданидаги шаҳватни - тунғизга, ғазабни - итга, ақли фаришталарга ўхшатади [3,42,46-б.]. Бу фикрлар юқорида кўриб ўтганимиз Ибн Синонинг "Ҳайй Ибн Яқзон" рисоласидаги тасвирларга оҳангдош.

Қисса охирида Ҳайй ибн Яқзон барча яратилганнинг подшоҳини таърифлаб, уни ҳеч кимга ўхшамайдиган, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ, васфини баён этишга тиллар ожиз бўлган зот деб таърифлайди. Асар "Истасанг, менга эргаш, сени унга олиб бораин" деган жумла билан якунланади. Кўринадики, бу ерда гап Тангри ҳақида бормоқда, демак, пир муаллифни бошлаб сайр қилдирилиши, унга таълим бериши, атрофдаги нарсалар ва мавжудотларни рамзий тил билан таништириши аънанаси адабиётимизга Ибн Синонинг "Ҳайй Ибн Яқзон" рисоласи билан кириб келган экан.

Профессор Э.Бертельс тасаввуфий ҳикоятчилик тарихини Абу Ҳасан Ҳараконийдан бошлайди. Унинг "Нур ул-улум" рисоласида рамзий тил билан баён қилинган Мусо,

каптар ва лочин ҳақидаги ҳикоятни шарҳлайди. Ҳараконийнинг шогирди, пири Хуросон номи билан машҳур шайх, фақиҳ ва муҳаддис олим Абдуллоҳ Ансорийдир. "Табақот ас-суфийа", "Манозил ус-сойирин" ҳамда "Муножоот" каби асарларни унга нисбат берадилар. "Манозил ус-сойирин" асаридея руҳнинг тўрт манзили, унга бўлган саёҳат ҳақида сўз боради.

Абдуллоҳ Ансорийнинг шогирди ҳақим Санойи тасаввуф адабиётининг форс тилидаги дастлабки ижодкорларидандир. Унинг "Ҳадиқат ул-ҳақойик" ("Ҳақиқат боғчалари") асарининг сўфийлик адабиётининг дидактика, яъни хираднома йўналиши ривожда ўрни аҳамиятлидир. Ушбу асарда мистик "йўл"нинг биз Ибн Синода кўриб ўтганимиз каби бир қанча манзиллари рамзий-аллегорик йўналишда тасвирланган. Унда ҳам худди Ақли аввал каби пир муаллифни руҳан саёҳат қилдиради ҳамда юқорилаш ва қайтиш йўллари билан таништиради. ҳақим Санойи бу асарда мавзуга мос кичик-кичик ҳикоятлар киритиши билан асарнинг бадиий кучини янада оширган.

Низомий Ганжавийнинг "Маҳзан ул-асрор" достони ҳақим Санойининг асарига жавоб тарзида битилган бу йўналишдаги илк назмий асар саналади. Анъанага содиқ қолган Низомий руҳнинг юқорилаш босқичларини тасвирлайди ва уларни "хилват" деб атайди. Асарда иккита хилват ва иккита хилват самараси ҳақидаги боб мавжуд. Биринчи хилватда сокин ва соҳир бир тунда Хўжа шоирнинг кўлидан тутиб, йўлга бошлагани ҳақида айтилади. Биринчи хилватда у табиат гўзалликларидан сархуш бўлади, ҳайратга тушади. Биринчи хилват самарасида у фикру тафаккурга чўмади. Бу гўзалликлар унинг ақлини зое, кўнглини хомуш қилади.

Иккинчи хилватда эса устоз - Хўжа бир неча улфатлари билан базм тузади. Унда шоир бир гўзални кўради ва унинг хусну жамолидан ҳайратга тушади. Иккинчи хилват самарасида эса унинг кўнглига ишқ жойланиши, унинг бу ишқ таъсиридаги нолаю фарёди акс этади [3, 76, 89-б.].

Амир Хусрав Дехлавий "Матлаъ ул-анвор" достонидея хилватлар сонини учтага етказиши ва унинг "самаралари"ни олиб ташлайди.

Биринчи хилватда шоирнинг танаси ерда қолиб, руҳи осмону фалакка кўтарилганлиги ҳикоя қиланиди. Унда шоир дил билан учрашади. Бу хусусида профессор М. Муҳиддинов "Комил инсон - адабиёт идеали" китобида қуйидагича шарҳлайди: "у (ўзлигини англаб етмаган руҳ - изоҳ бизники З.М.) Дил ҳузурига бориб, у билан сирлашади. Дил унга дунёвий кишанлардан ўзини кутқизиш, бандалик ибодатига астойдил берилиб, шайтон бўйинини синдиришни маслаҳат беради" [4, 55-б.]. Иккинчи хилват кундуз таърифи, табиат тасвири фонидея ошқининг бундай ҳолатдан наво - ҳайрат туйгани ифодаланеяди.

Учинчи хилватда шоир Хожа - пирнинг ҳузурига боради ва ўзидаги бу ҳолатлар сирини сўрайди. Хожа шоирга руҳий кўратилиш сирини англатади ва бу ҳолатни рўё эмас, ҳақиқатда рўй берганини таъкидлайди.

Жомий "Тухфат ул-аҳрор" да бу анаънадан шаклан чекингандай туюлади. У кўнгил таърифидан кейин уч пирнинг суҳбатини келтиради. Биринчи суҳбат - илмул яқин, иккинчиси - айнул яқин, учинчиси эса - ҳаққул яқин тўғрисида бўлади. Суҳбатларни эшитган кўнгил камолотга эришиб бораверади. Бу ўринда гарчи шаклан уруж - кўратилиши тўғрисида сўз бормаса ҳам, маънавий жиҳатдан юксалиш борасида гап кетмоқда. Бунинг сабаби илмул яқин - юзаки билим, айнул яқин - тажриба асосида англаб билиш ва ҳаққул яқин - қалбан ҳис этиш ҳамда шакшубҳасиз билиш эканлигини ҳисобга олсак, Жомий ҳам моҳиятан салафларига эргашганини англаб етамиз.

"Ҳайрат ул-аброр" да саёҳатга раҳбарлик қилувчи шахс образи йўқ. Унда Хожа номи билан аталган кўнгил илоҳий даъват билан сайрга чиқади. Достонда у уч бор саёҳат қилади ва бундан беҳад ҳайратга тушиши тасвирланади.

Кўнгил таърифидеяги бобдан сўнг дастлабки саёҳат малак оламига бўлади. Малак оламини Навоий гўзал табиат тасвирида ифодалайди. Қизиғи шундаки, бу оламдаги ундаги беҳад гўзаллик, ҳар бир гул, ҳар бир қуш Яратганга сано айтарди:

**Фохтадин кумрию булбулгача,
Балки шажар яфроғидин гулгача,
Барчаси қайюмига зокир эди,
ҳар бир анинг шукрига шокир эди [5, 67-б.].**

Бу ҳолатни кўрган Хожа чексиз ҳайратга тушади. Иккинчи саёҳат малакут оламига бўлади. Бу оламни Навоий осмони фалак тасвирида ифодалайди. Хожа етти сайёра ва ўн икки бурждаги турғун юлдузларни кўради:

**Мунча гаройибгаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.
Борчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳга шуҳуд англади [5, 73-б.].**

Бунда ҳам ҳар бир мавжудот саждаю киёмда эканлигини кўрган Хожанинг бир ҳайрати унга етади. ҳайратдан беҳуд бўлади.

Учинчи сайр бадан шаҳристонига бўлади. Иккита устун устига қурилган бу салтанат қаттиқ тартиб асосида ҳаракатланарди. Унинг подшоси, вазири, сарбозлари навкарлари бор эди:

**Шоҳ ани ўз мулкида дастур этиб,
Мулкини ул адл ила маъмур этиб,
Юққориғи қаср уза фаррух вазир,
Сокину эл амрига фармон пазир [5, 77-б.].**

Қизиғи шундаки, бу мамлакатда ҳам ҳамма Яратганга ибодат қилиш, Унинг зикрини айтиш билан шуғуланарди. Буни кўрган Хожани ҳайрат узра ҳайрат қамраб олади ва у фано - ўзини йўқотиш даражасига етади:

**Чунки бу ҳайрат аро ранжу ано,
Фони этиб хожани балким фано [5, 79-б.].**

Шундан сўнг у Яратганнинг халфаси даражасига кўратилди.

Достонда Навоий салафлари ижодидаги анъанавийликни умумлаштириб, уларга ўз муносабатини билдиради. Унинг анъанавийлик ичида новаторлик яратиш маҳорати ушбу бобларда ҳам яққол намоён бўлади.

Жумладан, ҳайратларда, худди хилватлардаги каби сафар ва саёҳат амалга оширилади. Барча сафарларда қаҳрамон гўзалликдан ҳайратланади. Бироқ Навоийнинг Хожаси нафақат гўзалликдан, балки, уларнинг маънавий томонидан, яъни, ҳамма мавжудот ва неъматларнинг Яратган зикрига машғул эканлигидан ҳам ҳайратланади. Бу аввалги хирадномаларда эътибор берилмаган жиҳат бўлиб, Навоийнинг ўзига хос топилмаси саналади.

Табиат тасвири барча достонларда бўлгани ҳолда коинот тасвири, сайёра ва юлдузлар манзараси ҳам Навоийнинг ўзига хос топилмаси бўлиб, бу унинг Самарқанддаги Улуғбек мактабидея олган аъло даражадаги астромогик билими таъсирида юзага келган, десак англишмаймиз.

Учинчи ҳайратдаги саёҳат ҳам Навоийнинг ўз топилмаси саналиб, кўринишидан Фаззолийнинг "Кимёи саодат" асари таъсирида яратилган.

Аҳамиятли ўзгаришлардан яна бири Хожанинг ҳайратлар натижасида камолотга етишидир. Бу ҳам улуғ шоир ижодининг ўзига хослиги ифодаси бўлиб, бошқа хирадномаларда ҳайратлар натижасига бу даражада эътибор қаратилмаган. Натижа Навоийнинг "Қандай асосга кўра Одам Ато яратилгандоқ Яратганнинг халфаси даражасига етди?", деган шахсий мулоҳазасига жавоб тазида вужудга келган бўлса керак.

Мухими, Навоий достонда инсон кўнглини Хожа - соҳиб деб эъюзлайди ва уни Яратганнинг халфаси (ўринбосари) деб улуғлайди. Бу айна пайтда инсонни улуғлаш ва эъюзлаш бўлиб, улуғ гуманистнинг асосий ижодий тамойилларидан саналади.

ФОЙДАЛНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ибн Сино Абу Али. Саломон ва Ибсол. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
2. Фаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат. - Тошкент: Адолат, 2005.
3. Ганжавий Низомий. Маҳзан ул-асрор. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тошкент: Kamalak, 2016.
4. Муҳиддинов М. Комил инсон - адабиёт идеали. Тошкент: Маънавият, 2005.
5. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ 7-том. Тошкент: Фан, 1991.

БАДИИЙ АДАБИЁТДА УМУМИЙЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Нодира СОАТОВА - филология фанлари номзоди, доцент
Жиззах Давлат педагогика институти

Адабиёт ва санъатнинг нодир намуналари жамият тараққиётининг муайян босқичида истеъдодли ёзувчилар тўғрисида келиб, шу жамият ҳаётининг ранг-баранг қирраларини ўзида акс эттиради. Лекин жамиятнинг таназзулга учраши ва янги тарихий даврнинг бошланиши билан чинакам санъат асарлари ўз қимматини йўқотмайди

Аксинча, у яшашда давом этиб, кейинги авлодлар учун ҳам маънавий бойлик, эстетик таъсир ва тарбия воситаси сифатида хизмат қилаверади. Мана шундай асарлар сирасига Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб", Шўхратнинг "Олтин зангламас" романларини киритиш мумкин.

Сирасини айтганда, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Шўхрат ижоди, бадий маҳорати ҳақида адабиётшунос - танқидчилар томонидан жуда ибратли фикр ва мулоҳазалар билдирилган ва ҳанузгача уларнинг янги қирралари эътироф этилмоқда

Ўзбек халқини янги "замоннинг "Тоҳир ва Зухро" лари "Чор дарвеш" лари, "Фарҳод ва Ширин" лари, "Баҳромгўр" лари билан таништириш ни мақсад қилган Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи Отабек ва Кумуш муҳаббати асосига қурилиб, уларнинг бахтига кўз тиккан худбин ҳомид ва кундошлик балоси натижасида хазонга айланган муҳаббат тарихини ёритишга бағишланган бўлса, Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романи буржуа миллатчилиги ғоясини фожия қилиш баробарида романнинг асосини ташкил қилувчи ғоявий ният худбинликни ёхуд индивидуализм иллатини бадий талқин қилади. Шўхратнинг "Олтин зангламас" романи эса ўзбек адабиётида қатагон йиллари ҳақидаги биринчи асар бўлиб, у кескин тўқнашувлар, ўткир конфликтлар асосига қурилгандир.

Хўш, бу учала романдаги образларнинг характеридаги умумийлик ва ўзига хослик нималарда кўринади? "Ўткан кунлар", "Сароб" ва "Олтин зангламас" романларини қиёсий ўрганиш асосида адибларнинг характер яратиш маҳорати, ўзига хос услубини кўрсатиш, асар поэтикаси, композицияси ва сюжети, тили ва бадий тасвир воситаларини, шунингдек, романлар орасидаги муштарак, во-баста жиҳатларини тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда "Ўткан кунлар" романидаги салбий қаҳрамонлардан бири Ҳомид, "Сароб" романидаги бош қаҳрамон Раҳимжон Саидий ва "Олтин зангламас" романидаги Мирсалим образлари хусусида тўхталишни лозим кўрдик. Чунки, Ҳомид, Саидий ва Мирсалим образларида ўзаро ўхшаш, муштарак жиҳатлар кўп.

Маълумки, худбинлик инсоният тарихидаги энг қадимий ва энг хавфли иллатдир. Шу сабабдан адиблар бу шахслар тимсолида риёкорликнинг турли товланишларидаги кўринишларини тасвирлайди. Халқда "Одобни одобсиздан ўрган" деган қаюл бор. Назаримизда, адиблар ҳам шу мақолга амал қилиб, инсоният маънавиятининг ана шу азалий душманига қарши қалам билан жангга кириш-

Аннотация

Эта статья посвящается исследованию общих и своеобразных характерных черт образов в романах Абдуллы Кадыри, Абдулла Каххара и Шухрата.

Ключевые слова: Литературное влияние, художественное мастерство, размышление, драматическое состояние.

Abstract

This article is devoted for researching general and original characteristic sides in Abdulla Kadiri's, Abdulla Kahhar's and Shuhrat's novels.

Keywords: Literary influence, art skill, reflection, dramatic condition.

ган. Улар бу образлар орқали худбинлик, сотқинликнинг ҳалокати муқаррар эканлигини кўрсатиш баробарида, инсонларни ҳушёрликка ва эзгуликка чақиради.

Шу ўринда романдаги салбий қаҳрамонларни қиёслаш тўғрисида, деган ўринли савол туғилиши табиий. Фикримизча, реалистик адабиётда қаҳрамон ижобий бўладими, салбийми, барибир, биринчи навбатда тўлақонли инсон бўлиши керак, унинг ҳар бир ҳаракати, қилиғи, сўзлари ҳам бакуват ички мантиққа эга бўлмоғи, қитобхонни ҳеч қандай гап-сўзсиз ишонтирмоғи лозим. Бу тўғрида атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов шундай дейди: "Агар ёзувчи ижобий образ яратаяпман деб, уни мақтаб кўқларга кўтарса, фақат ажойиб фазилатлар - у, нодир сифатларининг эгаси қилиб тасвирласа, образ эмас, чучмал сиропдай меъдага тегадиган фаришта мижоз схема туғилади, холос. Ижобий қаҳрамон ҳам салбий қаҳрамон ҳам муштарак бадийят қонунлари асосида яратилмоғи керак" [1, 63]. Чунки, асар ўқувчини ҳаяжонга сола олмаса, унинг эстетик дунёсини бойитиб, унинг яхшилик ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштира олмаса, унда нималар айтилмасин, қандай мавзу ва муаммолар қўйилмасин, у ҳақиқий санъат намунаси бўла олмайди. Шу сабабдан ҳам бу уч романдаги салбий характердаги қаҳрамонларни танқидий кўз билан ўрганиб, улардаги нуқсонли хислатларни кўрсатиб беришни мақсадга мувофиқ кўрдик.

Абдулла Қодирий Ҳомид образини яратар экан, роман бошидаёқ уни шундай тасвирлайди: "узун бўйли, қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши эди. Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам, лекин шўхрати нима учундир бойлиги билан бўлмади, "Ҳомид хотинбоз" деб шўхратланган, кишилар Ҳомид орқасидан сўзлашганда унинг отига тақилган лақабини қўшиб айтмасалар, ёлғиз "Ҳомидбой" дейиш ила уни танита олмайдилар". Ёзувчининг шу сўзларини ўзиёқ, кўз ўнгимизда унинг қандай одам эканлигини кўрсатади. Романда Ҳомид икки уйланган бўлишига қарамай, ўз шахвоний ҳирси йўлида яна уйланишни мақсад қилиб, бу йўлда ҳар қандай ноҳўя йўлдан тоймайдиган кимса сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Отабекнинг Марғилонга келиши муносабати билан уни кўргани келган Раҳмат, Ҳомиднинг ўзаро

сўхбатида Ҳомиднинг қиёфаси ёзувчи томонидан тўлалигича очиб ташланади: "Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ... Хотинларга "эр" деган исмининг ўзи кифоя... хотинни икки қил! Буниси ҳам келишмас, учинчисини ол!.. Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб, тириклик қилоласан! Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйгунимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас!"

Абдулла Қаҳҳор яратган образ эса буржуа худбинлигини ўзида мужассамлаштирган мукамал образ бўлди. Асарнинг бошларидаёқ ёзувчи Саидий шахсида худбинлик ниш уриб турганлигини таъкидлайди. Саидий Мунисхонни биринчи бор учратганидаёқ яхши кўриб қолади. Унинг кўнглидан ўтказган биринчи нияти кўйидагича эди. "Шу қизнинг бошига бир фалокат тушса - да, кутқарадиган киши ягона мен бўлсам". Бу сўзлар Саидий шахсининг асосий мақсад йўналишини, яъни унинг худбинлигини белгилайди.

"Олтин зангламас" даги Мирсалим - чи? Романнинг бош қахрамони Содиқ шаҳарга келиб илк бор "сурмаранг дўппили сертакаллуп" киши Мирсалимга дуч келади. Мирсалимнинг ҳимматига сазовор бўлади. Шундан кейин ёзувчи келгусида юз берадиган тўқнашувлар учун замин ҳозирлашга, аввало, Мирсалим шахсиятини таърифлашга киришади. Мирсалим Содиққа ўзини яқин олиб, илтифот кўрсатар экан, бу тасодифий эмас, кўнглига туғилган ўй - режалар уни шунга даъват этади. Мирсалим "илоннинг оёғини санаган одам", Содиқ шунчаки одамлардан эмас, "ахир кўнглидан бир иш келмас, шундай шахр азимга келармиди...", бунда, албатта, бир ҳикмат бор, кўтарилиши мумкин, ҳозир унинг ҳеч кими йўқ, айна пайт". Мана Мирсалимнинг ўй - ҳаёли, худбин қиёфаси.

"Ўткан кунлар" романида Отабекнинг Кумушга уйланишидан ғазабланган "тусидан йиртқичлик, бир гуноҳсизнинг устига ҳужумга ҳозирланган ваҳшийлик белгилари" кўринган Ҳомид ўзининг разил режасини амалга ошириш учун қўрбошиникига боради ва Отабек, Мирзакарим қутидорга тўхмат қилади. Бу ҳам иш бермагач у яна қулай фурсат кутади, шунда Отабекнинг Тошкентдан қайта уйланиши у учун айна муддао бўлади. Ўзига ўхшаган шериклар топиб, улар ёрдамида ўзининг разил режасини амалга оширади. Отабек томонидан Кумушга сохта талоқ хати киргизиб, натижада қайнотаси томонидан Отабекни қувиб чиқарилишига сабабчи бўлади. Бу ҳам етмагандай Отабекнинг Содиқ ва Мутал ёрдами билан ўлдириш режасини тузади.

"Сароб" романида Саидий университетда ўқий бошлагандан кейин курсдошларини назар - писанд қилмайди, гуруҳдаги студентлар ўртасида "кўпол, минг йил ўқиганда ҳам нам ўтмайдиган, аслида гўё жисмоний меҳнат учун яратилганлари ҳам бор"... Буларни кўрганда Саидий афсусланар эди: "Шулар ҳам студент!... Саидий кўпдан бери айтмоқчи бўлиб, айтишдан ҳайиқиб юрган бир гапни бир куни дарсда кекса, ранги заҳил, лунжлари осилган бир профессор айтади:

-Сиз университетга муносиб эмассиз, - деди у, Саидий "тўнғак" деб ном қўйган йигитга, - бориб кетмонингизни чопинг!. Шунда Саидий тор оёқ кийимини ечиб ташлагандек яйради ва шу профессорни яхши кўрди. Саидийнинг яхшигина таниш - билишлари бор эди. Эҳсон, Шариф, Шафрин. Лекин Саидий улар билан кўшилишни истамайди. Шариф билан Шафринни эса мутлоқо ёқтирмас эди. Улар мабодо Эҳсонни йўқлаб (Саидий Эҳсон билан бир хонада турар эди) келиб юлсалар ўзини ухлаганга солиб ётиб оларди, ўқиш ҳақида гапиришса, унга кўп ёқавермас ҳам эди. Улардан биронтасига маслаҳат ҳам қилмас, маслаҳат ҳам олмас, ўз дардини очиб ҳам гапир-

масди. Саидийдаги бу кайфият, хусусан, Эҳсонни Москвага жўнатиш пайтида яққол кўринади "Эҳсонни кузатгани вокзалга кўп одам чиқади. Поезд жўнаб кетгунча Саидий ўлиб бўлди... Платформадан чиққандан сўнг Саидий булардан ажралиб қочиш йўлини излади ва эвини қилиб қочди". Мана, Саидийнинг асл қиёфаси.

Ҳаётда, шундай кишилар бўладики, улар ўзларининг худбин ниятларини яшира биладилар, маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда парда орқасидан туриб, асдойдил ҳаракат қиладилар ва шу сўйиш ҳаракатлари ўлароқ кўпгина муваффақиятларга эришадилар. Ҳомид ва Саидий ундайлардан эмас, лекин "Олтин зангламас" даги Мирсалимга бу хислат жуда мос.

Ҳа, Мирсалим ҳамиша ўз фойдасига иш кўради, бу гал ҳам шундай қилади, айна пайтда Содиқни тушовлаб олади, ёнгинасидан ҳовли - жой топиб беради, уйига чақириб, меҳмон қилади. Содиқ тез орада мактабда обрў - эътибор қозонади, каттага ука, кичикка ака бўлиб олади, буни кўрган Мирсалим бир жиҳатдан ҳасад қилади, иккинчи жиҳатдан унга ўзини яна ҳам яқин олади.

Адабиётшунос олим, академик Иззат Султон "Мен энди адабиётимиз учун муҳим бўлган бир масалага диққатингизни тортишни лозим топаман, - дейди Ф.Ф. доктори Н. Раҳимжонов билан бўлган сўхбатида. -Бу масаланинг бири ҳаётни адабиётда қандай тасвирлаш масаласи. Шуни доим эсда тутиш керакки, адабиёт ҳаётнинг фотонусхаси эмас. Адабиёт бадиий образлар олами, "иккинчи воқелик", яъни ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги тасаввурининг аксидир. Бу ҳаётнинг бадиий тасвири. ҳаётга ҳам ўхшаши, ҳам ўхшамаслиги керак, деган сўз. Ёзувчи ҳаётдан узилмаган ҳолда "узоклашиши" шарт. Бу узоклашиш ҳаётнинг моҳиятини очиб беришга хизмат этади. Аслини олганда, бу узоклашиш ҳаётга чуқурроқ кириб бориш демакдир"[2].

Дарҳақиқат "Ўткан кунлар" романида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келамиз. Салим шарбатдорнинг ўғли Комилбек Кумуш билан никоҳи бўладиган кун Ҳомид томонидан ўлдирганлигини гумон қилган уста Фарфи ҳамкасби Умарбекдан эшитган сири ҳақида Уста Олим ва Отабекка гапириб беради. Ўзининг айбсиз дор остига келтирганлиги ва қайинотаси томонидан бесабаб қувилгани сабабини тушунган Отабек, шундан сўнг, Ҳомид кирдикорларини очишга жазм қилади. Кумушга бир неча марта совчи қўйиб унга етиша олмаган Ҳомид энди яна бир қабиҳ режа тузиб, уни ўғирлаш ва кечаси шаҳардан чиқариб юбориш маслаҳатини Содиқ ва Мутал билан тузади. Ўз шахсий манфаати йўлида ҳар қандай пасткаш йўлдан тоймайдиган, яъни тўхмат қилиш, ҳийлаларига чув тушириш, ҳаттоки одам ўлдиришга бориб етган Ҳомид охир оқибатда Отабек томонидан қатл этилади.

"Сароб" романида эса Саидий шахсиятида худбинликнинг туғилиши, унинг характеридаги иккиланишлар, ва ниҳоят, миллатчилар томонига ўтиб олиши ажойиб далиллар билан кўрсатилган. Ёзувчи ўз маҳоратини, бутун куч -қувватини Саидий характеридаги мана шу этапларни кўрсатишга сарф қилган. Худбинлик, ўзининг алоҳидалигига, фавқулоддалигига ишониш, ўзининг дохий, бошқаларни оми ҳисоблаш, ўз шахсига махлиё бўлиб, бутун оламини шунга мослаштиришга интилиш Саидийда яна бир хавфли касаллик -шухратпарастликни авж олдиради. Абдулла Қаҳҳор Саидийдаги бу иллат қандай куртак ёза бошлаганини ҳаётини деталларда, психологик жиҳатдан асосли лавҳаларда тасвирлайди. Худбинлик Саидийга ўқишда ҳам, дўстларига ҳам, атрофидаги ҳаётга ҳам лоқайдлик билан қараш ҳиссини туғдиради ва уни ҳаётда катта мақсаддан, олийжаноб эзгу ниятдан маҳрум қилиб қўяди. Ёзувчи роман охирида Саидийнинг ўз -ўзини

ўлдиришни, яъни жисмоний ҳалокатини кўрсатади, бироқ ундан аввал роман воқеаларининг ривожидан аввал унинг аллақачонлар маънавий ҳалок бўлганини чиройли тасвирлаб беради.

"Олтин зангламас" романидаги Мирсалимда ҳам Ҳомид ва Саидий каби худбинлик, кўролмаслик кучли бўлиб, у бутун ҳийла -макрини ишга солиб соддадил Содиқни лақиллатади. Жаннатнинг туғмаслиги унга қўл келади, қисқаси, уни Жаннатдан совутиб, Мушарраф исмли бошқа аёлга рўпара қилади. Эгри йўллар орқали кун кўришга одатланган Мирсалим Содиқ таъқибига учрагандан кейин ҳам ана шунақа йўл ахтаради ва ниҳоятда қабиҳ ишга қўл уради. Содиқдан дакки еган ғаламисларни атрофига тўплаб, унинг устидан иғво тарқатади, ўша йиллардаги мураккаб вазиятдан фойдаланиб қолади. Содиққа "халқ душмани" ёрлигини ёпиштиришга, уни асоссиз қамашга мувофиқ бўлади. Содиқни қаматиб, ўрнига мактаб директори бўлиб олгач, мактабда ўз режимини ўрнатади. Шўхрат бош қахрамон Содиқ тақдирига алоқадор янги конфликтлар тасвири билан бирга параллел равишда Мирсалим тақдирини ҳам ҳикоя қилиб боради. Мирсалим учун ҳам янги зиддият майдонларини белгилаб олади. Содиқнинг укаси Қодир ва унинг севаклиси, ўз қизи Азизани айириш учун, бир -биридан жудо этишга, Қодирни орадан йўқ қилишга кўп уринади, иғво, фисқу фасодлар тарқатиб Қодир бошига оғир савдолар солади, лекин у барибир ожиз қолади, муҳаббат қабиҳлик устидан голиб келади. Мирсалим эса ўз қилган хато гуноҳларининг қурбони бўлади.

Бу уч романдаги Ҳомид, Саидий, Мирсалим образларининг характеридаги умумийлик - худбинлик иллати

уларнинг барчаси учун хос бўлса, ҳар бир образнинг ўзига хос индивидуал нуқсонли хислатлари ҳам мужассамлашган-ки, адиблар буни шахслар тимсолида жонлантирган. Ҳомид нафақат хотинбоз, яъни аёлларга суяги йўқ кимса, балки унинг "Қамчиндан қон томса" дейишини ўзиёқ, унинг ўзига хос бағритошлик иллати ҳам учун бегона эмас эканлигини намоён қилса, Саидий шахсида эса ички қоралик ва таъмагирлик иллати шу даражада барқ урганки, бир кўришдаёқ ёқтириб қолган қизнинг бошига фалокат тушишини тилаши унинг кўнглининг кирлигидан, қутқарадиган киши ягона у бўлишини исташи эса таъмагирликдан далолат. Мирсалимда эса Содиқнинг ютуқларидан ҳасад келса ҳам, уни ўзини дўсти қилиб кўрсатиши - иккиюзламачилик ҳамда ўрнига эга чиқиш учун, Содиқни асоссиз қамалишига мувофиқ бўлиши, унда сотқинлик каби иллат ҳам борлигини яққол ифодалаб беради.

Демак, юқоридагилардан ҳам кўришиб турибдики, ёзувчиларимиз ўз романларидоги қахрамонларнинг худбин қиёфаларини бир неча кўринишда: кўролмаслик, ҳасад қилиш оқибатида, тўхмат қилиш, сохта хатлар уюштириб дор тагига келтириш ёки қаматиш тарзда намоён этишган. Шу билан бирга бу худбин кимсаларнинг ўзлари қазиган гўрга ўзлари йиқилганларини адиблар романда ишонarli бадий тасвирлаб беришга эришганлар. Натижада, романларда қахрамонларнинг ўша дамдаги драматик ҳолати, руҳий кечинмалари ҳаққоний ва таъсирчан қилиб кўрсатилган ва адибларимиз бунда уларнинг бадий ифодасига, қалб драмаси тасвирига, психологик таҳлилига ҳам алоҳида эътибор беришган, бу эса ёзувчиларимизнинг юксак бадий маҳорати эгаси бўлганликларини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Эссе. -Т.: Ёш гвардия, 1998. -Б.63
2. Қайта туғилиш арафаси. (И.Султон ва Н.Раҳимжонов суҳбати) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1999, 19 - март.

Севара УСМОНОВА - ўқитувчи
Фаргона давлат университети

ЖАДИДЧИЛИК ВА АДАБИЙ МУҲИТ ХУСУСИДА

2019/3-СОҲ

Миллий уйғониш даври адабиётининг тараққий этишида жадид адабиётининг ўзига хос ўрни мавжуд. Ўрта Осиёда феодал тузумга қарши пайдо бўлган жадидчилик адабиёти ислохотлар натижасида вужудга келган ижтимоий ҳаракатчилик асоси саналади.

Жадид адабиёти мумтоз адабиётдан тубдан фарқланувчи ўз мазмун ва моҳиятига эга бўлган адабиёт саналади. Мумтоз адабиётда дунёвийликка нисбатан диний мавзу ва мазмун жиҳатдан юксакроқ мавқега эга бўлса, жадид адабиётда дунёвийлик ва динийлик жиҳатларининг ўзаро тенглигини кўрамиз. Бу борада Раҳим Гулшан куйидаги фикрларни билдиради: "Жадид адабиётини тарихий шароит яратди ва шакллантирди. У мумтоз адабиёт билан янги адабиёт ўртасидаги кўприқдир. Бу адабиёт миллий уйғониш даврининг маҳсулидир" [10]. Шу ўрнида миллий уйғониш даври адабиёти қачон вужудга келган деган савол туғилади? Бу борада бир гуруҳ адабиётшуносларимиз турлича фикр ва мулоҳазалар эга. Умарали Норматов бошчилигидаги бир гуруҳ адабиётшунос олимлар миллий уйғониш даври адабиёти 1905 йилдан бошланганлигини, айрим олимлар эса унга Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг бошланиши, яъни XIX аср 90 йилларида тарал тоши қўйилганлигини таъкидлайдилар. Бегали Қосимов раҳбарлигидаги яна бир гуруҳ адабиётшунослар миллий уйғониш адабиётини вужудга келиш даври рус истилочиларининг Тошкентни босиб олиш йиллари (1865-1929) билан боғлиқликда деб билади. Боймирза Хайитнинг "Туркистонда жадидчилик ва унинг туғилиши" деб номланган мақоласида Туркистондаги жадидчилик ҳаракати ўз адабиётини яратишда ҳам орқада қолмаганлиги жадид адабиёти билан Туркистон адабиёти тарихининг янги даври бошланганлигини таъкидлайди [2]. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда Туркистонда маориф, маданият, маърифий жамиятлар, матбуот ва журналистика, санъат ривожланиши билан бир қаторда жадид адабиёти ҳам ривожланганлигини эътироф этиш лозим

Жадид адабиётида фарб адабиётидаги бир қатор жанрлар роман, эссе, драма, ҳикоя, ҳамда бармоқ вазнига асосланган поэтика ва бадий жанрлар вужудга келганлигини таъкидлаш лозим. Жадид адабиёти янги замоннинг, маърифатпарварлик даврининг самарасидир. Бу давр адабиёти уйғониш, ҳамда эски ижтимоий тарғиботлар ўрнига янгисини ўрнатишга интилиш даврининг адабиётидир. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов "Жадид адабиёти 20 йилларда ўз ривожининг анча баркамол даражасига етди. Бу адабиёт- кўп жанрли, мазмунан янгиланган, умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи, айниқса, эрк ва озодлик, адолат ва виждонийлик ғояларини олға сурувчи адабиёт бўлди" деб эътироф этди [6]. Жадидшунос олим Б.Қосимов эса "Бу адабиётнинг илк намуналари бадийга кўра у қадар юксак эмас, ғоялар яйдоқ берилди. Шўюрбозлик ва чақириклар кўзга ташланади" дейди. Чунки ҳар бир давр адабиёти, аввало, ана шу даврнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий хусусиятлари таъсирида пайдо бўлади.

Академик А.Н.Самойлович ўзбек миллий уйғониш даври адабиёти борасида Туркистондаги янги адабиётнинг мар-

Аннотация

В статье рассматриваются национальные и международные разработки в области литературы, развитие литературы, процесс социальных реформ, описательный и теоретический процессы литературы.

Ключевые слова: просвещение, сознание, национальное просвещение, реализм просвещения, джадизм.

Abstract

Social philosophical views and Enlightenment era, it has been studying national and international developments in the literature, the development of the literature, the social reform process, the literature, the descriptive and theoretical processes are examined in this article.

Keywords: enlightenment, conscious, national enlightenment, realism in Enlightenment, jadidism.

кази деб Самарқандни, ёш адибларнинг бош илҳомчиси деб эса самарқандлик муфтий Бехбудийни эътироф этди [1] деган фикрларни билдирган.

Туркистонда миллий уйғониш даври адабиётининг серқирра ижодкорлари, олиму фузалолари: М.Бехбудий, Фитрат, Мунаввар қори, Авлоний, Васлий Самарқандий, Вабуд Маҳмуд, Ҳамза, Муқумий, Фурқат, Чўлпон, А.Қодирий каби зиёкорларнинг жадид адабиётининг раванқ топишида ҳиссалари беқиёсдир. Улар ёзган асарларда мазлум халқ ҳаёти ўз ифодасини топган. Жадид адабиётининг раванқ топишида адабий муҳитнинг таъсири жуда каттадир. Адабий муҳит бу-муайян жойда яшаб ижод этган йирик шоир ва адиблар таъсирида юзага келадиган ижодий муҳитдир [2]. Жадид адабиётида ҳам мана шу ижодий муҳитнинг юзага келишида буюк ижодкорлар фаолияти, улар яратган ижодий мактаблар билан боғлиқдир. Адабий муҳит бошқа жойлардаги ижодкорларнинг ўзига хос ижодий методи, бадий фикрлаш доираси каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Андижон каби адабий муҳит мавжуд бўлиб, уларнинг етук намоёндалари яратган ўлмас асарлар ўзбек адабиётининг нодир дурдоналари ҳисобланади [3].

Бухоро адабий муҳитини шаклланишида Фитратни, Самарқанд адабий муҳитини шаклланишида Бехбудийни, Тошкент адабий муҳитида Мунаввар қорининг, Хива адабий муҳитида Феруз, Фарғона адабий муҳитида эса Чўлпоннинг ўрни беқиёсдир.

Ҳар бир адабий муҳитда ўзига хос, янги қиёфада жадид адабиётининг энг нодир асарлари дунёга келган. Миллий уйғониш даври адабиётида адабий муҳитнинг шаклланишига Исмоилбек Гаспиринскийнинг ўрни беқиёсдир, чунки деярли барча ижодкорлар ундан адабий таъсирланган ва ўзига устоз деб билишган.

Самарқанд адабий муҳитининг асосчиси, маърифатчи, зиёкор шахс-М. Бехбудийдир. Унинг ижодида жадидчилик адабиётида драматургияга асос солган маърифатчи

сифатида аҳамиятли. Профессор Наим Каримов "Падаркуш" драмасыни янги ўзбек адабиётини бошлаб берган бир асар сифатида баҳолади [4]. Беҳбудий инсон қалбига, энг нозик кечинмаларига, руҳиятига сахна орқали кириш мумкинлигини англаб етади. У "Падаркуш" деб номланган драмасыдаги илмсизлик, маърифатсизликни, жоҳилликнинг оқибатлари инсонларга театр орқали уқтирмақчи бўлади. 1913 йилда илк маротаба мана шу асар сахна юзини кўрган асар ана шу давр кишилари онгига ижобий таъсир кўрсатди. Наим Каримов "Падаркуш" драмасы ҳақида театр бу адабиёт эканини, спетакль эса бу сахнада намойиш этиладиган асар эканини тушуниб етган эдилар" [9] дейди.

Бухоро адабий муҳитининг шаклланишида Шарқ тарихини, Туркистон тарихини билган Фитратнинг ўрни беқиёсдир. У Шарқ билан боғлиқ барча нарсаларга қизиққан уни мукамал ўрганишга ҳаракат қилган. У кўҳна Шарқ фалсафасидан илхомланиб "Мунозара", "Баёноти сайёҳи ҳинди" ва "Оила" номли асарларини яратди. Ушбу асарларни туб моҳияти инсон эзгу сай ҳаракати тўғрисида жамият раънақиға етишиш мумкинлигини ёритиб берган. Профессор Дилмурод Қуроноф Фитратнинг "Мунозара" асари ҳақида публицистик характердаги асар бўлгани ва баҳс мунозара шаклида қурилгани боис унда тарихни бугунги ҳақояси бир қадар конкретлилик касб этганлигига эътиборни қаратади [7]. Шу билан бирга Фитрат ижодининг моҳияти халқнинг қалб кўзини очишга, меҳнат, яратиш, ўқиш курашга даъватда намоён бўлади. Тарихга мурожатни Фитратни ўзига устоз деб билган маърифатпарвар ижодкор Фарғона ва Андижон адабий муҳитининг асосчиси Чўлпон ижодида ҳам кўринади. У ўз ижодида ўтмишни мадҳ этар экан, халқни оғир кечинмаларини, юртнинг пароканда бўлганини миллатни, чорасизликларни қайғу алам билан мадҳ этади [8].

Наим Каримовнинг "Абдулла Қодирий ва Тошкент адабий муҳити" номли мақоласида келтирилишича, Тошкентдаги адабий-маданий ҳаёт XIX аср охири- XX аср бошларида "Кўкалдош", "Беклар беги", "Барокхон", Абул Қосим, Хўжа Аҳрор мадрасаларида, шунингдек чойхона, дўкон ва хонадонларда кечган дейилади [9]. А. Қодирий ҳам мана шу адабий муҳитдан таъсирланди, нафас олди ва ижодининг шаклланишида муайян аҳамият касб этди.

Табиийки, ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий-тарихий шароит, асрий, маданий-адабий аънаналар, бадий-эс-

тетик қарашлар даражаси жадид адабий тафаккурининг тугилиши ва тараққиётига муайян таъсир кўрсатди. Бу ҳол Хоразм адабий муҳитидаги ўзига хос жиҳатларда намоён бўлди [10]. Хоразмда Туркистон ўлкасига нисбатан европа маданияти, адабиёт, илм-маърифатдан таъсирланиш, бадий ижод, театр, мусиқа, санъат соҳалари бироз секинлик билан ривожланди. Хоразм адабий муҳити намоёндалари Аваз, Мирзо, Ниёзий, Фақирий, Муғанний, Девонийлар миллий уйғониш даври Хоразм муҳитини ривожлантирганлар. 20-30 йиллар адабий муҳитида мавзулар кенгайиши, жанр ва услублар ранг-баранглиги ҳам юқоридаги ижодкорлар номи билан боғлиқ [11].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жадид адабиётини ҳудудлар контекстида ўрганиш, ижтимоий-эстетик жиҳатларини, унинг моҳиятини ўрганиш, ўша давр адабий жараёни ҳақидаги мавжуд фикрларни кенгайтиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурашидов М. Танланган асарлар. -Т.: Маънавият, 2003. -Б. 216.
2. Боймирза Хайит. Туркистонда жадидчилик ва унинг тугатилиши. //http:kh-davron.uz/tag/boymirzahayit.
3. Қосимов Б. Миллий уйғонишдаври ўзбек адабиёти. -Т.: Маънавият, 2004.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият, 2002. -Б. 162.
5. Қосимов Б. Қалблардан ўчмаган нур. //http:kh-davron.uz/tag/jadidlar-kutubxona.
6. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Ёшларга мурожаат. // Ойна. 1914 йил, №41-Б. 970-972- бетлар.
7. Шарафуддинов О. 20-30 йилларда жадид адабиёти. //http:www.e-adabiyot.uz/kitoblar/maqolalar/263-jadid-adabiyoti.
8. Д. Қуроноф. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
9. Наим Каримов. Абдулла Қодирий ва Тошкент Адабий муҳити. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2013й. №43-44.
10. Раҳим Гулшан. Абдурауф Фитрат ва жадид адабиёти. //Фил.фан.ном... автореферат. Тошкент: 1999.
11. Zebo Saidjonova. Jadidchilik va Xorazm adabiy muhiti. //Sharq yulduzi. 2016 yil. №4

БАДИИЙ ТАФАККУР ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

2019/3-СОҲ

XX аср бадиий адабиёт тарихига тадқиқотлар асри бўлиб киргани маълум.

Ғарб адабиётида модернизм, декаденство, реализм, постмодернизм каби адабий йўналишларнинг "экспрессионизм", "экзистенциализм", "натурализм", "дадаизм", "кубизм", "сюрреализм", "экспериментал роман", "туруҳ 63", "ультра", "импрессионизм" каби турли хил номлар билан аталувчи адабий оқимлари жаҳон бадиий тафаккур хазинасига не-не дурдона асарларни туҳфа этди.

Оламнинг бадиий тасвир кўлами жамиятнинг тараққиёт жараёнини қамраб олар экан, у кенглик ва вақт тушунчасида турлича намоён бўлади ва турлича имкониятларга эга бўлади. Бадиий ижод ҳар бир ижодкор учун индивидуал ходиса бўлгани учун ҳам ҳар бир бадиий асар моҳияти муаллиф асарга олиб кирган эстетик ғоя талқини бўлиш билан бирга, унинг иқтидори салоҳиятини ҳам белгилайди.

XX аср тарихга айланди, шу билан бирга XX аср адабиёти ҳам ўз тарихига бадиий тафаккур хазинасига айланган минглаб ижод намуналарини битди.

Кўп асрлик жаҳон романчилиги тарихи олдида ўзбек романчилигининг бир асрлик тарихи қисқа бир муддат бўлиб кўринса-да, жаҳон сўз санъатида Абдулла Қодирий асос солган ўзбек романчилик мактаби, Абдулла Қаҳҳор маҳорат мактаби, Пиримқул Қодировнинг тарихий-услубий тақомили, Одил Ёқубов тафаккур фалсафаси эътироф этилди.

Янги давр тараққиёти, ижтимоий, маданий, илмий тафаккур тадрижи миллий адабиёт тарихига янгича, теранроқ нигоҳ билан қарашни тақозо этар экан, адабиёт тарихида у ёки бу даражада из қолдирган биографик романларни илгор усуллар асосида ўрганиш ҳақиқатдан ҳам халқимизнинг бой адабий меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Методлар хилма-хиллиги, адабий йўналишлар ўзгарувчанлиги, услубий янгиланишлар кўплигидан нафақат бадиий ижод аҳли, балки адабиётшунослар, ҳатто китобхонлар ҳам турли тушунмовчиликларга тушиб қолдилар. Шу билан бирга бадиий асарларнинг услубан рангбаранглиги, эпик мушоҳаданинг теранлиги, воқеликка муносабатда нафақат реалистик, балки модернистик ва постмодернистик услубларнинг баъзи бир асарларда устуворлиги, поэтик стилистикада синкретик услубларнинг мавжудлиги бадиий услубларнинг тобора мукамаллашаётганидан дарак беради. Шу билан бирга бадиий жиҳатдан номукамал асарларнинг яратилиши бизни бадиий ижод бир хил қолипда яратилиши шарт деган фикрдан йироқ қилади.

Бадиий адабиёт тарихидан аёнки, жамият бир тараққиёт босқичидан бошқа бир босқичга ўтар экан, унинг тарихи саҳифаларига, албатта, инсон ҳаёти бадиий талқин воситасида кириб келади. XX аср жаҳон адабиётида кечган услубий, ботиний, ғоявий, стилистик, поэтик талқин ўзгаришлари поэтика муаммоларини янада мураккаблаштиради. Ғарб адабиётшунослигида реализм поэтикаси билан бир вақтда модернизм поэтикаси, собиқ иттифоқ адабиётларида эса социалистик реализм адабиёт

Зулфия ПАРДАЕВА - филология фанлари доктори, профессор,
Арслон ДЖАНЗАКОВ - ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация

В статье рассмотрено стилистическое разнообразие узбекских романов, созданных в последнем десятилетии XX века и начале XXI века, на примере высокохудожественных романов показаны ясность эпического мышления, использование синкретических стилей в стилистике, постоянное совершенствование художественных стилей.

Ключевые слова: роман, художественное мышление, художественная интерпретация, литература модерна, реализм.

Abstract

The article examines the stylistic diversity of Uzbek novels created in the last decade of the 20th century and the beginning of the 21st century, using highly artistic novels to show clarity of epic thinking, the use of syncretic styles in stylistics, and the continuous improvement of artistic styles.

Keywords: novel, artistic thinking, artistic interpretation, modern literature, realism.

ти поэтикалари вужудга келди. XX асрнинг охиригача эса адабиётда мавжуд жанрларда методлар ва тамойиллар синтези билан қаторда, лиризм ва проза синтези, лирик проза ёки насрий шеър жанрлари синтези, яъни услублар синтези юзага келди. Бадиий асар поэтикасини таъминловчи компонентлар мураккаблашгани сайин бадиий ва илмий таҳлил теранлиги талаби орта борди. [4]

Ғарб эстетикасида Ортега-и Гассет [5] фалсафий қарашлари қанчалик аҳамиятли бўлса, Ж.Жойс, М. Пруст, Н.Саррот ижоди жаҳон модерн адабиётининг шаклланишига шунчалар таъсир қилди. XX асрнинг 80-йилларига келиб М.Бахтиннинг роман назарияси тан олинди, рус адабиётшунослигида М. Бахтин Ф. Достоевский ижоди мисолида полифоник роман поэтикасининг тадқиқи реализм ва унинг тараққиётини кенг очиб берди. [6]

Асар поэтикасининг таҳлили жараёнида таҳлилга бир неча ички мустақил, шу билан бирга, ўзаро боғланган поэтика услублари жалб этилар экан, тадқиқотчидан муайян илмий тайёргарлик талаб қилинади. Таҳлил жараёнида, шунингдек, асар поэтикасининг нафақат ҳозирги ҳолати, балки жанр тарихий поэтикаси жанр тадрижий динамикасининг ибтидоий негизи вазифасини ўташи ва унинг кейинги даврий ўзгаришларига таъсири ҳам назарда тутилади. Бир ёзувчи ижоди мисолида поэтика бадиий имкониятлари таҳлил этилар экан, ўз-ўзидан фақат унгагина хос услуб поэтикаси, ижодидаги индивидуал услуб динамикаси ва тадрижи ўрганилади, услубнинг ўзига хослиги бошқа ёзувчилар услуби билан қиёсий чоғиштириш орқали ҳам амалга оширилади.

Жаҳон адабиётини кечаётган ботиний ўзгаришлар нафақат бир адабиёт мисолида кечади, балки сўз бадиият сифатида хизмат қиладиган ҳар бир асар услубида намоён бўлади. Шу ўринда биз ёзувчи услуби бадиий адаби

ётда тамойилларни шакллантирувчи асосий тамойил эканлигини англаймиз.

Маълумки, бадий асар яратилмай туриб, ижодкор тафаккурида, ҳаётотида ўз услубига эга бўлади, ижодкор бу услубга шакл беради, сўз билан зийнатлайди. Яратилаётган ҳар бир янги асарга (уни ким яратаётганидан қатъи назар) ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, бу таъсир воситасида эса ижодкор янги услуб йўллари излайди ва кашф этади. Худди мана шу изланиш давомида у ўздан олдин яратилган услубларига муурожаат этиши мумкин. Муайян бир услуб айрим компонентларининг бошқа бир асар услубида намоён бўлиши бадий талқин этишининг муштарак тамойилларини шакллантирса, бадий услубий ўзлаштириш тўлиқ амалга оширилганда бадий ижод жараёнида ёзувчининг асосий эътибори таассуфан тўғри бўлишига қаратилади.

Бизнинг назаримизда, бадий сўз санъатини инқирозга олиб келувчи экспериментлар тиббиётдаги тирик инсонлар устида олиб бориладиган экспериментлар билан эквивалентдир. Шу боисдан ҳам эксперимент тушунчасини бадий ижодга нисбатан қўллашни маъқул кўрмадик. Тўғри, бир қараганда бир-бирини такрорламайдиган, мавзу жиҳатидан ҳам, поэтикага нисбатан ҳам бадий асарлар бадий тадқиқотларга ўхшайди. Мудом ижодий изланишда бўлган ёзувчи услубан ниманидир кашф этади. Чуқурроқ мушоҳада юритилса, бизга нотабиий туюлган ифода, мавзу, хатто услуб воқеликнинг инсон ва коинот, инсон ва жамият нуқтаи назаридан бадий тасвир воситалари орқали бадий ифодаланиши адабиётдаги янги тамойилларга кенг йўл очиб беради, десак, адашмаймиз.

Давр ўтмоқда, замон ўзгармоқда, демек одамлар тафаккури ҳам ўзгармоқда. Кечагина шов-шувларга сабабчи бўлган бадий асар бугун ўқувчини қониқтирмаслиги мумкин. Аммо бу вақт ўтиши билан ҳар қандай асар ўз даврини ўтаб бўлади деган хулосага олиб келмайди. Аксинча, бадий асарнинг ҳақиқий қийматини баъзи ҳолларда вақт ҳам белгилайди. ҳар бир бадий асар замиридаги фалсафа муаллифнинг талқин этилаётган манбага нисбатан муносабатини белгилар экан, бадий асар моҳияти мавзу ва гоё талқини ёзувчи эстетик қарашлари орқали намоён бўлади. Бунга мисол қилиб адабиёт тарихидан кўплаб асарларни келтириш мумкин. Адабий жараёнда алоҳида аҳамиятга молик услуб намоён қилган Пруст, Жойс, Кафка, Саррот, Коэло асарларининг тақдиридан англаш мумкин.

XX аср адабиётида юзага келган "онг", "онг ости талқини" [1], полифоник талқин йўллари, бадий талқиннинг синтез йўллари, бадий стилистиканинг синкретик усуллари турфа услубларга асос солар экан, бадий асарда шакл ва мазмун яқдиллигини талаб этади. Табиий-ки, бундай ҳолларда адабиётда янги оқимлар ва йўналишлар шаклланади ва тараққий этади. Аслида бадий адабиётни поэтик стилистика жиҳатдан янгиланишига сабаб бўлган модернистик услублар бутун жаҳон адабиётида анъанавий жанрлар билан бир қаторда ноанъанавий услубларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлди. Худди шундай янгиланиш жараёни бутун жаҳон адабиётида кечгани боис ўзбек адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. [6]

Ҳозирги замон ўзбек адабиётида носир Т.Рустамнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Унинг "Капалаклар ўйини" [9] романини таҳлил этар эканмиз, "онг оқими" услубида яратилган романининг талқин манбаи абсурд ҳаёт эканлигини англаймиз. ҳаёт ҳақида фалсафий мушоҳадаларни кўповозилик психологик таҳлил меъёрига етказди. Романининг гоёвий - бадий мазмуни қахрамон мансуб абсурд ҳаёт инъикоси сифатида намоён бўлганини, Бадал Армон эса "онг оқими" мансуб қахрамон сифатида шаклланишига амин бўламиз.

Шу билан бирга, "Капалаклар ўйини" поэтикасида бир-

мунча мавҳумликлар мавжуд. Романда мантиқий таҳлил баъзан "модерн" йўналишига таассуб билан алмашинди. Нокерак такрорлар роман моҳиятига фақат салбий таъсир кўрсатади, холос. Модерн талқин услубига хос "бир бадий нафас олишлик" абзацларда ёзувчи "нафаси" етмаётгани, абзац давомийлиги зўраки бўлаётгани сезилади.

"Капалаклар ўйини" романининг аҳамияти шундаки, айнан шу роман орқали ўзбек романчилиги ноанъанавий жанр йўналишида яратилган модерн талқин тамойилига бирмунча яқинлашган. Бу эса, табиийки, роман жанри тараққиётидаги ранг-барангликни таъминлайди.

XX асрнинг кейинги ўн йиллиги ва XXI аср ўзбек романчилиги поэтикаси янгиланишига сезиларли таъсир этган "Тангри қудуғи" (Эркин Самандар), "Чўлпон" (Н.Каримов), "Донишманд Сезиф" (Хуршид Дўстмуҳаммад), "Туташ оламлар" (Ҳожиакбар Шайхов), "Рўзи Чориевнинг сўнги васияти" (Нодир Норматов), "Каллахоналик йигитча", "Мусаввир" (Алишер Мирзо), "Гўрўғли" (Назар Эшонкул), "Наъматак" (Улуғбек Хамдам), "Озод" (Исажон Султон) [3; 7;] романларини кўрсатишимиз мумкин.

Адабиётшунослик фанининг бугунги кундаги энг долзарб муаммолари ёзувчи бадий концепцияси ва тадқиқотчи илмий концепциясининг бир-бирига номутаносиблигида намоён бўлар экан, илмий тадқиқотдан кутилган натижалар концептуал илмий гоё ва контекстуал таҳлил орқали эришилади десак муболага бўлмайди.

Ҳозирги адабий жараён таҳлили жараёнида кўпгина адиблар ижодларида ноанъанавий поэтика турлича шаклланади, ҳар бир ёзувчи қўллаган услуб индивидуал бўлиши билан бирга ҳар бир роман ҳам ўзига хос поэтик тизимни намоён этади. Бадий асарларнинг концептуал гоёсини очиб беришда асосан ретроспектив ва ассоциатив сюжетлар қўлланиши қахрамонларнинг ботиний олами, қалб кечинмаларини бадий талқин этишда ижодкорнинг кенг имкониятларини намоён қилади.

Биз XXI асрда яшамокдамиз. Замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳар бир жабҳада глобаллашув юз бермоқда. Шу жиҳатдан инсон муаммолари ҳам кун сайин мураккаблашиб бормоқда. Табиийки, бадий талқин этилаётган инсон ҳам ўз муаммолари, қалб кечинмалари, ўй-хаёллари, турмуш ташвишлари билан бадий адабиётга кириб келмоқда. Бадий қахрамонини реал, романтик, модерн ёки постмодерн қилиб тасвирлаш ёзувчининг тафаккури, унинг бадий фалсафасига боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов А. *Онг иккиламчилиги // Шарқ юлдузи. - 1991. - Б. 191-193.*
2. Мирвалиев С. *Ўзбек адиблари. - Т.: Ёзувчи, 2000. - 280 б.*
3. Муртазаев Қ. *Талотўпдан уйғунлик сари: фалсафий-публицистик рисола. - Т.: Маънавият, 1998. - 80 б.*
4. Норматов У. *Бугунги насримизнинг етакчи тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. - №3. - Б. 3-9.*
5. Ортега-и-Гассет. *Эстетика. Философия культуры. - М.: Наука, 1990. - 453 с.*
6. Пардаева З. *Ўзбек романи поэтикаси. Т.: Мерос, 2001. - 151 б.*
7. Самандар Э. *Тангри қудуғи. - Т.: Шарқ, 2001. - 396 б.*
8. Тоғай Мурод. *Отандан қолган далалар. - Т.: Шарқ, 1994. - 272 б.*
9. Тоғай Мурод. *Бу дунёда ўлиб бўлмайди. - Т.: Шарқ, 2001. - 208 б.*
10. Тўхтамурод Р. *Капалаклар ўйини. - Т.: Шарқ, 2000. - 256 б.*

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ҚАЙТАРИҚЛАРНИНГ ЎРНИ ВА БАДИИЯТИ

Шомирза ТУРДИМОВ - филология фанлари доктори, профессор
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

2019/3-СОҲ

Халқ қўшиқлари таркибида анъанавий қайтариқлар ўта муҳим ўрин тутади. Анъанавий қайтариқлар қўшиқ оҳанги, ижро йўлини белгиловчи, қўшиқ композициясини тутиб турувчи асосий унсур ҳисобланади.

Аммо шу йўналишдаги айрим умумий қайдларни ҳисобга олмаганда, анъанавий қайтариқлар махсус тадқиқ этилган эмас [1,4-5].

Халқ қўшиқлари ҳамда рақсларнинг ижро жараёнида қўшиқчи ва раққослар айтувчи ушбу қайтариқларга тез-тез дуч келамиз: "Киштала-киштала", "Киштала-кишта", "Киштала ҳо, киштала", "ҳе-ҳа-ҳей, думтак", "Уху жақала", "Аху-ху ҳай, аҳа, аху-ху ҳай, аҳа", "Лақала қитон, умбала қитон, лақала-лақала", "Умбала, умбала қитон, лақала қитон", "Лақу лақала", "Йаҳ-ҳа, ҳа, ҳа, ҳа, йаҳ-ҳа, ҳа, ҳа, ҳа", "Шиқилама-шиқилама, шиқилама, оҳ-ҳа шиқилама, оҳ-ҳа шиқилама" ва бошқалар.

Ушбу қайтариқларнинг маълум қисми байт, тўртликлар билан ижро этилади. Айни вақтда бевосита ҳар бир қўшиққа хос қайтариқлар ҳам мавжудки, улар юқорида қайд этилгани каби ижрода қўшиқнинг оҳанг йўлини - куйни таъмин этади, қўшиқ таркибида шеърини тўртликларни ўзаро боғловчи композицион қолип вазифасини бажаради. Одатда, ижрочи ва тингловчилар ўртасида қўшиқ номи ушбу қайтариқлар ёки уларнинг дастлабки сўзлари билан юритилади. Масалан: "Омон ёр", "Сумбила", "Йўл бўлсин", "Найзонгул", "Ваҳай бола", "Жинайлик", "ҳилила", "Зебомхон", "Оқ билагим", "Гулёр", "Ёш-ёшгина", каби.

Таркибий жиҳатдан қаралса, анъанавий қайтариқлар бир сўз, сўзлар бирикмаси - мисра, бирор бир банд ёки тўлиқ тўртликлар, бешлик, олтилик ҳатто саккиз мисрадан ҳам иборат бўлиши мумкин. Қайтариқларнинг тўртлик шакли қўшиқларда кўп учрайди. "Гулёр", "Омонёр", "Жинайлик", "Ажаб-ажаб" каби қайтариқлар мисра сўнгидея такрорланиб келса, "Қадамнинг гуллар очилсин", "Ёш-ёшгина бола ёшгина, кокил солай астогина" каби қайтариқлар ҳар бир банд ёки тўртликдан кейин такрор айтилади.

Ижро жараёнида маълум бир тўртликлар у ёки бу анъанавий қайтариқлар билан қатъий боғлиқ куйланади ва бошқа қайтариқлар таркибида келмайди. Аммо кўпчилик эркин тўртликлар у ёки бу қайтариқ оҳангига мос куйланиб келиши мумкин. Масалан, "Галдир" қўшиғи "Беқасам тўнлар кийиб" мисраси билан бошланади ва ушбу бошланмали тўртлик қўшиқ учун барқарор саналади. Аммо қўшиқнинг:

**Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?**

Мен ёмондан айрилиб,

Яхшини тоғанинг қани? [2,25]

тўртлиги "Фарғонача" [2,20] номини олган оҳанг йўлида ҳам куйланишини кузатишимиз мумкин. Демак, бу мисра эркин тўртлик саналади. Бу жил мисолларни кўплаб

Аннотация

Статья посвящена вопросам изучения традиционных повторов народных песен, также изучению генезиса повтора «якку-як», его семантики и его функции связи четверостишия в исполнении песен.

Ключевые слова: народная песня, исполнитель, традиционный повтор, вариант, жанр, метод исполнения, композиция, тон, повтор

Abstract

The article is devoted to the matter of traditional repetition in the performance of the folk songs. Here is made an analyses of the "Yaququ-yaq" genesis, semantic scope and connection function of the quatrain in the performance process.

Key words: folk song, singer, traditional repetition, variant, genre, the way of performance, composition, harmony, repeat.

келтириш мумкин.

Ижрода рўй берувчи бадиха анъанавий қайтариқ туғдирувчи оҳанг ўлчамлари доирасида амалга ошади. Ижро жараёнида эркин тўртликларнинг ўрни, бирор бир вазиятга қараб ўзгариши, баъзи сўз ва мисралар янгиланиши, ҳолатга қараб тўртликларнинг маълум қисми бир неча оҳангга мос куйланиши мумкин. Лекин анъанавий қайтариқлар замонлар оша деярли ўзгаришсиз келади. Бу эса ўз навбатида анъанавий қайтариқларнинг қўшиқ оҳанглари пайдо бўлишини аниқлашда таянч унсирлардан бири эканлигини кўрсатади.

Кўпчилик ҳолатларда анъанавий қайтариқларнинг мазмуни бугунги кун тингловчиси учун сирли бўлиб қолади. Баъзан ҳеч бир маънога эга эмас, фақат оҳанг учун қайтарилувчи товушлар бирикмасидек таассурот уйғотади. Масалан: "Таралли ялли ҳо, таралли лай-лай-лай", "Уху жақала", "Яққу-яқ" каби. Аммо аксарият бу тур қайтариқлар таркибида маълум товушлар, бирикмаларнинг такрорланиб келишини кузатамиз. Масалан, "ху/ку", "яқ/жақ", "ла/лай" каби. Хусусан "ла" бирикмаси кўпчилик қўшиқ жанрлари атамалар ўзак таркибида ҳам келишини кўришимиз мумкин: "алла", "ялла", "ўлан", "лапар", "ашулла". Бу ҳолатни тасодиф дея баҳолаб бўлмайди. Чунки такрорларнинг кўплиги қонуниятдан хабар бермоқда. Демак, анъанавий қайтариқлар, уларни ташкил этувчи сўзларни синчиклаб ўрганиш қўшиқлар тарихи, оҳанглари сирларини очишда ўзига хос калит вазифасини бажариши аниқ.

Биз бу ўринда барча анъанавий қайтариқлар хусусида батафсил тўхталиш имконига эга эмасмиз. Биргина "Яққу-яқ" қайтариғи юзасидан фикрларимиз билан ўртоқлашамиз.

Сурхондарё худудларида қадим-қадимдан куйланиб келаётган бу қўшиқ йўли бугунда бир қатор фольклор дасталари репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Қўшиқ куйидаги барқарор тўртлик билан бошланади:

**Тоғлар боши ўрама,
Кийик шохи бурама,
Бой қизини бермаса,**

Бойни худо урама.

**Яққу-яққу, яққу-яқ,
Яққу-яққу, яққу-яқ.**

Кўшиқ оҳанг йўлини белгилаб бераётган, уни композицион яхлитликда тутиб турган "Яққу-яқ" қайтариғининг бизга сирли қолган маъноси қандай? Бу саволга жавоб бошқа бу хил мазмуни унитилган кўглаб аънавий қайтариқларнинг ҳам тарихини очишга имкон беради.

Саволга жавоб ахтаришни "Яққу-яқ" қайтариғига уйғун ёки яқин келувчи бошқа намуналарни аниқлашдан бошлаш ўринли. Кузатишларимиз кўрсатдики, хоразм халқ кўшиқлари таркибида келувчи "жақу-жақу", "уху чақала" аънавий қайтариқлари, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг Булунғур, Фаллаорол туманлари худудидаги "чавқи" кўшиқ-рақс туркумининг номи, Фарғона водийсидаги томоша маъносида кўлланилувчи "чавқи" атамаси (дарбозлар чавқиси, масхарабозлар чавқиси, қўғирчоқбозлар чавқиси) номларида ўзаро уйғунликлар кўзга ташланади.

Келтирилган номлар, атамалар тизимидаги "яққу-яқ", "жақу-жақу", "чақала", "чавқи" сўзлари асосидаги бирламчи бирикма "яққу/жақу/чавқи" бўлиб, у ўз навбатида икки мустақил ўзак сўз "яқ/жақ/чав" ва "ку/қи" бирикмаларидан иборат. Ҳзбек тили (шевёларни ҳам инобатга олина) даги я(йа), ж, с, ч ҳамда қ, к, г ва у, ў, и товушларининг бир-бирига ўтиш ҳодисасини инобатга олсак, у ҳолда бу яқ сўзининг жақ(жак, жаг), йақ (йак, йаг), чақ (чак, чаг), сақ (сак, саг) вариантларига эга бўламиз (тарихан жа, йа, ча, са бўлиши эҳтимоли яқинроқ).

Ҳар бир сўзнинг туб маъносини топиш учун, аввало, ўзак сўз ва шу ўзақдан ҳосил бўлган сўзларнинг семантик қаторини ва кўламини қараб чиқиш керак бўлади. В.В.Радловнинг "Опыт словаря тюркских наречий" луғатида ушбу вариантлардан "чақ"нинг олти хил маъноси келтирилган. Олим "чақ"нинг илк - икки нарсанинг бирига урилишидан чиқувчи овоз - маъносини келтирган, мисол сифатида "қарсак" сўзини берган. "Чақ"нинг бошқа маънолари ҳам, асосан, ушбу ўзак маънога бевоСИТА ва билвосИТА уйғун эканлигини англаймиз[3].

Ҳозирги ўзбек тилидаги "чақмоқ", "чақчақлашмоқ", "чақимчи", "чақмоқтош", "чақ" (ёндири), "чопқи" сўзлари ўзагида ҳам "чақ"нинг икки нарсани бир-бирига урулишидан ҳосил бўлувчи товуш, ҳодиса ёки гап-сўзни бир объектдан иккинчисига етказиш, ўзаро суҳбат мазмунлари турибди. Бу сўзлар товушга тақлидан ясалгани англашилади.

Маҳмуд Кошғарий сав сўзининг бир маъносини "илгариги хабар, янгиликларни айтувчи киши, савчини эса пайғамбар сифатида изоҳлайди" [4, 104]. Сав сўзи ҳам билвосИТА мазмунан сақ/чақ ўзагига боғланишини кўришимиз мумкин.

Келтирилган мисоллар асосида жақ/чақ/чав/сав сўзла-

рининг туб маъноси овоз, хабар, қарсак ёки икки нарсанинг бир-бирига урилишидан чиқадиган саъс деб хулоса чиқаришимиз мумкин.

Яққу/чавқи/жақу сўзларидаги иккинчи қисм ку/ки нинг фонетик вариантлари ку /ху/ки. Халқ кўшиқларидаги аънавий қайтариқлар орасида бу ўзак ҳам турли вариант ва версияларда, бошқа сўз бирикмалари таркибида учрайди. Жумладан, болалар кўшиқларида ху/хо/хуй шаклида, овутмачоқда:

**хуйя хуй,
Талқон туй.**

болалар ўйин кўшиғида:

жаққу, жаққу билазук,

Унг қўлимда ўн узук...

тарзида ижро этилса, Бешқарсак рақс кўшиқлари ижросида хув/хуй/ху/ҳей, ҳа, ҳаҳ кўринишида келади.

Сўфийлар ва қаландарлар зикрида ҳам ху/хув мантриқ[5] қайтариғи мавжуд.

Қадимги мисрликлар дунё Тот томонидан (донолик, ҳақиқат ва тартиб маъбудиди, ҳисоб-китоб ҳамда хат-ёзув ҳомийси) [6,521-522] айтилган "Хуу" сўзининг қувватидан пайдо бўлган деб тушинтиришади; сўфийлар эса сўфийлик моҳиятини рамзий ифодаловчи саккиз бурчақда "хув" акс этади деб англашида; Дзен буддавий таълимотида олий қувват "ку" деб аталиб, барча инсонлар ва фот этгач унга қайтиши лозим деб билишади. Буларда ху(в)/ку нинг мазмуни англашилади. Кўриниб турибдики, ху/хув/ку барча дин ва таълимотларда энг кўҳна мантра ҳисобланиб, олий қувват ифодаси, унинг тажассуми сифатида қаралгани ойдинлашмоқда. Демак, яққу/жақу/чавқи сўзларининг туб асосида турувчи чақ ва ку сўзлари қадим мантриқ ўзак бўлиб, уларнинг маъноси умумий тарзда ифодаланса: олий қувват бирлиги бўлган илоҳий қарсак, қарсак жўрлигидаги кўшиқ ва рақс ёрдамида руҳоний билим ва ахборот олиш маъноларига эга. Бу ҳолатни сўфийлар зикридаги "хувва ху" қайтариғи билан баробар қўйиш мумкин.

Рақс ва кўшиқ ижросида яққу-яқ ёки жақу-жақу қайтариқларидан пайдо бўливи оҳанг тебранишлари киши руҳиятига таъсир этиб, уни олий қувват тебранишларига ростлаган. Яққу-яқ ёки жақу-жақу қайтариқлари халқимизнинг қадимий диний-маросимий рақсларидан бизнинг кунимизгача омон сақланиб келаётган кўҳна мантриқ сўзлар ҳисобланади. Кейинчалик бу қайтариқ сўзлари маълум кўшиқ ва рақс номлари, кўшиқ-рақс туркуми ёки кўчма маънода томоша мазмунини ифодаловчи атамаларга айланди. Яққу-яқ каби кўшиқ-рақслар таркибида келувчи кўглаб қайтариқлар халқимиз тафаккур тарихини, унинг тадрижий ривожланиш босқичлари ва йўллари кўрсатувчи бебаҳо хазиналар ҳисобланади. Бу сўз-атамалар оламига саёҳат санъатимиз, фольклоримизнинг нақадар қадимий ва бой эканлигини яна бир бор намоён этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. **Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари / Тўпловчи Музайяна Алавия. - Тошкент: Фан, 1972. - Б. 5-7. Келиной кўшиқлари. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат наشريёти, 1981. - Б.4-5.**
2. **Меҳригёҳ (Ўзбек халқ кўшиқлари). - Тошкент: O'ZBEKISTON, 2012. - Б.25.**
3. **В.В.Радлов. Опыт словаря тюркских наречий. Т. 3. Часть 2. - Санкт петербург, 1905. - №1831.**
4. **Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк. III жилд. - Тошкент: "MUMTOZ SOZ", 2016. - Б. 104.**
5. **Мантра - зикр тушганда айтилувчи оҳанг сўзлар (муаллиф изоҳи).**
6. **Мифы народов мира. Энциклопедия, 2 тома. Т.2. - Москва: Советская Энциклопедия, 1992. - С. 521-522.**

ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ҲАМОНДА ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАРИНИНГ ҲАМОНДА

Аъзам БЕГБЎТАЕВ - катта ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

Республика олий таълим муассасаларида ахборот - коммуникация технологияларини таълим жараёнига қўллашни янги усул ва воситалар ёрдамида ташкил этиш, масофадан туриб ўқитиш ва компьютерлаштирилган анжуманлар ўтказишга эришиш, электрон дарсликлар яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашга қаратилган тадбирлар, таълимни ислоҳ қилиш бўйича нуфузли лойиҳалар, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги ахборотлашган жамиятда ахборотларни бошқариш техникаси ва технологиялари билан ишловчи мутахассисларни тайёрлашда педагогика олий таълим муассасалари информатика ўқитиш методикаси таълим йўналишида "Тармоқ технологиялари" фанининг аҳамияти ниҳоятда катта. Бу борада республикамизда мутахассислар тайёрлашдан даяр талаблари даражасига кўтариш бўйича самарали ишлар олиб борилаётганлигига қарамадан, ҳозиргача куйидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда:

- "Тармоқ технологиялари" фанидан ўзбек тилидаги дарслик ва қўлланмалар, шу жумладан, уларнинг электрон вариантларнинг етарли

эмаслиги ёки умуман йўқлиги ва мавжудларининг талаб даражасида эмаслиги;

- фан бўйича электрон таълим ресурсларининг йўқлиги;

- "Тармоқ технологиялари" фанидан маъруза, амалий, лаборатория ва мустақил таълим машғулоти учун замонавий ахборот - коммуникация технологияларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар мавжуд эмаслиги;

- соҳа йўналишидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқитишнинг услубий жиҳатлари, илмий мазмунини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаётганлиги.

"Тармоқ технологиялари" фанини ўқитишда ўқув материаллари мазмунига ва уни ўқитишнинг методик усулларини танлашга тизимли ёндашиш керак. Асосий муаммо ўқув курси мавзуларини аниқ, мантиқий ва илмий асосланган ҳолда танлаш масаласи бўлиб, у ўз навбатида куйидагилар билан боғлиқ: предметларро ва ички предметро алоқадорлик; ўқув вақтини тақсимлаш; билимни тизимли шакллантиришдаги асосий қоида, қонун ва тушунчалар; ўқув материалининг мантиқий таҳлил.

"Тармоқ технологиялари" фанидан лаборатория ва амалий машғулотлар олиб боришда, талабаларда, асосан, касбий соҳасида учрайдиган тармоққа доир муаммоларни бартараф этиш йўллари ўрганиш, минтақавий, локал ва глобал компьютер тармоқларининг имкониятларини очиб бериш, компьютер тармоқларидаги маълумотлардан қандай ҳолларда ва қандай мақсадларда ишлатиш тушунчаларини шакллантириш, глобал тармоққа жойлаштириладиган маълумотларни ҳосил қилиш йўллари бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш керак.

Аннотация

В данной статье рассмотрены имитационные модели, программы симуляторов, виртуальность, виртуальная реальность и использование электронных средств массовой информации в системе образования как фактор повышения качества образования.

Ключевые слова: Симулятор, имитация, компьютерная сеть, модель, Cisco Packet Tracer, виртуальная реальность, сервер, клиент, коммутатор.

Abstract

In this work the simulation models, simulators, virtuality, virtual reality and the use of electronic media in education are considered a factor in improving the quality of education.

Keywords: Simulator, imitation, computer network, model, Cisco Packet tracer, virtual reality, server, client, switch.

Олий таълим Давлат таълим стандарти ва малака талаблари информатика ўқитиш методикаси таълим йўналиши бакалаврларининг тайёргарлик даражаси ва зарур билимлар мазмунига қўйиладиган талабларга асосан курсни ўзлаштириш натижасида талабалар куйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур: тармоқ технологияларининг замонавий усуллари ва воситалари; коммуникацион канал ва алоқа процессори; сигналларнинг модуляцияси ва демодуляцияси, тармоқ хизматлари, кўприк ва шлюзлар, тармоқ топологиялари, маълумотларни узатиш баённомалари, IP (Internet Protocol), TCP (Transmission Control Protocol) ва UDP (User Datagram Protocol) протоколлари, тармоқ операцион тизимлари, локал компьютер тармоқлари ва уларни бошқариш, Интернет ва Интернет тармоқларро бирлашмасини ташкил этиш, Интернет интерфас ресурсларини яратиш (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган Малака талаби.).

Мустақил таълим машғулоти топшириқларини ҳар бир талаба мустақил ишларни бажаришда ижодий ёндашадиган қилиб, масалан, мавзунинг моҳияти бўйича топшириқларни ёзма реферат, имитацион моделлар (симуляторлар), тренажёр дастурлари ва мултимедиа тақдиротлардан фойдаланган ҳолда индивидуал амалий шаклда тайёрлаши мақсадга мувофиқ.

"Тармоқ технологиялари" фанини ўқитишдаги асосий муаммолар куйидагилар ҳисобланади:

- интернетдан зарур материаллар, янги адабиётларни олиш ва фандаги маълумотларни янгиллаш;

- материаллар янгиланишини инобатга олиб, фanning электрон ахборот таълим ресурсларини ишлаб чиқиш;

- фанини ўқитишга доир электрон дарслик, электрон қўлланма ва электрон ўқув-услубий мажмуаларини яратиш;

- фандан лаборатория, амалий ва мустақил таълим машғулотларини ўтказишда SMART - технологиялар асосида янги педагогик ва ахборот технологияларидан, имитацион моделлар ва тренажёрлардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш орқали ечиш мумкин.

Тармоқ технологиясига доир бўлган имитацион моделлар дастурларини яратиш жараёнлари, хабарларни пакетларга ва муайян протоколларнинг кадрларига бўлиш, операцион тизим ичида хабарлар, пакетлар ва фреймларни

ишлаш билан боғлиқ кечикишлар, компьютерни умумий тармоқ муҳитига кириш жараёни, маршрутизатор томонидан кирувчи пакетларни қайта ишлаш ва ҳақозо. Тармоқни имитацион моделлаштиришда қимматбахо асбоб-ускуналарни сотиб олишнинг ҳожати йўқ - унинг ишлаши бундай ускунанинг барча асосий хусусиятларини ва параметрларини тўғри тарзда такрорлайдиган дастурлар билан тақлид қилинади.

Имитацион моделларининг афзаллиги, дастурнинг тезлигида содир бўлган воқеаларни тезлаштирувчи жараён билан реал вақтда тадқиқ қилинаётган тизимдаги ўзгаришлар ҳодисалар жараёнини ўзгартириши мумкин. Натижада, бир неча дақиқада сиз тармоқни бир неча кун давомида қайта яратишингиз мумкин, бу тармоқни ўзгармайдиган параметрларнинг кенг доирасини баҳолаш имконини беради.

Имитацион моделининг натижаси сифатида, тармоқдаги энг муҳим хусусиятларга нисбатан содир бўлган воқеаларни кузатиш давомида тўлган статистик маълумотлар, яъни таъсир вақтлари, канал ва тугунларни ишлатиш коэффициентлари, пакетни йўқотиш эҳтимоли ва бошқалар аниқланади.


Имитацион моделлаштириш компьютер тармоқларини моделлаштириш учун кўп имкониятлар эга, шунинг учун улар асосида тармоқ моделларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай имкониятларни яратувчи дастурий маҳсулотлардан бири бу Cisco Packet Tracer симулятор дастуридир.

Cisco Packet Tracer - "Cisco" тармоқ қурилмалари билан ишлаш ҳамда тармоқларни қуриш учун мўлжалланган симулятор дастури. Бу дастур график симулятор бўлиб, виртуал тармоқ қурилмалари, сервер ва машиналар ёрдамида виртуал тармоқларни тузиш, график стендлар яратиш, компьютер тармоқларини ташкил қилишни ўрганишда ва тармоқларни текширишда дидактик восита сифатида қўлланилади. Cisco, Cisco ASA (Cisco Systems, Inc) [Cisco Systems, Inc. - 1984 йилда ташкил этилган ва жаҳонда телекоммуникация қурилмалари соҳасида етакчи бўлган Америка қўшма штатлари компанияси.], Juniper [Juniper Networks - 1996 йилда ташкил этилган ва жаҳонда тармоқ технологиялари, телекоммуникация қурилмалари ҳамда алоқа операторлари учун комплекс тармоқ ечимлари соҳасида етакчи бўлган Америка қўшма штатлари компанияси.] тармоқ қурилмалари ва тармоқ операция тизимлари ёрдамида бошқариладиган серверлар ҳамкорлигида комплекс лойиҳалар ташкил этиш мумкин.

"Тармоқ технологиялари" фанидан лаборатория машғулотини Cisco Packet Tracer симулятор дастуридан фойдаланиб олиб бориш бўйича амалий дарс ишланмаси.

Мавзу: Cisco Packet Tracer дастурида тармоқ сервери хизматларини ўрнатиш

Ишнинг мақсади: Cisco Packet Tracer дастурида сер-



верга DNS, Web server ва DHCP хизматларини ўрнатиш.

Топшириқ: Cisco Packet Tracer дастурида қуйида берилган тармоқ лойиҳасини яратинг (1-PACM).

1-расм. Тармоқ лойиҳаси.

Бунда: 3 та компьютерлар, 2 та серверлар ва 1 та коммутатор мавжуд.

Қуйидаги ҳолатда тармоқни ўрнатиш: **1 - Server0 - DNS va Web** сервер хизматлари;

2 - Server1 - DHCP сервер хизмати;

3 - PC0, PC1 va PC2 компьютерларининг TCP/IP протоколи параметрларини DHCP серверидан автоматик қабул қилиб олади ва Server0да **www.jspi.uz** сайти очилади.

Топшириқнинг бажарилиш тартиби:

1-қадам:

1. **Cisco Packet Tracer** дастури "Тармоқ қурилмалари гуруҳи" (End Devices) панелидан PC0, PC1 ва PC2 компьютерларини, Server0 ва Server1ни танланг ва иш соҳасига ўрнатиш.

2. "Тармоқ қурилмалари гуруҳи" (End Devices) панелидан 2950-24 коммутаторини иш соҳасига ўрнатиш.


3. "Тармоқ қурилмалари гуруҳи" (End Devices) панелидан "Боғлашлар" (Connections) бўлимидан "боғланишни автоматик бажарувчи" ёрдамида қурилмаларни ўзаро боғланг.

Server0 учун **TCP/IP** протоколи параметрларини қўйинг.

Server0 конфигурацияларига қуйидагича IP манзилларни ўрнатиш:

Server0: IP Address - 10.0.0.1, Subnet Mask - 255.0.0.0

Default Gateway - 10.0.0.1, DNS Server - 10.0.0.1



Бунинг учун Server0 нинг "Ишчи столи" (Desktop) га кирилиб, "IP Configuration" бўлими танланади ва қийматлар киритилади.

2-қадам. Server0 да DNS хизматларини ўрнатиш.

Бунинг учун Server0 конфигурациясидан (Config) "Хизматлар" (Services) рўйҳатидан **DNS** га кириш хизматни ёқинг (On) ва тўғридан тўғри **DNS** ҳудудидида икита ресурс ёзувини киритинг:

1. "A Record" типдаги ресурс ёзувини "server0.jspi.uz" доменли компьютер номи-нинг IP манзили 10.0.0.1 билан боғланг ва қўшиш "Add" тугмасини босинг.


2. "CHAME" типли ресурс ёзуви орқали мурожат сайтини компьютер билан боғланг. Бунинг учун Исм (Name) бандига www.jspi.uz ёзилади, Узел номига (Host Name) server0.jspi.uz деб киритинг ва қўшиш учун "Add" тугмасини босинг.

3. Server0 конфигурациясидан "Хизматлар" (Services) бўлимига киринг, HTTP хизматини ёқинг (On) ва www.jspi.uz сайти манзилининг дастлабки веб саҳифа index.html номли файл мазмунига институт, факультет, йўналиш, гуруҳингиз рақами ва исми шарифингизни киритинг: (Изоҳ: Бунда қўшимча ихтиёрий равишда маълумот киритишингиз мумкин.) (1-расм):


2-расм. TCP/IP мижоз протоколи конфигурацияси.

1. PC0 компьютерининг ишчи столидаги (Desktop) веб браузерни (Web Browser)ни очинг ва манзил қаторига (URL) www.jspi.uz ни киритиб "Ўтиш" (Go)

3-расм. PC0 - Мижоз ишини текшириш.



2. Юқорида PC0 компютери учун бажарилган со-ламаларни PC1 ва PC2 компютерлари учун ҳам қўлланг.



6-қadam. Лаборатория ишини яқунлаб файлни сақланг (гуруҳ ва исми шарифингиз, масалан: 207-Sodiqova Fotima.pka) ҳамда расмийлаштиринг.

Ушбу лаборатория машғулотида бажарилган ишлар орқали талабалар қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлишадилар:

Сервер компьютерларга **DNS, DHCP ва Web сервер** хизматларини ўрнатиш;
TCP/IP протоколини конфигурация қилиш;

Сервернинг HTTP хизматини сошлаш;
Персонал компьютерларнинг DHCP сервер орқали IP манзилни автоматик олишни сошлаш ва ҳақозо.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу амалий кўникмаларни реал шароитда ҳосил қилиш мушкул. Cisco Packet Tracer имитацион дастури ушбу муаммони кўргазмалилик, лойиҳалаш ва индивидуаллаштириш тамойиллари асосида ҳал қилишда амалий ёрдам берди.

Хулоса қилиб айтганда имитацион моделлаштиришнинг тармоқ технологиялари фани бўйича амалий ўргатиш жараёнида қўллаш инновацион ёндашув ҳисобланиб, юқорида баён этилганидек ҳар томонлама қулай ҳамда

дарс самарадорлигининг ошишига восита бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган Малака талаби.
2. А.Б.Галин. Методические указания к проведению лабораторных работ / Галин А.Б - Ростов-на-Дону, 2015.
3. А.Е.Бегбутаяев. Using simulation models in the study of computer networks. Eastern European Scientific Journal (ISSN 2199-7977) DOI 10.12851/EESJ201805. AURIS Kommunikations-und Verlagsgesellschaft mbH D?sseldorf - Germany. 2019
4. А.Е.Бегбўтаев. Виртуал лаборатория таълим олувчиларнинг билим сифатини ошириш воситаси. "Тафаккур зиёси". Илмий-услубий журнал. №1, Жиззах. 2018 йил.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАСБИЙ МАҲОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ҳалима ШУКУРОВА - катта ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти

Хозирги таълим-тарбия жараёни ҳар қандай янгиланган, ривожланган йўналтирилган таълим технологияларидан фойдаланишни талаб этади.

Айниқса, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари мутахассислиги даражасини олувчи талабаларга таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун замонавий педагогик технологияларни шахсга йўналтирилган намуналарни таълим жараёнида татбиқ этишлари долзарб муаммолардан биридир. Зеро, ҳозирги кунда таълим соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиш, педагогик маҳорати ва масаласини ривожлантиришнинг замонавий методлари, шакллари, усулларини бўлажак мутахассислар дарс давомида ўзлаштиришлари давр талабидир.

Мамлакатимизда таълим-тарбия мазмунининг янгила-ниши натижасида ўқитишнинг янги технологиялари, шакллари, усуллари ва воситалари амалга жорий этила бошлаганлиги қувонарли ҳол. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури" да кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли кадрлар тайёрлаш чора тadbирлар белгилади [1,16].

Олий таълим тизимига янги педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш ёхуд ўқитиш жараёнини технологиялаштириш асосида талабаларни ўқитишни жадаллаштириш қарорнинг бош вазифаси ҳисобланади. Ўқув жараёнида ташхисли ўрнатилган мақсадларга мувофиқ ҳолда тажриба йўли билан уларга эришиш имкониятлари педагог танлаган шакл, метод ва ўқитиш воситалари таълим олувчилар билан ўзаро ҳаракат тизими ёрдамида аниқланади.

Ҳозирги давр ўқитиш шакллари талабаларни эркин, ижодий фикрлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларни бундай фаоллашти-лари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикри-мизга ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Айнан демократик тамойиллар, инсонийлик ва шахсий сифатларни ривожлантиришга қаратилган замонавий ўқитиш шакллари давр талаби бўлиб, бунда дарс жараё-нининг педагогик харитасини тузиш, жараённи олдин-дан лойиҳалаштириш муҳимдир.

ТЕХНОЛОГИК ДАРАЖАДАГИ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ МЕЗОНЛАШ СИФАТИДА

КЎЙИДАГИЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШ МУМКИН:

-аниқ ташхисли берилган мақсадларни мавжудлиги, янги тушунчаларни, атамаларни қўйлаётган ўқитиш натижаси сифатида таълим олувчининг фаолиятидаги мақсадга эришишини, ташхислаш усулларини тартибли ўлча-надиган ҳолатда кўрсатилиши;

-ўрганилаётган мазмунни билув ва амалий масалалар мўлжалли асослар ҳамда уларни ечиш усулларининг ти-зимли кўринишда тақдим этилиши;

-мавзулар (материаллар, касбий функциялар тўғла-ми ва ҳоказолар) етарлича қатъий кетма-кетликнинг, ман-тиқнинг муайян босқичларининг мавжудлиги;

-ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида иштирокчилар-

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования профессионального педагогического мастерства с помощью современных технологий.

Ключевые слова: система образования, высшее учебное заведение, высшее образование, квалификация, в высочайшей степени.

Abstract

In this article the matters of improving pedagogical skills with the help of an up-to-date technologies in a higher education are analyzed.

Keywords: the regime of higher education, international student, innovational approach, professional education programs

нинг ўзаро ҳаракат усулларини кўрсатилиши:

-педагогнинг энг макбул (ўқув жараёнининг натижа-вийлиги нуқтаи назари билан) ўқитиш воситаларидан фой-даланиши.

-ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятининг мотива-цион таъминланиши жараёнида уларнинг шахсий кас-бий функцияларининг намоён бўлиши (эркин танлаш, кре-ативлик, бахslashув, ҳаётий ва касбий маъно).

КЎЛЛЕНИЛИШИЧА, ҚАМРОВ ҲАЖМИГА (МАСШ-ТАБИГА) КЎРА УЛАР 3 ГУРУҲГА АЖРАТИЛАДИ:

1) Умумий педагогик технологиялар, улар ўз ичига йирик технологияларни, яъни бутун таълим тизимига тегишли бўлган масалаларни қамраб олади. Масалан: рейтинг тизимига ўтиш, тест технологияларини ўқув жараёнига тadbиқ этиш шулар жумласидандир.

2) Хусусий педагогик технологиялар. Муайян фан доирасида қўлланилиши мумкин.

3) Модулли кичик универсал технологиялар [2,44].

Бизнинг фикримизча, замонавий таълим шаро-итида бўлажак мутахассисларга куйидаги асосий талаблар қўйилади:

-мустақил ҳолда ўз фанини ўқитиш методикасини иш-лаб чиқиш.

-машғулотларни самарали режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш.

-ўқув жараёнида юзага келадиган муаммоларни мус-тақил ҳал қилиш, мустақил қарор қабул қилиш, ўқувчи-ларни таълим олишга қизиқтириш ва фаоллаштириш.

-юксак муомала маданиятига эга бўлиш.

-технологияни сўнгги ютуқларини таълим жараёнига жорий этиш.

-олган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш-лари учун ўз малакасини доимий оширишлари лозим.

Демак, ҳар бир педагог педагогик маҳоратни шакл-лантириш учун илмий назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ўз касбий маҳоратларини яна-да юксалтиришнинг самарадорлигини оширишга эътибор-ни қаратишни талаб этади.

Замонавий ўқитувчининг асосий вазифаси ёш авлодни келажакда меҳнат фаолиятига тайёрлаши, юқори малака-ли кадр бўлиб етиштиришга қўмаклашиш ҳисобланади. Ана шу масъулият ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат-га эга бўлиш билан бир қаторда талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъ-

доди, этикодий ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг мақбул йўлларини излаб топдиган касб эгаси бўлишни талаб этади. [3,33].

Яна шуни таъкидлаш лозимки, олий ўқув юртларида педагогик туркум фанлари, махсус фанлар амалиётлар ва битирув малакавий ишларини ўзаро узвийлигини таъминлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунингдек, махсус фан ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда битирув малакавий ишларини аҳамиятини ўрганишнинг мазмунини такомиллаштириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

УШБУ МАКСАДНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ҚУЙДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ЕЧИШ МУҲИМ:

-ўқув тарбия ишларида талабаларни мусатақил ва ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш;

-ўқув жараёнида эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш;

-дарс машғулотларида ахборот технологиялари, видеоролик ва мултимедиялардан фойдаланишлари;

-талабаларда эркин танқидий фикрлашни тарбиялаш;

-ўқув фаолиятини таҳлил қилиш;

-ўқув фаолиятини кучли эҳтиёжга айлантиришни талаб этади.

Ана шу масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан муваффақиятли ҳал этиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва инноватсион фаолиятига боғлиқ ва ҳамоҳангдир. Улар:

-педагогнинг инноватсион фаолияти;

-янгиликни қўллашга тайёргарлиги;

-педагогик янгиликларни қабул қилиши;

-новаторлик даражаси;

-коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;

-ижодкорлиги билан белгиланади.

Шунинг учун олий ўқув юртларда малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари, интерактив методлар, инноватсион технологияларининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар талабаларни билимли етук маҳоратга эга бўлишларини таъминлайди.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган

мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда қуйидагилар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда:

-таълим фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;

-таълим муассасалари ва профессионал таълим дастурлари турларининг хилма-хиллиги, уларнинг фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишларидан фойдаланиш;

-профессионал таълим тизимини ўстувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантириш;

-таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник базасини яратиш;

-уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш;

-таълимни ташкил этиш ва бошқаришда педагоглар фаолиятини таҳлил қилиш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш ҳамда таълим инновацияларини педагогик жараёнга тадбиқ этиш[4].

Ушбу машғулотларда талабалар фаоллигини ошириш, педагогик фаолиятни самарали бошқаришда юқоридаги талаб ва омиллар ўқитувчининг касбий маҳорати ва педагогик техникасини такомиллаштиришда асосий ўрин тутди. Шу жиҳатдан ҳам педагоглар томонидан инноватсион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштири олишлари уларнинг инноватсион ёндашувига эга бўлишлари талаб этилади. Ана шундай ёндашувнинг натижаси ўқитувчининг ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидоий, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши кераклигини тақозо этади. Шунингдек, у ўз мутахассислигидан ташқари, хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши ҳамда компютер техникасидан фойдалана олиши шарт.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур тизим таълим олувчи ҳар бир фанни ўқитишда замонавий технологияларни қўллаш имкониятларини тасаввур этишга, фан муаммоларини ечишга, ўқув фаолиятини турли кўринишлари ва шакллари тадбиқ этиш усуллари ва услубларини ўз касбий фаолиятига кенг қўламда қўллашнинг ўрганишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016.
2. Толипова Ж. О. Педагогик квалиметрия. Тошкент, 2018.
3. Толипов Х. Педагогик технологиялар. Тошкент, Ўқитувчи, 2011.
4. Д.Рўзиева, М. Усмонбоева, З. Холиқова. Интерфаол методлар моҳияти ва қўлланилиши. ТДПУ. Тошкент, 2013.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА БУНЁДКОРЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Зилола САНАКУЛОВА - катта ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони мазмун ва моҳияти" мавзусидаги 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ва унда Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни белгилаб бердилар [1, 37].

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда бунёдкорлик маданиятини шакллантиришнинг самарали йўллари назарий жиҳатдан асослаш, уни изоҳлайдиган ички ва ташқи омиллар тизимини ишлаб чиқиш жараёни, ва бу моделлаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки моделлаштириш давомида бўлажак ўқитувчи бунёдкорлик хусусиятлари ижтимоий буюртма сифатида ўргатилади. Моделлаштирилаётган жараённинг мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилади. Таянч методологик позициялар аниқланади. Моделлаштирилаётган жараённинг назарий асосини ташкил этувчи ғоя ва концепциялар доираси белгиланади. Ташқи ижтимоий ва ички таълимий муҳит омиллари, тадқиқ қилинаётган жараённинг етакчи тенденциялари ва улар асосида шаклланаётган таъриба табиатиға мос уни амалга оширишнинг педагогик тамойилларининг тизими аниқланади. Ўқитилаётган ўқув фанлари доирасида таълим мазмуни лойиҳалаштирилади. Бу жараённинг самарали кечиш учун зарур педагогик шароитлар мажмуи, уларни оптималлаштириш бўйича ташкилий чоралар, моделлаштирилаётган жараён натижаларини баҳолаш мезонлари тизими ва зарур диагностик воситалар комплекси ишлаб чиқилади. Шакллантирилаётган таърибанинг сатҳи (даражаси) параметрлари аниқланади. Бўлажак ўқитувчида бунёдкорлик маданиятини шакллантиришнинг реал жараёни функционал мазмуни ва унинг натижавийлиги учун аҳамиятга эга бўлган энг муҳим қуйидаги жараёнлар акс эттирилади. [3,214]

Моделнинг мақсади, блоки, таълим жараёнида амалга оширадиган ёндашувлар, ғоялар, концепциялар асосида бўлажак ўқитувчиларда бунёдкорлик маданиятини шакллантиришнинг моделлаштирилаётган жараённинг асоси ва унинг олдида турган касбий фаолият позициялари таъминланади. Бу жараённинг моҳияти шундаки, педагог ва талабанинг биргаликдаги интилишларини мавжуд субъектив таърибаға келтиришдир. Бу жараённи биз бунёдкорлик маданиятини шакллантириш, унга бошқа, янада ижтимоий буюртмага мос шакл бериш деб атаймиз. Ўз мазмун моҳиятиға кўра бу субъект таърибанинг мақсадға йўналтирилган педагогик шароитлардан барпо бўлиш ва ўз ўзини ривожлантириш жараёни ҳисобланади. "Шакллантириш" атамаси фақат бу жараённинг фаоллиги ва мақсадға йўналтирилганлигини таъкидлайди. Шу позицияда бу жараённинг мақсадлари ҳам ифодаланади. Бўлажак ўқитувчи олий ўқув юртида ўқиб даврида ўқитувчиға бўлган ижтимоий буюртмани бажариш мақсадида майдонға чиқади, Моделлаштирилаётган жараённинг мақсадини аниқлашда биз уларға қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, таълимни индивидуаллаштириш, ўз ўзини ривожлантириш ва ўз ўзини йўлга қўйиш тамойилларидан, аниқроғи, мақсаднинг аниқ равшанли-

Аннотация

В статье представлена разработанная педагогическая модель формирования культуры творчества у будущих специалистов, определены подходы к ней, в частности: системный, деятельностный, субъективный, культурный, акмеологический, компетентностный подходы, на основе которых создается образовательная среда, реализуется профессиональное и личностное развитие, формируется чувство ответственности.

Ключевые слова: высшее образование, будущий специалист, создатель, культура, модель

Abstract

The pedagogical model for culture formation of creativity of future specialists presented in the article. Approaches such as: system, activity, subjective, cultural, akmeological, competency-based are defined, on the basis of which is created educational environment well be professional and personal developed a sense of responsibility as well.

Keywords: higher education, future, specialist, creator, culture, pedagogical model of the system.

ги, субъектив таърибасининг реал ҳолатини ҳисобға олиб реал педагогик шароитларға ва талабанинг шахс потенциалига мос шарт-шароитлар яратишда ўқитувчининг ғамхўрлиги муҳим ўрин тутди. [2,67]

Моделлаштирилаётган жараённинг мақсади бўлажак мутахасиснинг бунёдкорлик маданиятини шакллантиришдир. Таълимда субъектив ёндашув моҳияти талабаларни педагогик воситалар ёрдамида ўз ўзини тарбиялаш, ўз ўзига таълим, ўз ўзини ривожлантириш позициясига таяниб моделлаштирилган жараённинг оператив (тезкор) мақсадларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бунда талабаларда қуйидаги хусусиятларни шакллантириш лозим: билиш, касбий ва бунёдкорлик мотивлари ва мазмунини шакллантириш;

- бунёдкорлик фаолиятини амалга ошириш усуллари-ни очиб берадиган билимлар ва илмий тушунчалар тизимини ўзлаштириш;

- ўқув касбий фаолиятини субъектив ўз-ўзини бошқариш таърибасини эгаллаш;

- бўлажак ўқитувчининг субъектив таърибасида бунёдкорлик маданиятини шакллантириш компонентларини интеграциялаш ва мустаҳкамлаш.

Албатта, уларни амалга оширишда қуйидаги илмий ёндашувлардан фойдаланилади.

ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ.

- бунёдкорлик маданиятини шакллантириш тизимини яхлит барпо этиш ва унинг бўлажак ўқитувчининг касбий таърибасидаги родини аниқлаш;

- таърибанинг ҳар бир компонентини фарқ қилувчи (ажратувчи) характеристика ва функцияларини яхлит ҳисобға олган ҳолда ёритиш;

- талаба томонидан субъектив таърибани эгаллаш жараённинг компонентларини ривожланиш динамикасини дифференциялаш ва интеграциялашға тадқиқ этиш.

ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ.

Бунёдкорлик маданиятини шакллантириш жараёнини ўрганиш ва моделлаштиришда:

- фаолиятнинг компонентлари асосида тадқиқ қили-

Ёндашувлар					
Тизимли ёндашув	Фаолиятли ёндашув.	Субъектив ёндашув	Маданий ёндашув	Акмеологик ёндашув	Компетентли ёндашув

наётган тажриба тузилишини ишлаб чиқиш:

- бўлажак мутахассис фаолиятини шахснинг ривожланиши механизми сифатида қараш;

- бўлажак ўқитувчи бунёдкорлик маданиятини шакллантириш вазифасини педагогик даражасига ўтказиш;

- бунёдкорлик маданияти элементлари, мотивлар, мақсадлар, шароитлар ва педагогик шароитлар ўртасида муносабат ўрнатиш.

Субъектив ёндашув. Субъектнинг ўзини билиш воситаларига амал қилишга имкон беради ва унинг позицияси, билиш объектини тенглаштиради. У субъектнинг нафақат воқеликни, балки ўз ҳаёт фаолиятини, одамларни тан олишга имкон беради. Бунёдкорлик маданиятини шакллантиришда субъектив ёндашув имконият яратади;

- талабани бунёдкорлик маданиятини шакллантириш ва ўз-ўзини ривожлантиришга жалб этиш;

- бунёдкорлик маданиятини шакллантириши тенденцияларини ривожлантириш жараёни билан барқарор алоқада бўлиш;

- ўқув-касбий фаолқятни субъектив ўз - ўзини ташкил қилиш тажрибасини ажратиш ва шакллантириш.

Маданий ёндашув. Бунёдкорлик маданиятини шакллантириш мақсадида бўлажак ўқитувчи тайёрлаш муаммосини таълим жараёнини инсонпарварлаштириш позициясидан қарашга имконият яратади. Бунда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- бўлажак ўқитувчиларда бунёдкорлик маданиятини, фаолиятини инсонларга, жамиятга хизмат қилиш;

- бўлажак ўқитувчининг бунёдкорлик маданиятини ижтимоий маданий тажриба билан ўзаро муносабатда бўлиш;

- таълим жараёнида фикрлашни ҳосил қилиш, ҳамкорлик ва диалог тажрибасини эгаллайдиган маданий жараён сифатида моделлаштириш муҳим ўрин тугади.

Талаба шахсида бунёдкорлик маданиятини шакллантиришда касбга ва ҳаёт фаолиятида бунёдкорлик факультатив курс ташкил этишга, ўқув, тадқиқотчилик, тарбиявий, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш уларда таълимий, бунёдкорлик, ижодий босқичларини ривожлантиради.

Акмеологик ёндашув. Ҳўқитувчи ва ўқувчиларни турли ҳаётий соҳаларда ўз ўзини максимал даражада ижодий намоён қилиш:

- ҳаётий истиқболларнинг мавжудлиги ва муҳимлигини англашга, бунёдкорлик мотивациясини оширишга;

- бунёдкорлик фаолияти тажрибасини ўқитувчининг унинг профессионалликнинг чўққиларига чиқиш йўлидаги касбий тажрибаси элемент сифатида қарашга;

- талабаларнинг ички имкониятларини ва уларнинг бунёдкорлик фаолияти тажрибасини шакллантиришга йўналганлигини очиб беришга ёрдам беради.

КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ.

Талабаларда келажакда самарали фаолият хусусиятларини аниқлашда мужассамлашган кўпгина турларини ижтимоийлаштириш ва бажаришга имкониятни таъминлайдиган компетенцияларни шакллантиришга эътиборни қаратади. Бу таълим мақсад - векторларига илк мўлжал: ўрганаётганлик, ўз ўрнини топиш, ўз ўзини фаоллаштириш, ижтимоийлашиш ва индивидуалликни ривожлантириш (Шахс ривожлантирувчи технологиялар). Бу ғоялардан фойдаланиш психологик фаолият ва шахс элементларини педагогик вазифалар ва таълим натижалари билан ўзаро муносабатини таъминлашга имкон беради. Бўлажак ўқитувчининг касбий ва бунёдкорлик маданиятини шакллантириш жараёнининг икки тенденциясига ажратиш мумкин.

Биринчи тенденция шундан иборатки, бўлажак ўқитувчининг бунёдкорлик маданиятини шакллантириш таълим мазмуни ва маданий - таълимий муҳити билан кўрсатилган ижтимоий тажрибанинг бунёдкорлик компонентларини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилади. Уни аниқлаш олий таълимда асосий қарама - қаршиликлардан бирини ҳал қилишга ёрдам беради: бунёдкор ўқитувчини шакллантиришга мақсадли кўрсатма, зарур субъектив тажрибанинг тизимсизлиги билан талабаларнинг аънавий таълим жараёнида субъектив функциялари ривожланади. Бунёдкорлик маданиятини шакллантириш механизми индивиднинг микросоциум (ўқув юртининг, шаҳарнинг, вилоятнинг, касбий ҳамжамятнинг) ижтимоий маданий муҳитига муносабатига кўра ўз ўрнини топиш ва ҳаракатдаги субъектнинг пайдо бўлиш механизми ва жараёни сифатида ижтимоийлашишнинг ва индивидуаллаштиришнинг моҳиятини ташкил қиладиган объектив маданият элементларини эгаллаш жараёнида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда ушбу ёндашувлар асосида олий таълим талабаларини компетентлигини ошириш ва ижтимоий муҳитида, касбий салоҳиятини такомиллаштириш; ўзгартирувчи фаолият субъектларининг фаоллигини ошириш; лойиҳавий таълим (ўқитиш); ўқув - касбий фаолиятни ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадлари, стратегиялари, қонуниятлари, механизмлари ва усуллари билан танишиш; мазмунли коммуникациялар методи; касбий ва шахсий, режаларини ишлаб чиқиш; инновацион асосда, креатив(ижодий) ривожланиш; ижтимоий ва касбий масъулиятни тарбиялаш; мақсад қўйиш каби амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. 37-бет**
2. **Олимов Ш., Ҳасанова З, Педагогик технологияларни ўқув-тарбиявий жараёнга қўллаш. -Т.: "Фан ва технология", 2014. 67-бет**
3. **Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. -Т.: "Ниҳол" 2013. 214-бет**

ЁШ АВЛОДНИНГ АҲЛОҚИЙ

Насиба БАЙТУРАЕВА - катта ўқитувчи
Муқаддас СОИПНАЗАРОВА - ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

МАДАНИЯТИНИ

ШАКЛАНТИРИШ

ЎЎЛИ

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши, унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият ва маънавий элементларининг қанчалик мужассамлашганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони мазмун ва моҳияти мавзусидаги 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ва унда Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга қаратилган вазифалар мамлакатда ислохотлар стратегиясини амалга оширишда узлуксиз устувор йўналишни такомиллаштириш билан бирга таълим ва тарбияни янада ривожлантиришни тақозо этади [1,37].

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ўқитувчилар, тарбиячилар, барча халқ таълими ходимлари келгусида улғувор вазифаларни амалга оширишга кодир бўлган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга ҳаракат қилмоқдалар. Жамиятимизнинг улғувор ғояларини рўёбга чиқаришда инсонпарварлик, тинчлик ва тараққиётнинг ахлоқий тамойилларини амалга оширмоқдалар. Келажаги буюк бўлган Ўзбекистон ёшларини комил инсон бўлиб вояга етишишлари учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда таълим билан бирга тарбия жараёнини такомиллаштириш муҳимдир.

Бугунги кунда тарбия масаласининг долзарб муаммо сифатида кун тартибига кўйилиши Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги билан бирга тамомила янги инсоний жамият қуриш билан боғлиқдир. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод онгини жамият талабларидан, келиб чиққан ҳолда ахлоқ одоб ғоялари билан йўғрилган софлик, адолат, яхшилик, ҳурмат, иззат каби ижобий фазилатлар билан суғориш заруратини тақозо этмоқда.

Ахлоқ (арабча хулқ-атвор демақдир) - ижтимоий онг шакллари билан бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради. Ахлоқ омма фаолиятини тартибга солишнинг бошқа шакллари (ўқув, ишлаб чиқариш, халқ анъаналари) да ўз талабларининг асосланиши амалга оширилиши ва омма фикри асосида тартибга солиниши билан фарқ қилади. Ахлоқ талаблари барчага тааллуқли, бироқ ҳеч кимнинг кўрсатмаси, ҳеч қандай махсус буйруқ асосида бажарилмайдиган, ихтиёрий амалга ошириладиган бурч шаклига киради. Ахлоқ талабларининг бажарилиши фақат маънавий таъсир кўрсатиш шакллари доирасида юз беради.

Ахлоқ шахс тараққиётининг юқори босқичи бўлган маънавий комиллик асосини, пойдеворини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда ахлоқ-жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуидир.

Ахлоқий маданият - инсонни маънавий ва маданий жиҳатдан камолотга етказувчи жараёндир. Ахлоқий маданият болалиқдан шаклланади. Ёши улғайиши билан ахлоқ даражаси кенгайиб боради [2,267].

Ахлоқ маданиятини киши фақат оилада, болалар боғчаларида, мактабда ва олий ўқув юр்தларидагина эмас, балки умр бўйи ҳаёти фаолияти давомида олади. ҳаёт ўсиб, ривожланиб борганидек, ахлоқий маданият ҳам ўсиб, янги-янги қирралар кашф этиб боради. Ахлоқий маданият киши фаолиятини ва маданиятини белгиловчи

Аннотация

В статье рассмотрены педагогические аспекты формирования нравственной культуры учащихся, раскрыто понятие нравственной культуры, проявляющейся в любви и уважении к Родине, обществу, своему языку, истории, национальным традициям, семье.

Ключевые слова: учитель, мораль, культура, обучение воспитанию, духовные ценности.

Abstract

This article deals with the pedagogical aspects of formation of moral culture of students, reveals the concept of moral culture manifested in love and respect for the country, society, its language, history, national traditions, family.

Keywords: teacher, moral, culture, training education, spiritual, values mind.

жараён бўлиб, у барча ҳолатлардан сақлайди. Натижада кишининг хулқий гўзаллиги ортади.

Ахлоқий маданият одамнинг маънавий етуқлигини, тарбияли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ахлоқли киши эл ўртасида эъзозлидир. Ахлоқий маданият инсоний фазилатларни, киши қадрини оширувчи қимматли сифатдир. У таълим-тарбиянинг асл мевасидир. Ақлнинг суянчиғи ҳисобланган ахлоқий маданият барча фазилатларнинг шаъни ва ҳикмати дидир.

Киши ўз ҳаётида қанчалик ахлоқий маданиятга интилка, шунчалик ўз камчиликларини тушуниб боради.

Ҳақиқатдан ҳам, инсоният пайдо бўлган даврдан бугунга қадар кишилар орасида ахлоқий маданият доим биринчи ўринда келмоқда. Чунки у инсон маданиятининг мезони, буюклиги рамзидир. Ўрта Осиё халқлари ахлоқий маданият соҳасига бой анъанага эга. Ахлоққа оид дастлабки фикрлар "Авесто" китобида, қадимги битикларида ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган пандномалар, ўғитлар ва одобномаларда, халқ педагогикаси, фалсафий рисоаларда, алломалар меросида ахлоққа кенг ўрин берилган.

Ҳақиқатдан ҳам инсоният оламида ғамхўр, ҳамдард, меҳрибон, хайрихоҳ, меҳнатсевар кишилар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам уларнинг гўзал хулқли, ахлоқли, одобли, хусни хулқ кишилар дейилган. Ҳадиси шарифлардаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоялар асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида таркиб топган миллий урф-одатлар, анъаналар А.Навойи, Бобур, Беруний, Фаробий сингари буюк алломалар, олимлар, ёзувчиларнинг ахлоқ ҳақидаги кўплаб фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам оилавий ҳаёт учун ҳар бир инсоният учун қадр-қимматини йўқотмаган муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Жумладан. Амир Темур "Ахлоқи хусния" -яши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тadbирли саркарда сифатида одамларнинг ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб бир кесган.

Чунки, Амир Темурнинг ўз халқига содиқлигини, миллатини улуглигини, камтарин, адолат ва озодлик учун курашувчан ахлоқий маданияти юксак бўлганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ал-Бухорий "Бир мусулмон банди ўз ахлоқини яхши қилишга ҳаракат қилавериб, охири яхши ахлоқи уни жаннатга киритади", - деб ёзади.

XX аср бошларида педагогик фикрлар тараққийнинг асосчиси Абдулла Авлоний ахлоқни шундай тарифлайди: "Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар билан баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур[3, 149].

Ахлоқ илмини ўқиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким эканин, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзиди нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ҳз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмақга саъй кишидур".

Мир Алишер Навоийнинг сафдоши ва шоғирди Хусайн Воиз Кошифий "Ижтимоий ахлоқий фазилатларни юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат билан ахлоқий тарбияни тушунади. Ахлоқ, инсонийликни ҳаёт кечинмаларидаги сафдоши ва шоғирди Хусайн Воиз Кошифий инсоннинг кадр-қиммати, унинг мол-мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчади", - деб таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли ахлоқий маданият мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, маънавияти, истиқлол ва мустақиллик учун кураш, холис орзу умидлари ёрқин ифодасини топган. Янги шаклланиб келаётган мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий мақсади - жамиятни маънавий юксалтириш, маданиятли баркамол инсонни тарбиялаш, ёшларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришдир. Шундай экан маданиятни шакллантиришда ахлоқ алоҳида ўринни эгаллайди. Шунинг учун ахлоқий маданият халқнинг кундалик ҳаётида, меҳнат, ижодий, оммавий, хуллас, ҳамма-ҳамма ишларида амалга оширилиши ва Ўзбекистон фуқаросининг илми, эътиқодли, ўз ватанига содиқ бўлишига қаратилиши лозим.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов ахлоқий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб: "Ислохотлар стратегиясини амалга оширишда биз учун куйидагилар узлуксиз устивор ҳисобланади:

- таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислохот килиш;

- ақлий ва маънавий салохиятни мустаҳкамлаш.

Бу эса бутун таълим ва маъданият тизимини тубдан ислохот қилиши тақозо этади. Чунки айни билимдонлик юқори маданийлик озодликдан ҳаммининг бахт-саодати йўлида фойдаланиш имконини беради.

Авалги йилларда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдиэларидан ажралиб қолган эди.

Ахлоқий маданиятнинг асосий йўналишлари муҳтарам Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон келажаги буюк давлат". "Янги ўрни қурмасдан эскисини бузманг" сингари рисолаларида баён этилган. Ахлоқий маданият мазмунини бойитишга бу китоблар дастуруламал вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг "Таълим ҳақида"ги Қонунида янги кишини ахлоқий маданиятга қилиб воёга етказишга алоҳида аҳамият берилган. Зеро, ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг асосий мақсади-халқимиз-

нинг миллий меросига ворислик қила оладиган ва умумбашарий бойлигини қадрлайдиган шахсни тарбиялашдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз талабаларида иймон, эътиқод, садоқат каби одамийлик фазилатларини шакллантириш, умуминсоний аъёналарга содиқ бўлишига ғамхурлик қилиши лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий вазибаларини хал этиш кўп жиҳатдан жамиятнинг ва ундаги ҳар бир инсоннинг ахлоқий маданиятига ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Инсоннинг умри унинг фарзандларида давом этади. Меҳроқибат, садоқат, ҳалоллик, одамийлик сингари яхши фазилатларини фарзандлар давом эттирадилар. Бу ҳислатлар ахлоқий тарбия орқали камол топади. Шунинг учун ҳам бу ҳислатларни оилада, мактабда шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ота-она ўз фарзандига тўғрилиқ, содиқлик, самимийлик, бардошлилик, меҳрибонлик каби юксак фазилатларни ўргатишлари лозим. Ўқитувчилар ўз талабаларига ахлоқий камол топишнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтиришлари муҳимдир.

Ахлоқий маданиятни шакллантиришда ўзбек халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар, байрамлар, аъёналар ва маросимлар, халқ ўйинлари, хадислар, Урта Осиё за ўзбек халқи мутафаккирларининг асослари, тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчилик, халқ рақс санъати ва миллий мусиқадан таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш лозим.

Ахлоқ маданияти инсоннинг ички маданияти, нафосати, умуминсоний аъёналар билан бевосита боғлиқдир. Ички маданият кишининг ташқи кўринишини, одобини кўрсатади. Ахлоқнинг ташқи кўриниши ҳам ички маданиятга, инсоннинг иродаси, ўзини тута билишига таъсир этади. Ташқи кўринишда куполик, бекфарқлик, одобсизлик каби ҳолатлар ҳам учрайди. Буларни бартараф этишда ахлоқий онгни шакллантириш ахлоқий билим билан куллантириш муҳимдир. Ана шундагина ахлоқ маданияти кишининг ички ва ташқи ҳолатини бирлаштирувчи жараён бўлиб, ҳар қандай ҳолатда, воқеа-ҳодисаларда одоб қоидаларига амал қилади.

Ахлоқий маданиятли кишининг хусусиятлари одамларга ҳурматда бўлиш, мулоимлик, ўз сўзида туриш, ишончли, ваъдага вафдорлики каби олижаноб ҳислатларни ўзида мужассамлаштиради.

Ахлоқий кишининг кўрсаткичлари инсонпарварлик таълимийларида асосланган ҳолда ўраб турган муҳитга, одамларга ғамхўрлик қилиш, эътиборли, камтар, одамларга бир хил муносабатда бўлишдир. Ўз атрофидагиларнинг билими ва тажрибасини ҳурмат қилиш, хушмуомала бўлиш, оддий, одамларни эшита билиш ва уларни тушуна билишдир.

Ахлоқий маданият кишиси жамият талаблари қоидаларига ҳурмат билан қарайди. Уларни бошқаришда ўзининг малакаларини ишга солиб, фаол катнашади.

Ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг асосий йўналишлари - ахлоқий тарбия, шахс иродаси, ўзини тута билиш, ўз-ўзини тарбиялаш қабилардир.

Хулоса қилиб айтганда, ёш авлодни тарбиялашда таълим тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий нормалар (меъёрлар) ва шарқ мутафаккирларининг ахлоққа доир қарашларида номоён бўлади. Шундай экан бизнинг вазифамиз ёш авлодни ёшлигиданок ахлоқий маданиятни шакллантириш мустақил диёримизнинг истиқболини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Харақатлар стратегияси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлаи тўплами. 2017. 37-б.*

2. *Педагогика Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х.А., Алқаров И., Усмонов Н.Ҳ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Тошкент: Фан, 2009.*

3. *Хайруллаев М, Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари - Т.: Ўзбекистон, 1991.*

ТАЛАБАЛАРГА ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА БАДИИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҚИЗИҚИШ УЙФОТИШ

Бахтиёр МИРКОМИЛОВ - Тарих фанлари
номзоди, доцент.

Жиззах давлат педагогика институти

Мамлакатимизда илм-фан оламида Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар айни пайтда таълим ва тарбия соҳасида одамларимизнинг онгутафаккури дунёқарашини ўзгартириш, инсонларнинг давлат идораларидан рози ва бахтли бўлиб яшашлари давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди[1].

Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" да таълим мазмунини маънавий-маданий асосларда янгилаш ва такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган. Хусусан, бунда инновацион ёндашувларни излашнинг муҳимлиги, ўқувчи ёшларнинг жаҳон маданий меросига қизиқишларини фаоллаштириш шароитлари ва амалий механизмларини яратиб зарурлиги таъкидланиб, кадрларни жаҳон маданий ютуқлари асосида янада сифатли касбий-шахсий тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлат таълим сиёсати ўқувчиларда маданий қадриятларга, шу жумладан, бадиий қадриятларга қизиқишни уйғотишда катта аҳамият касб этади. Идрок этиш ва касбий-шахсий эҳтиёж асосида замонавий авлодларнинг жаҳон маданиятига қизиқишларини тарбиялаш кучли манба сифатида ёш замондошимизнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қилади.

"Ўрта асрлар тарихи" курсини ўрганиш жараёнида Италия, Франция, Англия, Америка, Хитой, Япония каби мамлакатлар Ўрта асрлар маданиятини ўрганиш назарда тутилади. Лекин унда Ўрта асрлар уйғониш даври бўйича айрим мамлакатларнинг бадиий қадриятлари тўғрисида жуда кам маълумотлар берилган. Ўқувчиларнинг жаҳон маданиятига қизиқишларини замонавий таълим сиёсати талаблари даражасида ўстириш учун дастурни модификациялаштириш йўналишидаги изланишларимиз амалдаги "Ўрта асрлар тарихи" курси дастурини конкретлаштирувчи, тўлдирувчи ёки тузатувчи мавзулар бир неча тўпламларига тааллуқли хисобланади:

I. Ўрта асрлар даври бадиий маданияти (қисқача танишиш).

II. Фарбий Европада Ўрта асрлар бадиий маданияти (VI-XIII асрлар). Уйғониш даври (XIV-XVI асрлар).

Олий тикланиш даври санъати (XVI аср) (қисқача танишиш).

1. Италияда санъатнинг Уйғониш даври (XVI аср).

2. Францияда бадиий маданиятнинг тикланиши (XVI аср).

3. Испания санъати (XV-XVI асрлар).

III. Осиё ва Узоқ Шарқда ўрта асрлар бадиий маданияти (XIII- XVI асрлар).

Уйғониш даврида унинг гуллаб-яшнаши (XVI аср) (қисқача танишиш).

1. Осиёда бадиий маданиятнинг уйғониш даври (XV-XVI асрлар).

2. Ўрта асрларда Хитойда санъатнинг ривожланиши (IX-XVII асрлар).

Аннотация

В статье говорится об усвоении понятия "художественные ценности" студентами в процессе изучения истории средних веков.

Abstract

This article is about rising wriosity of students for literally valueness in teaching history.

3. Японияда Ўрта асрлар санъати унинг функционалиги, ўзига хос хусусияти (IX-XVII асрлар).

IV. Фарбий Европа, Осиё, Узоқ Шарқ ўрта асрлар Уйғониш даври

(XIII-XIV асрлар) бадиий маданиятнинг ушбу ва кейинги даврлар жаҳон маданиятидаги ўрни, тасири ва аҳамияти.

Фарбий Европа, Осиё ва Узоқ Шарқ Уйғониш даври санъати асрлари (рангтасвир) замондошларимиз манавий ҳаётида.

Юқорида кўрсатилган мавзулар бўйича маърузаларда куйидаги талаблар хисобга олинади:

- мотивацион-кўрсатмали вазият; ушбу ёшдаги талабалар психологияси, қизиқишлари, афзалликлари, қадриятлари йўналишларига эътибор;

- тингловчиларга маъруза мавзуси, мақсади ва вазифаларини маълум қилиш; талабаларни маъруза режаси ёки унинг технологияси билан таништириш;

- талабаларни фаолликка, интеллектуал-ижодий фаолиятга чорлаш;

- талабаларни зарур лўғат-тушунчавий "муҳит" билан таништириш;

- маъруза жараёни материални юқори ҳиссий идрок этиш даражасида, ёрқин, мазмунли, қизиқарли, образли, ўзига хос, мантаний-тартибли тарзда, мазмунли, технологияси ҳамда методикаси бўйича маъруза компонентларига ижодий ёндашиб баён этиш;

- ўрта асрлар бадиий маданияти бўйича мавзуларни тарихий ҳодисалар асосида очиб бериш;

- муайян мамлакатда ўрта асрлар даврида эстетик концепциялар асосида Уйғониш даврининг буюк асарлари ғоявий- мазмунли ва бадиий-эстетик хусусиятлари билан танишиш;

- асосийси, маърузани ҳиссий-идрок этиш, интеллектуал-ижодий, қадриятли йўналтирувчи, ижодий фаоллаштирувчи, кўрсатмали, коммуникатив, ижтимоий йўналтирувчи, мустақил билим олишга йўналтирувчи имкониятларини таъминлаш.

Тадқиқот жараёнида Уйғониш даври бадиий қадриятларига тегишли баъзи саволларни билишга нисбатан эҳтиёжлари аниқланиб, масалан, аудиториядан ташқари шароитларда уларнинг куйидаги мавзулар бўйича билимга эҳтиёжлари қондирилади: "Бадиий қадриятлар", "Рангтасвирнинг нодир асарлари", "Рангтасвир асарларини идрок этиш асослари", "Италия, Франция Испания, Япония, Хитой ва бошқа мамлакатлар музейлари бўйлаб Уйғониш даврига саёҳат"[2,42].

"Ўрта асрлар тарихи" курси мазмуни шундай модификациялаштирилганда талабаларнинг ўрта асрлар даври, айниқса, Уйғониш даврининг бадиий қадриятларига қизиқишлари фаоллашади ва бойийди.

Мустақил билим олиш фаолиятида талабаларнинг

қизиқишлари қондирилади, унинг технологияси тушунтирилади ва муҳокама қилинади. Талабаларга зарур адабиётларни танлаб олишга ёрдам кўрсатилади.

Айниқса, маъруза материаллари бўйича топшириқлар ва рефератив, назарий-амалий ва маърифатпарварлик хусусиятидаги ишларда талабаларнинг ўрта асрлар Уйғониш даврининг бадиий маданиятига қизиқишлари фаоллаштирилади.

Курс жараёнида Уйғониш даври рангасвир асарларини таърифлаш (шарҳлар билан); керакли лугат тушунчавий блокнотни тузиш; Уйғониш даврининг рангасвир асарларини эмоционал идрок этиш (мулоҳазалар билан); ўрта асрлар Уйғониш даври бадиий қадриятларидан картиналарни идрок этиш таҳлил қилиш (ихтиёрий ёки режа кўрсатма, таклиф этилган алгоритм бўйича); ўрта асрлар Уйғониш даври тасвирларидан репродукциялаш ва мустақил тайёрлаш; ўрта асрлар бадиий маданияти, Уйғониш даврининг бадиий қадриятлари бўйича ҳисобот, маърузалар ёзиш (турлари талабалар жамоаларида маданий- маърифий мақсадларда); ўзини таҳлил қилиш (бадиий маданиятга, ўрта асрлар бадиий қадриятларига қизиқишининг ўз шахсига таъсири) кабиларни қўллаш натижасида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга ошади.

БУНДА ЁЗМА ИШЛАР (ИХТИЁРИЙ):

Тарихий назарий - "ғарбий Европада Уйғониш даврининг бадиий маданияти тарихшунослиги", "ўрта асрлар даврида Осиёда бадиий маданият тарихшунослиги", "Уйғониш даврида Узоқ Шарқда бадиий маданият", "Буюк Уйғониш даврида Италияда эстетика ва рангасвир", "Францияда фалсафий- эстетик концепциялари ва Уйғониш даври рангасвири", "Узоқ ўрта асрларда аждодларимиз бадиий мерослари", "Хитойда ўрта асрлар Уйғониш даври эстетикаси ва Хитой рангасвири", "ўрта асрларда Япония эстетик дунёқарашлари хусусиятлари ва япон рангасвири", "Уйғониш даври буюк рассомларининг асарлари";

- назарий амалий - "Бадиий қадриятлар - рангасвир асарларини баҳолаш мезонлари", "Нодир рангасвир асарларини идрок этишим";

- тарғибот-маърифатпарварлик йўналишида ўтказилиши лозим.

Хусусан, ҳисобот, маъруза, ўз-ўзини таҳлил этиш ва методик ишлар қуйидаги мавзулар асосида амалга оширилади.

Ҳисоботлар: "Бадиий қадрият нима?", "ўрта асрларда Уйғониш даври ҳақида нималар биласиз?", "ўрта асрлар тарихида Уйғониш даври тўғрисида нималар билиш керак?", "Уйғониш даври нодир рангасвир асарлари", "ўрта аср буюк рассоми-аждодимиз Беҳзоднинг асарлари", "Уйғониш даври машҳур мусаввирлари".

МАЪРУЗАЛАР:

"Уйғониш даври рассомнинг янги тури", "Уйғониш даври Италия бадиий қимматли рангасвир асарлари", "ўрта асрлар Франция рассомчилигининг бадиий қимматли мероси", "Уйғониш даври Испания рангасвири", "ўрта асрда Осиёда рассомчиликнинг ривожланиши", "ўрта асрда Хитой рангасвири", "Уйғониш даврида Япония рангасвири".

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ИШЛАРИ:

"Бадиий қадриятлар соҳасидаги қизиқишларим", "ўрта аср бадиий маданиятини ўрганиш менга нима берди?", "Бадиий қадриятлар билан мулоқот менга нима берди?", "ўрта аср бадиий қадриятларига муносабатим" [3,211] (Италия, Франция; Осиё; Узоқ Шарқ- Хитой, Япония- умумий ёки танлаб олиш), "Уйғониш даври бадиий маданияти, бадиий қадриятлари тўғрисидаги билимларимни тарғибот қилиш бўйича маданий- маърифий фаолиятим", "Бадиий қадриятларга ўз қизиқишларимни қандай қондираман?", "Бадиий қадриятларга қизиқишимдан ҳаётда, касбий фаолиятимда қандай фойдаланаман?".

МЕТОДИК ИШЛАР:

"Рангасвир асарларини қандай томоша қилиш ва тушуниш керак?", "Рангасвир асарларини идрок этиш ва таҳлил қилиш учун нималар зарур", "Асарни (картинани) идрок этиш, таҳлил қилиш бўйича эслатма", "Тингловчиларни (суҳбатдошни) қандай қилиб Уйғониш даври бадиий қадриятларига қизиқтириш керак?".

Таълим жараёнида талабаларнинг мустақил ишларига аниқ талаблар қўйилади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат: мавзуни тушуниш, мақсад аниқлиги, аниқ масала ёки масалалар қўйиш; мавзуни режалаштириш, мавзуни очиб бериш, унинг кенглиги; илмийлиги, тарихий асоси, ишончлилиги; назарияси ва амалиётнинг боғлиқлигига амал қилиш; тизимлилиги мазмунлилиги, мантиқийлиги, изчиллиги, исботлилиги, кўргазмалилиги ва материалнинг асослилиги, ишончли ва образли баён этилиши; юксак идрок этиш даражаси; ўзини ижодий ифода этиш, ўзига хослиги; дадил фикрлаши, шахсий мулоҳазаси; материалнинг ёрқинлиги ва қизиқарлилиги; мавзу, мақсад ва вазибаларга мос келиш; умумлаштириш, хулосалаш ва яқунлаш; материалдан ҳаётда, бўлажак ишида фойдаланишни кўра билиш; фойдаланилган адабиётлар рўйхатини келтириш кабилар. ўрта асрлар тарихини ўрганиш жараёнида талабаларга бадиий қадриятларга қизиқишни уйғотишда уларни эҳтиёж даражасида ривожлантириш, такомиллаштириш ва доимий равишда бойитиб боришни талаб қилади. Бунда талабалар шахсини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадига эришиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.strategy.gov.uz>
2. *Художественная культура. Понятия. Термин. -М.: Знание, 1988, 42 с.*
3. *Лукьянов Б.В. В мире эстетики: Мир кросоты. Почему искусств много?-Процвещение, 1988, 211 с.*

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ УЗВИЙЛИГИ ВА УЗЛУКСИЗЛИГИ

Ширин КАМОЛОВА, Насиба АҲМЕДОВА,
Назира ПҮЛАТОВА - катта ўқитувчилар
Жиззах давлат педагогика институти

Мамлакатимизнинг истиқболи кўп жиҳатдан баркамол интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантириш ва унга мос таълим-тарбия олиб боришга боғлиқ ва бунга мустақил Республикамикамиздаги ижтимоий-тарихий тараққиётнинг тезкор суръатлар билан ривожланиши, фан-техника ва технологиялар соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқларнинг таълим-тарбия соҳасига кенг жорий этилиши асос бўлмоқда.

Болаликдан миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. [1, 3]. Бу асослар ўз ватанини ва халқини севадиган, миллий мафкурамизга садоқатли, мусақил фикрлайдиган баркамол авлодни шакллантиришдек муаммо ечимини ҳал этишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири даражасигача кўтарди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва таълимни ислоҳ қилиш борасидаги бошқа меъёрий ҳужжатларида ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва шу асосда интеллектуал салоҳиятли маънавий баркамол авлодни шакллантириш давлат аҳамиятига молик муҳим масалалардан эканлиги таъкидланган. Айниқса, тарбия ёш авлодни жамиятда яшашга мақсадли тайёрлаш жараёни бўлиб, махсус ташкил этилган давлат ва жамоат институтлари орқали амалга оширилади, жамият томонидан назорат қилинади ва коррекцияланади.

Тарбия масаласи билан кишиларнинг баркамол бўлиб этишилари учун, улуғ бобокалонларимиз доимо шуғулланиб келган. Улар Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб ва ҳоказолар.

Бу борадаги ишларнинг аҳамиятлилигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишининг бўлиб ўтгани бунга мустаҳкам асос бўлади.

Йиғилишда таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва қўлланмаларни янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳимлиги қайд этилган. Юртбошимиз "Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари" деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни

Аннотация

В данной статье представлены решения вопросов воспитания молодежи с помощью образовательных технологий. А также рассмотрены актуальные вопросы воспитания молодежи, определены роль и место духовных ценностей в формировании гармонично развитой личности.

Ключевые слова: глобализация, угроза, развитие, процесс стабильности идеология, "массовая культура".

Abstract

The problems of globalization were analyzed in this article. Also discussed topical issues of youth education, the role and place of spiritual values in the formation of harmoniously developed generation.

Keywords: globalization, threat, ideology, mass culture, education, development.

Бу борада Абу Наср Фаробийнинг "Фозил одамлар шаҳри", "Фазилат, бахт ва камолот ҳақида" ва шу каби асарлари бугунги кўп омилли шахс тарбиясида ҳам ниҳоятда ибратлидир. Қайд этилган асарларнинг асосий мазмунини тарбия воситалари, шакллари ва шу кабилар ташкил этади.

Тарбия ўзи нима, деган саволга Фаробийдан қуйидагича кетма-кетликдаги жавобни топиш мумкин:

- "Камолот" - бу яратган Аллохнинг борлигини онгли равишда сезиш ва ундан воқиф бўлиш";

- "Камолотга элтүвчи йўл - гўзал фазилатли ва хайрли (яхши) ишларни ички хоҳиш ва истак билан такрорлаш, уларга мунтазам амал қилиш";

- "Бахт - ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш натижаси";

- "Бахт белгиси - руҳнинг лаззат олиши ва яратганни севиш";

- "Камолот натижаси - абадийликка эга бўлиш". [3, 43].

Бундан ташқари Абу Райҳон Берунийнинг дунёвий кашфиётлари ва шахс тарбиясидаги ахлоқий фазилатлар, Абу Али ибн Синонинг комил инсонни жисмонан ҳамда манан соғлом қилиб тарбиялаш ғояси, Амир Темур давлатчилиги ва бунёдкорлик ғоялари, Алишер Навоийнинг комил инсонни тарбиялаш ва бунёдкорлик ишлари, Бобурнинг миллатлараро дўстликни, динлараро бағрикенгликни, таълим соҳасидаги қарашлари баркамол авлод тарбиясида ва уларда миллий дунёқарашнинг шаклланишида маънавий асос бўлади.

Буюк боболаримизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва, айниқса, уларнинг миллий дунёқарашини кенгайтиришида битмас-туганмас хазинадир. Уларни ибрат, намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгида қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади: - мардлик; - ботирлик; - паҳлавонлик; - меҳнатсеварлик; - катталарга ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик; - дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу кабилар.

Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида ёшларимиз маънавий тарбияси ва илмий дунёқарашини кенгли-

ги, ибрат-намуна муҳим рол ўйнаётган экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини шакллантириш ва юксалтиришда улар онгига миллат, Она тупроқ, Она Ватан, халқ ва унинг тарихий илдиэлари асосидаги бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида сингдириб боришимиз лозим. Тарбия - шахсни мақсадли шакллантириш жараёни. Бу тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг пировард мақсади жамиятга керакли ва фойдали шахсни шакллантириш бўлган, махсус ташкил қилинган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган ўзаро ҳамкорлиги [2,6-7].

Тарбия жараёни - шахсни шакллантиришга мақсадли йўналтирилган, тарбиячи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги учун махсус ташкил этилган, бошқариладиган ва назорат қилинадиган, ўзининг пировард мақсади сифатида шахсни шакллантирадиган жараёндир.

Бугунги кунда тарбияга ижтимоий ҳодиса сифатида қарашдан англанадигани, тарбия жамият манфаатларини кўзлаб ва унинг ривожланганлик даражасига мувофиқ равишда амалга оширилади. Тарбия ўз моҳиятига кўра ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, болалар, ёшлар ва катталарни мавжуд шароитларига ва бу шароитларни такомиллаштиришга мослаштиришиди [2, 107].

Бизга маълумки, киши тарбияси масаласи инсоният пайдо бўлганидан бошлаб долзарб муаммо бўлиб келмоқда ва тарбияда "уфқ" комиллик сари йўналтирилган бўлади. Шу сабабли ҳам жамият тараққиётини баркамол инсонлар белгилайди. Баркамол авлод ва кўп омилли шахс тарбиясида бой ўтмиш маънавий меросимиз мавжуд. Яна шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, тарбиянинг жамоатчилик (ижтимоий) тавсифи, бир томондан, тарбиянинг ўзи тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш сифатида амалга оширилиши; иккинчи томондан, жамият томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни маълум йўналишда тарбиялашга кўмаклашадиган қилиб ташкил этилишида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, тарбияни фақат тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабат сифатида тушунилмаслик лозим. У нафақат кенг ижтимоий доирада амалга оширилади, балки табиатига кўра амалда барча ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни ўзида қамраб олиннадиган ижтимоий ҳодиса саналади: баркамол авлод тарбияси унинг узлуksизлиги ва узвийлиги ҳаёт учун ва унинг давомийлигини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарбия жараёни ижтимоий омилларига куйидагилар киради:

- маъзур жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий шароитлари;

- тарбиянинг ижтимоий шартланганлиги;

- тарбия ижтимоий бошқариш сифатида (Л.Ф.Спирин), назорат қилинадиган ва бошқариладиган ижтимоийлаштириш;

- тарбия ижтимоий аҳамиятли хулқ-атвор намуналарига одалантириш сифатида; - кичик (микрo муҳит), ўрта (мезo муҳит) ва катта (макрo муҳит) гурӯҳ ва ҳамжамиятлар орқали тарбиялаш. [4, 203]

Тарбия жараёнининг энг асосий натижаси - ҳар томонлама ва уйғун камол топган юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантиришдир.

Бу борада тарбия жараёнида тарбиявий иш муаммоси кўндаланг бўлиб, бу тарбиянинг тизимлилиги, тўлаллиги, узвийлиги ва узлуksизлигидир. Тарбиявий иш тарбияланувчиларнинг муайян фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи шаклдир. Тининг асосий хусусияти - зарурийлик, фойдалилик ва татбиқ этиш имкониятидан иборат.

Шу сабабли таълим муассасалари тарбиявий жараёни ташкил қилиш ва муваффақиятли давом эттириш учун

зарур бўлган тарбиявий ишлар услублари, билимлар, талақа ва маҳоратлар тизими, замонавий педагогик технологиялар ва уларни тарбиявий ишлар амалиётда қўллаш масалалари педагогик жамоаларининг энг муҳим муаммоси бўлиб қолмоқда.

Педагогик туркум адабиётларда педагогик технологияга турлича таснифлар келтирилган.

Педагогик технология-бу ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўйувчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техникавий ва одам ресурсларини ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш аниқлашнинг тизимли методидир. [6, 23]

Педагогик технология-ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир. Бу таърифлардан маълумки, тарбияланувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш тарбиявий ишлар технологиясини тўғри ташкил қилиш ва қўллашга боғлиқ. Бу эса ўз навбатида мактабгача таълим муассасалари учун тарбиявий ишларни амалга ошириш услубиёти замонавий педагогик технологиялар ишланмалари асосида яратилишини талаб этади.

Айниқса, илм-фан ва техника-технологияларнинг ривожланиб бориши, баркамол авлод шахси шаклланишига чорламоқда. Ваколатли таълим технологияси. Бу технология 1995 йилда АҚШда "Аёллар етакчилиги" деб номланган тренинглardan бошланган бўлиб, халқаро таълим технологияси сифатида 1997 йилдан бошлаб Украинада шаклланиб сунгра Озарбайжон, Грузия, ғозоқистон, ғирғизистон, Литва, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистонга тарқалган. 2002 йилда Афғонистон, Бирма, Индонезияда тренинглар ўтказилган бошқа мамлакатларда ҳам бу технологияни шакллантириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Бу таълим технологиясини ҳозирда мутахассислар шундай таърифлайди: "Ваколатли таълим-гендерлик адолати ва зўравонликсиз муносабатлар асосидаги ўқув жараёни бўлиб бунда бевосита таъриба орқали таълим олиш йўли билан гуруҳнинг ўз-ўзини ташкил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш мумкин".

Ваколатлаш педагогикаси таълим дастурларининг бошқа турлари билан таълимга нисбатан умумий ёндошувларга эга. Ўзаро фаолиятда улар бир-бирини бойитадди ва кучайтиради.

ВАКОЛАТЛАШ ТАЪЛИМИНИ КУЙИДАГИЧА ЖОРИЙ ҚИЛИШ МУМКИН

-расмий ўқув режа(айри ўқув фани, интеграциялашган ёндошувлар ёки мавзулар сифатида);

-расмийлаштирилмаган ўқув режа;

-норасмий ўқув режа;

Машғулотлар махсус тайёргарлик кўрган тренерлар томонидан тренинглар шаклида ўтказилади. [6, 52-53].

Асосий тарбиявий мақсад (кўпинча, ахлоқий тарбия мақсади) аниқ ишларга оид вазифаларни белгилаб беради. ҳар бир ишда асосий гоа ажралиб туради ва у тарбия умумий йўналишининг (ақлий, жисмоний, меҳнат тарбияси ва б.) бири билан мос келади. Тарбиявий ишларни тайёрлашда ташкиллаштиришнинг юқори даражадаги аниқлигига эришишга ҳаракат қилиш лозим. ҳар қандай тарбиявий иш тарбияланувчилар учун "ташкilotчилик мактаби"га айланиши керак. Тайёргарлик ташаббускорлик, талабчанлик, киришимлилиқ, мажбурияларни тақсимлаш маҳорати, вазиятларни тезда баҳолаш каби фазилатларни тарбиялайди.

Ишни тайёрлаш ва ўтказиш жамоани жипслаштиришнинг тўғри йўлидир.Тарбиявий ишлар нусха кўчиришни ёқтирмайди. Ўзгарувчанлик ва ҳаракат доирасининг кенг-

лиги тарбиявий ишларнинг фарқловчи белгиларидир. Гуруҳларнинг, айрим тарбияланувчиларнинг бир-бирига жиқслигидан кенг фойдаланишга интилиш яхши натижа беради. Тарбиявий ишларни лойиҳалаш чоғида, бир гуруҳда муваффақият келтирган тажриба иккинчисидан айнан шундай натижани бермаслиги мумкинлигини эсда тутиш керак.

Тарбиявий ишлар турли-туман бўлиши керак. Тарбияланувчилар ёрқин ишларни узоқ эслаб юрадидилар, шу боис бундай ишларни такрорлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки у аҳамиятини йўқотиши мумкин. Тарбиявий ишларни ҳар доим янғисини топиш қийин, аммо уларни топишга ҳаракат қилиш зарур. Тарбиявий ишлар захирасида кўплаб қизиқарли тадқиқотлар мавжуд ва бу такрорламасликни, аксинча, аниқ шароитлар билан мувофиқлаштирган ҳолда ўқувчини баркамол, дунёқарашли кенг интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашни кафолатлайди. [5, 120]

Тарбиявий ишлар ҳис-туйғуларнинг кудратли катализатори каби лойиҳалаштирилади. Маълумки, ҳаяжонга тушган киши ниҳоятда таъсирчан бўлади. Ҳар бир тарбиявий ишда тарбияланувчига яқин, ҳамоҳанг бўлган жиҳатларни топиш ва унда ижобий ҳислатларни ривожлантириш, мустаҳкам ҳаёт тарзини шакллантириш, тарбиявий ишлар маданиятини оширишнинг муҳим йўллари билан бири бўлган ўраб турган дунё ҳақиқатини тўғри тушунишга ёрдам берадиган қилиб етказиш керак.

Мақсадни кўзлаш босқичида тарбиячининг вазифаси - ижтимоий вазиятни баҳолаш, ўзининг тарбиявий фаолиятини асосий мақсадга бўйсундириш, тарбияланувчиларнинг келажақда муайян тарбиявий таъсирларни қабул қилишга тайёрлик даражасига ташхис қўйишдан иборатдир.

Умуман олганда, баркамол авлодни тарбиялаш, ўзининг маънавий-маърифий, ташкилий-услубий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан мураккаб ва масъулиятли динамика жараёндир. Биз бу жараёни амалга ошириш кетма-кетлигини қуйидагича ифодалашни лозим топдик: тараққиётнинг ўзбек модели (Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бешта тамойили, яъни жамиятни ислоҳ қилишнинг бешта тамойили); баркамол авлод орзуси ва унга эришмоқ йўли; орзуга эришишда баркамол авлод вазифалари ва бурчлари; орзуга эришишда узлуксиз таълим тизими ўрни ва роли; орзунинг рўёбга чиқаришда зарурий узлуқсиз таълим таркиби; кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш босқичлари; КТМДнинг миллий модели; КТМДни жорий этишнинг илмий-услубий таъминоти; баркамол авлод тарбияси жараёнининг ташкилий-услубий ва илмий-педагогик таъминоти; тарбияда мақсадга эришганликни баҳолаш мезонлари; баркамол авлоднинг тарбияланганлиги ҳақидаги хулосалар ва кейинги фаолиятга тавсиялар.

Баркамол авлод тарбиясининг бу қайд этилган кетма-кетлигига, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлани-

шининг бешта тамойили асос қилиб олинган бўлиб, баркамол авлодни амалий фаолиятга бўлган жараёнини ўз ичига олган ва ўз хусусиятига кўра баркамол авлод тарбиясига комплекс ёндашувдир.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида ибрат-намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий излашларимиз натижаларининг кўрсатишича, баркамол авлодни тарбиялашнинг узвийлиги ва узлуксизлиги кўп омилли шахс ижодий камолоти кетма-кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни берар экан. Бу кетма-кетлик одам-шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, баркамол авлодни тарбиялашнинг имконияти туғилади ва улардан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади. Шу сабабли ҳам баркамол авлодни тарбиялаш учун шахс интеллектуал камолотини мазкур кетма-кетликда ифодалаб олдик. Ушбу кетма-кетликдан мунтазам равишда ёшлар илмий дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Айниқса, "Умумий педагогика" фани ўтилиб, унинг назарияси қисмидан кенг фойдаланилса ижобий натижа беради. Педагогика назарияси 4 бобдан иборат бўлиб 1) педагогиканин умумий асослари; 2) тарбия назарияси; 3) таълим назарияси ва 4) бошқарув тизими каби бўлимлардага бу тушунчалар асосида бўлажак ўқитувчиларининг илмий дунёқарашини бойитишда ва шахс ижодий камолоти босқичларининг мазмун-моҳиятидан фойдаланишда сезиларли педагогик самараларни беради. Натижада ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари (омиллари, ташкил этувчилари) ва моҳияти талабалар онгидан янада мустаҳкам ўрин олади. Бу борада талабалар баркамол авлод ва кўп омилли шахснинг асосий таркиблари ва фарқларига таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр дарсда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ муаммоларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ёшларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу ҳолат таълим тизимида баркамол авлодни тарбиялашнинг узвийлиги ва узлуксизлиги ўқув-тарбия жараёнлари натижаларини янада ҳаётийлигини таъминлаш гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. Тошкент: "Ўзбекистон", 23.08. 2019. 3 бет
2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" // "Баркамол авлод ? Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" китобида. - Т.: Шарқ, 1997. 6-бет
3. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. - Тошкент: Ёзувчи, 2002. - 43-бет.
4. Подласий И.П. Педагогика. -М.: ВЛАДОС, 2004, кн. 2. Процесс воспитания. 203-б.
5. Селиванов В.С. Основы общей педагогики: теория и методика. М.:Акад, 2002. 120б
6. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А., - Тошкент: "Ўзбекистон", 2004. 23-52б

ЎҚУВЧИЛАРНИ ОИЛАДА ТЕЖАМКОРЛИККА ЎРГАТИШ

Раҳим УМАРОВ - иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б.

Жиззах давлат педагогика институти,

Нафиса УМАРОВА - ўқитувчи Навоий шаҳар 16-ДИУТМ

2019/3-СОҲ

Ўқувчиларнинг ҳаётида иқтисодий билимларни шакллантиришда оилада тежамкорликка ўргатиш асосий ўринни эгаллайди, чунки уларнинг кўпчилиги вақти оилада ўтади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш иқтисодий билимларни ошириш билан узвий боғлиқ, яъни иқтисодий тарбия ўқувчилар онгида иқтисодий фикрлашни, тартиб-интизомли бўлишни, ижрочиликни, вақтдан унумли фойдаланишни, мулкка ҳўжайинлик ҳисси каби шахсий фазилатларни шакллантиради. Иқтисодий билимларнинг муҳим элементларидан бири бу тежамкорликдир.

Биз ушбу мақолада асосан ўқувчиларнинг ҳаётидаги иқтисодий тушунчалардан бири бўлган оилада тежамкорлик кўникмаларини шакллантиришга асосий эътиборни қаратамиз.

Бизнинг узоқ аждодларимиз арифметиканинг тўрт амалидан беҳабар бўлса-да, лекин тежамкорлик билан фикр юритганлар ва уни ўз манфаатлари йўлида моҳирона амалга оширганлар. Қадимги шарқ мутафаккирларидан бири ҳўжаликни яхши юритиш бойиш усулларидан биридир, деб тамомла замонавий ҳақиқатни тасдиқлаган эди ва бунда у тежамкорликни назарда тутган эди [1,8].

Иқтисод фани ҳам ўз тараққиётининг илк босқичида уй-рўзгорда ҳўжаликни юритиш ҳақидаги билимлардан иборат бўлган. Иқтисод сўзининг таржимаси ҳам "уй ҳўжалиги" маъносини англатган. Иқтисодий тарбиядаги тежамкорлик уйдан, оиладан бошланади. Тежамкорлик тушунчаси деганда ҳар биримиз ўзимизнинг оиламизда, рўзгоримизда газ, сув, электр энергияси, каби табиий ресурслардан ва озиқ-овқат ҳамда кийим - кечаклардан унумли ва оқилона фойдаланишга эътиборни қаратишимизни тушунилади. Биз қуйида мактаб ва ўрта махсус ҳамда касбухона таълими тизимидаги ўқувчиларнинг оиладаги кундалик ҳаётида фойдаланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва маиший хизмат буюмларига тежамкорона муносабатда бўлишига эътиборни қаратамиз.

Озиқ-овқат маҳсулотлари тежамкорлиги ҳақида фикр юритилганда, авваломбор, ўқувчиларга нон тўғрисида гапириш лозим. Инсониятнинг бу азиз ризқи-рўзининг яратилиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Манбаларда келтирилишича, ноннинг ёши 15000 йилга тенг. У бугунги истеъмолдаги нонга мутлақо ўхшамаган. Аммо бугунги кундагидек нон ёпиш технологияси дастлаб бундан 5000-6000 йил муқаддам қадимги Мисрда яратилган [1,53].

Бизнинг мамлакатимизда нон кишини зориқтирмайдиган даражада кўп ва арзон баҳодаги неъматлардан ҳисобланади. Афсуски, бу неъматларнинг кўплиги, исталган вақтда доим топилаверишига бўлган ишонч, кўнгил тўқлик уни баъзан ҳаддан ташқари исроф қилишларига сабаб бўлмоқда. Шунданми, ахлат пақирда ҳам нон бўлаклари, бу булаклар ерга ҳам ташланади, товукларга, қўйларга, сигирларга ем қилиб берилади, керагича харид қилмасдан ортқича исроф қилинади. Кўпчилик нон сақлашни билмайди, сувини қочириб қотириб қўяди-да ташлаб юборади. Худди мана шу ҳоллар фақат исрофгарчиликнигина

Аннотация

Воспитание у учащихся чувства бережливости в семье является одной из актуальных проблем сегодняшнего дня. Основное внимание уделяется вопросам, связанным с бережливым использованием продуктов питания, бытовых приборов и комплектов одежды в повседневной жизни учащихся в кругу семьи.

Ключевые слова: ресурс, трикотаж, элемент, экономический, бюджет, доход, бережливый.

Abstract

To teach pupils as an economical or thrifty is considered one of the actual problem in nowadays. This scientific thesis deals to be economically and thrifty of pupils to daily food products, clothes and mode of life in family.

Keywords: resources, hosiery, element, economic, budget, income, saving.

эмас бу нонни эъзозламаслик, нонни етиштирувчи деҳқон ва нон ёпувчи нонвой қадрига етмаслик, ўз инсоний бурчини англамаслик ва муқаддас бу неъматни узоқ ўтмишдан бизгача олиб келган бобоконларимизни ҳурмат қилмаслик бўлади.

Бу азиз неъматдан тежаб тергаб фойдаланмасак давлатимизга қанча зарар келишини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Мамлакатимизда агар тўрт жондан иборат бўлган ҳар бир оила кунига 100 граммдан нонни исроф қила диган бўлса, бу бир йилда 36 килограмми ташкил этади, бутун мамлакат миқёсида эса бир неча минглаб тонна ноннинг исроф бўлишига олиб келади. Бу ҳосилни етиштириш учун деҳқонларимизнинг қанчадан-қанча машаққатли меҳнати ётишини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Шунингдек нон иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам асосий ҳаёт мезони бўлиб қолган лигини, фронт орқасидаги аҳоли ўзларига 125 граммдан нон олиб кўп қисмини фронтдаги жангчиларга юборилганлигини айтиб ўтиш ҳам жоиздир. Нон ҳақидаги бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин, аммо мақсад битта - ўқувчиларда нон ва нон маҳсулотларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш ҳамда исрофгарчиликка йўл қуймаслик кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир [1,57].

Нонга маданий муносабатда бўлиш масаласи-бу соф тежамкорлик доирасидаги масалагина эмас албатта. ҳар бир инсон азиз нонга бўлган муносабати унинг ички маданияти қай даражада эканлигининг кўрсаткичидир. Маданиятли, батартиб, инсофли одам нонни ахлат пақирга тушиб қолишига сира йўл қўймайди. Нонга бундай бу тахлитда оқилона муносабатда бўлишликни эса болалиқданок тарбияламоқ лозим. Сиз нуроний, умрини қишлоқда, далада меҳнат қилиб ўтказган, донни ўз қўлларида экиб етиштирган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини алоҳида эътибор билан кузатинг-а. Улар нонни бир мўъжизадек қўлларига олиб, увоғи ерга тушмаслиги учун эҳтиёт қилиб кесиб ейдилар, қолганини авайлаб дастурхонга ўраб покиза жойда сақлайдилар. Худди мана шу ҳол мутлақо қизганчилик ёки ҳасислик бўлмай, балки нон етиштирувчиларнинг меҳнатларини улуғлаш деб қаралмоғи керк.

Шу ўринда яна бир муҳим нарсага эътиборни қаратишимиз лозим. Манбаларда келтирилишича биз сотиб оладиган озиқ-овқатлардан 10 фоизи чиқиндига чиқади. Агар тўрт кишидан иборат бўлган оила бир йил давомида 200 кг картошка, 150 кг пиёз, 100 кг сабзи ва 50 кг шалғом истъеомол қилади деб ҳисобласак, унда бу сабзавот маҳсулотларининг умумий миқдори 500 килограммни ташкил қилади. Бундан 50 кг чиқиндига чиқади. Уларнинг ўртача 1 килограммининг нархи 1500 сўм бўлса, бу қиймат 75000 сўмни ташкил қилади. Бу кўрсаткични мамлакатимиз миқёсида қарасак бир неча минг тонналарни ташкил қилади ва пулга чақилганда эса бир неча миллион сўмни ташкил этади. Биз фақат тўртта турдаги сабзавот маҳсулотлар мисолида кўриб чиқдик, агарда бунга турп, карам, кўкатлар ва бошқа маҳсулотларни ҳам қўшиб ҳисобласак, оиламиз бюджетига келадиган зарар миқдори янада кўпаяди. Бу маҳсулотлардан чиқадиган чиқинди мидори 10% дан кўпроқ чикса бу кўрсаткич янада ортади. Бу эса оила бюджетига минг-минглаб сўм зарар дегани. Ўқувчиларни бундан ҳам огоҳ қилиш лозим [1, 25].

Агар рўзгоримизда кундалик ҳаётда фойдаланиладиган уй жиҳозлари бузилса ёки фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган бўлса уни ташлаб юборишга шоянмаслигимиз лозим, чунки унга сарфланган дарахтлар захираси ҳам чегарланган. Бундан ташқари маълум бир миқдорда кишилар меҳнати сарфланган, электр энергияси, сув, иссиқлик ишлатилган. Уни харид қилиш учун оила даромадидан маълум бир маблағ сарфланади. Манбаларда келтирилишича маиший буюмлар ташландиқлари таркибиде 20-35% қоғоз, 2-3% рангли ва қора металллар, 1,5-2,5% пластмасса, 4-6% шиша бор. Ташландиқ таркибиде кўплаб ҳар хил дарахт чиқиндилари, музлатгич ёки мебелларни ўраб жойлашдан чиққан рандаланмаган узун тахтачалардан тортиб чиройли рандаланган тахталар, плиталар, фонерлар ва ҳоказолар учрайди. Буларнинг ҳаммасини ақл билан ишлатилса, уй ва боғ ҳовлида керак бўладиган буюмларга айлантириш мумкин.

Албатта, барчамизда кундалик турмушда рўзгоримизда эскирган стол, стул, диван ва шкафни нима қилиш керак деган савол туғилади. Эски мебель бинонинг ички қиёфасига мос тушмайди. Бу ундан қутилиш керак дегани эмас. Уни бемалол қайта ишлаш мумкин масалан эски стол, стул, сервантларни таъмирлаб бир хил ранга бўяб, янги жилд қоплаш мумкин.

Уйингизни тузатишдаги майда-чуйда ишларни, мебелнинг айрим деталларини тайёрлашни маиший хизмат ходимларини чақирмасдан ҳам қилиш мумкин. Биринчидан, бирор нарсани тузатишда четдан қараб турган дан кўра ўзинг қилганинг афзалроқ. Иккинчидан, бу анча тежамлироқдир. Албатта, бу ерда озгина бўлса-да, билим ва тажриба керак.

Эски кроват ёки дивандан турмушда фойдаланишимиз мумкин. Бунинг учун кроватни ёғоч суюнчиқларидан бирини олиб бўшаган тарафини металл ёки ёғоч оёқчаларга ўрнатилса бежиримгина хонтахта ҳосил бўлади. Иккинчи суюнчиқ ҳам оёқчаларга ўрнатилиб чиройли стол тайёрланади. Қалин дағал матодан манзарали силлиқ қоплама ёки жилд тайёрланади ва диванни ётадиган қисмига қопланади. Бош тарафига чиройли болиш ташлаб қўйилади. Бу ишларни бажариш учун инсонда озгина бўлса-да, билим, уқув ва тажриба бўлса етарлича. Қолаверса, уйда бу ишларни бажарилиш жараёнини ўз кўзи билан ўрган фарзандингизда бундай ишларни мустақил бажариш иштиёқи туғилади.

Шуни эсда тутиш керакки, уй буюмларини қўл бола

материаллардан яшаш нафақат оилавий даромадларни тежаш нуқтаи назардан, балким болаларни меҳнатга одатлантириш нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Улар катталарга қўлидан кегунча ёрдамлашиб буюмларни конструктор циялашда, уй буюмларни таъмирлашда ўз кучларини синаб кўрадилар. Ўқувчиларни ёшлигидан нафақат оиладаги тежамкорликка, балким ҳаётнинг барча жабҳаларида тежамкорликка ўргатиш орқали уларда иқтисодий тушунчаларни шакллантирилади.

Сиз эски газеталар, журналлар ва картон парчаларини ташлаб юбормасдан, уларни яхши китобга айира бошлашингиз мумкинлигини, бунда бир тонна чиқиндига чиққан қоғоз маклатура тўрт метр куб ёғоч ўрнини босишини, иккиламчи хомашёдан қоғоз ишлаб чиқаришда сув анча миқдорда кам сарфланишини ва ҳавонинг кам ифлосланишини таъкидлашимиз лозим. Халқимизда "Кимки бўлса тежамкор, қут-барака унга ёр" деган нақл бор [2, 104].

Кундалик турмушимизда фойдаланиладиган кийим-кечакларга тежамкорона муносабатда бўлмоғимиз лозим. Шунга кўра бугунги кунда эскирган ва аллақачон модадан чиққан кийимларимиздан меҳнат дарсларида турли хилдаги буюмлар тикишимиз мумкин. Масалан, модадан қолган, аммо ҳали анча пишқиб бўлган чарм-плаш ва курткалардан фойланиб сумкачалар, тикувдан қолган кийимлардан, умрини яшаб бўлган трикотаж кийимлари дан курсиларга қоплама, ишхона стуллари учун гиламчалар тўқиш, шунингдек чойни иссиқ сақлаш учун чойнак устига қопламалар тикиш мумкин. Катталар, айниқса, ёш болалар киядиган қуйлақларни энги ва ёқаси ейилиши натижасида кийишга яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Бундай ҳолда уни ташлаб юбормасдан ёқаси ва энгини теккари томонга қилиб тикилса яна узоқ муддатга хизмат қилади. Шунингдек болалар кийиб юрган куртқа кичрайиб қолса, уни тикиб бўлмайдиган бўлиб кетган жун пайпоқнинг одатда бутун юқори қисмини қирқиб олиб, уни энг қайтармасига уланса биллақларга ёпишиб турадиган резинкали қулай тўқима манжет ҳосил бўлади. Эскирган чарм сўмка, қўлқоп ва ботинкадан квадрат ёки овал ямоқлар бичиш осон бўлади. Ўғил ёки қиз болалар киядиган жинси тиззалари едирилган бўлса, чарм ямоқлар асқотади [2, 106-107].

Шу йўл билан мактаблардаги меҳнат таълими ва коллежлардаги махсус фанлардан машғулотларда ўқувчиларни эски хизматини ўтаб бўлган буюмлардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиб, унумли ва фойдали меҳнатга жалб қилинади, шунингдек ўз навбатида уларнинг бўш вақтида фойдали ишлар ташкил этилади ҳамда уларда меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш ва тежамкорлик каби хислатлар шакллантирилади. Афсуски тевара гимиздаги ҳамма нарсаларга тежамкорона муносабатда бўлиш тўғрисида жуда кам гапиримиз ва ёзамиз. Гапириш эса керак. Болаларни кичиклигидан мактаб ёшида қолаверса ўрта махсус ва касб ҳунар таълими тизимидаги даврида ҳам ўзлари учратган нарсаларни асрашга ўргатиш лозим. Бу эса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тежамкорлик сира ҳам хасисликка кирмайди, у пулни харидларга яхши ўйлаб сарфлашни, хўжаликни оқилона юргизишни, озиқ-овқат маҳсулотларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни ва буюмларни авайлашни билдиради. Қолаверса болаларимизни ёшлигидан теварагидаги ва рўзгоримиздаги буюмларга ҳамда нарсаларга тежамкорона муносабатда бўлиш ва асраб-авайлашга ўргатишимиз лозим. Бу эса келажақда болаларни мавжуд ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланиш қуникмаларини шакиллантиришга катта ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каневский Е.М. ва бошқалар. Турмушда тежамкорлик сирлари. Тошкент "Ўқитувчи", 1988.
2. Умаров Р.Т. Ўқувчиларда тежамкорлик тушунчаларини шакиллантириш. "Узликсиз таълим" илмий-услубий журнал, 2008 й. №1.

БАДИЙ ДИД ТАРБИЯСИДА ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚАСИДАН Фойдаланиш

Эрмат ФАЙЗУЛЛАЕВ - педагогика фанлари номзоди, доцент в/б
Жиззах давлат педагогика институти

2019/3-СОҲ

Инсон шахсини шакллантирувчи етакчи омиллардан бири таълим-тарбиядир. Эстетик тарбия эса унинг таркибий қисми сифатида гўзалликнинг моҳияти, эстетик ва ахлоқий ҳиссиётларнинг бирлиги, санъатнинг халқчилиги тўғрисидаги таълимотга суяниб, ўқувчиларнинг объектив дунё ҳақидаги билимини кенгайтиради ва чуқурлаштиради, ижодий қобилиятини ва истеъдодини ўстиради ҳамда уларда юксак маънавий фазилатларнинг таркиб топишига ёрдам беради.

Аслида эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари бу билан чегараланиб қолмайди, ўқувчиларни гўзаллик ва хунукликни, юксаклик ва тубанликни, шодлик, кулфатни англаш ва кўра билишга ўргатади.

Бунда мусиқанинг фалсафий моҳияти ҳам намоён бўлади. Ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган бўлади, мусиқада ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, эзгулик ва зулм, қудрат ва заифлик каби масалалар акс этади.

Мусиқа ҳам фан, ҳам санъатдир. У физика ва математикага асосланади, бу фанлар мусиқани фанга айлантиради. Лекин мусиқа асарига шу фаннинг турғун тушунчаси сифатида қараб бўлмайди. Чунки мусиқа ҳар доим ривожланиб турувчи жонли санъатдир. Мусиқа инсон умрининг доимий йўлдоши. Олим Стендалнинг айтишига кўра, мусиқа - санъат турлари ичида инсоннинг юрагига чуқур кириб, унинг ички кечинмаларини акс эттиришга қодирдир. Албатта, мусиқа шахсни шакллантиришнинг, унинг ижодий фазилатларининг йўналишларини ўзгаришдан белгилаб бермайди.

Тарбиявий таъсирнинг энг муҳим томонлари мусиқий асарнинг гоёвий мазмунига боғлиқдир. Ана шу билан мусиқий-эстетик тарбиянинг вазифалари белгиланади. Машҳур поляк композитори К.Шимановский ўзининг "Жамиятда мусиқанинг тарбиявий аҳамияти" номли мақоласида, мусиқанинг табиий кучи ҳақида гапирар экан, унинг икки қарама-қарши йўналишда - яратилиш ва бузиш учун ишлатилиши мумкинлигини - "керакли ишга йўналтирган ҳолда, тез оқар дарёнинг сувларидан фойдаланиб, фойдали ва унумли ишлар учун, яъни тегирмонни айлантириш учун ишлатгандек, мусиқа кучидан ҳам унумли фойдаланиш керак", - деган[1,247].

Мусиқанинг инсонга таъсири, шахснинг ва жамиятнинг руҳий ҳаётидаги ўрни комплекс муаммо ҳисобланади. Ушбу мураккаблик ва серқирралик фанга дарров келмади. Шу ўринда Асафевнинг "...мусиқа - бу ҳам санъат, ҳам фан, ҳам тил, ҳам ўйин" - деган сўзларини эслаш мақсадга мувофиқдир[2,84].

Мумтоз кўшиқларни ўрганиш мураккаб жараён бўлиб, кўп меҳнат ва изланиш талаб қилади. Бу жараёнда муайян вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

1. Мумтоз кўшиқ (ашула)ларнинг матни, (ғазал)ларнинг мазмунини ўрганиш.
2. Матни ёд олиш (сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз этишни ўрганиш).
3. Ижро услубини ўрганиш (овоз тони, ритми, суръати, диапазонидан тўғри фойдаланиш кўникмасини ўзлаш-

Аннотация

Музыка имеет большую роль в воспитании гармонично развитого поколения. В отличие от других видов искусства музыка пробуждает самые глубокие чувства и эмоции человека. В этой статье речь идет об использовании возможностей узбекской классической музыки в развитии художественного вкуса будущих учителей музыки.

Ключевые слова: музыкальные произведения, классик, классическая песня, метод исполнения, тон голоса, ритм, темп, исполнительские навыки, вкус, художественный вкус.

Abstract

Music plays an important role in upbringing harmoniously developed generation. Unlike other types of art music brings out deep feelings and emotions in us. This article discusses the use of Uzbek classic music in developing artistic taste in perspective teachers.

Keywords: musical composition, classic, classical song, method of execution, tone of voice, rhythm, rate, implementation skills, taste, sensitivity to art.

Keywords: resources, hosiery, element, economic, budget, income, saving.

тириш).

4. Мумтоз кўшиқни созандалар жўрлигида ижро этиш малакасини ўзлаштириш.

5. Ўз-ўзини баҳолаш асосида ижро услуби ва даражасини таҳлил қилиш.

6. Ижро малакасини янада ривожлантириш йўлида ижодий изланиш.

Мумтоз ашулаларнинг, мақом шўбаларининг аксарияти Лутфий, Алишер Навоий, Фузулий, Абдурахмон Жомий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат каби шоирларнинг ғазалларига басталанган. Уларнинг асарларида бугунги кунда нутқда истеъмолда бўлмаган, эскирган сўзлар сифатида эътироф этилувчи атамаларнинг мавжудлиги матн устида жиддий изланиш заруриятини юзага келтиради[3,147]. ғазалларни ўрганишдаги мураккаб жиҳат мисраларда ифода этилган мавжуд сўзларнинг мазмунан, мантиқан бир-бирига бирикиши асосида шаклланган мазмунни англаб олишдан иборат. Шеъринг матнлардаги ўхшатишлар, солиштиришлар, ташбеҳлар, руҳий ҳолатлар, образларга хос сифатларнинг бўрттириб тасвирланиши каби ҳолатлар талабалар томонидан уларни ўрганишда муайян қийинчиликларни туғдиради. ғазалларнинг

мазмунини тўлиқ англаб олиш ниҳоятда мураккаб бўладики, уларнинг мазмунини ҳатто адабиётшунослар ҳам тўла англай олмайдилар.

Машҳур адиб И.Ҳаққулнинг куйидаги фикрлари ушбу жараённинг қанчалик мураккаб эканлигини янада яққол кўрсатиб беради: "ҳар қандай улуғ санъаткорнинг шеърида сўз унинг ўзи акс эттиришни истаган фикр ва туйғудан бир неча ҳисса ортиқ маъноларни ифодалайди. Шунинг учун ҳақиқий шеърнинг ғоявий-бадий таркибида ҳаммиша нималардир сир бўлиб, аллақандай маъно гавҳари яширинлигича қолаверади. Энг зукко шеършуноснинг ҳам таҳлил имконияти чекланган, чунки у ҳар қанча уринмасин, сўзнинг мажозий моҳиятини барча ранг, оҳанг товланишлари билан идрокдан ўткази олмайдди. Бирданига бир неча рамзий мазмунларни таркибига бирлаштира олган шеър - чинакам шеър".

Шундай экан, бўлажак мусиқа ўқитувчиларида мумтоз кўшиқларни ижро этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришда, энг аввало, уларга ғазалларнинг мазмунини тушунтириш, баён этилаётган фикрнинг моҳиятини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Талабаларни мумтоз кўшиқлар мазмуни билан таништиришда куйидаги мезонга таяниб иш кўриш методик жиҳатдан тўғри бўлади.

Адабиётшунослар ғазалларда ифодаланган фикр, қўлланилган сўз ўйинларига таянган ҳолда бир мисрани бир неча мазмунда талқин эта оладилар ва исботлаб берадилар. Бироқ талабалардан шеърий асарда ёритилган кўп маънони англаб олишни талаб қилиш методик жиҳатдан тўғри эмас. Бинобарин, бу ҳолат улар учун қийинчилик туғдирган бўлар эди. Шу сабабли талабалардан кўшиқ, ғазал мазмунидаги энг муҳим ғояни тушуна олишини талаб қилишнинг ўзи кифоя.

Куйида ана шу ҳолатни мисол ёрдамида ёритиш мақсадга мувофиқ деб топилди: Юнус Эмро "Тўрт кишидир йўлдаким..." деб бошланувчи ғазалида бу тўртликнинг жон, дин, имон ҳамда нафсдан иборат эканлигини таъкидлайди. Нафсга таъриф берар экан куйидагиларни баён этади:

**"Бир нафсимдир агёр,
Анда савошиб қолдим".**

Ушбу кўшиқни ижро этишда ҳофизлар кўп ҳолларда "агёр" сўзи ўрнида "алёр" сўзини қўллашади ва ўз-ўзидан ғазал мазмуни бузилади. Классик адабиётда "агёр" сўзи "душман" маъносида қўлланилиб келинган. Мазкур ғазалда "душман" сифати субъектга эмас, балки нафсга нисбатан рамзий маънода қўлланилмоқда. Нафсга таяниб иш кўриш инсонни инсоф, диёнат, сабр-тоқатдан узоқлаштиради. Нафснинг инсон онги устидан "ҳукмронлик

қилиши" эса уни тубанликка етаклайди. Тубан киши разилик ва қабохат деб аталувчи ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан қўрқмайди. "Агёр" (душман) ҳам ҳеч қачон инсонга яхшилик тиламайди, аксинча, уни ёмон номга эга бўлишини, халқнинг нафратига лойиқ ҳаракатларни содир қилишини хоҳлайди. Шундай экан, "нафс" ва "агёр" ("душман") тушунчалари моҳиятан бир-бирига яқиндир.

Мумтоз ашулаларда эса ғазал ибтидосида илгари сурилган фикр аста-секин ривожлантириб борилиб, яхлит воқеабандлиги, ташбеҳлар хилма-хиллиги, мантиқийлик, образлар тизимининг бойлиги, муболаға ва ўхшатишларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради ва у ўзига хос занжирли композицион тузилмаси билан фарқланади.

Демак, талабаларнинг мусиқий ҳамда шахсий хусусиятларини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни берадир. Мусиқа кишига ҳар томонлама таъсир кўрсатар экан: куй ва унинг мусиқий ифодаси кишининг ҳиссиётига чуқур таъсир қилиб, унда ҳар хил ҳисларни уйғотади, турлича кайфиятларни ҳосил қилади. Кўшиқнинг матни, ғоявий мазмуни фақат ҳиссиётга эмас, балки тингловчиларнинг онгига ҳам таъсир қилиб, уларни ҳаяжонлантиради ва фикрлашга мажбур этади. Кишиларда асарда акс этган маънавий муаммоларга нисбатан муайян муносабат уйғотади. Бундай таъсир ғоят мураккаб ва кучлидир.

Хулоса қилиб айтганда: мусиқа асарларидаги, хусусан, мумтоз ашулчиликдаги бадий дидни такомиллаштиришда икки муҳим воситанинг шеърият ва мусиқа оҳанглари, ҳофиз овози ва талаффузининг ўзаро бир-бири билан уйғунлигини, ифодадаги синхронликни ҳис қила олишга бевосита боғлиқ бўлади. Бу ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, шеърий матн ва оҳанглар орқали асар мазмунида яширинган бадий образларни ифодалаб бера олишга алоҳида эътибор берилади. Фразаларнинг орқама-кетин бир бирига боғланиб, фикрлар занжирини узмасдан давом эттириш ва воқелик драматизмини энг юқориги нуқтагача, авжигача олиб чиқа олиш ҳамда ҳиссий тўлқинларни жиловлаб, асардан тугал бир фикр чиқариб асарни мантиқан меёрли қилиб тугаллай олишга эришиш, асар образларининг талабалар тасаввуридан аниқ ўчмас жой олишига эришиш, бу талабалардан катта диққат-эътибор, руҳий кўтаринкилик, мураккаб специфик (касбий) меҳнат талаб қилади. Айнан шундай мукамалликка эришиш - шеърий матн ва оҳанглар жарангидаги синхронликка эришиш ва образлар тасвирини юракдан ҳис этиш жуда катта ақлий меҳнат, идрок ва ижодкорлик натижасида юзага келади. Айни шу саъй ҳаракат ва меҳнат натижаси сифатида талабаларнинг бадий дидида ҳам ижобий ўзгаришлар, мукамаллик юзага келади[4].

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ветлугина Н.А. Развитие музыкальных способностей дошкольников в процессе музыкальных игр. М.: АПН, 1988г., -247стр.
2. Соипова Д. Мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш. Т.:Фан ва технологиялар нашриёти, 2005 й., -84 бет.
3. А.Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. -Т.: Камалак, 1991й, 147-бет.
4. Файзуллаев Э.М. "Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришда ўзбек мумтоз мусиқаси имкониятларидан фойдаланиш" (методик қўлланма). Тошкент - 2008.

ТАЛАБАЛАРДА МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ТАВСИЯЛАР

Абдуманнон МАХАММАТОВ - катта ўқитувчи,
Ўткир ТЎҒУЛОВ - ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти

2019/3-СОҲ

Мусиқа ва техника ин-теграцияси ҳозирги замон талаби бўлиб, унинг мусиқа дарсларида компьютерни қўлланилиши, шу фанга бўлган қизиқишни орттиради ва мусиқа эштитиш қобилияти-ни шакллантиради

Компьютер ёрдамида мусиқани ижро этиш билимларини шакллантириш баъзи бир қийинчиликларни туғдиради.

Бу муаммонинг ечимини топиш учун ўқитувчидан ижро этиш услуби, тембр, ритм давомийлиги ва бошқаларга эътибор қаратишни талаб этади. Шу билан бирга мусиқа жисмоний ва товуш хусусиятлари назариясини ривожлантириш ва уни компьютер ёрдамида ижро этиш учун ҳам катта ахами-

ятга эга.

Илм-фан тараққиёти бизга табиат ҳодисалари ва жамиятни ривожланиш қонуниятларини ўрганишга имкон беради, бунинг натижасида инсон табиат билан фаол муносабатга киришиб, ўз ҳаётий шароитини яхшилади.

Мусиқа ва техниканинг бир - бири билан боғлиқлиги техника ва мусиқа олдига янги вазифаларни қўяди.

Компьютерда ўқувчиларнинг хоҳлаган мусиқаларини тинглашлари уларнинг қобилиятларини ва фикрлаш доирасини ривожлантиради. [1, 10, 18]

Ўқитувчи, имкон қадар, компьютер ёрдамида мусиқий асарларни тизимлаштириши лозим. Бунинг учун турли ноталар давомийлигини акс эттирувчи алгоритм ишлаб чиқилади. У қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

I. босқич: рақам орқали мусиқа ноталарини давомийлигини акс эттириш.

II. босқич: турли тизим ва ҳарфлар орқали ноталар номини акс эттириш.

III. босқич: рақамлар орқали мусиқа тезлигини акс эттириш.

IV. босқич: ҳарфлар системаси орқали мусиқада учрайдиган алтерацион белгиларни акс этилиши.

V. босқич: тез суръатда ижро этиладиган 16 ноталарни рақамлар орқали акс эттирилиши.

VI. босқич: мусиқада учрайдиган октавани рақамлар орқали акс эттириш.

VII. босқич: мусиқий асар кўшиғи (реприза) учун алгоритмлар ишлаб чиқиш.

VIII. босқич: компьютер тизимини асослаш.

IX. босқич: компьютер тизимини жорий этиш учун ишчи дастурларни ишлаб чиқиш.

X. босқич: компьютер системаси ёрдамида мусиқа ижро этиш.

XI. босқич: компьютерда мусиқа ижро этиш даражасини таҳлили.

Бошлангич синф мусиқа ўқитувчиларининг тайёргарлигини такомиллаштириш мақсадида, ишлаб чиқилган компьютер тизими қуйидаги куйларни ўз ичига олади:

- Ф.Назаровни "Пахтаой", "Тепловоз" мусиқалари;

- Н.Насимовни "Тинчлик боғи", "Биздан сизга ким келар?" мусиқалари;

- С.Абрамовни "Парвоз", "Ари" кўшиғи, "Онажон", "Соатим" мусиқалари.

- У.Тожибековни "Оқшомда" мусиқаси. [7, 20]

- Г.Кодировни "Баҳор" кўшиғи, "Бинафша", "Май" му-

Аннотация

В статье освещены способы преподавания занятий по музыкальной культуре с помощью компьютера.

Ключевые слова: музыка, народная музыка, музыкальное восприятие, музыкальный интерес, современные мелодии, творческое задание, музыкальная литература, тяга к музыке, качество исполнения.

Abstract

The Unique ways of teaching musical culture classes with the help of computers while educating students.

Keywords: teacher - musician, love of music, harmoniously developed person, musical art, voice and ownership, music lesson, creativity of a teacher - musician.

сиқалари.

- Ўзбек халқ куйи "Яллама ёрим".

- Ўзбек халқ куйи "Дўлана".

- Ўзбек халқ куйи "Қашқарча".

- Ил.Ақбаровни "Пахтакор куйи", "Бахтиёрлар" кўшиғи мусиқалари.

- М.Муҳаммаджоновни "Эрталаб" мусиқаси.

- Ўзбек халқ рақси "Андижон полка" ва бошқалар.

Юқорида айтиб ўтилган мусиқа ва куйлар учун тузилган ишчи дастурлар компьютерни "Мусиқа" номли яхлит дастурга бирлаштирилган. [2, 62].

Умумтаълим мактабларида мусиқани компьютер ёрдамида ўргатиш, ўқувчи шахси ривожланишини шакллантирувчи ажралмас қисм саналади. Ўз навбатида, компьютерда мусиқа ва синхрон ижронинг амалга ошириш маълум бир қийинчиликларни ўз ичига олади. Бу ўз навбатида, товуш қаторида ноталарни жойлашиш тартибини, улар орасидаги фарқни, ўқувчилар онгига етказиш учун конкрет билимларни талаб этади. Маълумки, етти товуш орасидаги масофа (интервал) октава дейилади.

Мусиқа ва ашулаларни компьютер ёрдамида ижро этилганда октавалар куйидагича аниқланади.

Кичик октавадаги товуш интервали:

Сол -255 сол диез -240, ля - 228 ля диез -214, си - 204

биринчи октавадаги товуш қатор:

до -192 до -диез -184, ре- 171 ре диез - 184, ми-152, фа-144 фа диез - 136,

сол-128 сол диез -120, си -102 ля диез - 180

иккинчи октавадаги товуш қатори:

до -96 до диез -92, ре -85 ре диез -80, ми -76, фа -76 фа диез -65, сол -64 сол

диез -60, ля -57 ля диез -54

учинчи октавадаги товуш қатори:

до - 48 до диез -45, ре -42 ре диез -40, ми -36, фа - 35 фа диез -34, сол 32 сол

диез -30, ля -28 ля диез -26, до -24 (до товуши тўртинчи октавада)

Уларнинг рақамлар орқали ифодаланиш компьютер ёрдамида мусиқа ёзишни осонлаштиради. Товушнинг

катта рақам билан белгиланиши, унинг тембрини кучайтиришга олиб келади, кичик рақам билан белгиланиши эса-товушни паст тембрини англайди.

Музыка ўқитувчиси Компьютер дастурни музыка ва ашулани ихросини жойлаштиришига эътибор бериши зарур. Куй ва қўшиқларни компьютер ёрдамида ижро этиш нафақат октавага, балки товуш давомийлиги, унинг тезлиги ва ҳар хиллигига ҳам боғлиқдир.

Товуш давомийлигини аниқлашда уларни алгоритм орқали кесиб олиш мақсадга мувофиқдир. Ноталар товушнинг турли хил давомийлигидан ташкил топган ва бир - бирдан рақамлар билан фарқланадилар. Рақамлар билан улар қўйидагича.

Муסיқий асарни ижро этишнинг маълум бир услубини аниқлаш учун унинг тезлигини аниқлаш зарур (т). Қўйидаги рақамларга ишора қилиб, ижро тезлиги услубини яъни секин, ўрта, тез ижрони аниқлаймиз; 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15 ёки 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, ва ҳ.к.

Муסיқа ва ашулани компьютер ёрдамида тинглаш ва ўрганиш жараёни ўқувчилар онгининг ривожланишига ёрдам беради. Бу ўқув жараёнида янги имкониятларни очишга техник имкон бериши муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич синфларда муסיқа дарслар учун ҳафтада 1 соат ажратилади. Шунинчун олиб, муסיқий асар билан танишиш мақсадида муסיқа дарсида компьютер ёрдамида таълим дастури ишлаб чиқилди.

Муסיқа дарсида компьютерни қўллаш ўқувчиларда эшитиш қобилиятини шакллантириб, нота билан ишлаш самарадорлигини оширади. Биз буни Ф.Назаровнинг "Пахтаой" муסיқасини компютер ёрдамида ўрганиш мисолида қараб чиқамиз. Муסיқани ижро этишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларни муסיқа муаллифи билан таништиради.

Бундан ташқари ашула сўзлари муаллифи, октавалар, тезликлар, алтерация, товуш давомийлиги, уларни катта-кичиклиги ҳақида тушунча бериб, сўнгра муסיқа компьютерда тинглаш босқичига ўтилади. Муסיқани компьютер ёрдамида ижро этишни қўйидаги кетма-кетликда бажарилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Ф.Назаровнинг "Пахтаой" муסיқасида учрайдиган турли товушларни рақамлар ёрдамида акс эттириш;

- турли ноталар ва товушларни ҳарфлар тизими ёрдамида акс эттириши;
- фа диз алтерация белгисини ҳарфлар билан белгиланиши.

- акс эттирилган товушларни олдинги маълумотлар билан таққослаш ва уларни таҳлил қилиш;
- ижро учун алгоритмларни ишлаб чиқиш. [2, 25].

Муסיқа ўқитувчиси дарсда компьютерда олдиндан қўйи-даги сўзларни ёзиб қўйиши зарур.

- бастакор Ф.И.Ш.

- сўз муаллифи Ф.И.Ш.

- нота чизигидаги товушлар, ва уларнинг давомийлиги.

- алтерация белгилари, уларнинг ҳажми.

- қўшиқ сўзлари.

Савол - жавобдан сўнг керакли маълумотларга эга бўлгач, ўқитувчи компьютерда муסיқа тинглашни таклиф этади. Бунда муסיқани такрорланишига, товуш тембрига (охангига) эътибор беришни тавсия этамиз.

Муסיқа дарсида Ф.Назаровнинг "Пахтаой" муסיқасини компьютер ёрдамида тинглаш, ўқувчиларни эшитиш қобилиятини ривожлантиради ва муסיқа ўрганишга янги ижодий ёндашув ҳисобланади.

М.Насимовнинг "Тинчлик боғи" куйини компьютерда ижро этишни қараб чиқамиз. Ушбу муסיқани тинглаш учун II синфда 1 соат ажратилган. муסיқасининг компьютер ёрдамида ўрганиш дарсининг режаси қўйидагича. [2, 25-26].

Мавзу: М.Насимовнинг "Тинчлик боғи" куйини компьютерда ижро этиш.

Дарсининг мақсади: ўқувчиларда қўшиқни ижроси эшитиш учун қобилиятларини шакллантириш, табиатга мухаббат уйғотиш.

Услуб: дарсни компьютер ёрдамида ташкил этиш.

Дарсининг бориши.

I. Компютер ёрдамида ўтган мавзу М.Насимовнинг "Тинчлик боғи" куйини такрорлаш. (10 дақиқа). (Бу мавзу олдиндан компютер хотирасида тайёрлаб қўйилиши зарур).

II. Янги мавзу бўйича машғулот (20 дақиқа)

A) Мавзуни тушунтириш;

B) "Тинчлик", "Табиат дунёси" мавзулари бўйича суҳбатни қўргазмалар куруллар ёрдамида ўтказиш;

B) Ўқувчиларнинг жавоблари (дунё ва табиат ҳақидаги куй ва қўшиқлар асосида);

Г) "Тинчлик боғи" ашуласини синфда компютер ёрдамида хор бўлиб ижро этиш;

Д) Компютер ёрдамида қўшиқни тинглаш орқали ўқувчиларнинг эшитиш қобилиятларини шакллантириш.

III. Компютерда "Тинчлик боғи" куйини тинглаш (5-6 дақиқа). Ўқувчилар билан ижро этиш ва дарсни мустақамлаш.

IV. Дарсининг хулоса қисми (4-дақиқа) (савол-жавоб) тариқасида ўтказилиб, ўқувчиларни билим даражаси аниқланади.

V. Баҳоларни эълон қилиш.

Ҳар бир ўқитувчини ёнида дарс конспекти бўлиши зарур.

Куйини компьютер ёрдамида тинглаш, дарс самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг эшитиш, фикрлаш қобилиятларини шакллантиради, уларда муסיқага қизиқиш туғдиради ва ўқувчиларни эстетик тарбиялашда

муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курамиз. Т: Ўзбекистон. 2017.

2. Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Инновационне технологии оптимизации учебного процесса. - В кн.: Образование: опыт, проблемы, перспективы. Учебное пособие. Т.: "ЯНГИ АСР АВЛОДИ", 2001.

МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ Б.БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИДА

2019/3-СОҲ

Б.Блум таксономияси ёрдамида ўқитувчи нафақат ўқув мақсадларини аниқлаштиришга, балки уларни ўзаро боғлиқ бўлган қатъий кетма-кетликда жойлаштиришга муваффақ бўлади.

Музроб РАББИМОВ - техника фанлари номзоди
Жиззах давлат педагогика институти

Ўқув мақсадларининг бундай ифодаланиши, ўқитувчи учун талабаларга, уларнинг билиш фаолияти ҳолатини тушунтириш, бу фаолиятни яқиний натижа томон аниқ йўналиш олишга ундаши учун имконият яратади. Демак, талабанинг ўзлаштириш мониторинги вужудга келади.

Таксономия тушунчаси (грекча-тартиб билан жойлаштириш) биология фанидан олинган. Объектларни, уларнинг табиий ўзаро боғлиқлигига асосланиб ва тоифалари мураккаблашиб борадиган кетма-кетликда (иерархик) жойлаштириб туркумлаш ва тизимлаштириш-таксономия деб аталади [3. 163].

Б.Блум раҳбарлигида америкалик педагог-олимлар ишлаб чиққан ўқув мақсадлари таксономияси бутун жаҳон педагогикасида кенг тарқалган. Шу билан бирга асарда Д.Гилфорд ва Р.Гагне, Россияда А.Я.Галперин ва А.М.Матюшкин, Польшада эса Ч.С.Носал ва М.Обора таксономиялари ҳам кўпчиликнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлганлигини таъкидлаб ўтамиз. Б.Блум яратган ўқув мақсадлари таксономияси билишга оид соҳа сферасига тегишлидир. Унда билим олиш жараёни: билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил,синтез (умумлаштириш) ва баҳолаш каби олти тоифаларга ажратиб кўрсатилади.

Биз америкалик олим Б.Блум таксономиясининг [1.232] мазмуни ва унинг математика дарсларида қандай амалий ёрдам бериш ҳақида тўхталамиз. Аввало, ўқув мақсадларига мувофиқ бўлган шахс фаолияти соҳаларини тавсифлаб ўтайлик.

Когнитив (билишга оид) соҳа. Бу-ўтилган материални эслаб қолиш ва уни тақроран айтиб беришдан бошланиб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ўрганилган гоё, услуб ва ҳаракат усуллари билан уйғунлаштириб, тасаввур этиш ҳамда билимларни эгаллашгача бўлган муаммоларни ҳал этилишини ўз ичига олади.

Б.Блумнинг когнитив (билишга оид) соҳадаги таксономияси пухта ишланган бўлиб, у нисбатан оммавий тарзда ёйилган. Унинг амалда қўлланиши ҳам мукамал ўрганилган ва у жаҳон педагогикасида кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун ҳам 1996 йилда ЮНЕСКО ташкилоти Б.Блум таксономиясининг 40 йиллигини ҳалқаро миқёсда нишонлади.

Когнитив (билишга оид) соҳанинг енг қуйи босқичи "Билиш" деб аталади. Бу кимнингдир фактлар ва қоидаларни эслаши демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини эслаши, уларни номлаши ва айтиб бериши мумкин [1.232,2,30-31,3.163-164].

"Тушуниш" босқичида хулосалар чиқарилади, мавжуд вазият таҳлил қилиниб, унга алоқадор ҳолатлар аниқланади. Бу босқичда фактлар ва қоидалар ўрганилади.

"Қўллаш" босқичида ўрганилганлар умумлаштирилади ва турли шаклларда қўлланилади.

Аннотация

В данной статье речь идет об определении знаний студентов по таксономии Б.Блума на занятиях математики.

Ключевые слова: таксономия, отрасль, когнитив, знание, понимание, применять, анализ, синтез, оценивать.

Abstract

This article is about the definition of students knowledge of Bloom's taxonomy in mathematics.

Keywords: taxonomy, cognitive, sphere, knowledge, understanding, analyze, synthesis, marking.

"Таҳлил қилиш" ва "синтез" (умумлаштириш) босқичлари шахсга берилган ҳолатни таҳлил қилиш, факт ва қоидаларни ўрганиш соҳаларидан олган билимлари билан боғлаш ва бу орқали кенг қамровли алоқадорликни аниқлаш имконини беради.

"Баҳолаш" энг юқори босқич ҳисобланади. У шахсга маълум ўрганилган ҳолатларни баҳолаш, шунингдек, қарор қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун баҳолаш имконини беради.

Когнитив (билишга оид) соҳа бўйича Б.Блум таксономияси тоифаларини ифодаловчи феълларнинг қисқача рўйхатини намуна сифатида келтирамыз.

1 БИЛИШ:

- далилларни билиш;

- далилларни танлаш усулини билиш;

- белгиларни билиш;

- туркумлашни билиш;

- баҳолаш мезонларини билиш;

- муаммони ҳал этишда қўлланиладиган услубларни билиш;

- умумий тушунча, назарияларини билиш;

- ривожланиш тенденциясини билиш;

- ходисаларни тушунтириш тамойилларини билиш.

2. ТУШУНИШ:

- мазмунни бир тизимдан бошқасига айлантириш;

- изохлаш;

- олинган натижаларни тадбиқ этиш.

3. Қўллаш:

- услублар, қоидалар ва умумий тушунчаларни ва топшириқларни ҳал қилишда қўллаш.

4. ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ:

- бир бутун нарса (ходиса)ни қисмларга ажратиш, бу қисмларнинг ёйилмасини ва улар ўртасидаги боғланишларни тузиш;

- қисмларни таҳлил қилиш;

- қисмлар ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш;

- яхлитликни ташкил қилиш тамойилларини билиш.

5. СИНТЕЗ (УМУМЛАШТИРИШ):

Ўқув максдаларининг асосий тоифалари	Ўқув максдалари турларидан намуналар	1. ТАҲЛИЛ	ТАЛАБА
<p>1. БИЛИШ</p> <p>Бу тоифа ўтилган материални эслаб қолиш ва такроран сўзлаб (кўрсатиб) беришни англатади. Мазмуни турлича аниқ далиллардан бошлаб, то яхлит назарияларгача бўлиши мумкин. Бу тоифанинг умумий белгиси тегишли маълумотларни эслаб қолишдир.</p>	<p>ТАЛАБА</p> <p>Тўпламлар ва улар устида амалларни бажаришни ўрганишда асосан тўплам элементлари, тушунчалари, тўпламларнинг берилиш усуллари, тўпламларнинг бирлашмаси, кесишмаси ҳақидаги қонунларни ва услубларни билади.</p>	<p>Бу тоифа материални алоҳида қисмларга ажратишни билишни англатади. Бунда унинг таркибий тузилиши аниқ кўриниб туриши керак. Бунга яхлитликни қисмларга ажратиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, яхлитликнинг ташкил этилиш тамойилларини англаш кирилади. Бу тоифа ўқув натижаларини тушуниш ва қўллашга нисбатан анчагина юқори даражада эҳсанлиги билан характерланади.</p>	<p>Тўпламлар ва улар устида амалларни бажаришни ўрганишда яширин (ноаниқ) тахминларни ифодалайди, фикрлаш мантикадаги хато ва камчиликларни кўра олади, далиллар ва сабаблар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди, боғланишларни таҳлил қила олади.</p>
<p>2. ТУШУНИШ</p> <p>Қуйидагилар ўтилган материал аҳамиятини тушуниш қобилиятининг кўрсаткичлари бўлиши мумкин: материални бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартириш, бир "тил"дан иккинчи "тил"га айлантириш (масалан, оғзаки шаклдан математик шаклга). Шунингдек, талаба томонидан материални тушунтириб берилиши ва қисқача баён қилиниши (интерпритация) ёки ҳодиса ва воқеаларнинг бундан кейинги боришини тасаввур этиши (оқибати ва натижасини олдиндан айтиб бериши) ҳам тушуниш кўрсаткичлари бўлади.</p>	<p>ТАЛАБА</p> <p>Тўпламлар ва улар устида амалларни бажаришни ўрганишда қоидаларни, муносабатларни, қонунларни тушунади, оғзаки материални талқин қила олади, схема, диаграммани талқин қила олади, оғзаки материални математик шаклда ифодалай олади, мавжуд маълумотлар асосида қутилаётган оқибат-натижани тахминан тасаввур эта олади.</p>	<p>2. СИНТЕЗ</p> <p>Бу тоифа ўзида янгилликни акс эттирган яхлитликни вужудга келтириш учун алоҳида қисмлар комбинациясини тузишни англатади. Бундай янги махсулот-доклад, нутқ фаолияти режаси ёки умумлаштирилган алоқалар мажмуи (мавжуд маълумотларни тартибга тушуриш схемаси) бўлиши мумкин. Унга мос ўқув натижалари янги схема ва таркибий тузилишлар яратишни ўз ичига олган ҳамда ижодий характерга эга бўлган фаолиятни назарда тутлади.</p>	<p>ТАЛАБА</p> <p>Тўпламлар ва улар устида амалларни бажаришни ўрганишда у ёки бу муаммони хал этиш режасини тузишда бошқа (фан)ларга оид bilimлардан фойдаланиб умумлаштирилади.</p>
<p>3. ҚўЛЛАШ</p> <p>Бу тоифа ўқитилган материалдан аниқ шароитларда ва янги вазиятларда фойдалана билишни англатади. Бунга қоидалар, услублар, тушунчалар, қонунлар, тамойиллар ва назарияларни амалда қўллаш олиш кирилади. Ўқитишнинг бундай натижаси материални тушунишга нисбатан анча юқори даражада эгаллашни талаб қилади.</p>	<p>ТАЛАБА</p> <p>Тўпламлар ва улар устида амаллар бажариш ҳақида тушунча ва қоидаларни янги вазиятларда қўллайди, қонун, назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллайди.</p>	<p>3. БАҲОЛАШ</p> <p>Бу тоифа у ёки бу материал (қонун, бадиий асар, изланиш натижалари) нинг аҳамиятига аниқ мақсад нуқтан назаридан баҳо беришни англатади. Талаба мулоҳазалари мезони ички (таркибий, мантikiй) ёки ташқи (белгиланган мақсадга мувофиқ) бўлиши мумкин. Бу мезонлар талаба ёки ўқитувчи томонидан белгиланиши мумкин. Бу тоифа олдинги (5 та) ўқув максдаларининг барчасини эгалланишини ва уларга қўшимча равишда аниқ белгиланган мезонларга асосланиб баҳо бера олишни ҳам билишни назарда тутлади.</p>	<p>ТАЛАБА</p> <p>Тўпламлар ва улар устида амалларни бажаришни ўрганишда мантikiй тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хулосаларни берилган катталикларга мослигини баҳолайди, ички мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради, ташқи мезонлардан келиб чиққан ҳолда у ёки бу фаолият аҳамиятига баҳо беради (муносабатини билдиради).</p>

- иш фаолиятини режасини тузиш;
- берилганларга асосланиб яхлит қиёфани яратиш.

6. БАҲОЛАШ (МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ):

- ички мезонлар асосида баҳолаш;
- ташқи мезонлар асосида баҳолаш.

Когнитив (билишга оид) соҳадаги ўқув мақсадлар тоифалари асосида тўпламлар назарияси [4.5-15] мавзуси мисолида қуйидагича бажарилади:

Б.Блум таксономиясини тушунишга тааллуқли тренинг келтирилади (тўпламлар назарияси мавзуси мисолида)

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кунда Б.Блум таксономиясидан фойдаланиб талабалар билимини аниқлаш ҳамда таксономия тузиш ҳам назарий олимлар, ҳам амалиётчи педагоглар фаолияти самарасини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон педагоглари бу усулларни қай даражада тезроқ эгаллар эканлар, улар республикамиз таълим тизимини жаҳон педагогикасини илғор тажрибалари билан уйғунлашувига шу даражада жадалроқ ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

№	Вазиятлар	Жавобни танлаш
1	Талаба тўпламлар ва улар устида амалларни, улар орасидаги муносабатларни таҳлил қила олади.	А.Билиш Б.Тушуниш
2	Талаба тўпламлар ва улар устида амалларни бажариш ҳақида танишганлигини билдирди.	С.Қўллаш Д.Таҳлил
3	Талаба тўпламлар ва улар устида амалларни бажаришдаги қоидалар ва умумий тушунчаларни вазият ва топшириқларни ҳал қилишда қўллаш олади.	Е.Синтез Ф.Баҳолаш
4	Талаба тўпламлар ва улар орасидаги муносабатларни ички ва ташқи мезонлар асосида баҳолай олади.	
5	Талаба тўпламлар ва улар устида амалларни бажариш ҳақидаги муносабатларни, қоидаларни изоҳлаб тушунтира олади.	
6	Талаба тўпламлар ва улар орасидаги муносабатлар, қонун-қоидаларни яхлит умумлаштира олади.	
Тўғри жавоб 1- Д; 2- А; 3- С; 4- Ф; 5- Б; 6-Е		

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Bloom B.S. a.o. Handbook on Formative and Summative Evaluation of Student Learning. N_Y., Mc Graw-Hill, 2011. -с-232.

2. Толипова Ж.О Педагогик квалиметрия. Ўқув қўлланма. Тошкент- 2017.30-31- бетлар.

3. Муслимов Н.А, Усмонбоев М.У, Мирсолиева М. "Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик" модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент - 2018.163-164- бетлар.

4. Ҳамедова Н, Ибрагимова З, Тасетов Т. Математика дарслик, Тошкент "Турон-иқбол" нашриёти 2007. 5-15- бетлар.

МАТЕМАТИКАНИ МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛЛИК МУАММОСИ

2019/3-СОҲ

Биз айна вақтда шиддатли, тезкор, ахборот технологиялари оқими таъсири доирасидаги интеллектуал замонда яшамокдамиз. Холбуки, ҳаётимизнинг бирон сониясини ахборот технология қурилмалари ва интернет - алоқа воситаларисиз тасаввур эта олмаймиз. Бу технологик қурилмалар инсоният ҳаётидаги мисли кўрилмаган янги даврни пайдо бўлишига асос бўлди.

Абдували ШАМСИЕВ - иқтисод фанлари номзоди, доцент
Маҳлиё ҲАСАНОВА - Жиззах ДПИ талабаси

Аннотация

Эта статья направлена на изучение преимуществ дистанционного обучения и способов его эффективного использования, а также на объяснение взаимосвязей, возникающих по определенным предметам, включая математику.

Ключевые слова: *Современные информационные технологии, образование, дистанционное обучение.*

Abstract

This article aims at exploring the benefits of distance learning, and how to use it effectively, as well as to explain the interrelationships arising in certain subjects, including mathematics.

Key words: *Modern information technology, education, distance education.*

Янги тармоқлашган интеллектуал, ахборот технологиялар даврида маълумотлар билан ишлаётган шахс, маълумотларнинг қаерда жойлашишидан қатъий назар, уни олиш имкониятига эга. [1] Бу эса ҳозирги кунда бутун дунёни қамраб олган интернет тармоғи орқали амалга оширилиши ҳеч кимга сир эмас. Интернет бу шундай маълумотлар базасики, у доимо ҳаракатда, у исталган вақтда керакли маълумотни бера олади, у ер юзидаги ҳар қайси инсонлар орасидаги алоқа воситаси бўла олади.

Таълим тизими ҳар доим замон талабларига мос келиши керак. Ҳозирги замон талаби эса янги информатсион технологиялар ёрдамида ихтиёрий жойда туриб билим олиш, ихтиёрий ўқув юртлари билан алоқа қилиш ва жаҳоннинг ихтиёрий нуқтасидан маълумот олишдир. Америкалик ёзувчи Рей Бредбери "мен кутубхонада ва мутлақо бепул таълим олганман" деб ёзган эди. Бугунга келиб эса ўқиш жараёнлари такомиллашиб, турли интернет ресурслар ҳамда онлайн курслар тобора оммалашмоқда. Турли ахборотлар "бозори" да янглишиб қолмаслик учун сифатли хизматлардан фойдаланиш зарур.

Ҳозирда уйдан чиқмай туриб сифатли таълимни эгаллаш янгилик эмас. Масофавий таълим деб аталувчи (инг. дистансе - масофа) педагогик технология орқали кўпгина ривожланган мамлакатларда инсонлар ўз уйида, ортиқча сарф - харажасиз, иш фаолияти билан биргаликда, юқори малакали профессор - ўқитувчилар томонидан самарали билимларга эга бўмоқдалар. Масофавий таълим - бу исталган жойда туриб, қайси вақт бўлишидан қатъий назар, шахсий режа асосида, жаҳондаги ихтиёрий таълим муассасасида ўқиш ҳамда билим олиш жараёндир [3].

Мамлакатимиз таълим тизимида сўнги йилларга келиб, масофавий таълим йўналиши ривожланиб бормоқда. Масофавий таълим маълумотларидан ўқув курсининг сайтида рўйхатдан ўтгач фойдаланиш мумкин. ҳар бир дарс тингловчининг билимни эгаллаганини текширувчи алоҳида мисоллар, синов - масалалардан иборат бўлади. Таълим жараёнида ўқитувчи билан турли мултиме-

диа воситалари ёрдамида фикр алмашиш мумкин. Курсни муваффақиятли якунлашда эса ўқувчилар имтихон топшириб махсус сертификатни қўлга киритиш имконига эга [2].

Ҳозиргача бир қатор маҳаллий Олий ўқув юртлари ва ташкилотларида масофавий таълим амалга оширилган. Масалан, республика "Ўзбектуризм" илмий - ўқув консалтинг марказида, Авлоний номидаги Республика педагог ҳодимларини малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида, СамДПИ, ТошДПИ Термиз филиалида йўлга қўйилган масофавий таълим курсларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Худди шундай, СамМУ да ҳам янги таъсис этилган қарор асосида шу йилдан бошлаб, "MOODLE" - таълим тизимида барча фанлардан электрон ўқув курслари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Инноватсион ривожланиш вазирлигида эса Ўзбекистонда масофавий олий таълим муассасаси - "Келажак университети" яратиш масаласи кўриб чиқилди. Бу эса юртимизда таълимнинг бу соҳасига янада чуқур эътибор берилаётганлигидан далолатдир.

Масофадан ўқитиш янги педагогик технологияларнинг бир тури бўлиб, у кўпгина афзалликларга эга. Жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, олинаётган билимларнинг тезкорлиги, талабанинг билим олиш жараёнида эркинлиги, таълимнинг иқтисодий самарадорлиги, ўқув жараёнида аудио - видео, аниматсия, графиклар асосида таълим бериш натижасида ўзлаштиришнинг юқори бўлиши, билимлар холисона баҳоланиши, назарияни амалиёт билан таққослаш имконияти, дунёнинг етуқ профессор - ўқитувчилари маърузаларидан фойдаланиш кабилардан иборат.

Математика ва бошқа аниқ фанларни ўқиш ва ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини қўллаш таълимдаги долзарб муаммолардан биридир [4]. Чунки, математик таълим жараёни бошқа фанлардагига нисбатан мураккаброқ жараён ҳисобланади.

Таълим жараёнида ахборот - технологияларини жорий этиш, айниқса, математикани ўқитиш ва урганишда

тобора катта аҳамиятга молик бўлиб бормоқда. Бу жараёнда масофавий ўқитиш усулларида, матбуот, телекоммуникатсия ва интернет материалларидан фойдаланиш ўқувчи талабаларнинг фақат математикани ўрганибгина қолмай, балки интеллектуал даражасини ошириш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Математикани ўқитишда энг самарали ёндашувлар қаторида ахборот - коммуникатсия технологиялари воситасида масофавий таълимда математика ўқитиш методикаларини кўриш мумкин. Компютер технологиялари, айниқса, интернет базаларидан фойдаланиб, математика ўрганишда жуда кенг имкониятлар мавжуд.

УЛАР ҚҲЙИДАГИЛАРДА НАМОЁН БЅЛАДИ:

1) Математикадан олган бошланғич билимларини кенг доирада ўрганади ва шу ўқув курсидаги курсдошлари орқали онлине алоқа орқали фикр алмаша олади.

2) Ўзлаштирган нутқий билимларини муносабатнинг ўзгарувчан вазиятларига кўчириш мослашувчан кўникмасини шакллантириш.

3) Математик муҳитнинг кенг доирасида ўзини эркин ҳис эта олиш, психологик тўсиқларни енгиш, хусусан, мисол масалаларни амалий намойиш этишдаги уялиш ҳамда тортиниш ҳисларини йўқотиш.

4) Таълим сифатининг юқори даражага кўтарилиши ва дархол натижаларини.

Машғулотлар иккинчи машқидаёқ фойдаланувчиларга ўрганаётган билимларини мисоллар орқали мустақкамлаб, амалий ечимларига жавоблар берилиб боради.

5) Ўтилган ҳар бир дарс учун ҳаётдаги амалий абстракт жараён кўрсатилиниб борилади. Назариядан амалиётга ўтиш жараёни янада чуқурроқ кўрсатилинади.

6) Математик билим билан биргаликда ахборот - коммуникатсия технологияларидан, интернет хизматидан изчил фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади.

Масофадан ўқитишнинг мақсади биринчи навбатда, амалий математика билан назарий математика ўртасида узвий боғлиқликни, мисол ва масалалар орқали ҳаётнинг ҳар қайси қисмидаги жумбоқларни ҳал этиш мумкинлигини ўргатиш билан белгиланади. Бундан ташқари курснинг узайтирилиши фойдаланувчилардаги математик тафаккурни ривожлантиришга олиб келади. Бу эса шахсда ҳар соҳада миқдорий фикрлаш қобилиятини пайдо бўлишига олиб келади.

Масофадан ўқитиш курсида юқорида айтилганлардан ташқари айрим бир муаммоларга дуч келишимиз мумкин. Авваламбор, масофавий таълим жараёнига мос ва хос метод танлаб олишимиз лозим. Чунки, ҳар бир таълим тизимининг самарали ва мувафқиятли бўлиши унда қўлланилган методларга боғлиқ албатта. Шу ўринда таълим методига таъриф бериб ўтсак. Таълим методи бу - замонавий даражада ўқув тарбиявий мақсадларга эришишга йўналтирилган педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро боғлиқ фаолият усуллари дидир.

Математикани масофавий ўқитишда интерфаол таълим методини танлаш айнан мақсадга мувофиқ иш. Чунки интерфаол таълим методи таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларни билимларни ўзлаштиришларини фаоллаштириш, шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Интерфаол методларни қўллаш дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари: норасмий баҳс - мунозараларни ўтказиш, ўқув материалларини эркин баён қилиш ва ифодалаш имконияти, марузалар сони камлиги, лекин семинарлар сони кўплиги, ўқувчилар ташаббус кўрсатишга имконият яратилиши, гуруҳ - жамоа бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ва бошқа методлардан иборат бўлиб, улар

таълим - тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга [5]. Ана шуларни инобатга олиб, шуни айтиш мумкинки, Интерфаол метод математикани масофавий ўқитиш жараёнида кўплаб ижобий натижаларга олиб келади.

Математикани масофавий ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш ўқувчиларининг иштирокини фаоллаштиради, уларни максимал натижага эришишга ундайди. Шунингдек, интерфаоллик ўқитувчиларга курсга мураккаб материалларни киритишга имконият яратади. Интерфаолликни таълим жараёнида ўқувчилар танишиши керак бўлган муҳитни имитатсия қилиш билан қўшиб олиб бориш мумкин. Масалан, агар курс математик дастурлардан (mathCAD, Matlab, Maple, GeoGebra ва х.к.) фойдаланишни назарда тутган бўлса, экрандаги тасвирлар, ушбу дастурни ишлашда тасвирланиши керак бўлган расмларга мос келиши керак. Ўқувчиларга эса, ўрганилаётган масалалардан бирини шу дастур орқали бажариш вазифаси қўйилиши керак. Бу масалага оид мураккаброқ мавзулар учун тижорат жараёнини моделлаштириш ва ўқувчига ундан ўтишни тавсия этиш мумкин.

Масофавий таълим моҳиятини очиб берадиган ягона тизим мавжуд эмас. бироқ, ҳозирги кунда олий ўқув юрларида масофавий таълим, масофавий таълим технологияси кўринишига келтирилган ва бу эса қонунчилик базаси билан мустақкамланган. Математикани масофавий ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишдан кўзланган мақсадлар:

* Ўқувчиларни фаол таълим олиш жараёнига жалб этиш;

* Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги фаол муносабатларни, бир - бирларини тўлиқ тушунишлари;

* Дарс қаерда қандай шаклда ўтилмасин, ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликда ишлашини таъминлаш;

* Ўқувчини мураккаб муаммоларга ҳам жалб эта олиш, уларнинг ҳаракатини фаоллаштириш.

Масофавий ўқитишда интерфаол метод бугунги кунда энг зарур методлардан дидир. Зеро, ўтилаётган мавзу юзасидан глобал муҳит вужудга келади, тармоқлар орқали фикр алмаштириш ва булар орқали умумий ҳулосага келиш имконияти юзага келади. Интерфаол метод ўқитилаётган мавзунинг ҳам тушунарлироқ ҳолда етиб бориши учун хизмат қилиши мумкин.

Енди эса, масофавий таълим камчиликлари ҳақида тўхталиб ўтсак:

Биринчи муаммо - масофали ўқиш одамлар билан мулоқотни чегаралайди. Тингловчи ўқувчилар турли ҳудудларда бўлиши мумкинлигини эътиборга олсак, курс аъзоси тютор - маслаҳатчи ва курсдошлари билан мулоқот қилиш имкониятига эгадирлар. Сифатли масофавий дастурлар талабаларни гуруҳ бўлиб бажарадиган лойиҳалар ва онлине мунозаралар ёрдамида ўзига тартади. Бунда ўқитувчилар талабалар саволларига ўз вақтида жавоб берадилар ва уларнинг ишларни доимий равишда баҳолайдилар, талабалар эса кўпроқ ўзаро мулоқот қилиш имкониятига эга бўладилар.

Кейинги муаммолардан бири - масофавий таълим курсида ўқиётган талабаларнинг билимини баҳолашда аниқлик бормикин? Олисида туриб исталган шпаргалкани ишлатиш мумкин. Унинг учун ҳеч қандай чеклов йўқ. Ихтиёрий жонли (етарли билимга эга инсон) ёки жонсиз (ахборот манбалари) манбалардан фойдаланиши мумкин.

Навбатдаги муаммолардан бири бу - вақт. Таълим олиш вақти сизнинг қўлингизда бўлмайди. Махсус тайинланган вақтлардагина сиз билим олиш имкониятига эга бўласиз.

Галдаги муаммо бу- сиздаги фойдаланаётган техно-

логияда бўлиши мумкин. Айтайлик, техниканинг бузилиб қолиши ёки интернет тезлигининг кам бўлиши сизга ноқулайликлар олиб келиши мумкин.

Математикани масофадан ўқишда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг афзалликлари шундан иборатки:

** Биринчи галда, математик ўқитишнинг мазмунини чуқур ўзлаштириш имконияти яратилади, ўзаро ахборот бериш, олиш, қайта ишлаш орқали ўқув материали яхши эсда қолади.*

** Ўқувчининг ўзаро мулоқотга киришиши, фикр билдириши фикр алмашиш кўникмалари ҳосил бўлади;*

** Ҳар бир ўқувчининг ўзи мустакил фикр юрита олишига, изланишга мушоҳада қилишга олиб келади;*

** Интерфаол усулда ўтилган дарсларда ўқувчи фақат таълим мазмунини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг танқидий ва мантиқий фикрлашини ҳам ривожлантиради.*

Албатта, интерфаол методлардан фойдаланиб масофавий таълимни ташкил этишнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари мавжуд. Булар, ўқув - билув жараёни кўплаб вақт сарфлашни талаб этади.

Интерфаол машғулотларда барча ўқувчиларни бирдек назорат этиб боришнинг ҳар доим ҳам имконияти бўлавермайди.

Жуда мураккаб материаллар ўрганилаётганда ўқувчилар муаммони тўлақонли, аниқ еча олмайдилар. Бундай вазиятларда ўқитувчининг рўли паст бўлиши ҳоллари кузатилади.

Гуруҳларда ўқув жараёнида фаоллиги ёки ўзлаштириши паст ўқувчилар туфайли фаол ўқувчилар ҳам паст балл олишлари кузатилади.

Хулоса шуки, масофавий таълимда интерфаол методлар орқали юқори натижага эришиш учун, авваламбор, энг тажрибали ва ташкилотчи профессор - ўқитувчиларни танлай олишдир. Чунки бу таълим тури бошқа таълим турларидан фарқли бўлиб, унинг самардорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчининг билимдонлиги, ташкилотчилик ва бошқарувчанлик хусусиятларига боғлиқдир. Зеро, мавзуга доир интерфаол методларни танлаш ва ундан унумли фойдаланиш педагог маҳоратига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуқодиров А. А. Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш. - Т.: Истеъдод. 2006.
2. Абдуқодиров А. Пардаев А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан. 2009
3. Арипов М. Тиллаев А. Масофавий таълим. // Физика Математика ва Информатика. 2002
4. Divanova M.S., Inoyatova M.E., Tangirov X. Matematika fanidan elektron o'quv qo'llanma va uni yaratishning nazariy -amaliy negizlari. Toshkent, Qori-Niyoziy nomidagi O'PFITI, 2013.
5. <http://www.google.uz - masofaviy ta'lim>.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАЯНЧ ВА МАТЕМАТИКА ФАНИГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Камола ХУММАМАТОВА - ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

Компетенсия - фан бўйича эгаллаган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни кундалик ҳаётда дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиб, амалиётда қўллаш олиш-дир[1].

Мактаб ўқувчилари ҳаётда учрайдиган турли вазиятларга тегишли масалаларни ечишда ўрганган билим ва кўникмаларини қўллашга бироз қийналадилар. Бунинг сабаби ўқувчиларда тегишли компетенциялар шаклланмаганлигидадир. Умумий ўрта таълим мактаблари амалда математика дастурига мода, медиана, ўрта қиймат тушунчалари киритилган. Ушбу мақола бу тушунчаларнинг ўқувчилар онгида билим, кўникма, малака ва фанга оид ҳамда таянч компетенцияларни ривожлантиришга бағишланади.

Мода, медиана ва ўрта қиймат маълумотлар қаторининг турли маънодаги марказларини (марказий тенденцияларини) ифодалайди. Тартибланган маълумотлар қатори вариатсион қатор ҳисобланади. Ҳаторнинг ҳадлари эса вариантлар дейилади. Ўрта қиймат маълумотлар қаторидаги ҳадлар йиғиндисининг маълумотлар қаторидаги ҳадлар сонига нисбатига тенг. У маълумотлар қаторининг марказини ифодалайдиган сондир. Маълумотлар қаторида энг кўп учрайдиган вариант маълумотлар қаторининг модаси дейилади. Маълумотлар қаторида вариантлар сони тоқ бўлса, у ҳолда қаторнинг медианаси деб вариатсион қаторнинг ўртасида турган сонга айтилади. Агар вариантлар сони жуфт бўлса, у ҳолда вариатсион қаторнинг ўртасида турган икки вариантнинг ўрта арифметигига айтилади. [2]

1-масала. Амалдаги техник қоидаларга кўра гугурт чиқарадиган фирма гугурт қутисига 50 дона гугурт чўпини солиши керак. Сифат комиссияси 30 та гугурт қутисини танлаб, улардаги гугурт чўпларини санади ва натижаларни қуйидаги жадвал кўринишида ёзди: [2]

а) Мода, медиана ва ўрта қийматни топинг.

Қутидаги гугурт чўплари сони	Гугуртлар сони
47	5
48	4
49	11
50	6
51	3
52	1
Жами	30

Аннотация

В данной статье рассмотрены методы развития основной и научной компетенции учеников на уроках математики с помощью среднего значения.

Ключевые слова: Знания, навыки, умения, компетенция, основная и научная компетенция, мода, медиана, среднее значение.

Abstract

This article outlines the mathematical concepts of fashion, median mean-value, concepts in students in the development of basis and science-based competence.

Keywords: Knowledge, ability, experience, competence, base competence, science competence, fashion, mediana, mean-value.

б) Фирма техник қоидаларга риоя қилмоқдами? Нера?

Ечиш: Ўқувчи масалани ечиши учун аввал жадвалдаги маълумотларни ўрганади. Жадвалдаги биринчи устунда сифат комиссияси назоратидан кейинги натижалар, иккинчи устунда эса бу натижаларга мос гугуртлар сони келтирилган. Масала шартининг а) қисмида мода, медиана ва ўрта қийматни топиш талаб қилинган. Яъни, гугурт ишлаб чиқарадиган фирмада энг кўп йўл қўйилган хатоликни (мода), ўртача йўл қўйилган хатоликни (ўрта қиймат) аниқлаши керак. Жадвалдан кўриш мумкинки, вариатсион қатор 30 та вариантдан иборат. Бу вариантларда энг кўп иштирок этгани, яъни мода 49 га тенг. Варианталаримиз сони жуфт. Шунунг учун ўн бечинчи ва ўн олтинчи ўринда турган вариантларнинг ўрта арифметиги қаторнинг медианаси ҳисобланади. Демак, медиана ҳам 49 га тенг экан. Қаторнинг ўртача қийматини топиш учун барча вариантларнинг йиғиндисини уларнинг сонига бўламиз. Натижада тахминан 49,03 келиб чиқади. Бу маласани ечиш давомида ўқувчи ўзида берилган жадвал ва чизмалардан фойдаланиб ахборотларни топа олишни, маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила олишни шакллантиради (ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиради). Ўқувчи бу саволларга жавоб топгандан кейингина масаланинг б) шартига ўтамин. Фирманинг қанчалик хатоликка йўл қўяётганлигини рақамларда кўрсак: масаланинг а) шартидан хулоса чиқариб хатоликни деб ҳисоблашимиз мумкин. Демак, фирма хатоликка йўл қўймоқда. Бу шартни бажарганда ўқувчида шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш кўникмаси (математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ва фойдаланиш компетенцияси) шаклланади. 2-масала. Пояфзал фабрикаси эркакалар учун қишки оёқ буюмини ишлаб чиқаришни режалаштирди. Ишлаб чиқарувчилар эрка-

каларнинг неча фоизи мавжуд ўлчамдаги поябзални кийишини билиши керак. Бу ерда асосий тўплам-эркакалар, поябзал харидорлари. Лекин тадқиқот ихтиёрий танланган 50 та эркакадан иборат танланма билан олиб борилди. Яъни, кўчада ихтиёрий 50 та эркаканинг поябзал ўлчамлари сўраб чиқилди. Сўровнома бўйича

25	21	20	27	31	32	25	26	28	28
31	27	24	25	27	21	25	26	26	28
27	27	30	27	31	30	29	29	27	26
28	27	26	25	28	29	27	26	22	23
30	25	24	23	32	28	27	26	27	26


тузилган қатор жадвалда келтирилган: [3]

Берилганлардан фойдаланиб мода, медиана ва ўрта қийматни топинг.

ЕЧИШ: Берилган жадвалдан фойдаланиб, вариатсион қатор тузамиз. Бу қаторда энг кўп қатнашган вариант, яъни мода 27. Вариантларимиз сони жуфт, демак медиана ҳам 27. Ўртача қиймат эса 26,7 га тенг. Бу натижалардан кўриниб турибдики, поябзал ишлаб чиқарувчи фирма яхши фойда олиши учун бу йилги қишки мавсумда 27 ўлчамдаги оёқ буюмни кўпроқ ишлаб чиқариши керак экан. Бу масала ўқувчида жамоа фикрини эшитиб умумий ҳулоса чиқара олиш кўникмасини шакллантиради. Бунда ўқувчиларда коммуникатив компетенция ривожланади. Бундан ташқари ўқувчида масалани ечиш давомида аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш; шахсий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб билан иш юритиш (математик саводхонлик, фан ва техника янгилликларидан хабардор бўлиш ва фойдаланиш компетенцияси); ўқиб-ўрганганлари ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш (шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси) кўникмаларини шакллантиради. Тежамкорликка, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ўргатади (миллий ва умуммаданий компетенцияси ривожланади).

3-масала. Синфда 20 та ўқувчи бор. Синф раҳбари уларнинг бир кунда уйга вазифани бажариши учун тахминан қанча вақт сарфлашини билиш учун сўровнома ўтказди. Сўровнома натижаси қуйидаги чизмада келтирилган: [3]

СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ СЎРОВНОМАСИ ДИАГРАММАСИ



а) ушбу синфдаги бир ўқувчи уйга вазифани бажариш учун бир кунда ўртача қанча вақт сарфлайди? (ўртача қийматини топинг);

б) уйга вазифани бажариш учун ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи қанча вақт сарфлайди? (медианасини топинг);

с) шу синфдаги ўқувчиларнинг асосий қисми уйга вазифани бажаришга қанча вақт сарфлайди? (модасини топинг).

ЕЧИШ: Диаграммадан синфдаги 20 та ўқувчидан 2 таси умуман уйга вазифа бажармаслиги, 5 та ўқувчи 1 соат, 7 та ўқувчи 2 соат, 5 та ўқувчи 3 соат, 1 та ўқувчи эса 4 соат вақтини уйга вазифа

бажаришга ажратишини кўраимиз. Бу маълумотлардан вариатсион қатор тузамиз. Бундан эса ушбу синфдаги ҳар бир ўқувчи уйга вазифани бажариш учун бир кунда ўртача 2 соат сарфлашини (ўртача қиймат), уйга вазифани бажариш учун ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи бир кунда 2 соат сарфлашини (медиана) ва шу синфдаги ўқувчиларнинг асосий қисми уйга вазифани бажариш учун 2 соат вақт сарфлашини (мода) билиб олсак бўлади. Ўқувчи бу масалани ечганида биринчи навбатда кундалик фаолиятда турли диаграммаларни ўқий олиш ва фойдаланишни ўрганади. Бунда ўқувчида математик саводхонлик, фан ва техника янгилликларидан хабардор бўлиш ва фойдаланиш компетенцияси ривожланади. Бундан ташқари берилган маълумотлардан фойдаланиб керакли маълумотларни ажратиб олишни, таҳлил қила олишни ва ҳулоса чиқаришни ўрганади. Бу эса ўқувчида ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиради.

Юқоридагилардан шундай ҳулосага келиш мумкинки, бу масалаларнинг барчасида ўқувчиларнинг олган билим, кўникма ва малакаларни ҳаётга тадбиқ этишни кўриш мумкин. Яъни ўқувчилар бу масалалар орқали кундалик ҳаётда учрайдиган жадвал, диаграммалар билан ишлашни, уларда келтирилган маълумотларни таҳлил қила олишни ва керакли маълумотни ажрата олишни (ахборотлар билан ишлаш компетенцияси), ўқиб-ўрганганлари ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олишни (шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси), тежамкорликка, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни (миллий ва умуммаданий компетенцияси), жамоа фикрини эшитиб умумий ҳулоса чиқара олишни (коммуникатив компетенция) ўрганишади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умумий ўрта таълимнинг математика фанидан ўқув дастури (5-9 синф). Ўқтириш хати. Тошкент. 2017 йил 26 август.
2. Мирзааҳмедов М.А., Исмоилов Ш.Н., Аманов А.Қ., Ҳайдаров Б.Қ. Математика - 11. Алгебра ва анализ асослари, геометрия. Умумий ўрта таълим муассасаларининг 11-синфи ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари учун дарслик. 1-нашри. Тошкент. Ўзбекистон. 2018.
3. И.Л.Бродский, О.С.Мешавкина. Вероятность и статистика 10-11 классы. Планирование и практикум: Пособие для учителя. Аркти. Москва 2009.

Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар (V-VIII асрлар) тарихида Фарғона водийси алоҳида ўрин тутади

Маълумки, антик даврнинг ниҳоясида водийда кўплаб шаҳарлари бўлган ва юксак деҳқончилик маданиятига асосланган қадимги Фарғона подшолиги мавжуд эди. Бу даврда жамиятда сезиларли ўзгаришлар рўй беради: ижтимоий-иқтисодий муносабатларда маҳаллий бой деҳқонлар бошқарган майда ер эгаликлари[1] пайдо бўлади, сиёсий ҳаётда эса эфталитлар, Турк хоқонлиги ва араб босқинини бошланиши билан боғлиқ шиддатли воқеалар кузатилади. Албатта ушбу суронли воқеалар, тарихий жараёнлар ўрганилаётган давр моддий ва маънавий маданиятларида ўз изларини қолдирган. Бироқ Фарғона тарихида ушбу давр моддий ва ёзма манбаларини ўрганилиши етарли даражада эмас. Ҳолбуки, Суғд ва Хоразм илк ўрта асрлар ёдгорликларини тадқиқ этишда катта муваффақиятларга эришилган. Бу ерда ўша машҳур Панжикент, Афросиёб ва Хоразм афригийлар даври археологик ёдгорликларини ўрганишдаги натижаларни келтириб ўтиш ўринлидир. Ушбуларга қўшимча этиб Фарғонага қўшни бўлган Чоч ва Уструшонадаги археологик қазималар натижаларини ҳам эслаб ўтиш керак. Булар қаторида Фарғона илк ўрта асрлар археологияси ва тарихи мутахассислар эътиборидан четда қолиб, очилмаган кўриқ бўлиб қолган эди. Шу жihatдан олганда водийнинг мазкур давр тарихи бўйича изланишлар муҳим аҳамият касб этади. Кейинги чорак асрда бу борада кенг қамровли археологик қазималар олиб борилмоқда, ёзма манбалар танқидий таҳлил этилмоқда.

V-VI асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. Хитойнинг Бейши номили манбаси 97-боб биринчи қисмида, 436 йилда бўлиб ўтган воқеа-ходисаларни баёни берилганда, қадимги Фарғона Давань давлати тилга олинмаган. Бундан бир оз сўнг - VI аср бошларида Ўрта Осиёда (Фарғона водийсида ҳам) эфталитлар (эфталитлар) давлати тарих саҳнасига чиқади. Таъкид жоизки, эфталитларни Ўрта Осиё ҳудудларига бостириб кириши йирик давлатларни емирилишини тезлаштирган. Бу вақтдаги нотинчлик тўғрисида ўша Хитой манбалари хабар берадилар: "Юань-вэй (386-550/557) ва Цзинь (265-480) сулоласи ҳукмронлиги даврида Фарбий ўлкалар бир бирлари қомига тушдилар. Уларда кечаётган воқеаларни тушуниб бўлмайди"[2,240]. Ўша бир-бирлари ютиб юбораётган ўлкалар (мулклар) ҳақида ёзма манбаларда жуда кам маълумотлар учрайди. Манбаларда куйидаги ўлкалар қайд этилган: Чжеше (олдинги Қанғли), Шарқий Цао (Уструшона), Сиваньцинъ (Самарқанд), Фарбий Цао (Иштихон), Нюми (Бухоро воҳаси), Цзяшени - Кушания (Кеш), Ноше-Боло (Нахшаб) ва бошқалар. Қўшимча қилиб айтмизки, қўшни Чочда бешта, Суғдда (Кан) 9 та ер эгаллиги бўлиб, уларда Чжаоу (Жабғу) уруғи авлодлари ҳокимлик қилишган[2,186].

V-VI асрларда Фарғонадаги сиёсий вазият ҳақида Ўрта Осиёни бошқа ҳудудларидаги материалларни ҳисобга олиб, ёзма манбаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Фарғона водийси ҳудуди Давань подшолиги емирилган бир неча майда ер эгаликларидан (еттита вожа давлатлари) иборат эди[3,48-49]. Ана шу ер эгаликларидан энг йириги ёзма манбалар хабар берган Полона (Лона) бўлиб, Гуйшань унинг пойтахти эди. Бу ҳақда шу давр воқеаларига бағишланган манбада бир хабар бор. "Лона - бу

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ: ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

Боқижон МАТБОБОЕВ - тарих фанлари доктори,
профессор Ўзбекистон Республикаси ФА Археологик
тадқиқотлар институти
bokijon@mail.ru

Аннотация

Данная статья посвящена изучению политической, социально-экономической истории Ферганской долины в эпоху раннего средневековья. Для освещения этих вопросов автором анализирован ряд письменных и археологических источников.

Ключевые слова: Ферганская долина, раннегосредневековье, Давань, эфталиты, Бейши, Таншу, Мунчоктепа, Баландтепа, Ат-Тар, Кубо.

Abstract

This article is devoted to the study of the political, socio-economic history of the Fergana Valley in the Early Middle Ages. To cover these matters, the author analysed a number of written and archaeological sources.

Keywords: Fergana Valley, Early Middle Ages, Davan, Ephthalites, Beisha, Tanshu, Munchoktepa, Balandtepa, At-Tar, Kubo.

қадимги Давань, қароргоҳ - Гуйшань, Қашқар шимоли-ғарбида, Дайдан 14450 ли-да жойлашган. Тхайхони ҳукмронлигини учинчи ёзида, 479, ҳоким чопар билан кирмизи ранг зотдор отлар (улар "қон билан терлайдиган" (потокровные) дейилади - М.Б.) жўнатди, шу вақтдан эътиборан совға-салом билан элчилар юбориб турилди"[2,260].

Муаллиф фикрича, бундай ер эгаликлари қаторига Хитой манбаларида тилга олинган ва Фарғона водийсида жойлашган Мими (Уструшана ёки водий жанубида) ва Чжежибаларни (водий жанубида) киритиш мумкин[4].

VII-VIII асрларда рўй берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар: Фарғонанинг бу давр тарихига оид маълумотлар ҳақида ёзма маълумотлар жуда кам. Маълумлари ҳам Хитой йилномаларига тааллуқлидир. Манбаларда сиёсий тарих, моддий маданият ва урф-одатлар тўғрисида қисқа хабарлар учрайди. Уларда Фарғона "Бохань" (Бейши, 97 боб), "Ниньюань" (Таншу, 221 боб) номлари билан аталган. Бейшида хабар берилишини, VII аср бошларида Фарғона ҳукмдори Чжаову унвонига эга бўлган.

Маълумки, VI аср ўрталарида тарих саҳнасига кўҳна Турклар давлати чиқади: 552 йили Олтойнинг қабилалари теле қабиласи раҳномолигида бирлашдилар ва Турк хоқонлиги ташкил топади (552-774 йй.). Бироқ ички низолар оқибатида хоқонлик иккига бўлиниб кетади: Шарқий ва ғарбий хоқонликлар. Ғарбий хоқонлик таркибига Ўрта Осиё ҳам кирди. Юқорида айтилганидек, Фарғона майда ер эгаликларидан ташкил топган ва улар ўртасида ўзаро низолар кучайган эди. Шунинг учун турклар ҳақда қандай қийинчиликларсиз водийни эгаллайдилар ва қандайдир маънода бирлаштирувчи куч бўлдилар. Шундай қилиб, VII аср 40-йилларида Шимолий Фарғонада турклар ҳукмронлиги қарор топади (Гйесай шаҳрида ҳукмдор Йебожчи), жанубда маҳаллий ҳукмдор тахтда ўтирар эди (Хуминь [Бизнингча бу гува шаҳар харобасига тўхри келади] шаҳрида Аляошени тахтда эди). Шунинг учун бир маълумот бўйича Фарғона шимолининг асосий шахри Гйесай, бошқаси бўйича Сигань (Ахсикент) .

Булардан келиб чиқиб, бу даврда турк этноси ролини ошганини таъкид этиш керак. Шимолий Фарғонада турк элементларини учраши масаласида археологик ва маълум маънода антропологик манбалар мавжуд. Манбалар турк тили аҳолини Шимолий Фарғонадан Уструсона орқали Самарқандга ҳаракатини кўрсатади. Айрим манбаларда бу жараёни анча эрта бошланганини кўрсатувчи далиллар бор. Сўзсиз, VII-VIII асрларда Шимолий Фарғонада маҳаллий ва келгинди халқлар аралашуви бошқа ерларга нисбатан тезроқ кетаётган жараён эди. Шунинг учун Хитой манбалари фақат Фарғона шимолидаги фарбий Турк хоқонлиги сулоласи ҳақида хабар берадилар.

Фарғонанинг VII-VIII асрлар ёдгорликларини бирор этник гуруҳ билан боғлаш ҳозирча ҳал этилгани йўқ, бу ҳақдаги ҳар қандай уриниш учун ҳали материаллар етарли эмас. Аммо бизлар водий бир бўлаги бўлмиш бу ҳудуд айрим ёдгорликларини (Мунчоқтепа, Баландтепалар) кўпгина белгиларини ҳисобга олиб айрим этник гуруҳларга боғлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Таҳлил этилган археологик ёдгорликларни Ўрта Осиёнинг Икки дарё оралиғида яшаб келган ёки маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган турклар таъсирида пайдо бўлган ёдгорликлардир деб ҳисоблаш мумкин. Мунчоқтепа, Баландтепа (Наманган вилояти Поп тумани), Кўктош (Фарғона вилояти) ўша кўҳна турклардан бизгача етиб келган археологик ёдгорликлардир[5]. Бундай фикрни олға суриш учун кўйидаги асослар бор:

1. Хитой манбаларида (Бейши, Таншу ва б.) ёритилган воқеа, ҳодисаларни хронологик ва ҳудудий жиҳатдан Фарғонага водийсига тўғри келиши.

2. Турк этноси билан боғлиқ кўплаб белгиларни Фарғона илк ўрта аср маданиятини шаклланишида иштирок этиши: а) Кўҳна турк-руник ёзуви намуналар (идиш сиртига тирнаб ёзилганлари ҳам бор)[6]; б) Турк ҳукмдорлари зарб этган тангалар (ғува шахристонини, Мунчоқтепа қабристонини); в) Турклар билан боғлиқ дафн иншоотлари-куйдириб кўмиш, марҳум билан от қўшиб кўмиш; г) Тош ҳайкаллар ёки балбаллар (Андижон ўлкашунаслик музейида битта балбал (тош ҳайкал) намойиш қилинади). Келтирилган фактик далиллар Фарғона водийсига кўҳна туркларни кенг тарқалганини тасдиқлайди[7].

Демак, VII-VIII асрларда Ўрта Осиёда ва Фарғона водийсига шу жумладан феодал муносабатлар шаклланиши кузатилади. Бироз олдинроқ Фарғона турклар давлатининг таъсир доирасига тортилади. Аммо турклар ҳокимияти водийда анча заиф эди ва Хитойнинг Тан даври (618-907) императорлари бу ҳудудни ўзларига бўйсундиришга ҳаракат қилдилар. Масалан, VIII асрда маҳаллий аҳолининг қаршилиги фаол бўлишига қарамай Фарғона икки марта Хитойга бўйсундирилади. VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларидаги Хитойлик йирик давлат арбоби Гуо Юань-Чжен таржимаи ҳолида келтирилишича фарғоналиклар Хитойга қарши тибетликлар ва фарбий Турк Хоқонлиги билан шартнома битимига эришдилар. Бу тарихий воқеа А.М. Мандельштам тахминига кўра 696 ва 703 йиллар оралиғида рўй берган[8,140].

VIII асрнинг биринчи чорағида Фарғона водийсига арабларга мунтазам қаршилик ҳаракати бошланади. Ат-Тар (Алатар) ҳукмронлиги даврида Фарғона араблар билан вақтинчилик битимга келишадилар. 720 ва кейинги йиллари Фарғонани турк Арслон Тархон бошқаради. Аммо Арслон Тархонни Фарғонада ҳукмронлиги даври ҳам тинч кечмади. Араб тарихчиси ат-Табарийнинг (839-923) хабар беришича, халифаликнинг Хуросондаги ноиб Наср ибн Саййор (738-748) Шошда ўз ғанимларини енгиб, битим тузгандан сўнг, 738-739 йиллари Фарғона томон юриш бошлайди. Бу босқинчилик юриши пайтида араб лашкарбониси катта қийинчиликларга дуч келади. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, ғубо (ғува) шаҳри аҳолиси уларга кескин қаршилик кўрсатади. ҳатто куболиклар босқинчилар кўлига тушмасин деб озиқ-овқатларни яшириб, ем-ҳашакни ёқиб юборадилар[9,269]. Шунга қарамай Фарғона тахт вориси ва Наср ибн Саййор кўшинлари ўртасида (ғубо шаҳри яқин атрофларида) бир неча марта тўқнашув бўлади. Толиққан фарғоналиклар сулҳ таклиф этилади. Фарғонага Муҳаммад ибн Халид ал-Аздий ноиб этиб тайинланади. Аммо фарғоналиклар арабларга нисбатан "қайсар" сиёсатини давом эттиравердилар ва бу қаршилик 100 йилдан ортиқ давом этади.

Халифа Мансур (754-775) даврида Фарғона ҳукмдори ҳатто Қашқарда яшаб, арабларга тўлов тўлаган бўлса-да, арабларни асосий талаби - ислом динини тан олишни қабул қилмайди. Халифа Маҳдид (775-785) даврида Ахмад ибн Асад юришлари натижасида вақтинчилик Косонда турган Фарғона подшоси расмий равишда васалликни қабул қилади. Бу Фарғонани араблар кўл остига ўтди дегани эмас эди. Қаршилик ҳаракати IX асрнинг биринчи чорағига яъни йирик Фарғона шаҳарлари - Косон ва Урестни араблар кўл остига ўтмагунча давом этади. Шу вақтдан эътиборан водийни актив исломлаштириш бошланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, илк ўрта асрларда водийда бир бутун сиёсий бирлашма бўлгани ҳақиқатга яқин. Бу сиёсий тузилма Хитой манбаларида дастлаб (V-VI асрлар) Лона, Полона (яна "Фарғона"ни Полонанан ҳам аниқроқ транскрипцияси бор, у-Фаньхэна), кейинроқ (VII-VIII асрлар) Нинъюан, Боханьна ёки Пэйхан номли подшолик ёки Муғ тоғидан аниқланган ҳужжатлардаги каби "Фарғона подшолиги" сифатида маълум эди. Бу подшоликда бир неча ер эгаликлари ўзига хос "конфедерация"га бирлашган эдилар ва улар ичида кучлиси Полона ёки Фарғона подшолиги эди. Шунинг учун ҳам Панч ҳукмдори хати элчи Фатүфариди орқали Фрағана (Far(a)gana, Fragana) подшосига юборилган[10]. Бундан келиб чиқиб, ёзма манбаларда Фарғона майда ҳукмдорлари "ихшид", конфедерация олий раҳбари "малик(малка)" подшо ("малики Фарғона ат-Тар"ни эсланг) деб юритилган[11]. ҳокимият тўла кўҳна турклар кўлига ўтгач, VII-VIII асрларда Фарғона ҳукмдори "Жабгу Алици"[2,274] бўлган. 720 йилдан эса Фарғона водийсини турк Арслон Тархон (хитойчада Асилань Даганьчжу) бошқаргани ёзма манбаларда қайд этилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. **Атаманинг ишлатилиши тўғрисида қаранг: ғойибов Б.С. Тарихий бир атаманинг ишлатилишига доир // Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги: меросийлик ва инновация. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд. 2019. С. 47-52**
2. **Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. - М. -Л., 1950. -Том I. -С. 240.**
3. **Матбабаев Б.Х. Раннесредневековая культура Ферганы (на основе исторического анализа археологических источников V-VIII вв.). Автореф. докт. дисс. Самарқанд, 2009. - С.48-49.**
4. **Матбабаев Б.Х. К изучению раннесредневековых владений в Ферганской долине // "Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда" мавзусидаги Республика илмий анжуман материаллари. Фарғона, 2009. С.33-37.**
5. **Матбабаев Б., Иванов Г. Первые погребения с трупосожжением и конем в Фергане // ОНУ. 1997. №5. С. 72-75.**
6. **Матбобоев Б., Рахмонов Н. Ўзбекистоннинг кўҳна турк-руник ёзувлари. Тошкент, 2006.**
7. **Матбабаев Б. К изучению политической истории Ферганы в раннем средневековье // Transoxiana. История и культура. - Ташкент, 2004. -С.134-141.**
8. **Мандельштам А.М. Материалы к историко-географическому обзору Памира и Припамирских областей с древнейших времен до X в. н.э. // ТИИАЭ. - Душанбе, 1957. - Том LIII. -С. 140.**
9. **История ат-Табари. - Ташкент, 1987. -С. 269.**
10. **Аскарлов А.А. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида қадимги Фарғона // Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари. - Фарғона, 2000. -I жилд. -25 бет. Яна Исҳоқов М. М. Унитилган подшоликдан хатлар (Бир туркум Сугд ҳужжатларининг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлари). -Тошкент, 1992. -5-6-бетлар.**
11. **Лившиц В.А. Юридические документы и письма (Согдийские документы с горы Муг) // Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. - М., 1962. -Вып. II.**

АНТИК ДАВРДАГИ МИГРАЦИЯЛАРНИНГ УСТРУШОНА АҲОЛИСИ ДАФН МАРОСИМЛАРИДА АКС ЭТИШИ

Фурқат ТОШБОЕВ - тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Жиззах давлат педагогика институти

У Уструшона мазорларида ўрганилган дафн одатлари ва этнографик маълумотлардан қадимги аҳоли орасида руҳ ва жоннинг яшаши ҳақидаги қарашлар кенг ёйилганлиги сезилади.

Қадимги одамларнинг тасаввурларига кўра нафас, руҳ, соя бир-бирига турдош тушунча бўлиб, улар анимизм негизини ташкил этган. Шу тушунчага асосланиб Уструшона чорвадорларида кишиларнинг вафотидан сўнг "у дунёда яшаши" ҳақидаги тасаввур кенг ёйилган. Шунинг учун марҳумни нариги дунёга кузатиш маросимида кўглаб амаллар қўлланган ва қабрда "барча қулайликлар" яратилган. Дафн этиш билан боғлиқ маросимлар даврлар ўтиши билан шаклланган урф-одатларга айланиб, улар асосан, дафн этишгача, дафн пайтида ва ундан сўнг бажариладиган амалларга бўлинади [1,6]. Бу ҳолат, очиб ўрганилган мазорқўрғонларда қабрга, марҳумнинг ҳаётлигида ишлатган уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечаги, қурол-яроғи, безаклари ва у дунёда истеъмол қилиши учун идишларга ҳар хил таомлар солиб қўйиш ва уларни хилхонага - жасад атрофларига қулай жойлаштиришда намоён бўлади.

Шунга кўра дафн маросими бир-бири билан боғлиқ бир неча диний-маънавий жараёнлардан иборат. Б.Х. Матбобоевнинг таъкидлашича, "Уларнинг ҳар бири марҳумни "нариги дунё" га кузатиш учун унинг яқинлари томонидан олиб бориладиган турли маросимларни ташкил этади. Бу жараён узоқ давом этиб, оғир хасталанган беморни вафоти олдидан бошлаб, вафотидан сўнг дафн этиб, қабри устига белги (ёдгорлик) ўрнатиш ва ундан кейинги урф-одатларни ўз ичига олади" [2, 156]. Шулардан энг эътибор талаби, киши вафот этганидан сўнг уни дафн этиш (кўмиш) билан боғлиқ маросим (гўр қазिश, марҳумни қабрга келтириш, дафн этиш ва ҳақозо)лар ҳисобланади.

Археологик адабиётларда дафн маросимини англлатувчи, кўмиш (дафн) одатлари, дафн удумлари, дафн анъаналар ва дафн эътиқодлари каби атамалар кўп учрайди. Дафн этиш билан боғлиқ маросимларни археолог олимлар тизимлаштиришга кўп бора уринишган. Бу масалада рус олим В.А. Алексинининг таъкидлашича, дафн маросимлари икки компонентни ташкил этиб, унинг биринчи босқичи маросим (ритуал)да бажарилган қисми ҳисобланиб, у ўзи билан марҳумни кўмиш пайтида қўлланилган амаллар ва буюмларни жамлаштириши билан ҳарактерланиб, ўлимгача, ўлим ва марҳумни кўмгандан кейинги расм-русумлардан иборат. Иккинчи компоненти эса, ўзида марҳумнинг ижтимоий ҳолатини акс эттириб, дафн маросимида қўйилган буюмлар жамланмасининг моддий элементини: дафн иншооти, буюмлар сони ва жасад ётиш ҳолатини акс эттиради. Г.А. Максимова дафн маросимидаги икки гуруҳ элементларни, дафн пайтидаги одатлар ва қадимги этнографик гуруҳларда сақланиб қолган оилавий ва ижтимоий муносабатларни ажратиб кўрсатади. Г.С. Лебедев дафн маросимларини ўзаро алоқадаги тўрт босқичли тизимга бўлади. Улар кўмиш усули; қабр-

Аннотация

Автор в статье проанализировал процесс миграции на основе процесса погребения умерших, также проанализирована взаимосвязь процесса погребения с новыми северными и южными переселенцами

Ключевые слова: правила погребения, кладбище, Саганак, Лавандак, «культура» говунчи, Акжартепа, Ачамойли, Шоштепа, Рунгди, юечжи, Кенкул, Бор-карбоз, Хангиз, долихакефалический тип

Abstract

The author in this article tried to analyse the migration process in the Antique period on the basis of the burial of the dead, and on the basis of the written and archaeological sources made an analyses of the connection between newcomer nations and the burial of the dead in the South and the North.

Key words: funeral beliefs, burial ground, Gulbo, sarmat, Sagonak, Kulpisar, Quymozor, Lavandoq, Qovunchi culture, Oqjartepa, Achamoyli, Shoshtepa, Rung-di, usun, hun, yuechji, Kenkul, Bor-Korboz, Khangiz, dolichocephalic type.

нинг кўриниши ва буюмларнинг ҳолати; дафн иншооти конструкцияси; қурбонлик ва дафн буюмларининг тури ва жойлашиши [3,24-25]. В.М. Массон эса дафн маросимида жасад ёнидаги буюмлар сони, дафн этиш усули ва қабрнинг кўриниши муҳим эканлигини таъкидлайди.

В.С. Ольховскийнинг таъкидлашича, дафн маросимида кўмиш тадбирларигача бўлган мафкуравий қарашларнинг ўзига хослиги, диний мифологик тизим, кўмиш ва хотирлаш удумлари акс этади. Кўмиш, дафн эътиқодлари эса ўзида (Ж), дафн этиш ва хотирлаш анъаналари (ГД) ҳамда қабр ёдгорлиги (Е)ни жамлайди. Улар эса ўз навбатида дафн одатларининг идеологик доираси, семантик (маъно) даражаси, жараён босқичлари, кўмишнинг амалий доираси, дафн маросимининг мафкуравий доираси ва хотирлашнинг амалий кўринишларини акс эттириб, қабр мажмуаси ва қабр гуруҳларини ўзида бирлаштиради. Уларнинг барчаси бирлашиб, археологик объект ҳисобланган мазорқўрғон - қабр ёдгорлиги (Е1)ни ташкил этади [4,67]. Юқорида келтирилган таърифлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, дафн маросимлари инсониятнинг энг қадимги археологик ва этнографик манбаларини ўзида жамлаган бўлиб уларни ягона тизимга келтириш қийин.

Уструшона мазорқўрғонларидаги дафн одатларида жасадлар ёнига буюмлар жойлаштириш алоҳида аҳамият касб этган. Афсуски, ўрганилган мазорқўрғонларда металл ва сопол идишлардан бошқа оловга чидамсиз буюмлар (тўқимачилик, суяк, ёғоч буюмлар, камонларнинг

ёйи, қовурғаси ва ҳ.к.) деярли сақланиб қолмаган. Унга сабаб узоқ вақт мобайнидаги чириш ва асосийси марҳумларнинг дафн маросимида ёқилганлигидир. Қайсики мазорқўрғон ашёвий манбаларга бой бўлса (Ғулбо), у шунчалик кучли ёндирилган.

Уструшоно мазорқўрғонларидаги барча қабрларда марҳумлар қабрга яққа ёки жуфт, баъзан гуруҳ тарзда дафн этилган. Жасадлар асосан, узала ётқизиб, букчайтирилганлик аломатлари ва букчайтирилган ҳолда дафн этилган. Дафн маросимлари турлича кўринишда бўлиб, биз таърифни марҳумлар бошининг қайси томонга қўйилишидан бошламоқчимиз. Чунки ушбу ҳолат (жасад ва қабр ориентировкаси) қабилалар дафн маросимларида характерли хусусият бўлиб унда дашт қабилаларининг кириб келиши билан боғлиқ хусусиятлар ўз аксини топган.

Мил. олдинги III-II асрларда Ўрта Осиёнинг шимолий қисмидаги даштлардан жанубга томон кўчманчиларнинг йирик тўлқини кўчиб ўтади. Уни дастлаб Сирдарё бўйлаб кириб келган сармат қабилалари бошлаб берган. Чунки мил.авв. III асрларда Савот ва Уструшонодаги бошқа ёдгорликлар инкирозга юз тугган. Бу ҳақда Хонтепанинг юқори қатламларида топилган прохоров типидagi сопол буюмлар далолат беради. Кейинчалик, юечжи, усун ва хун қабилалари кириб келган ва уларнинг бир қисми ўтроқлашиб, маҳаллий сак-массажет қабилалари ва бошқа элатлар билан аралашиб Ўрта-Осиё халқлари этногенезида катта роль ўйнай бошлайди[5, 198]. Бунга Уструшоно қабристонларидан топилган палеоантропологик материаллар далил бўла олади.

Уструшонанинг Зомин воҳасида ўрганилган Ғулбо мазорқўрғонларида марҳумлар бошини шимол ва жануб томонга қўйиш кўп учрайди. Сағонқда эса шимол ва жанубий йўналишлар, Қулписар ва Қоратош мазорқўрғонларида марҳумлар боши шимолга, Беккелди мазорқўрғонларида жануб томонга қўйиб дафн этилган. (1-жадвал). Демак, Уструшонода миграция билан боғлиқ хусусиятларни акс эттирувчи жануб ва шимолий йўналиш кўп бўлган.

Уструшонодаги мазорқўрғонларда учрайдиган жасадлар бошини жанубга қаратиб дафн этиш Ўрта Осиёнинг бошқа худудларда ҳам кўплаб қайд этилган. Жумладан, мил. авв. II-I асрларга оид Қуйимозор, Лавандок, Оқжартепа, Тошкент яқинидаги Ачамойли, Исфара туманида ўрганилган Уста мулло ва Лангари Хожиён, шунингдек, мил. авв. III-I асрларга оид Жанубий Қозоғистондаги Томди атрофидаги ҳамда, миллодан олдинги даврга оид Урал, Волга бўйи ва Кавказ худудларида ўрганилган мазорқўрғонларда ҳам жасадлар боши жанубий йўналишда дафн этилган. Жасадлар бошини қайси томонга қаратиб қўйишда қабр тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этган кўринади. Масалан, Суғддаги Оқжартепа мазорқўрғонидаги қабрларда жасадлар боши жануб, лаҳадли қабрларда эса шарқий йўналишда дафн этилган[6,63]. О.В. Обельченко, жанубий йўналишда дафн этишни кўпроқ эраמידдан аввалги даврга оид қабрларда кузатилишини қайд этган ва бу ҳолатни олим Суғдга қуйи Сирдарё ва Қизилқум орқали кириб келган сармат қабилалари билан боғлайди.

М.И. Филанович Тошкент воҳасидаги Шоштепа ёдгорлигидаги қабрларда кўпроқ марҳумлар бошини жанубга қаратиб қўйиш ҳолатини қайд этиб, уларни "янги кириб келган халқлар билан боғлиқ"[7,85] деб, эътироф этади. Бу фикрлар қабрларда ўрганилган ашёвий манбаларнинг даврий мансублиги билан ҳам мос келади. Бироқ, бу борада бошқача фикрлар ҳам мавжуд. Жумладан, Б.Ҳ. Матбобоев Мунчоқтепа қабрларини ўрганиш натижасида, "дафн маросимида марҳумларни қатъий бир йўналиш бўйича қўйиш одати бўлмаган. Марҳум боши билан қай томонда туриши қадимги аҳоли учун ҳеч қан-

дай аҳамият касб этмаган, чунки дафн иншоотини ўзи ориентировка қилинган", деган хулосага келади.

Қадимги даврга оид материаллар томонлар билан боғлиқ хусусиятлар моҳияти жуда кенглигини кўрсатади. Масалан, Хитойнинг ғарбида яшовчи жанговор турк қабилалари, "Рунг-ди"лар, шимолида яшагандилар хитой манбаларидаги маълумотга қараганда ўзларини "улуғ ди", "қизил ди", "оқ ди" ва "шимолий ди" деган тўрт ном билан аташган. Демак, туркий Халқларнинг томонларга қараб ранг билан белгилаш одати бундан 3 минг йил аввал дилардан бошланган. Уларнинг шарқида, куёш чиқадиган томонда яшаганлари улуғлаиб "чанг ди" (Улуғ, катта ди) деб номланган. Бу туркий Халқлар кўк рангини улуғлаб "улуғ", "катта" деб номланганга ўхшайди. Жануб ёруғ бўлганлигидан жанубдагилар "чи ди" (Қизил ди), ғарбдагилар "бай ди" (оқ ди) деб аталган. Фақат нима учундир шимолдагилар "қора ди" деб номланмасдан "шимолий ди" деб аталган. Ушбу маълумотдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Уструшонода марҳумлар бошини қайси томонга қўйиш маълум маънони англатган.

Жанубий йўналишда дафн этиш скиф ва сармат қабилалари дафн одатларида ҳам кўп кузатилади. Олимларнинг аниқлашича, бу кейинчалик шимолий йўналишда дафн этиш ўрнига оммалашган. Демак, Уструшоно қабрларидан кузатилган жанубий йўналишда дафн этиш, кўпроқ, янги кириб келган халқлар билан боғлиқ бўлган.

Ўрта Осиёда мил. авв. III-I асрларда жанубий йўналиш кўп учрасада, шимолий ва шарқий йўналишда дафн этиш ҳам ўрганилган. Археологик маълумотларга кўра, юечжиларда оилавий қабр ёки бир авлодга тегишли қабристон мавжуд бўлиб, вафот этганларнинг бошини тери билан ўраб, шимолга қаратиб дафн этиш одат бўлган. Ғулбода қайд қилинган шимолий йўналишда дафн этиш, ва жасад ёнига қўйилган буюмларнинг юечжилар маданиятига жуда яқинлиги, уларнинг юечжиларга мансублиги ҳақидаги тахминларимизни янада оширомоқда. Фикримизни, Фарғонада сиёсий ҳокимиятнинг мил. авв. I асрнинг иккинчи ярмида катта юечжилар қўлида бўлганлиги ҳақидаги қарашлар янада бойитади[8,66]. О.В. Обельченко тадқиқотларида мил. авв. I ва миллодий I асрларга оид мазорқўрғонларда жанубий йўналишда дафн этиш кўп учраши, бироқ миллодий I асрдан бу йўналишда дафн этиш камайганлиги аниқланган. Таҳлиллар, марҳумлар бошини жанубга қаратиб дафн этиш Ўрта Осиёда мил. авв. III-I асрларда, айниқса, мил. авв. I асрга оид қабрларда кўп учрашини кўрсатади.

Бу ҳолат Суғдда ўрганилган қабрларда ҳам кўп кузатилиб, шимолий йўналишда дафн этиш бошқаларига нисбатан қадимийроқ ҳисобланади. Яъни шимолий йўналиш мил. авв. VII-III асрларга, жанубий йўналиш мил. авв. II, миллодий I асрларга ва шарқий йўналиш миллодий IV асрдан кейинги даврларга тўғри келади. Ушбу таҳлилни Уструшонодаги ҳолат билан солиштирсак тафовут келиб чиқади. Чунки, Ширинсой мазорқўрғонлари миллодий I-II асрларга оид бўлиб, жасадлар боши асосан шарқ томонга қўйиб дафн этилган.

Ширинсойдаги каби жасадларни шарқий йўналишда дафн этиш кўпчиликни ташкил этади. Бу ҳолат Пскент, Кенгқўл, Бор-корбоз, Хангиз, Қаландархона айвонли лаҳад қабрларда ҳам кузатилиб, улар миллодий II-IV асрлар билан даврланган[6,66]. Тошкент воҳасидаги Шоштепа, Янги йўл, Қовунчитепа, Вревский, Туябўғуз, Ачамойли каби катакомба, айвонли лаҳад ва ёрма қабрларда шарқ, шимолий-шарқ, жанубий-шарқ, шимол ва жануб йўналишида дафн этиш кузатилади. Фарғона водийсидаги Бор-корбаз, Қорабулоқ, Жангаил, Гўрмирон, Исфара каби мазорқўрғонлардаги ёрма ва айвон-лаҳадли қабрларда марҳумлар боши асосан шимолий ва шарқий йўналишда

дафн этилган. Умуман олганда, жасадлар бошини шимол ва шарқий йўналишда дафн этиш кўшни Тошкент воҳасидаги Қовунчи маданиятига оид мозоркўрғонларда кўп учрайди. Милодий I-VII асрда ҳам жасадлар боши шимол ва шарқий йўналишда дафн этиш кўп бўлган. Шарқий йўналишда дафн этиш, айниқса, туркларда кенг ёйилган ва у қуёшга (кун чиқиш томонга бўлган) сифинишни ҳам аниқлашган. Юртимизда араблардан кейин фақатгина гарбий йўналишда дафн этиш сақланиб қолган. Қуриняптики, Уструшона мозоркўрғонларида араблар босқинигача мархумлар бошини қайси томонга қаратиб қўйишда ягона тартиб бўлмаган. Айтиш мумкинки, бундай ҳолатлар қандайдир диний тасаввурлардан кўра, табиат ходисалари, йил фасллари - маҳум вафот этган вақт, ўша жойнинг рельефи (тоғлар) ва бошқалар билан боғлиқ бўлган.

1- жадвал. Уструшона қабрларидаги мархумларнинг дафн этилиш ҳолати

Ўдгорликлар	Ўрганилган қабрлар	Жасадлар сони	Кенотаф	Мархумларнинг ётиши			Бош томони			
				Узла	Букчайтириб	Ораликкўриниш	шимол	жануб	шарқ	ғарб
Ширинсой	28	30	1	19	7	4	5	4	19	2
Қоратош I,II	4		3							
Қулписар	12	9		8		1	5		2	2
Хўжайи Сароб	1	1		1			1			
Учтепа	1									
Саганок	3	2		2			1	1		
Қулбо	6	10		8		2	4	5	1	1
Кўрпа	4		4							
Қоратепа	4		4							
Беккелди	3	1	2		1		1	1		
Жами	64	53	12	38	8	6	16	11	21	5

Фулбо 6- мозоркўрғонида кузатишда дафн маросими бошқалардан анча фарқ қилади. Бу ердаги тупроқ уюми тагида иккита қабр қайд қилинган. Унинг репер нуқтасидан 2 м чуқурликда жануби шарқ шимоли ғарб йўналишидаги 1-қабр жойлашган. Унда бир нафар 26-30 ёшлардаги европа ирқи (долыхакефал тип) - калла ва юз суякларини чўзинчоқ га мансуб эркак киши дафн этилган. Мархум ёрма қабрга, жануби-ғарб, шимоли-шарқ йўналишида боши шимоли-шарқда (юзи ғарбга) қаратиб дафн этилган. Жасаднинг чап қўли тирсагидан йўқ. Чап оёғи (тиззаси пасти)да кучли тиф изи мавжуд.

2-қабр репер нуқтасидан 3,3 м чуқурликда бўлиб, унинг йўлаги жанубдан шимолга (жануби шарқдан шимоли шарққа) томон эллипс шаклида қиялаб чуқурлашиб борган. Йўлак узун (4 м) бўлса-да, энига тор (0,5 м) унда бир киши юра олади. Қабр ўғирланган. Ўғрилар тўғри мархум ётган хилхона устидан йўлакни кесиб, жасад ётган сатҳдан 20 см чуқурликкача қазиган. Дафн маросимида қабрда кучли ёнғин ҳосил қилинган. Жасад суяғи ва қабрда кучли ёндирилганлик (олов) излари мавжуд. Ўдгорлик репер нуқтасидан 4 чуқурликда мархум йўлак йўналиши бўйича ётқизиш, боши жанубга қўйиб дафн этилган. Ўғрилар томонидан нафақат дафн буюмлари олинган, балки қабрга тушиш жараёнида жасад суякларини ҳам ташқарига чиқариб юборилган. Қабрда фақатгина (ўғрилар тўғригидан сиртда бўлган) жасадга тааллуқли оёқ суягини учи (тўпикдан пасти) ва унинг ёнига қўйилган бир дона темир пичоқнинг бўлаги ҳамда хурмача ва қозон каби сопол идишлар сақланиб қолган.

Ушбу мозоркўрғонда шу пайтгача Фулбода кузатилмаган бир қанча дафн одатлари кузатилади. Булар, қабр устига кўриқчи вазифасини ўтовчи мархумни дафн этиш, қабр йўлагини бундай тор ва узун қазиб, йўлакнинг (охирги томонига мархумни дафн этиш) ўзи қабр хилхонаси вазифасини ўташи. Фикримизча, бу мозоркўрғон шу пайтгача ўрганилган лаҳадли қабрлардан биров ол-

динги даврга тааллуқли бўлиб, бу пайтда ҳали қабрни лаҳадли шаклда қазиб оммалашмаган бўлган.

А.Н. Бернштам томонидан Кенгкўл водийсида кўплаб катакомба қабрлар ўрганилган. Уларда мархумлар худди Фулбо мозоркўрғонларидаги каби якка ва жуфт ҳолда чалқанча, узала ётқизиш боши шимол, шарқ, ғарб ва жанубга қаратиб дафн этилган. Кўпгина жасадларнинг бош суякларини деформацияга учраган. Битта кўрғоннинг кириш йўлагида бош суякларини европоид ирқига мансуб иккита жасад дафн этилган ва улар ёнида битта сопол идишдан бошқа буюм йўқ. Лаҳад ичида эса иккита монголоид ирқига мансуб, бироқ бош чаноғи деформацияга учраган жасадлар мавжуд. Ушбу ҳолатни таҳлил қилган А.Н. Бернштамнинг таъкидлашича, йўлакда дафн этилган жасадлар, хунлар томонидан итоат эттирилган европоид ирқининг маҳаллий Помир - Фарғона типига хос бўлиб, улар ички камерадаги ҳарбийларнинг қўли бўлган [9,29]. Уларнинг пайдо бўлишини эса, милoddан аввалги I аср ўрталарида Чжи-Чжишанью бошчилигида хун қабилаларининг кириб келиши билан боғлайди. Ушбу мозоркўрғонлар даврий санасини милoddан аввалги I аср миллодий I- II асрлар билан белгилаган.

Дафн маросимлар ҳақида хулоса қиладиган бўлсак,

Уструшона халқларининг дафн маросимларида аждодларимизнинг қадимда азалий маънавий қадриятларига, уни ўраб турган борлиқ - она замин ва табиатга нисбатан беқиёс эъзозда бўлганликларини, ўтганлар, умуман, барча аждодлар руҳига нисбатан алоҳида ҳурмат кўрсатганликларини сезилади. Дафн маросимидаги ҳар бир бажарилган амал муайян маъно ва моҳиятга эга бўлган ва улар тартиб билан бажарилган. Жасад ёнига қўйилган дафн буюмларининг ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бўлиб, улар "нариги дунё"да "мархумнинг фойдаланиши" учун қабрга қўлай ўрнатилган. Бу маросимда ижро этилган амаллардан мархумни нариги дунёга кузатишда, унга нисбатан юксак ҳурмат кўрсатилганлигидан дарак беради. Қабрларида кузатишда жанубий ва шимолий йўналишда дафн этиш эса кўпроқ, янги кириб келган халқлар билан боғлиқ бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Алёкшин В.А. Социальная структура и погребальный обряд древнеземледельческих общин. Л., 1986. - С.6.
2. Матбобоев Б.Х. Фарғона водийси аҳолисининг илк ўрта асрлар даври диний қарашларининг дафн маросимларида акс этиши (Мунчоктепа мисолида) // ХММТ - Тошкент: 2006. Фан, -№35. - Б.156.
3. Лебедев Г. С. Погребальный обряд как источник социологической реконструкции // КСИА вып. 148. Москва. 1977. - С. 24-25.
4. Ольховский В.С. Погребально- поминальная обрядность в системе взаимосвязанных понятий. / СА вып. 1. Москва. 1986. - С.67., рис. 1.
5. Шониезов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Тошкент : Шарқ, 2001. - 198 б.
6. Обельченко О.В. Могильник Акджартепа. ИМКУ, №3. Т.: 1962. - С.63.
7. Филанович М.М. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. - Ташкент: Узбекистан, 2010. - С. 85.
8. Анарбоев А.А. Фарғонанинг антик ва ўрта асрлар даври шаҳар маданияти. Маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси. Тошкент, 2017. Б. 66.
9. Бернштам. А.Н. Кенкольский могильник. Археологические экспедиции Государственного Эрмитажа. Вып. II. Л., 1940. С. 29.

МУҲАММАД ИБН МУСО ХОРАЗМИЙ: ДАВРИ, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ, ИНТЕЛЛЕКТИ

Бахтиёр ТУРАЕВ - фалсафа фанлари доктори, профессор Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази (Самарқанд)
E-mail: turaev-2008@mail.ru

Буюк ўзбек олими Муҳаммад Мусо Хоразмий - жаҳон интеллектуал цивилизацияси тараққиётининг бурилиш нуқтасини яратган мутафаккир

ХОРАЗМИЙ ДАВРИ

Хоразмий яшаган давр араб халифалиги бутун Мовароуннахрни босиб олган даврга тўғри келади. Маълумки, араб истилочилари Кутайба ибн Муслим раҳбарлигида 712 йили Хоразмни ҳам босиб олади [1,6] ва бир неча йил ичида шафқатсизлик билан хоразмликларнинг қадимий китоблари, қўлёзмаларини йўқотишга, қадимий билимга эга бўлган мутафаккирларни қатл қилишга эришади. Хоразм халқи бунинг оқибатида ўзининг ашъвий тарихидан батамом жудо бўлади. Хоразмликлар фақатгина оғиздан-оғизга ўтувчи оғзаки тарихгагина эга бўлиб, хотирасини сақлашга зўр беришади. Бу ҳақда Абу Райҳон Берунийнинг "Осори ал-боқия" асаридан маълумот олиш мумкин. Араб халифалиги бутун Марказий Осиёга мустақкам ўрнашиб олган, илм-фан учун фақатгина араб тилида ривожланиш имконияти қолади. Натижада исломнинг ягона ҳукмронлиги остида бутун дунёда эришилган илм-фан ютуқларини араб тилига таржима қилиш жараёни бошланди. Бу борада Марказий Осиё олимлари ўзларида қадимги юнонлардан, ҳиндлардан ва хитойлардан келган илмларни араб тилига таржима қилиш билан шуғуллана бошлади.

Абу Абдуллоҳ (Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Мажусий (780-850) 780 йили Хоразмнинг Хива шаҳрида дунёга келган ўзбек фарзанди бўлиб, ҳозир инсониятга маълум бўлган адабиётларда уни араб тилида битилган илмий меросига асосланиб, араб олими, ёки янада мавхумроқ қилиб мусулмон олими деб келишган. Аслида Хоразмийнинг отаси туркий уруғларга мансуб бўлган ҳарбий амалдор бўлиб, илм-маърифатга ҳурмат билан қаровчи, уйда турли халқларга мансуб қўлёзмаларни сақловчи коллекционер инсон бўлган. Унинг уйда қадимги юнонча, яҳудийча, сурёнча, санскритча ёзувлар, папирус қоғозлар, дарахт пўстлоғига ёзилган ноёб хатлар сақланарди. Муҳаммад ана шундай хонадонда, илм-маърифатга ҳурмат кучли бўлган хонадонда ақлини таниди. Хоразмий яшаган муҳит Ўрта Осиёда араб халифалиги ўрнашиб олган, истилочилик давридаги парокандалик бироз тугаб, фан ва маданият раванқига яна изга тушаётган бир давр эди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Хоразмийдек буюк олимларнинг пайдо бўлишига у яшаган даврнинг таълим тизими, мусулмон ахлоқий қадриятларига таянган социал муҳит ва ижтимоий-маданий, ахлоқий шарт-шароитлар сабаб бўлган. Мутафаккир яшаган даврда юртимизда қадимдан расм бўлиб келаётган интенсив узлуксиз таълим тизими шаклланган эди [2,25]. Бу таълимнинг асосида: таълим ва тарбиянинг узвий боғ-

Аннотация

В статье анализируется сведения об эпохе, когда жил великий ученый-энциклопедист Мухаммед ибн Муса Хорезми, социальные условия, образовательная система, жизнедеятельность, творчество, произведения и об интеллектуальных способностях ученого.

Ключевые слова: Хорезми, "Дом мудрецов", математическая наука, алгебра, десятичная система исчисления, цифра - ноль.

Abstract

The article analyzes information about the era where the great encyclopedic the scientist Muhammad ibn Musa Khorezmi lived. It analyzes social conditions, the educational system, life, creativity, works and the intellectual abilities of a scientist.

Keywords: Khorezmiy, "House of Wise Men", mathematical science, algebra, decimal calculus, digit zero.

лиқлиги, бу - биринчидан; иккинчидан, таълимнинг асосида хотирани мустақкамлашга алоҳида эътибор бериш (араб истилочилари ўтмиш авлодлардан қолган илмларни унутишга мажбур қилгач, бу илмларни хотирада сақлашга мажбур бўлишган) [3,76]; учинчидан, математик билимлар билан грамматикага, тил қоидаларига оид ва мантиққа оид билимларни узвий бирликда олиб қараш (ҳар иккала фан мантиқий боғланган бўлиб, уларни пухта ўзлаштириш тафаккурни чиниқтирган); тўртинчидан, таълимнинг мафкурадан мустақил бўлиши (мустақил таълим тафаккур эркинлигига йўл очган); бешинчидан, таълим олувчиларнинг бир вақтнинг ўзида бир қанча тилларни ўзлаштириши (тарихда Ибн Муборак Марвазий, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий сингари олимларнинг жуда кўп тилларни яхши билиши қайд этилган, кўп тилларни билиш фикр доирасини кенгайтирган); олтинчидан, мавжуд тузум ҳукмдорларининг мамлакатда илм-фан раванқидан манфаатдорлиги (бадавлат ҳукмдорлар истеъдодли олимларга ҳомийлик қилган) каби омиллар ётган.

Илк ўрта асрларда Қадимий Ўзбекистон ҳудудида муҳасамлашган қадимги Турон (туркий) цивилизациясига қадимги юнон маданияти (эллинистик маданият орқали), қадимги форсий маданият (Эрон ва Хуросон орқали), қадимги Бобил ва Шумер маданияти (араблар орқали), қадимги яҳудийлик аънаналари (мусавийлик этиқоди орқали), буддавийлик маданияти (қадимги Кушонлар маданияти орқали), шарқдан қадимги Япония, Курия (Корея), Чин (Хитой) маданий қадриятлари ва ғарбдан Европа халқлари маданияти (Буюк ипак йўли орқали) таъсир қилиб юксак синтетик маданият шаклланган эди. Ўрта асрлар синтетик маданияти қарор топган шароитида жамиятда илм-маърифат ниҳоятда юксак қадрланган, кишиларнинг бир вақтнинг ўзида 4 дан ортиқ хилма-хил тилларда мулоқот қилишига шароитнинг ўзи мажбур қилган (Буюк ипак йўли орқали карвонларда турли тилларда гапирувчи савдогарлар қатнаган экан, карвонсаройларда уларга мезбонлик қилиш, хизмат кўрсатиш учун савдогарларнинг тилини тушуниш зарурият эди) [4]. Бундай маданий муҳит ўзига хос таълим тизимини ҳам шакллан-

тирган бўлиб, бу таълим тизими Хоразмийдек улуф алломаларнинг етишиб чиқишига замин бўлган.

Мусо Хоразмий асосий фундаментал билимларни ўз юрти Хоразмда эгаллаган. Отаси ҳарбий санъатни эгаллаган, ўқимишли инсон бўлиб, ўз аждодлари тарихида ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган инсон бўлган. Унинг ота-боболари чамаси, манбаларга кўра мажусийлардан бўлган. Унинг исмдаги "Абу Абдуллоҳ Муҳаммад" жумлалари исломга янги ўтган шахслардан эканлигига ишора, Хоразмийнинг отасининг ўз исми абу-Жаъфар бўлиб, исломни қабул қилгач, "Абу Абдуллоҳ" деб ўзгартирилган ҳамда ўз ўғлига "Муҳаммад" деб исм қўйган. Ота-боболари мажусийлардан бўлганлиги сабабли, Хоразмийнинг исми "ал-Мажусий" сўзи билан якунланади [1,8]. Хоразмийнинг илмий салоҳияти гарчи ўз она юрти Хоразмда шаклланган бўлса ҳам, унинг иходий камолоти дастлаб Марвда, кейин араб мамлакатларида ва асосан Бағдодда ривожланган.

ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАР

Дамашқ ва Бағдод ўрта асрлар илм-фан маркази бўлган. Бу даврларда Хуросоннинг илм-фан маркази Марв шаҳри эди [Марв ундан кейин ҳам Марказий Осиёнинг энг обрўли илм-маърифат марказларидан бири бўлиб қолаверган. Марвда йирик ибодатхоналар, олий мадрасалар, катта кутубхоналар фаолият олиб борган]. У жойда халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли ва тахт волийси ал-Маъмун (813-833) ҳукмронлик қиларди. Ал-Маъмун ҳам отаси сингари илм-маърифатни қадрловчи инсон бўлганлиги сабабли, Марвда тез-тез олимларнинг мунозараларини ташкил этиб турган. Бу мунозараларда, айниқса, туронюрт алломалари, Мароканда ва Хоразмдан келган олимлар етакчилик қилишарди. Хоразмий ҳам шу олимлар қатори Марвга таклиф қилинган.

Дастлаб араб халифалигининг маркази Дамашқ шаҳрида эди. Дамашқда ўша даврларда мадрасалар, кутубхоналар ташкил этилган, Византиядан келган моҳир таржимонлар бор эди. Улар юнон олимларининг асарларини суриён тилига таржима қилишар эди. Улар орасида Ф.Сезгиннинг маълумотига қараганда, Север Себохт (7-а.), Жиржис Усқуф (7-а.), Яъқуб ар-Рухавий (640-702) ва бошқалар бўлиб, улар Птоломейнинг "Алмагест", "Тетрабиблиос" каби асарларини, Александриялик Теоннинг (4-а.) Птоломей асарларига шарҳларини ва бошқа кўплаб ноёб асарларни таржима қилишган [5].

813 йили ал-Маъмун акаси ал-Аминдан Бағдод халифалиги тахтини енгиб олгач, 819 йили Хоразмий ҳам Маъмун билан Бағдодга кўчиб боради. Маъмун ўзи билан меъморлар, хунармандлар ҳамда Туркистонлик бир гуруҳ машхур олимларни ҳам эргаштириб борган. Улар орасида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Яъъё ибн Абу Мансур, ҳабаш ал-Хосиб ал-Марвазий, Холид ал-Марварудий, ал-Аббос ал-Жавҳарий [6, 207-208] сингари интеллект юксак даражали олимлар бўлган. Хоразмий бу олимларнинг сардори сифатида Хорун ар-Рашид даврида бунёд қилинган "Байт-ул ҳикмат" ("Донишмандлар уйи") кутубхонаси базасида ташкил этилган илмий академияга раҳбарлик қилган. Хоразмийнинг серқирра аналитик тафаккури, кенг дунёқараши, хотира кўлами, ўткир мушоҳада қобилияти унинг ана шундай нуфузли илм даргоҳига раҳбарлик қилишида асқотган. Туркистонлик олимлар бу академиянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари эди. Улар ўрта Осиёнинг қадимий ва самарали таълим тизимидан озуқа олишганлиги учун ҳам Бағдодда тўпланган илм аҳлига устозлик қилишган. Бу академияда олимлар турли фан соҳаларида (математика, астрономия, ҳандаса, тарих, фалсафа, мантиқ, тиббиёт, манбашунослик, диншунослик ва бошқа табиий ва

ижтимоий фанлар соҳасида) изланишлар олиб боришган.

ИНТЕЛЛЕКТИ

Хоразмий на фақат араб фани ва маданиятининг юксалтиришга раҳнамолик қилиб қолмай у бутун жаҳон математика илми тараққиётига ҳам буюк ҳисса қўшган олимдир. Олимнинг математика фанига оид кўпгина ғоялари айни пайтда унинг сафдошлари томонидан ҳам ривожлантирилган. Масалан, Хоразмийнинг тригонометрик ҳисоб-китоблари ҳабаш ал-Хосиб ал-Марвазий томонидан такомиллига етказилган [7,7].

Хоразмий ёзган асарларнинг бир қанчаси бизгача етиб келган. Улар:

1. Хинд ҳисоби ҳақидаги китоб (Арифметикага оид рисола. Кўшиш ва айириш ҳақидаги китоб);
2. Ҳисобни тўлдириш ва қарама-қаршисига ажратиш ҳақида мухтасар китоб ("Китоб ал жабр ва л-муқобала");
3. Астролябия ёрдамидаги амаллар ҳақидаги китоб ("Китоб ал-амал би-л астурабат") - бу китоб тўлиқсиз шаклда Аҳмад Фарғонийнинг астрономияга оид асарига илова сифатида киритилган ва унинг 41-42 қисмларига намоз вақтларини аниқлашга ёрдам берувчи махсус циркулни ясаш усули ҳам берилган;
4. Кўёш соатлари ҳақидаги китоб ("Китоб ал-руҳама");
5. Ер сурати ҳақида китоб ("Китоб сурат ал-арз");
6. Яҳудийларнинг эраларини ва байрамларини аниқлаш рисоласи ("Рисала фи истихраж тарих ал-яхуд ва ядид-хим");
7. Астолябия ясаш ҳақидаги китоб. Бу китоб ҳақида манбаларда айтилади, аммо у топилмаган;
8. Астрономик жадваллар ("Зиж");
9. Тарихлар китоби - машхур кишиларнинг толеълари (гороскоплари) берилган [8].

Америкалик фаншунос олим Жорж Сартон Хоразмийга бежиз "ўз замонасининг ва барча замонларнинг энг буюк математигидир" [9,209] деб таъриф бермаган. Хоразмий жаҳон ҳисоблаш системасига ҳиндларнинг ўнлик санок системасини олиб кирди. Бу иш бутун инсоният цивилизацияси тарихида буюк бурилиш ясаган. Ўша пайтларда дунёда расм бўлган рим рақамлари мураккаб математик амалларни бажаришда ноқулайлик туғдирар, ҳисоблаш жараёнини мураккаблаштирар эди. Хоразмийнинг нуль (цифр) рақамини қўшиб ўнлик санок системасини истеъмолга киритиши бутун инсониятни сон-саноксиз мураккаблик ва чалкашликлардан озод қилиб, ҳисоблаш техникасида инқилобий ўзгариш ясади.

Хоразмийнинг алгебра фанини кашф қилиши ва тенгламаларни ечиш усуллари ҳақидаги назарияси, тригонометрик ҳисоб-китоблари кейинчалик ҳозирги замон фанларининг ажралмас қисми ҳисобланган дифференциал ва интеграл тенгламалар системасининг шаклланишига бевосита асос бўлиб хизмат қилган. У алгебра фанига чизиқли квадрат тенгламаларни ечиш методлари ҳақидаги фандир деб таъриф берган.

Хоразмий квадрат тенгламаларни ечишнинг 6 босқичли кетма кетлик тартибини ишлаб чиқди. Бу тартиб куйидагича: $ax^2 + bx + c = 0$

"квадрат" "илдиз"га тенгдир: $ax^2 = bx$ (масалан: $5x^2 = 10x$)

"квадрат" эркин ҳадга тенг $ax^2 = c$ (масалан: $5x^2 = 80$)

"илдиз" эркин ҳадга тенг $bx = c$ (масалан: $4x = 20$)

"квадрат" ва "илдиз" эркин ҳадга тенг $ax^2 + bx = c$ (масалан: $x^2 + 10x = 39$)

"квадрат" ва эркин ҳад "илдиз"га тенг $ax^2 + c = bx$ (масалан: $x^2 + 21 = 10x$)

"илдиз" ва эркин ҳад "квадрат"га тенг $bx + c = x^2$ (масалан: $3x + 4 = x^2$) [8]

Хоразмий алгебраси янги давр фан инқилобининг асосини ташкил этган классик механикада ва умуман янги

давр фан тараққийнинг барча соҳаларида математик пойдевор ҳисобланади. Бутун дунёни забт этиш сари йўл олган Испанларнинг кемалари ҳам, Колумб ва Магеллан саёҳатлари ҳам Хоразмий математикаси туфайли амалга ошган, чунки мураккаб алгебраик ҳисоб китобларсиз океанлардан сузиб ўтувчи катта кемаларни қуриш, денгизлардаги навигацион ҳисобларни амалга ошириш мумкин эмас эди [10]. Айрим европалик олимлар, Хоразмийнинг бу кашфиётининг қийматини атайлаб камситишга интилиб, "у бу тенгламаларни қадимги юнон математиги Мисрлик Диофант Александрийский (1-аср)дан олган дейишди, аммо Диофант тенгламалари содда арифметик тенглама даражасидаги ҳисоб китоблар эди. Хоразмий эса чизиқли икки номаълумли тенгламаларни ечиш усуллари ишлаб чиққан.

Хоразмийнинг ҳисоблаш тартиби ҳақидаги алгоритмик йўл йўриқлари эса бугунги кунда замонавий электрон ҳисоблаш техникасининг асосий мантиқий ўзаги бўлиб хизмат қилмоқда [11,664].

Хоразмий йирик илмий тадқиқотлар ташкилотчиси. У Марвда ва Бағдодда олимлар тўғрагига раҳбарлик қилган. "Байтул ҳикма" кутубхонасига мудирлик қилган [12, 187]. Марвдалигида ҳам у ҳукмдорлари топширигига мувофиқ китоб йиғиш учун урта илмий экспедиция уюштиради. 1-экспедиция 830 йили ғарбий Ҳиндистонга [13, 187], 2-экспедиция Румга (Византияга) юборилган бўлиб, унинг мақсади Эфес (Афсус) шаҳри яқинидаги ғор билан боғлиқ "Асҳоби Каҳф" ҳақидаги ривоятни аниқлаш бўлган [14,7], 3-экспедиция Хазарияга - Волганинг қуйи

оқимида жойлашган ўлкага уюштирилган эди [14,7]. У бу илмий экспедицияларнинг асосий етакчиси эди. Бағдоддаги "Донишмандлар уйида" ҳам географик карталар чизиш учун турли илмий экспедиция ташкил қилган. У Халифа ал-Маъмун топширигига биноан Ер шари ҳажми ва айланаси узунлигини ўлчаш инструменти яшашга киришади ва ер меридиани узунлигини ўлчашга киришади ҳамда 827 йили Ироқ ва Сурия орасидаги Синжар тоғи ёнбағридаги чўлда ер меридиани ёйининг 1 градусли узунлигини ўлчайди, бу ўлчам қиймати кейинги 700 йил давомида ўзгаришсиз қолади [8].

Хоразмий бир қанча географик кашфиётлар муаллифи ҳам. У хассос тарихчи сифатида Хоразмнинг исломгача бўлган тарихини ёзган тарихчи, ислом динида фароиз, яъни меросни тўғри тақсимлаш илмининг бошловчиларидан бўлган. У биринчилар қаторида картография илмига асос солди, бу борада у юнон географлари хариталаридан устувор бўлган хариталар чизган. Хоразмийнинг математик асарлари ва астрономик жадваллари бугунги кунгача инсониятга фаол хизмат қилмоқда. Унинг астрономик жадваллари дастлаб европа тилларига (лотинча ва инглизча), кейинчалик эса хитой тилига ҳам таржима қилинган [Ибрагим Сеид. Аль-Хорезми - отец алгебры. Ислам для всех!. Дата обращения 3 мая 2013. Архивировано 10 мая 2013 года].

Демак бугунги кун интеллектуал цивилизациясининг бурилиш нуқтаси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мусо ал Хоразмий асарларидан бошланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳмедов А. *Хоразмий ижодида математик фанлар // Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар: математика, астрономия, география. Т.:Фан, 1983. Б.6.*
2. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. *Истоки идеи непрерывного образования и современных технологий обучения в учении Исмаила аль-Бухари. Т.:Fan va texnologiya, 2012. С.25.*
3. Беруний. *Танланган асарлар. 1-том. Т.:Фан, 1968. Б.76.*
4. Беруний. *Тарихлар моҳияти// Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар том 1. Т.:Фан, 1968. Б.68-72.*
5. Fuat Sezgin. *GAS. Bd. VI, Leiden, 1978, ss. 111-115.*
6. Матвиевская Г.П. *Выдающийся математик Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми. //Муҳаммад ибн Мусо ал-Хорезми. Математические трактаты. Т.:Фан, 1983. С.207-208.*
7. Матвиевская Г.П., Тллашев Х. *Математические и астрономические рукописи ученых Средней Азии X - XIII вв. Т.:Фан, 1981.С.7.*
8. <https://www.ru.wikipedia.org>
9. Sartori G. *Adrian von Romens' commentary on Al-Khwarizmi (c. 1598), Isis, vol. 21, 1934. P.209.*
10. Булгаков П.С., Розенфельд Б.А., Аҳмедов А. *Муҳаммад ал-Хорезми. М., 1983.*
11. Кабулов В.К., Файзуллаев О.Ф., Назиров Ш.А. *Ал-Хорезми, алгоритм и алгоритмизация.Т.:Фан, 2006. 664с.*
12. Ибн ал Қифтий. *Китаб ахбар ал-улама би ахбар ал-ҳукама. Ғоҳира, 1326х/1908м. Б.187.*
13. Солиҳ Закий Осори боқия (туркча). *1-жилд. Истамбул 1329х/1911м. Б.247. Ибн ал ғифтий. Китаб ахбар ал-улама би ахбар ал-ҳукама. Қоҳира, 1326х/1908м. Б.187.*
14. Салье М. *Муҳаммад ал-Хорезми - великий узбекский ученый. Ташкент, 1954. Б.7.*

ЎЗБЕКИСТОНДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Саодат ТОШТЕМИРОВА - ўқитувчи
Чирчиқ давлат педагогика институти

Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг энг аянчли жараёнларидан бири ХХ асрнинг 20-30 йилларидаги қишлоқ хўжалигини ёппасига босқичма-босқич коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва қулоқ қилинганларни сургун қилиш бўлди. 1925 йил 2 декабрда Ўзбекистон ССР МИКнинг фавқулодда сессиясида Ер ва сувни миллийлаштириш тўғрисидаги декрет қабул қилинганидан сўнг, 1929 йилгача Ўзбекистонда помешчик туридаги 4801 та хўжалик тугатилди, 23036 та хўжаликнинг ортиқча ери мусодара қилинди.

Ўзбекистонда коллективлаштириш ЎзКП МҚнинг 1930 йил февралда қабул қилинган "Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш" тўғрисидаги қарори эълон қилингандан сўнг бошлаб юборилди [1,448]. Бу сиёсат натижасида мамлакатимизнинг кўп қишлоқларида яшайдиган аҳолининг аксарияти уй-жойидан, ватанидан, яқин инсонларидан айрилиб, қамоққа олинди, узок ўлкаларга сургун қилинди. Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгандан сўнг, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар давомида Совет ҳокимияти даврида қатағон қилинган ватандошларимизнинг номларини оқлаш бўлди.

Бугунги изланишимизнинг натижаси бевосита мустақиллик давридаги юқоридаги мавзунинг ўрганилишига доир мулоҳазалар ҳисобланади. Совет ҳукмронлиги давридаги адабиётлар коммунистик мафкура ғоялари таъсирида битилган бўлиб, уларда Ўзбекистон қишлоқларида амалга оширилган аграр ўзгаришлар, коллективлаштиришни амалга оширишдаги мураккабликлар ва бу сиёсатга нисбатан халқнинг норозилик кайфияти келтирилмаган. Ўзига тўқ бўлган деҳқон хўжаликларининг тугатилишига ижобий муносабат билдирилган.

Совет давлатининг коллективлаштириш қулоқлаштириш ва унинг оқибатлари истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида кўплаб тарихчиларимизнинг тадқиқот мавзуларига айланди. Чунки бу мавзуни холисона, асл моҳияти билан ўрганиш тарих фани тадқиқотидаги долзарб масалалардан эди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мавзу тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотлар янгича услуб асосида вужудга келди. Бу ўринда академик Р.Х.Аминова томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. У ўз тадқиқотида мазкур мавзуни тамомила янгича методология, янгича руҳда ёритишни, коллективлаштириш сиёсатининг қишлоқлар ҳаётига татбиқ этилишининг

Аннотация

В данной статье рассматриваются вопросы историографии, политика коллективизации, раскулачивания и их последствия в 20-30 -е годы XX века в Узбекистане.

Ключевые слова: коллективизация, раскулачивание, изгнание, репрессии, трагедии кишлака, вынужденные силы труда, "Большой террор", "Троицкий".

Abstract

This article discusses historiography in the period of independence the policy of collectivization, dispossession and its consequences in the 20-30-ies of XX century in Uzbekistan.

Keywords: collectivization, dispossession, exile, repression, the tragedy of the village, forced labor forces, "Great terror", "Trinity".

салбий томонларини далиллар асосида исботлаб, совет давлатининг бу сиёсатини кескин қоралади.

Бу муносабатнинг давоми сифатида 1917-1937 йиллардаги ўзбек қишлоғининг ҳолати, қишлоқларда олиб борилган сиёсатнинг салбий оқибатлари, деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқларини чеклаш, уларни тугатиш, қулоқлаштиришнинг янги асослари А.А.Голованов тадқиқотида ҳам ўз аксини топди.

Кейинги йилларда совет ҳукмронлиги даврида амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, қатағон сиёсатларини ўрганиш ва холис тарихни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги "Қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги "Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори ҳуқуқий асос бўлди. Буларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Республика "Шаҳидлар хотираси" ва Андижон "Мерос" хайрия жамғармаси олимлари хорижий архивлардаги Ўзбекистонга оид манбаларни ва Республика архивларидаги мавзуга оид ноёб ҳужжатларни мазмун моҳиятига кўра, хронологик тартибда тизимлаштириш бўйича кенг қўламдаги изланишларни олиб бордилар. Уларнинг саъй ҳаракатлари натижасида нашр этилган "Ўрта Осиё қишлоғи фожияси: коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун 1929-1955 йй." номли архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламида Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон ва унинг вилоятларида амалга оширилган аграр ва қатағон сиёсатидан жабр-зулм кўрган таниқли партия, давлат ва жамоат арбоблари, раҳбар ходимлар, зиёлилар, маориф ходимлари, қишлоқлардаги деҳқон фожеалари, махсус лагерларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳолати каби масалалар архив ҳужжатлари асосида очиб берилган. Жумладан, Тошкент вилояти Янгийўл районида 81 та қулоқ хўжалиги 3-тоифа бўйича кўчирилганлиги, кўчирилган хўжаликларда 98 та меҳнатга яроқли эркаклар

бўлганлиги, кўчирилганларга 100 гектар ер ажратилганлиги, посёлкада турар жойлар қуриш бошланганлиги ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва озиқ-овқат таъминоти йўлга қўйилмаган [2, 139] лиги каби маълумотлар эътиборга лойиқ. Айниқса, коллективлаштириш ва у билан боғлиқ кулоқлаштиришнинг оқибатлари, хўжаликларни Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиш, кулоқларни такроран қатағон қилиш бўйича йиғилган архив ҳужжатлари асосида ёритилган бўлиб, мавзу тадқиқоти бўйича амалга оширилган катта ютуқлардан бири бўлди ва унинг тарихшунослигидаги асосий манбалардан ҳисобланади. Тўплам 3 жилд, 5 бўлимдан иборат, 1-жилдга Ўрта Осиё республикаларида амалга оширилган мажбурий коллективлаштириш ва деҳқонлар оммасининг колхозлаштиришга қарши ҳаракатлари, кулоқлаштиришнинг моҳияти ва унинг амалга оширилиши кўрсатилган 243 та ҳужжат киритилган. 2-жилдда деҳқонларнинг сургун ва депортация қилиниши, шунингдек, Ўрта Осиё, Украина, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қозоғистонда совет режими томонидан ташкил қилинган махсус меҳнат посёлкалари ҳақидаги 233 та ҳужжат, 3-жилдда "кулоқ" қилинганлар тақдирига бағишланган бўлиб, уларнинг қайта қатағон қилинишига оид 168 та архив ҳужжатлари, мажбурий меҳнат кўчкдиларининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, "кулоқ"ларнинг озод қилиниши каби мавзуларга ажратилган [3, 33] ҳолдаги маълумотлар келтирилган.

Бевосита шу тўпламнинг давоми сифатида 2007 йилда Ўрта Осиё коллективлаштириш сиёсатининг "Катта террор" йилларидаги фожеасини акс эттирган 147 та архив материалларидан иборат, нафақат республика, вилоят архивларидаги ҳужжатлар ҳам киритилган яна бир муҳим тўплам нашр этилди [4, 500] ва бу тўпламларнинг нашр этилиши Ўрта Осиёнинг XIX аср 20-30-йилларидаги тарихини, айниқса, қишлоқлар ижтимоий аҳволини илмий, объектив ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистонда 1937-1938 йиллардаги "катта террор"нинг асосий ҳужуми "собиқ кулоқлар"га қаратилган эди. 20-30 йилларда кулоқлаштирилган, қамоққа олинган ва узоқ ўлкаларга сургун қилинган "собиқ кулоқлар" "катта террор" йилларида яна қайта "қиргин" қилинди. Уларнинг бир қисми "учлик" қарорлари билан отиб ташланди, яна бир қисми эса узоқ муддатларга меҳнат тузатув лагерларига ҳукм қилинди. Айнан шу қатағон қурбонларини аниқлаш, уларнинг тақдирини ўрганиш борасида мамлакатимизда самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада Р.Т.Шамсутдинов раҳбарлигида "учлик" қарори билан қатағон қилинганларнинг архив маълумотларидан иборат 5 та китобнинг нашр этилиши алоҳида таъкидлаш керак.

Тўпламнинг биринчи китоби "Ўзбекистонда қатағон қурбонлари хотирасини абадилаштириш" бўлими билан бошланган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ўрин олган. Кейинги бўлимларда ВКП (б) МК Сиёсий бюроси ва НКВД нинг 1937 йил 30 июлдаги № 00447 сонли буйруғи ижроси бўйича суд-тергов ҳужжатлари ўрин олган [5, 288].

Иккинчи китобнинг "Қатағон даҳшатлари" деб номланган биринчи бобида совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги оммавий жараёнлари ёритилган. "Учликнинг мудҳиш ҳукмлари" деб номланган иккинчи бобида ЎзССР НКВД "учлиги"нинг 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлиб ўтган 20 та йиғилиши баённомаси киритилган, жумладан, 1937 йил 3 ноябрдаги 30-баённомасида Тошкент вилоятида қатағон қилинганлар тўғрисида архив материаллари асосида илмий маълумотлар келтирилган. ЎзССР ИИХК Бекобод район бўлими тақдим қилган 5176 - сонли иш бўйича Бекмуродов Фойибназар (1875 й.т., Бекобод райони Бекобод қишлоғидан, безорилик ва

босмачилиги учун 2 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Бир неча маротаба безорилик ва босмачилиқда, колхозчининг ҳаётига қасд қилганликда ва ҳалқ судьясини калтаклаганликда айбланган [6, 363].

Учинчи китоб ЎзССР НКВДнинг учлигининг 1937 йил 13 ноябрдан 28 ноябргача бўлган даврдаги йиғилишларининг 33-37, 43 баённомаларини ўз ичига олган бўлиб, эълон қилинган баённомаларда қатағон қилинган 1611 киши ҳақида биографик маълумотлар келтирилган. Ушбу китобда ҳам Тошкент вилоятининг кўплаб туманларида, жумладан, Чирчиқ, Қибрай, Пскент, Бўстонлик ва бошқа туманларида "катта террор" йилларида НКВДнинг буйруғи билан узоқ муддатли меҳнат кузатув лагерларига ҳукм қилинган кулоқлар, аксилнқилобчилар материаллари келтирилган. Жумладан, 35-баённома билан ЎзССР НКВД Чирчиқ район бўлими тақдим қилган 4913-сонли иш бўйича Холмирзаев Турсунбой, 4915-сонли иш бўйича Мақсудов Ҳайдар, 4916-сонли иш бўйича Мирзабашев Парфибой, 4914-сонли иш бўйича Ахмедов Одина ва бошқа бир гуруҳ инсонларни 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагерларига ҳукм қилинганлиги тўғрисида архив материаллари асосидаги маълумотлар келтирилган [7, 270].

Тўртинчи китобда ЎзССР НКВД учлигининг 1937 йил декабрдаги барча йиғилишларининг 44-85 баённомалари эълон қилинган бўлиб, улар қатағон қилиш асосан қишлоқ аҳолиси, бой деҳқон хўжалиқларига қаратилганлигидан далолат беради. Жазога ҳукм қилинганларнинг 62 % ини, яъни 2822 кишини собиқ кулоқлар ва уларнинг фарзандлари ташкил этгани ҳужжатларда ўз аксини топган. 1937 йил 2 декабрдаги 47 баённома билан ЎзССР НКВДнинг Куйи-Чирчиқ район бўлимида 27 нафар, Оққўрғон район бўлимида 8 нафар, Паркент район бўлимида 28 нафар, Орджоникидзе район (ЎзССР қалқ хўжалигини ҳисобга олиш нашрининг 1935 йил 1 сентябрдаги ҳолат бўйича ЎзССРдаги аҳоли жойлашган пунктларнинг рўйхатида илова сифатида берилган маъмурий харитасида Тошкент вилоятининг Қибрай, Чирчиқ туманларига тегишли кўпгина хўжалиқлар Орджоникидзе районига таркибида бўлганини кўрсатади [8, 6]) бўлимида 14 нафар ва яна бошқа бир қатор туманлардан кўплаб инсонлар коллективлаштириш сиёсатининг қурбонига айланишди [9, 178].

Совет ҳукуматининг бу аянчли сиёсати масалалари яна бир қатор тадқиқотларда таҳлил қилинди. Жумладан, О.Назаров тадқиқотларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг XX аср 20-йиллар охири - 30 йиллар бошларидаги аҳволи, иқтисодиёти, коллективлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари илмий асосларда ёритилган [10, 148].

Коллективлаштириш сиёсати натижасида кулоқ қилинган хўжалиқларнинг Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилиниши, буни амалга оширилишидаги муаммолар, бу ўлкалардаги шароит, очарчилик, бундай муносабатга нисбатан норозилик ҳаракатлари А.Мамажонов тадқиқотида турли манба ва адабиётлар, архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилиб берилди [11, 28].

Қозоғистонга сургун қилинганларнинг ҳаёти ва тақдирини ўзида акс этган М.Ақбарова тадқиқоти ҳам мавзу тарихшунослигига ўз ҳиссасини қўшди [12, 36].

Х.Р.Курбанов ўз изланишида 1929-1938 йиллар давомида ҳозирги Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари масаласини ўрганиш, қатағонлар моҳиятини янада чуқурроқ идрок этиш масаласини муҳим вазифа сифатида қабул қилган ва уни илмий асослаб берган [13, 31].

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш давридаги сиёсий қатағон ва унинг оқибатлари масаласи тадқиқотчи Б.Расуловнинг ишида ҳам ёритиб берилган. Бу тадқиқотда бирламчи манбалар асосида Ўзбекистонда коллектив-

лаштиришнинг ўтказилиши, қулоқ хўжалиklarини тугатиш ва сургун қилишдаги репрессив метод ва механизмлар, сургун натижаси, қишлоқлар таркибий тузилмасидаги ўзгаришлар, меҳнат тузатув лагерларига сургун қилинган ўзбек деҳқонларининг турмушига оид муҳим маълумотлар келтирилган [14, 270].

Сўнгги йилларда ҳимоя қилинган М.Абдуллаевнинг тадқиқотида 1930-1954 йилларда Ўрта Осиёда қулоқ оилалари сургун қилинган махсус посёлкаларнинг тизим сифатида қарор топиши ва фаолиятини, "махсус кўчирилганлар"нинг сургундаги фожиали қисматини очиб берган [15, 38]. Бу тадқиқот натижасида Ўрта Осиё Республикаларида қулоқ хўжалиklarини сургун қилиш жараёни, махсус кўчирилганларнинг сургун жойларидаги қисмати масаласи яхлит муаммо сифатида тадқиқ қилинган монография тақдим этилди. Монография бевоқиф мавзуга оид бирламчи манбалардан, Россия Федерацияси архив ҳужжатлари ва материалларидан, Ўзбекистон Республикаси Президент девони архиви 58-фондида сақланаётган Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнида қулоқ хўжалиklarининг тугатилишига доир ҳужжатлардан ва Ўзбекистон Республикаси ИИВА 32-фонди материалларидан самарали фойдаланилган ҳолда илмий қимматга бой маълумотларни келтириб ўтган. Унга кўра, 1938 йил 1 январдаги Ҳрта Осиё меҳнат посёлкалари дислокацияси ва меҳнат кўчиндилари ҳақидаги маълумотга кўра, Ўрта Осиёда жами 51 та меҳнат посёлкалари мавжуд бўлиб, улардан 14таси Ўзбекистон ССРда бўлганлиги, шунинг 8таси ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудида бўлган. Сталин номли (Оққўрғон райони) меҳнат посёлкасида 403 оила, 1557 киши, "Ўзбекистон 5 йиллиги" номли (Қуйи-Чирчиқ райони) меҳнат посёлкасида 330 оила, 1428 киши, №10 боғдорчилик совхози (Янги йўл райони) меҳнат посёлкасида 109 оила, 362 киши, ЦОС-НИХИ (Янги йўл райони) да эса 42 оила, 214 киши, Элита хўжалиги (Янги йўл райони)да 52 оила, 238 киши, Сабзавотчилик совхози (Янги йўл райони) да 18 оила, 58 киши, "Далварзин" (Бекобод райони) да 630 оила, 2458 киши ва Джержинский номли колхоз хўжалиги артели (Бекобод райони) меҳнат посёлкасида 292 оила, 850 кишидан иборат сиёсий қатагон қилинган деҳқон хўжалиklари жойлаштирилган [16, 145].

Мавжуд адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлилига кўра, сўнгги йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилишнинг қатагон сиёсати тарихини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва уларнинг натижаси ўларок, мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги бойитилган. Шу билан бир қаторда бу давр сиёсати тарихи очиб берилган тадқиқот изланишлари ҳали ҳам етарли даражада эмас, айниқса, шу давр қатагонлик сиёсатининг республика вилоятлар бўйича илмий тадқиқотларни марказлаштирган ҳолда, даврий босқичма-босқич янада чуқурроқ илмий таҳлил қилиш, ҳар бир ҳудудда қатагон қурбонлари хотираларини абадийлаштириш, хотира китобини яратиш каби вазифалар бугунги куннинг муҳим жараёнларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Ўзбекистон тарихи. Р.Ҳ.Муртазаевнинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: ҲАЖБНТ. 2003.*
2. *Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955гг. Документы и материалы. 3-томах. (II том) Под ред. Д.А. Алимовой. -Ташкент: Шарк, 2006.*
3. *Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозогистон сургундаги юртдошлар қисмати. -Т.: "Шарк", 2009.*
4. *Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дусматов Э.П. "Мерос", Андижан, 2007.*
5. *Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1, Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю., отв. Ред. Н.Ф.Каримов. - Т.: Шарк, 2005.*
6. *Шамсутдинов Рустамбек. Қатагон қурбонлари (1937 йил 10 август -5 ноябрь). Иккинчи китоб. Масьул муҳаррир Н.Ф.Каримов. -Т.: Шарк, 2007.*
7. *Репрессия: 1937-38 гг. Документы и материалы. Сост.: Шамсутдинов Р.Т. и др. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 г ноябр -Т.: Шарк, 2007.*
8. *Ўз МДА. 837-фонд, 8-рўйхат, 313-иш.*
9. *Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М., Дусматов Э.П., Курбанов Х.Р.-Шарк, 2008.*
10. *Назаров О.Р. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини оммавий коллективлаштиришнинг ўтказилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1929-1937 йй.) (Тошкент ва Фарғона вилоятлари мисолида): Тарих фан. ном. дисс.... -Тошкент: УзМУ, 2001.*
11. *Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар: Тарих фан. ном. дисс.... автореф. -Андижон: АДУ, 2005.*
12. *Акбарова М. Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан: Тарих фан. ном. дисс.... автореф. -Тошкент: 2010.*
13. *Х.Р.Курбанов. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929-1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). Тарих фан. ном. дисс.... автореф. -Тошкент 2010.*
14. *Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатагонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи. Тарих фан. докт. дисс.... -Т., 2017.*
15. *Абдуллаев М.Қ. "Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сургун қилинган қулоқлар тақдири (1930-1954 йиллар)": Тарих фан. докт. дисс.. автореф. -Тошкент: УзМУ, 2019.*
16. *М.Ф.Абдуллаев. Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сургун қилинган қулоқлар тақдири (1930-1954 йй). Т., "Академнашр", 2018.*

ЎҚУВЧИ СПОРТЧИЛАРНИНГ ИНТИЛИШ ДАРАЖАСИ

Рустам АБДУРАСУЛОВ - психология фанлари доктори, профессор в.б.,
Гулноза ҚАРШИБОЕВА - катта ўқитувчи Жиззах давлат педагогика институти

2019/3-СОҲ

Психология фанида шу кунгача шахсни шакллантириш муаммоси бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Шундай экан, спорт психологияси йўналишида спортчи шахси, спорт фаолияти, спортчининг психологик хусусиятлари, спортчининг психологик тайёргарлиги, спорт машғулотларининг спортчи шахси шаклланишига таъсири, спорт жамоаларида шахслараро муносабатлар, жамоадаги психологик муҳит каби муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан: Л.Шуоюй, К.Дзигоро, Ч.Х.Хи, Э.Герон, В.Навроцкая, В.Дойль, П.Рокушфалви, В.Гошек, В.Норакидзе, П.Рудик, Ю.Палайма, А.Пуни, О.Черникова, А.Родионов, Н.Худадов, И.Онищенко, З.Гаппаров, Р.Гайнутдиновларнинг илмий ишлари мисолида кўришимиз мумкин.

Ўқувчи-ёшларни тарбиялашнинг психологик-педагогик хусусиятлари Л.Выготский, А.Леонтьев, А.Бодалев, Б.Ананьев, М.Давлетшин, Э.Фозиев, Б.Қодиров, Р.Сунатов, Р.Сафарова, Ф.Юзликеев, Э.Юсупов, Ш. Шодмоновларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Кўпгина олимлар томонидан спорт машғулотларининг шахс шаклланишига ҳамда спортчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишида муҳим омил эканлиги (А.Родионов, Н.Худадов, Н.Кунат, В.Сафин, В.Плахтиенко, В.Мельников, В.Мерлин, Р.Пилоян, Ю.Ханин, Р.Гайнутдинов, З.Гаппаров) илмий асослаб берилган.

Спортнинг шахс ижтимоийлашувидаги шакллантирувчи психологик хусусиятларини Л.Шерток, Т.Эксокусто, Р.Кеттелл, Г.Айзенк, Ж.Гилфорд, В.Лобзин, А.Решетников, В.Маришук, Ф.Шоумаров, В.Каримова, Н.Сафаев, М.Куронов, Ш.Қурбонов, У.Иноят, Р.Джураев, Ш.Шарипов, С.Нишонова, О.Мусурмоновларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин.

Психолог олимлар томонидан спорт машғулотларининг спортчи шахсини шакллантиришдаги аҳамиятига оид муаммо бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, аммо спорт жамоаларида психологик муҳитни шакллантириш, жамоада спортчиларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш, спортчиларнинг психологик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари илмий-амалий жиҳатдан долзарблигини йўқотмаган.

Бизга яхши маълумки, чет эл психологиясида "субъектнинг ўзини тутиши бир маромда бўлишида мотивнинг бир қанча функцияси ва табиати хусусиятлари ажратиб кўрсатилган: мотивнинг ундовчи ва йўналтирилган функция-

Аннотация

В статье автор, основываясь на результаты тестового опроса, выявляет уровень притязаний к занятиям восточными единоборствами и боксом, выбору определенного спортивного направления, а также анализирует связь уровня притязаний учащихся в спорте с мотивацией.

Ключевые слова: Восточные единоборства, спорт, бокс, притязания.

Abstract

Based on the results of a test survey, the author identifies the level of claims to martial arts and boxing, the choice of a particular sports direction, and analyzes the relationship between the level of aspirations of students in sports and motivation.

Keywords: Martial arts, sports, boxing, claims.

лари" (Джидарьян И.А., Леонтьев А.Н.). Бу эса бизнинг назаримизда инсон феъл-атворини аниқлаш ва ифода-лаш учун маълум маънода мувофиқ бўлади.

Чет эл психологларидан фарқли ўлароқ (чунки улар инсон фаолияти контекстидан бироз четга чиқиб, биз ўқувчиларнинг аниқ фаолияти контекстида шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланиш жараёнида олинган натижаларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.


Фаолият жараёнида қизиқиш ва мотивларнинг аҳамияти муаммоси олиб борилаётган тадқиқот натижаларида кенг миқёсда очиб берилган [1-86, 2-190, 3-68, 4-168, 5-96]. Қизиқиш ва мотивлар фаолиятда эҳтиёжларни қондирувчи усулнинг асоси ҳисобланади. Қизиқиш бу "ўзининг ривожланиш динамикасида қизиқишни уйғотувчи фаолиятни амалга оширувчи эҳтиёж сифатида намоён бўладиган ҳавасга айланиши мумкин" бўлган кўрсаткичдир [1-86].

Мотивацион соҳанинг таркибий қисмларидан бири интилиш бўлиб, ўқувчиларнинг спортга интилиш даражасини ўрганиш жараёни ҳам қизиқарлидир.

Маълумки, қизиқишлар бевосита бўлиб, объектнинг ўзига тортиши ва объектга нисбатан фаолият мақсадига эришиши воситаси сифатида юзага келади. Ўтказилган тадқиқотларимизда биз ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишларига бўлган қизиқишлари нима асосда юзага чиқишини, уларнинг интилиш даражаларига ҳам эътибор қаратдик.

Тадқиқотда биз томондан ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс машғулотларига бўлган интилиш даражаларини ўрганишда характер ва темперамент белгилари методидан фойдаланилди.

Биз ўз тадқиқотимизда ўқувчиларнинг шарқ яккакураши ва бокс машғулотлари билан шуғулланиш жараёнида уларнинг интилиш даражаларини ўргандик (1-расм) ва куйидаги 1-расмда унинг натижалари келтирилган.



1-расм. Шарқ яккакураши ва бокс билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг интилиш даражаси

Маълумки, инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб, унинг интилиш даражаси аниқланади. Интилиш даражасининг юқори бўлиши инсоннинг аниқ имкониятига асосан фаолиятида муваффақиятга эришиши учун барча кучини йўналтиришига ёрдам беради.

Интилишнинг паст даражаси инсонда бирор-бир сезиларли фаолликни қўзғатишга ёрдам бермайди, пасивликни юзага келтиради, шунингдек, ўзининг камчиликларидан ташвишланади. Интилишнинг ўта юқори даражаси тажрибаси кам ёки ўзига жуда ишонган одамлар учун характерлидир, бу ҳам инсон учун ёқимсиз ҳолатларни келтириб чиқаради: мақсадга эришилмайди, унга алоқадор умидлар пучга чиқади, инсон кўпинча дилхиралик ҳолатига тушиб қолади.

Ўқувчиларнинг спортга интилиш даражасининг тадқи-

қот натижалари (4-расм) шундан далолат берадики, ўрганилган яккакураш турлари ўртасидаги фарқ аҳамиятли бўлиб, бу уларнинг индивидуал хусусиятлари билан белгиланади.

Интилиш даражасининг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бокс, каратэ ва таэквондо билан шуғулланадиган ўқувчилар интилишнинг юқори даражасига эга, миллий кураш ва дзюдо кураши билан шуғулланаётган ўқувчиларда эса бундай интилиш даражаси паст кўрсаткичга эга.

Ўқувчилар ва педагог-мураббийлар билан ўтказилган қўшимча сўров натижаларидан маълум бўлдики, юқори даражадаги интилиши бўлган ўқувчилар ўсмирлар спорт гуруҳида иштирок этиб, бокс бўйича аҳамиятли муваффақиятларга эришганлар.

Каратэ, таэквондо билан шуғулланувчи ўқувчилардаги интилишнинг юқори даражаси юқори шаклланган шахс сифатлари (фаолликка интилиш, ўзига ишонч, эркинлик ва бошқалар) ёки муваффақиятли кўргазмалли чиқишлари билан боғлиқ.

Миллий кураш ва дзюдо билан шуғулланувчи ўқувчилардаги интилишнинг паст даражаси эса кучли ва бақувват бўлиш хусусидаги мақсадининг кучли ифодаланганлиги ёки бир неча йил мобайнида спортдаги муваффақиятсизлиги билан боғлиқдир.

Спорт тури сифатида яккакурашнинг жозибадорлиги биринчи навбатда куйидаги сабабларда кўринади:

-жанг тактикаси, ўз кучини аниқ тақсимлаш малакаси, рақибининг режасини билиб олиш (28,0% дан 35,7% гача);

-спорт курашини индивидуал шароитда олиб бориш (чунки бунда муваффақият спортчининг ўзига боғлиқ) (25,0% дан 32,4% гача);

-машғулотларда жисмоний машқларнинг турли хиллиги (техник-тактик усуллар, снарядлар билан ва снарядларсиз умумривожлантирувчи машқлар, арғамчида сакраш, спорт ва ҳаракатли ўйинлар) (22,5% дан 34,7% гача).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Палайма Ю.Ю. Опыт исследования относительной силы мотива и формирование соревновательной установки спортсменов. // В кн. П.А.Рудика и др. " Психология и современный спорт". - М.: ФИС. 1973. -С.86.
2. Черникова О.А. Психологические особенности спортивных эмоций. // В кн. П.А.Рудика и др. "Психология и современный спорт". -М.: ФИС. 1973. -С.190-206.
3. Асеев В.Г. Проблема мотивации и личность. В сб. "Теоретические проблемы психологии личности". - М.: Наука. 1994. -С.68-76.
4. Джидарьян И.А. О месте потребностей, эмоций и чувств в мотивации личности. Теоретические проблемы психологии личности. -М.: Наука. 1974. -168с.
5. Павлютенков Е. Формирование мотивов выбора профессии. Под ред. Б.А.Федорина. -Киев.: Радянська школа. 1980. -96с.
6. Леонтьев А.Н. Потребность, мотивы, эмоции. -М.: МГУ. 1971.-124с.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ПУНКТУАЦИОН САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Холмат ШОДИЕВ - психология фанлари номзоди, доцент
Жиззах давлат педагогика институти

Тараққиёт сари юз тутаётган мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам буюк ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда таълим жараёнининг муҳим жиҳатларидан бўлган рус тилини ўзлаштиришга катта эътибор берилляпти. Чунки жаҳонга юз тутиш илғор технологиялардан фойдаланиш, шу борада қилинаётган ишларни ҳаётга татбиқ қилиш, рус тили таълимнинг психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш билан боғлиқдир.

орфографик хатолар фақатгина сўзни нотўғри тушунишга олиб келса, пунктуацион хатолар эса бутун матннинг маъносини тушунишда қийинчилик туғдиради. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўқувчиларнинг рус тили пунктуациясидан саводхонлигини қониқарли деб бўлмайди. Буни олиб борилган тажрибалар ҳамда бизнинг тадқиқотимиз натижалари ҳам тасдиқлайди. [(2.50с., 5. 10бс.)]

Ҳозирги кунгача талабаларда пунктуацион саводхонлиқни шакллантиришнинг психологик хусусиятларини очиб берувчи тадқиқотларнинг йўқлиги методисларга рус тили пунктуациясини ўқитиш имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Пунктуацион саводхонлиқни оширишда талабаларга берилладиган машқларнинг психологик томондан асосланганлиги муҳим рол ўйнайди. [(5., 180с.)].

Ушбу муаммони ўрганишга кириша туриб, грамматик ҳолатларни тушунча, қоида ва ҳ.к ўзлаштириш учун берилладиган топшириқларни биз масала топшириқ ва машқ топшириқларга бўлдик. Масала топшириқнинг асосий мақсади топшириқ вариантлар асосига қўйилган грамматик ҳодисанинг ўқувчилар томонидан англанишига қаратилган. Машқ топшириқнинг асосий мақсади, болалар томонидан ёритилган ва ўрганишни таъминлаш учун ўрганувчиларнинг типик хатоларини келтириб чиқарувчи ҳар бир вариантнинг таркибига кириши лозим бўлган вариантларни аниқлаш кераклиги ва охир оқибатда бу ҳаракатларнинг сабаби бўлмиш муҳим белгиларни ниқобловчи иккинчи даражали вариантланадиган белгиларни аниқлашни лозим деб топдик.

Шуни таъкидлаш керакки, грамматик топшириқларни ечишдаги хатоликлар замирида ўқувчилар томонидан кел-

Аннотация
Настоящая статья посвящена созданию психологической модели пунктуационно грамотно оформлять готовый печатный текст. Анализированы допускаемые пунктуационные ошибки в письменной речи по русскому языку учащихся национальных школах.
Ключевые слова: психологическая модель, уровень пунктуационных умений, готовый письменный текст, лишние знаки, отсутствие знаков.

Abstract
The article is about consciousness of psychological mastering model of punctuation in Russian language. Also analyzed the punctuation errors which allowed by pupils in Uzbek school in written speech on Russian. Lit the bases exact and correct understanding written speech by pupils. Also shown the importance correct production of punctuation laws in tests and strong mastering of writing in written speech.
Keywords: psychological model, level of punctuation knowledge, spare punctuation sings, direction sings, absence of necessary sings, written text.

Бу борада ёзма нутқни ўзлаштириш натижасида пунктуацион саводхонликка эришиш ҳеч кимга сир эмас, Чунки агар ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган тириб чиқарадиган "Ёлғон" қоидалар ётади. "Ёлғон" қоидаларни келтириб чиқариш сабаблари турлича. Масалан: машқларга эса ўрганилаётган материал аста-секин олдин унутилган қоидаларга хизмат қиладиган тил материаллари киритилиб борилишидир.

Ўқув адабиётларда машқлар таркибига ҳали ўрганилмаган қоидалар учун керак бўладиган материални ҳам бериб бориш кераклиги эътиборга олинмаган. Бироқ ўқувчилар бундай материалларга дуч келганларида улардаги ўзлаштирилган билимлари бу шароитга қўлланилмаслигини англаб етишлари эътиборга олинмаган.

Пунктуацион қоидаларни англашга қаратилган машқларнинг таркибига асосий ўринни гап, таркибий қисмини муайян семантик тўлдирувчиға нисбатан мавҳумлаштиришга асослангани, яъни турли синтактик схемалар билан боғлиқ машқлар эгаллаши назарда тутилмаган. Бундай машқлар турлича кўринишда: муайян гапнинг схемасини чи-зиш, гаплар эшитиш учун ҳам, кўриш учун ҳам берилиши мумкин бўлган машқлар, берилган схемалар таркибидан муайян гапга тегишлисини аниқлаш, берилган схемалар асосида гаплар тузиш кабилар қиради.

Малака ва кўникмаларни шакллантиришнинг яқунловчи босқичидаги машқ бўлиб, мактаб амалиётида "ижодий ишлар" номини олган ёзма ишлар ҳисобланади. Ёзма ишларнинг бундай турларининг бажарилиши ҳаётий шароитларга максимал яқинлаштирилган ҳолларда олиб борилади.

Д.Н.Богаявленскийнинг фикрича, иждодий ишларга ўтиш, ўқувчилар томонидан ҳар бир алоҳида қоида, қоидалар мажмуини ва ниҳоят, ўрганилган тадқиқотлар эгаллайди. Ўқувчилар ёзма ишларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида махсус олиб борилган психологик ва методик ишлар қанчалик кўп бўлса, ушбу йўналиш хизмат қиладиган топшириқлар тизими шунчалик мукамаллашиб боради.

Психологик ва методик адабиётлар таҳлили, машқларга қўйиладиган талабларни системага солиш имконини

берди. Грамматик қоидаларга бағишланган машқларга қўйиладиган асосий талаб, малака ва кўникмаларнинг шаклланиши ҳақидаги назарий психологик тасаввурдан келиб чиқади. Яъни машқлар маълум бир қоидага мос келадиган у ёки бу ақлий "приём" операцияларининг ўқувчилар томонидан бажарилишига қаратилиши керак. Шунга асосан топшириқлар мазмуни ва тилга бағишланган материалларнинг машқларда берилиш тартиби, ақлий "приём" таркибига кирадиган операциялар тартиби билан белгиланади. Бу жараёнда машқлар малака ва кўникмаларнинг шаклланиши учун керак бўладиган "приём" операцияларининг етарлича такрорланишини таъминлаши лозим.

Бундан ташқари машқлар босқичма-босқич мураккаблашиб бориш талабига асосланиши керак. Зеро, Д.Н. Богоявленскийнинг таъкидлашича, тартиб билан берилладиган топшириқлар тизими педагогик ва психологик қонуниятларга асосланиб, аста-секин мураккаблашиб бориши лозим.

Бундан кўриниб турибдики, биринчи навбатда дарсликларга киритиладиган тилга оид материалларнинг мураккаблик даражасини ошириб бориш керак. Бунинг учун эса, ақлий операциялар такрорланиб боришини таъминлайдиган машқларда муайян қоида учун берилладиган материалларнинг системали ўрин алмашишини таъминлаш назардан четда қолмаслиги керак. [(1,2,3,4,5)]

М.С. Шехтер ўзи олиб борган тажрибаларни таҳлил қилар экан, таълимда қўлланиладиган вариантларнинг қисқа кўлами, янги вариантларни бериш жараёнида, материални таниб олиш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши ҳақидаги хулосани илгари сурган. Бундай англанган грамматик ҳодисалар вариантларини мустақамлашга бағишланган. Берилган ишни тушуниш учун бу фарқлар унчалик муҳим эмас, шунинг учун ҳамма топшириқларни биз ўқитиш услубидаги каби машқлар деб атадик.

Рухшуносликка ва услубшуносликда "грамматик" йўналиш намоёндалари, саводхонликни оширишда малакаларнинг онгли шаклланиш тасаввуридан келиб чиққан. К.Д. Ушинский, Л.Н. Тихомиров ва уларнинг нуқтайи назарига кўра психологияда анланган кўникмаларни шакллантириш учун биринчи навбатда тегишли умумлаштиришни шакллантирадиган қоидаларни ўзлаштириш зарур (Л.И. Божович, П.Я. Гальперин).

Ушбу малака ва кўникмаларнинг психологик табиати ҳақидаги тасаввур машқларнинг янги типи яратилишига асос бўлди. Д.Н. Богоявленский машқларининг умумий заруратини психологик томондан оча туриб тушунча ёки қоидадан ўзлаштирилиши уни амалда қўллаш жараёнида юзага келади. Фақат тушунча ва қоидаларни турли шароитларда қўллаш орқали ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини очиб берадиган ўзлаштириш даражасига эришиш мумкинлигини эътироф қилади.

Турли хил малака ва кўникмаларнинг психологик табиати ҳақидаги тасаввурларнинг кейинги тараққиёти, уларни ишлаб чиқиш учун ўқувчиларнинг қоида ва тушунчаларини қўллашга оид ақлий иш услубларини шаклланишини назорат қилиш орқали эришилиши ҳақидаги тадқиқотларда эришилди. (Д.Н. Богоявленский, Г.Г. Гранник, Е.Н. Кобанова, Меллер, Н.А. Менчинская, М.Е. Моро ва бошқалар). Шу жумладан, ўрганилаётган (орфография, пунктуацион, стилистик) қоидаларни ўқувчилар томонидан қўллаш шароити уларни амалда қўллаш имкониятини яратадиган амалий фаолият услуби шаклланган ҳолдагина мумкин эканлиги амалда аниқланди. Ушбу тадқиқотларнинг натижасида ҳам ёзма нутқ амалиётида қўллаш керак бўлган ақлий услубларни шакллантиришга қаратилган машқларнинг янги турлари ишлаб

чиқилди. (Х.Т. Шодиев).

Грамматик йўналишдаги тадқиқотлар орасидаги асосий ўринни, ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган хатоларнинг сабабларини ўрганилган тадқиқотлар эгаллайди. Ўқувчилар ёзма ишларда йўл қўйган хато ва камчиликлар ҳақида маҳсус олиб борилган психологик ва методик ишлар қанчалик кўп бўлса, ушбу йўналишга хизмат қиладиган топшириқлар тизими шунчалик мукаммаллашиб боради. Биз олиб борган машқлар муаммосига бағишланган психологик ва методик адабиётлар таҳлили, машқларга қўйиладиган талабларни тизимга солиш имконини беради. Қисқача ушбу таҳлилнинг натижасини баён қиламиз.

Грамматик қоидаларга бағишланган машқларга қўйиладиган асосий талаб, малака ва кўникмаларнинг шаклланиши ҳақидаги назарий психологик тасаввурдан келиб чиқади. Яъни машқлар маълум бир қоидага мос келадиган у ёки бу ақлий операцияларни ўқувчилар томондан бажарилишига қаратилиши керак. Бу жараёнда машқ малака ва кўникмаларнинг шаклланиши учун керак бўладиган, ақлий операцияларнинг етарлича такрорланишини таъминлаш лозим.

Бундан ташқари, машқлар босқичма - босқич мураккаблашиб бориши талабига асосланиши керак: "Тартиб билан берилладиган топшириқлар тизими педагогик ва психологик қонуниятларга асосланиб, аста - секин мураккаблашиб бориши лозим" деб ёзади Д.Н. Богоявленский.

Бундан кўриниб турибдики, биринчи навбатда дарсликларга киритиладиган тилга оид материалларнинг мураккаблиги даражасини ошириб бориш керак. Бунинг учун эса, ақлий операциялар такрорланиб боришини таъминлайдиган машқларда, муайян қоида учун берилладиган тилга оид вариацияларнинг мунтазам ўрин алмашишини таъминлаш назардан четда қолмаслиги керак. Бу талаб рус тили пунктуациясини ўзлаштириш жараёнида олиб берилладиган тадқиқотлар натижасидан, яъни бир хил қоидага хос пунктуацион белгиларни қўллаш жараёни ҳар хил натижалар беришидан келиб чиқади.

Бунинг асосий сабаби шундаки, материалнинг муҳим белгиси пунктуацион белгиларини бир хил расмийлаштиришда аниқ кўринса, иккинчи бора, улар ўрни алмашган, муҳим бўлмаган белгилар орасида аниқ кўринмаслигидир. Шунга асосан, эргашган қўшма гапларда, эргаш гап бош гапнинг ўртасида келган конструкциялар ўқувчилар учун мураккаблиги жиҳатдан бошқа конструкциялар каби бир хил эмас ва турли хатолар сонини келтириб чиқаради.

М.С. Шехтер ўзи олиб борган тажрибаларни таҳлил қила туриб, қуйидагича хулосага келди: "Таълимда қўлланиладиган вариацияларнинг кўлами, янги вариацияларни бериш жараёнида, материални таниб олиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади." Бундай ўзгаришларни таъминлаш учун ўрганувчиларнинг типик хатоларини келтириб чиқарувчи ҳар бир вариантнинг таркибига кириши лозим бўлган вариацияларни аниқлаш керак ва охир оқибатда бу ҳаракатларнинг сабаби бўлиши, муҳим белгиларини аниқлаш лозим. [(7, 264 с)].

Д.Н. Богоявленскийнинг фикрича, ижодий ишларга ўтиш, ўқувчилар томонидан ҳар бири алоҳида қоидадан, қоидалар мажмуини, бутун бир босқич қоидаларини қўллашни ўрганиб олгандан кейин амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Умумий ҳолда бу ишлар қуйидаги тизимда бўлади. Ўрганилаётган дастлабки ёзма нутқнинг оғзаки савол - жавоб, берилган схемаси асосида гап тузиш таянч сўзлар бирикмаси асосида гаплар тузиш каби содда формалари асосида олиб борилади. Шундан сўнг, ижодий ишларнинг турли хил оғзаки ва

ёзма баёнлар типии суръатлар устида ишлаш каби мураккаб формалар берилади. Машқларнинг юқори босқичида ишно ёзилади.

Малака ва кўникмаларни шакллантиришнинг ушбу назарий асосидан шу нарса келиб чиқадики, тайёр берилган матн устида шакллантирилган ақлий операциялар, кейинчалик айтиб ёзиладиган ва мустақил тайёрладиган матнлар жараёнига кўчириш имконини яратади. Операциялар янги шароитларда осонгина қўлланилиши учун имконият яратилади. Малака ва кўникмаларни айнан мана шу назарий тасаввур ўқитиш услубини асосини ташкил этади ва бу ҳозирги дасрликларга киритилган машқларнинг асосий турлари шу асосида тузилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда баён қилинган малака ва кўникмаларини шакллантиришнинг психологик механизмларининг назарий асос машқларга қўйиладиган асосий талабларни белгилаб беради. Рус тили дарсликларига, киритилган машқлар ўқувчиларда матнларнинг ҳамма

тури билан ишлашда умумий амалий ақлий операцияларни шакллантиришга қаратилган бўлиши керак, яъни эшитиш ёки кўришга қаратилган тайёр матн ва ўқувчининг ўзи яратадиган матн. "Бажариладиган ишнинг турига қараб (матнда пунктуацион топшириқни бажариш қонунларига бўйсунган ҳолда), ўсаётган қийинчилик томон силжиш керак" деб ёзади Д.Н. Бого-явленский.

Бу биринчи навбатда тилга киритилаётган қийин материаллар даражасини кўтаришдан далолат беради. Бунинг учун ақлий операциялар бажариладиган машқлар тўплами шундай тўпланиши керакки тил материали қонданнинг "ичида" тартиб билан тақрорланиб туриши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таълим жараёнини ушбу психологик хусусиятларни инobatга олган ҳолда ташкил қилиш ўқувчиларнинг пунктуацион саводхонлигини самарали шакллантириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Багоявленский Д.Н. Психология усвоения орфографии. М., 1966. -307с*
2. *Божович Л.И. Исследование умственной деятельности школьников в процессе обучения их решению задач по образком: Автореф канд. Дис М., 1975 г. 25 с.*
3. *Граник Г.Г. Психологическая модел процесса формирования Пунктуационных умений: Автореф. док. дис. М., 1980 г. 50 с.*
4. *Жинкин Н.И. Механизми речи. М., 1958 г. 354 с*
5. *Зимняя И.А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. М., 1978. 159 с.*
6. *Шетхер М.С. Зрительное опознание. М., 1985 г.-264 с.*
- Шодиев Х.Т. Психологические особенности формирования пунктуационных умений М., 1989. 180 с.*

Конфликт ҳар кунлик ҳаёт тарзимизга хос бўлган воқелик бўлишига қарамай, инсонлар кўпинча уларни нотўғри талқин этади, ҳамда уларни "англанган" ҳолда қабул қилишга ўргатилмайди. Конфликт вазиятга тушиб қолган вақтимиздагина мана шу конфликт вазиятни таҳлил қилишга уринамиз.

ШАХСНИНГ ИЧКИ КОНФЛИКТЛАРИ ВА ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ

Дилдора АБДУВАХОБОВА - ўқитувчи
Жиззах политехника институти,
Малика ҚОДИРОВА - катта ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

Аммо ҳар доим ҳам бизнинг билим ва кўникмаларимиз конфликт вазиятдан чиқиб кетиш учун етарли бўлмайди. Чунки бизнинг ҳаётий тажрибамиз кам, чунки биз конфликтлар ечими бўйича махсус билимларни эгалламаганмиз. Табиийки, ҳар бир инсон конфликтларни тушунади, улар моҳиятини тўғри англайди ҳамда уларни енга билади дейиш, ҳато ҳисобланади. Шу боис, конфликтларни ўрганиш, уларни илмий англаш давр талаби бўлиб, конфликтлар бўйича замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларни тарбиялаб - воёга етказиш давр билан ҳамнафас бўлишни англади. ҳорижий элларда оқори ва кўйи босқичдаги барча раҳбар ходимлар, бизнес менежерларнинг барчаси конфликтлар ечими бўйича таълим оладилар. Конфликтлар ва уларнинг ечими бўйича маълум билимлар ва кўникмаларни эгалламасдан туриб, замонавий ижтимоий-иқтисодий тизимларда фаолият олиб бориб ҳамда уларни бошқариб бўлмайди.

Конфликт - ўзаро қарама - қарши бўлган зиддиятли манфаатлар ва муносабатларнинг очиқ тўқнашувидир.

Конфликтнинг ечимини топиш - конфликт вазиятни йўқотиш ҳамда у юзга келтирган муносабатларни тўғри йўлга солиш билимлари ва кўникмалари мажмуидан иборатдир. Конфликт оддий ҳол. Чунки конфликт ҳар биримизнинг турмушимиз ва тирикчилигимизга хос бўлган, ҳаётимизга тегишли нарса. Инсонлараро, оилалар ичида бўлаётган конфликтлардан ўзини тортишни бизга болалигимиздан ўргатиб келишади. Бизни болалигимиздан конфликт вазиятлардан ўзимизни тортишга, "жанжалкаш" бўлмасликка, низоларни келтириб чиқарган ва унда қатнашган одамлардан ўзимизни тортиб юришга ўргатишади. Конфликт - бизнинг миллий минталитетимизда "яхши" бўлган ҳолат ва вазиятга тенглаштирилади. Конфликт бўлганидан кўра, конфликт қилмагани биз афзалроқ кўрамиз. Биз конфликтни ҳаётимиздаги энг "ёмон" давр сифатида баҳолаймиз. Конфликтдан узоқроқда яшаш кўникмалари бизнинг тафаккуримизга чуқур сингдирилади.

Шубҳасиз, инсон оддий ҳолатларда конфликтли вазиятларга тушиб қолса, балки махсус конфликтологик билимларсиз ҳам қандай йўл тутишни билиши мумкин. Аммо мураккаброқ вазиятларда конфликтли муносабатларни бартараф этиш усулларини билиш ортиқчалик қилмайди. Ижтимоий ҳаётда асосийси конфликтологиянинг ўрни, у ҳақда фикрлаш ва ёзиш, уни билмай туриб муҳокама қилиш жараёнидаги хато ва қийинчиликлар туғилишидан кўра, ечимни грамматик ва мантикий билимлар асосида излашда ҳисобланади.

Фрейд инсон ички дунёсидаги конфликтининг мантиқига юзланди. У конфликтлар дунёнинг яхлитсизлигини инсон қалбидаги қайғули изи дея ҳисоблашни рад этди. Шунингдек, инсон ички конфликтини ҳаракат кўриниши, қалбнинг динамикаси деб эътироф этди. Ички конфликт шахс ривожига таъсир этади. Кучлар тўқнашувиде оқибатни бир томонлама аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун шахс ўз имкониятларини очиб бериши керак. Инсон қалбининг азобли курашига ўралашиб қолиши ва беихтиёр ўз яқинларини ҳам конфликт муноса-

батга тортиши мумкин.

Бу сўзни айтишда кураш қаҳриқлари эшитилгандек, гўё инсон ўзини турли босқинлардан асраш учун нималардир қилаётгандек. Шахсдаги энг қимматли нарса унинг ахлоқ дастури ҳисобланади. Инсон ўзини бугун ҳам кеча қандай бўлса, бир йил олдин, туғилгандан бошлаб шу кўнғача ким бўлган бўлса шундайлигича ан-

лашга интилади. Инсон ўзининг ахлоқини қаршилиқ кўрсатмайдиган, кўнүвчан, чекланган деб ҳисоблайди. Аммо ҳаёт барча дастурлардан мураккаброқ. Инсон эҳтиёжлари қондирилмаганда ўзгача ҳолатга тушади. Бу эса талаб ва унинг қаноатлантирилмаслигини англаш ўртасида конфликт келтириб чиқаради. Фрустрация ҳолати пайдо бўлади: мақсадга эришиш йўлидаги қайғуриш. Бундай вақтда "Мен" ҳимоя механизмини ишга солади [3,20-21].

Аввало, бу оддий таъсир келаётган ахборот оқимини тўхтатиш ҳисобланади. Фактлар рад этилади. Рад этилиш шахс ўзини ҳеч қандай ҳодиса бўлмагандек тутишини фарз қилади. Бундай ҳимояга муурожаат этувчилар болалар ёки ёши каттароқ инсонлар бўлади. Оғир ҳақиқатки ўқимишли одамлар ҳам шундай ҳимояга интиладиларки, бундай ҳолатлар руҳий касалликларга олиб келади. (масалан, хотин эрининг ўлимига ўзи гувоҳ бўлса ҳамки буни тан олмайди).

Ҳимоянинг яна бир кўп тарқалган формаси бу унутиш ҳисобланади. Психологик изланишлар шуни кўрсатадики, инсон ҳеч нарса ни унутмайди. Биз аниқ ҳодисаларнинг онгимизда катта бўлмаган қисминигина сақлаб қоламиз. Зарурат туғилганда хотирадан керакли маълумотларни ололамиз. Фрейд бу ҳолатни хотира олди дея таърифлайди. Агар ҳимоянинг сиқиб чиқариш механизмидан фойдаланилса шикастловчи маълумот онгдан кетиб онгсизлика тушиб қолади. Онг остиде инсонга қайғу олиб келувчи фикр ва ҳиссиётлар яширинган. Уларни йўқотилган деб бўлмайди. Уларга фақат онгнинг нурлари тушмаяпти холос.

Фантазия - бу ҳам ҳимоя механизмларидан бири бўлиб, кўпинча хафа бўлган болалар ўзларининг ўлиб қолишию ота-оналарининг чекаётган азобларини тасаввур этишади. Кечинмалар доимо ҳақиқий, тасаввурий ҳаракатдан фарқли равишда шахснинг тинчланишига таъсир этадилар. Фантазиянинг оғир формасининг пайдо бўлиши инсон ўзидаги сиқиб чиқарилган ҳиссиётини бошқаларга кўчириши билан боғлиқ. Бунда ҳимояга кўчириб ўтказиш (проекция) механизми ишга тушади. Ўз ғамини бошқаларга кўчириб, уларда ҳам шу қайғу белгиларини кўриш бунга мисол бўла олади.

Аммо, ҳимоя механизмлари инсон психологик фаолияти билан чекланмай ҳаракатга ўтади. Агар бошлиқдан хафа бўлган хизматчи йўлида бирор ҳайвонни тегиб юборса ва уйга келиб ёмон овқат учун хотинини уриш-

Аннотация

В настоящей статье рассматривается внутренний конфликт личности, типы межличностных отношений, механизмы защиты от возникновения конфликта.

Ключевые слова: конфликт, отношение, механизмы защиты, фантазия.

Abstract

There are considered internal conflict of personalities, types of interpersonal relations and mechanisms of protection from conflicts in this article.

Keywords: conflict, mechanisms.

са, бунда ҳимоя механизмининг аралашиб қолиш тури ишга тушади. Қалб жароҳатининг манбаси бошқа объектига ўтгандек гўё. Кўчириб ўтказиш қарши ҳаракатларни акс эттиради. Безориларнинг ахлоқи шунга хос. Ўзларини рад этилган ҳисоблаб, аламларини ўзгалардан оладилар ва буни ўзини ҳимоялаш деб тушунтирадилар. Бу ҳолат ҳимоя механизмининг рационализиация (рационализм- лотинчадан ақлий, оқилона маъноларини беради. Билишнинг тўғрилиқ мезони ақлдира...) ҳолати ҳисобланади. Бу ҳаракатга онг ости бошқараётган ёлгон интеллектуал таъриф билан боғлиқ. Ҳато ҳаракат гўё ўзининг тасодифийлиги билан шахсни ёмонликлардан халос этади.

Ҳимоя механизмларининг турли психологик адабиётларда турлилиги, бир хиллик йўқлиги ва бирликларда фарқлиқ борлиги қайд этилган. Аммо Фрейд уларнинг асосийларини санаб ўтади. Ҳимоя механизмининг феномени экспериментал тасдиқланди, уни кўплаб психиатрлар, психологлар ва психотерапевтлар ўз иш фаолиятларида ҳисобга олишади. Конфликтология учун феноменнинг ўзи муҳимроқ. Ҳимоя механизмларининг интерпретацияси кузатувчилардан огоҳ бўлишни талаб этади, чунки уларни ҳимоядаги шахс англамайди. Ўзига ишонмаётган одам бошқа бировга ишончи билан ўз хулқидаги иккиланишлар ҳақида мурожаат этиши бу ҳолатни юмшатади.

Кундалик оддий ҳаёт оқимида ҳимоя механизмлари шахсга кутиш ва тушуниш орасидаги иккиланишларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Аммо танг ҳолатларда ҳимоя механизмлари ички шахсий конфликтни янада чуқурлаштириб, уни ўзидан қониқмасликнинг англамаган манбаига айлантириб қўйиши мумкин.

Фрейд психик касалликларни ички конфликт билан бир қаторда ўрганишга интилади. У "депрессия, тахлика, кўрқинчли фантазияларни умуман олганда, бахтсизликни бошдан кечиришга мажбурловчи салбий ҳиссий ҳолатларнинг йиғиндиси" деб ҳисоблади. (10)

Баъзан инсон ўз ахлоқидан ажабланади, қилмишидан уялади. Беморлар билан ишлай бошлаб, Фрейд одамларнинг саломатлиги чегараси ва мутлоқ соғлигини аниқловчи касалликларнинг муаммоларини жуда кўплаб фарқлай олди. Шунинг учун ички конфликтнинг умумий қоида-сини куришни бошлади. Ташқи кузатувчининг нуқтаи назаридан ҳимоя механизмларининг натижасиз ҳаракати инсон ҳақидаги мақсад ва маблағга эришишнинг тўғри келмаслигида намоён бўлар экан. Ўз хулқида танқидий ёндашмаслик ҳам ички конфликтни келтириб чиқаради. Омадсизликнинг муҳим кўрсаткичи инсон ўзини оғриқли мавзуларга яқинлашишдан сақлаши, тўсатдан узилишлар қилиши, давом этишга қийналиши, шикастловчи сўзларни эшитмай қолиши ва бошқалардан иборат [1,35-36].

Ошқор бўлмайдиган ҳеч бир сир йўқ. Онг остидаги яширин сирлар фақат ўша инсон онги учун яширин ҳолос. Унинг хулқида бу ҳол намоён бўлади: фантазияларида, тушида, ҳазилларида, ёзишмаларида, инутганларида ва ҳеч кимга тушунарли бўлмаган жиззақилигида. Конфликтдан чиқиш методлари жуда ўрганувчан бўлиб чиқди. Биринчидан, конфликтни очиш, англаш ва унинг табиатини тушуниш керак. Иккинчидан, уни тўлалигича ҳис этиш ва бошдан кечириш лозим. Масалан: Фрейд беморга конфликт ҳолатни эслашга ёрдамлашарди. Кўп ҳолларда эслаш ва ҳис этиш беморларни руҳий шикастланишдан халос этади. Учинчидан, зарурат туғилганда очилган конфликтнинг илдишларини ва оқибатларини таҳлил қилиш самарали ҳисобланади.

Агар шахс унинг истаги ёки хоҳиши мавжуд ва маълум бўлган ахлоқ нормаларидан қаноатланмаса, қандай йўл тутиши мумкин? У ҳолда унинг олдида икки йўл бор: биринчиси, инсонга ахлоқнинг барча сифатларни маълум эмас. Шунинг учун усулларни кенгайтириш, ўрганиш фойдадан ҳоли эмас. Иккинчи йўл, ички конфликтдан азобланаётган одамлар беҳосдан бир усулни топишди.

Бу сублимация (маъноси: шахвоний қувватнинг ижтимоий фойдали юксак мақсадларга ва объектларга йўналтирилиши, яъни табиий майлнинг меҳнат фаолиятига, ақлий ва ижодий фаолиятга қаратилиши) - ҳимоя механизми бўлиб, унда ўхшаш усул билан юқори даражада муаммони ечиш имконини беради. Ҳўшашлик топилмаса охир оқибатда ўз муаммосини тушуниб, ақл билан ички конфликтни бартараф этиш мумкин.

Фрейд шахс психологиясининг ривожига катта ҳисса қўшди. Психологик таҳлил асосчисининг таълимоти унинг шогирдлари томонидан ҳам кўплаб тадқиқотларда асослаб берилди. Фрейднинг таъкидлашича, бола ўзини ота-онаси ва катталар билан таққослаб кучсизликни сеза бошлайди. А. Адлер бу кузатувни ўз изланишларининг базасига айлантирди: "болалиқда ҳар қандай инсон тўлиқсизлик ҳиссини бошдан ўтказади" [2,80,93]

Конфликта кучсизлик ҳисси ва юқори натижага эришиш истаги орасида шахснинг ўз кучсизлигини енгишга интилиш ва имкониятлар чўққисини забт этиш истаги этади.

Тўлиқсизлик жараёнини Адлер шахснинг юқори натижаларга забт этишга қодир бўлган ижодий куч деб ҳисоблади. Ҳатто аниқ нуқсонлар ҳам шу куч билан бартараф этилиши мумкин экан. Инсониятнинг ривожланиш тарихи буни бир неча бор исботлаб берди: "кўпгина буюк мусиқачиларнинг эшитишда нуқсонни бўлган; буюк рассомлар - кўришда нуқсонли; буюк саркардалар орасида бўйи пастлари ҳам кўплаб учраган" [2,80,93].

Жуда кўхлик ва ақлли донишманд Сукрот ҳам болалигида жуда хунук, кўримсиз эди. Афинага келган фолбин Сукротнинг юзига қараб унинг характерини санаб берди: "қизганчиқ, қаҳрли, ўзини бошқара олмайдиган". Афиналиклар фолбинни калтаклашмоқчи бўлишди, чунки Афинада Сукротдан ҳам яхшироқ, меҳрибон инсон йўқ эди. Аммо Сукрот уларни тўхтатиб қолди: У сизларга айни ҳақиқатни айтди, мен ҳақиқатдан ёшлигимда қалбимда қизғонлиқ, қаҳрни ҳис этар эдим, лекин ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим, ўзимни қайта тарбияладим ва сиз таниган инсон бўлишга эришдим дея жавоб берган экан.

Ўзидаги тўлиқсизликни енгиш шахсда мулоқотчанликни оширади. Бу эса Адлер ҳисоблаганидек, инсонни ҳамкорликка, ўзаро тушунишга ва қўллаб-қувватлашга бўлган туғма интилишни тарбиялайди.

Агар шахс тўлиқсизлик ҳиссига қарши курашмаса, инсон бошқача ҳиссий кечинмаларни бошидан ўтказиши мумкин. Шахсий ўсишга қарши тўсиқнинг асосийси, бу ота-оналарнинг болага эътиборсизлиги, юқори даражада болани ҳимоялаш, эркатлаш ёки қайсидир тана аъзосининг кучсиз ёки сустлиги ҳисобланади. Бундай ҳолатда омадсизликлар, азобланишлар тўлиқсизликларнинг жамланмасига айланиб шахсда ўзига нисбатан доимий чуқур камчиликларни, йўқотишларни ҳис этишга мажбур этади. Шахс ўз ҳаётини куришда аниқ натижаларга эришиш ўрнига юқори компенсацияга интилади, ўзини ва бошқаларни ўзининг шубҳали ютуқларига ишонтиргиси келади. Соғлом ижтимоий ҳиссиётнинг овози пасая боради, ҳокимиятга бўлган қайғули интилиш ўсиб боради.

Ички конфликтни бир ёқли қилолмай, натижада қаршимизда йўқотишларга эга шахс юзага чиқади. Ички конфликт ижтимоий конфликтга айланиб, шахс атрофдагиларни ҳам ўзининг азобли тўқнашувларига, ҳокимият учун курашга ундайди.

Шундай одамлар борки, уларга инсоният ва уларнинг муаммолари бегона ва узоқ туюлади. Ўзи билан овора бўлиб, шахсий ҳокимиятга интилиб, инсонлардан нари бўлиб, уларни ўзига душман деб билади. Ўз ғалабасига ишонмай, шахсий мағлубиятини катта кўрков билан кутади ва оқибатда тенгсиз манманлик орқасидан мағлубиятдан кеча олмайдилар. Шунинг учун бундай одамлар тўлиқсизликни ҳис этишлари ажабланарли ҳолат эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кармин. А. С. Конфликтология СПб.: Издательство "Лань", 1999.
2. Платонов К.К. "Қизиқарли психология". Тошкент, "Ўқитувчи", 1971.
3. Раҳимова К., Абдуллаева А.. Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси илмий-услубий қўлланма, Фарғона, 2006.
4. Скотт Д. "Низоларни ҳал этиш усуллари". Киев, 1999.

Ўтган асрнинг 60-йилларида

Орол денгизи умумий майдони ороллари билан бирга ўртача 68,0 минг км² ни ташкил этган. Энг чуқур жойи 67 метр, чуқурлиги 17 метр атрофида ўзгариб турган.

географ Л.С.Берг табиати жиҳатидан такрорланмас, сонсаноксиз ажойиб ороллари кўриб, дунё фанига "Орол денгизи типидagi қирғоқлар" деган илмий тушунчани киритди. Бу тушунча дунёнинг барча геолог ва географ олимлари томонидан қабул қилиниб, дарсликларга киритилди (Шукин, 1934).

Денгизга ҳар йили Амударёдан 39 км³ ва Сирдарёдан 15 км³, айрим йиллари ундан кўп сув қуюлган. Денгизнинг сув балансига йилига 6 км³ ёғин-сочин, 5,5 км³ ер ости сувлари кўшилиб турган. 1950 йилларда Орол денгизининг сув сатҳи 53,0 метр (Болтиқ системасида) мутлақ баландликда туриб, сувининг шўрлиги 10 г/л ошмас эди. Қишки температура -0,7°C етганда Орол сувининг музлаши бошланар эди. Музлигининг қалинлиги денгизнинг шимолида 76 см, жанубий қисмида эса 46 см. га етган. Сувнинг ҳарорати ёз фаслида Мўйноқ атрофида +33,3° С ни ташкил этган.

Амударё суви жуда лойқа бўлиб, Керки шаҳри ёнида ўртача лойқалиги 3,8 кг/м³ ва бир йиллик лойқалиги 240 млн тоннани ташкил этган. Шундан 10% яқинини, яъни 25 млн. тонна лойқани Орол денгизига олиб борар эди. Ўтган асрнинг 50-йилларида Амударё суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектарига (суғориш нормаси 10 минг м³ бўлганда) 36 тонна лойқа ётқизган. Унинг таркибида 600-1200 кг калий, 50 кг фосфор, 20 кг азот ва 265 кг гумус бўлган.

Орол денгизи сув ҳавзаси энг аввало атрофдаги регионларнинг иқлим шароитига таъсир қилиб бевосита 300 км радиусдаги худудларнинг табиий географик экологик ҳолатига таъсир кўрсатиб, ёзда ва қишда ҳаво ҳарорати ҳамда намлигини бир меъёрга сақлаб турган. 1960 йилга қадар Амударё ва Сирдарё дельталари кўл-ботқоқ, тўқай ва қамишзорларидан иборат эди. Қамишзор тўқайлар Амударё дельтасида 900 минг ва Сирдарё дельтасида эса 220 минг гектарни қамраган эди. Қамишзорлар шунчалик кўп эдики, уларни "Қамишзорлар денгизи" деб аташар эди. Қизил-Ўрдадаги целюлоза-қоғоз комбинати Сирдарё дельтасидаги қамишзорлар асосида ишлаган. Ҳатто собиқ КПСС (XXI (1959 й) сьезди директиваларида Оролбўйи қамишзорлари асосида йирик целюлоза-қоғоз комбинатини қуриш мўлжалланган эди. Қамишзор турли ҳайвонлар ва қушларнинг яшаш ҳамда кўпайиш макони бўлган.

1960 йилга қадар (денгиз сувининг ўртача шўрлиги 10 г/л бўлган вақтда) Орол денгизида балиқларнинг 20 дан ортиқ турлари: усач, лосось, сазан, судак, машҳур орол вобла балиғи яшар эди ва ҳар йили ўртача 100 минг центнер балиқ овланган. Мўйноқ шаҳридаги улкан балиқ комбинати (1980 йилга қадар) йилига 20 млн дона балиқ консервалари ва бошқа балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Аральск ва Мўйноқ шаҳарлари ҳамда бу шаҳарлар атрофида кўп сонли балиқ овлаш хўжаликлари ишлаб

ОРОЛ ДЕНГИЗИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Лапас АЛИБЕКОВ - география фанлари доктори, профессор.
Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.
Кўчкор ҲАКИМОВ - география фанлари номзоди, профессор в.б.
Жиззах давлат педагогика институти

Орол денгизида 300 дан ортиқ ороллар бўлган. Шунинг учун ҳам денгизни (1903-1906 йилларда) биринчи батафсил текширган

турган.

Оролбўйи ҳайвонот дунёси жуда бой бўлиб, ундан ортиқ умуртқали ҳайвон, 150 дан ортиқ қуш турлари учрар эди. Денгиз сон-саноксиз кўллар ва турли қушларнинг макони бўлиши билан бирга, ҳар йили Оролбўйи устидан бошқа мамлакатлар томонларига учиб ўтадиган миллионлаб қушларнинг дам олиш жойи бўлган. Амударё дельтасидаги "Қамишзорлар денгизи" кўлаб қушларнинг уя қўйиш макони бўлган. Бундан ташқари Оролбўйида ҳар йили 250 минг ондатра териси тайёрланган. Денгизда навигация мавсуми 7 ой давом этиб, Аральск ва Мўйноқ каби йирик портлар фаолият кўрсатган.

XX асрнинг 60 - йилларидан Орол денгизи сатҳи тез суръатлар билан пасайиши бутун бир минтақада жиддий экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб кела бошлади. Бир вақтлар Амударё орқали Термиз шаҳрини Аралск темир йўл тугуни билан боғлаган Орол денгизи ўз функциясини тугатди ва 1981 йилга келиб денгизда кема ҳаракатлари бутунлай тўхтади, барча кемалар порт шаҳарлар яқинидаги қуруқликда қолиб кетди. Бу ҳолатни кўрган БМТ бош котиби Антонину Гуттериш ўзининг 2017 йил июнь ойидаги Ўзбекистонга сафари чоғида Қорақалпоғистонга бориб, Мўйноқдаги "Кемалар қабристони" ни ўз кўзи билан кўрганини айтди.

Денгиз икки қисмга - катта ва кичик Оролга бўлинди ва қирғоқдан 100-150 км.дан кўпроқ масофага чекинди. Ҳозирги вақтда эса Орол денгизининг шарқий қисми тўлиқ қуриб бўлди, сув денгизнинг фарбий қисмида қисман сақланиб қолди. Натижада Орол денгизининг қуриган қисмида "Орол қум" деб аталувчи янги қум "тузли сахро" пайдо бўлди. Унинг майдони 5,5 млн гектардан ортиқ кетди. Қуриган денгиз тагидан ҳар йили шамоллар ҳавога 100 млн тонна чанг ва заҳарли тузларни кўтаради. Шамол билан узоқларга олиб кетиладиган бу кимёвий мод-

Аннотация

В статье проанализировано уникальное природное состояние Аральского моря до 1960 года, а также, отрицательные явления, происходящие под воздействием хозяйственной деятельности человека и положительные изменения, проводимые в последние годы по инициативе Президента республики.

Ключевые слова: "берега Аральского типа", вошедшие в геолого-географические учебники, "Камышовые моря".

Abstract


The article discusses the state of the natural conditions of the Aral Sea until 1960 and after the drying of the sea and their environmental, economic and social consequences. Decided to take decisive measures to mitigate the difficult environmental conditions of the Aral Sea region.

Keywords: First Sea Explorer, LS Berg, "The Aral's type take care", "Reed Sea".

далар нафақат Оролбўйига, балки Орол денгизи ҳавзасига кенг тарқалади.

Орол фожиаси Орол денгизи ҳавзасида яшайдиган миллионлаб аҳолининг яшаш шароитига ва турмуш даражасига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Салбий таъсир ҳамон давом этмоқда ва аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Дарё дельтасидаги сувнинг кескин камайиб кетиши натижасида 54 дан ортиқ ўсимлик тури йўқ бўлиб кетди. Жондарё қуруқ ўзани ёнида жойлашган 300 минг гектар майдондаги ажойиб қора саксовулзорлар қисқариб кетди.

Амударё дельтасида салкам 1,3 млн.га майдонда чўлланиш жараёни содир бўлиб, шунинг 58-60%и аввалги қамишзорлар бўлган. Ҳозир уларнинг катта қисми қуриб-қовжираб бир қисми шўрхокга айланган (1-расм).



1-расм. АҚШнинг аэрокосмик тадқиқотлар миллий бошқармаси (НАСА) томонидан тақдим қилинган сурат (2014 йил). [2]

Денгизнинг қуриши унинг атрофидаги яйлов ўсимликларига шамол билан келтирилган (эол) тузлар таъсирида катта зарар кўрсатмоқда. Шарқий Устюртда олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, қирғоқдан 80-100 км узоқликда бўлган яйлов ўсимликлари чанг бўронларидан кейин юпқа туз пардаси билан қопланади, бу ҳол эса уларнинг нимжон бўлиб ўсишига ва яйлов ҳосилдорлигининг кескин камайишига олиб келмоқда. Дарё дельтасидаги тўқай ўрмонларининг қуриши кўпгина ҳайвонларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, 1990 йилларнинг охири ва 2000 йилларнинг бошига келиб, бир авлод кўз олдида инсоннинг лоқайд ҳаракатлари туфайли Орол денгизи қуриб кетди, бу эса Орол экологик шароитнинг кескин ўзгаришига, экосистемалар ўртасидаги минг йиллаб шаклланган ўзаро боғлиқликнинг бузилишига олиб келди. Экосистемалардаги бу ўзгариш эса, табиат инъом қилган табиий ресурсларнинг йўқолишига сабаб бўлди. Бу жараёни Ф.Энгельс тили билан айтганда, табиат инсондан "ўч олмада", бутун регион иқлимнинг ўзгаришига ва барқарор ривожланишига таъсир кўрсатмоқда.

Энди Орол феномени ҳақида қисқача айттайлик. Орол денгизининг қуриши XX-асрнинг энг даҳшатли экологик

катастрофаларидан биридир. Бу жараён сув ҳавзасининг аста-секин қисқариб сезлашиши билан бошланиб, оқибатда Орол тагининг яланғочланиб қолишига олиб келди. Натижада Орол тагида кўп йиллардан буён яшириниб ётган жуда ноёб тарихий ёдгорликлар намоён бўлди.

Орол бўйининг Қозоғистон қисмида ҳудуди 400 кв. км булган майдонда бундан бир неча йиллар олдин сув тўлқин жўш уриб турган бу жойда, археологлар жуда катта шов-шувли (сенсацион) янгиликни очдилар. Бу ерда турли даврларда мутлақо ҳар хил маданиятга эга бўлган халқлар яшаган ва бунга "Орол этногенез тугуни" деб ном бериш мумкин. Денгиз тагидан қадимги жўшқин ҳаётнинг гувоҳи бўлган бутун бир шаҳар: мақбара, масжид қолдиқлари, хумдон, тегирмон тошлари, қабристонлар, ҳар хил сопол буюмлар, зеб-зийнатлар ва бошқа ашёлар топилган. Шаҳар қурилишида тош плиталар ва пишиқ ғиштдан фойдаланилган. Шаҳар XIV аср, яъни Олтин Ўрда хонлиги даврига мансуб деб баҳоланмоқда.

Умуман олганда бу жараён денгизнинг пайдо бўлиши ва қуриш жараёнлари иқлимнинг даврий ўзгариши билан боғлиқ.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, Орол муаммосига бағишлаб минглаб илмий мақола-лар эълон қилинди, юзлаб китоблар ёзилди, ўнлаб илмий халқаро конференциялар ўтказилди. Бундан ташқари 1995 йил Оролга бағишланган махсус Нукус декларацияси қабул қилинди, Оролни қутқариш бўйича Халқаро жамғармалар ташкил этилди ва бошқа кўпгина ҳаракатлар бўлди, аммо ҳозирга қадар Орол муаммоси кескинлигича қолаверди ва экологик вазият йилдан-йилга жиддийлашаверди.

Шунинг учун ҳам бу жиддий ҳамда ўта хавfli экологик вазият, юқори даражада ақл-заковат билан иш юритишни ва шиддатли конструктив ҳаракатлар қилишни жуда зарур қилиб қўйди.

Орол муаммоси кескинлигини чуқур англаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент сайловидан сал вақт ўтгандан кейин 2017 йилнинг 21 январидан Қорақалпоғистонга бориб, региондаги ҳолатни ўрганиб келди.

Президент 2017 йил сентябрь ойида БМТнинг 72-сессиясида қатнашиб, Орол фожеасининг жуда кескинлашганлигини ва глобал даражадаги хавфини дунё давлатларига янада чуқур ва атрофлича харита ёрдамида изоҳлаб, асосли қилиб тушунтириб бергандан сўнг, ушбу масала атрофидаги халқаро ҳамкорлик сезиларли даражада кучайиб кетди.

2018 йил август ойида Туркменистонда Оролни қутқариш бўйича халқаро фонд таъсисчилари давлат раҳбарларининг саммитида Президентимиз Ш.Мирзиёев қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Юртбошимиз Орол бўйини экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилишни, биргаликда фанлараро текширишлар ўтказишни ва чўл ўсимликлари учун кўчатлар етиштириш бўйича регионал марказлар ташкил этиш кераклигини асослаб берди.

2018 йилнинг 15-16 ноябрь кунларида эса, Юртбошимиз Қорақалпоғистоннинг экологик фожиа зонаси, деб ҳисобланган Мўйноқ туманига ташриф буюрди. Ушбу ташриф якунлари бўйича, яқин икки йилга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди. Унда жами 1,5 млн АҚШ доллари микдоридаги 795 та лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Президентининг Орол бўйининг экологик вазиятининг кескинлигини юмшатиш учун жонқуярлик би-

лан оқилона қилган хатти-ҳаракатлари ўз натижасини берди. Ва нихоят 2018 йил 27 ноябрида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Трасс фонди фаолият бошлади.

Шу муносабат билан Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги тадбирда БМТ бош котиби Антонини Гуттериш Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг бу фондни ташкил этиш ташаббусини юксак баҳолаб, ҳалқаро жамоатчиликни мазкур тузилмани молиялаштиришда фаол қатнашишга чақирди. Анжуманда кўпгина мамлакат раҳбарлари, шунингдек қатор нодавлат ташкилотлар вакиллари ушбу фонд фаолиятини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирдилар. Тадбирда Норвегия делегацияси ҳам сўзга чиқиб, мамлакат ҳукуматининг фонд жамғармасига 1,2 млн АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратганликларини маълум қилдилар. Форум доирасида Ўзбекистон ҳукуматининг фонд жамғармасига ҳар йили 2 млн АҚШ доллари ажратиши таъкидланди. Шуни айтиш керакки, бу Оролбўйи минтақасининг экологик лойиҳаси бўлганлиги учун Оролбўйининг 7 млн аҳолиси (Ўзбекистон, Туркменистон, Гозогистон) фуқаролари мазкур фонд фаолиятдан сезиларли даражада эга бўладилар.

БМТ бош котиби Антонини Гуттериш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусига асосланган ҳалқаро Трасс фонди ташкил этилиши тақдиротига шахсан бошчилик қилиши чиндан ҳам улкан ва тарихий воқеадир.

Шундай қилиб, 2018 йил 28-ноябр куни БМТнинг саммитида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Трасс фонди фаолият бошлади. БМТнинг бош котиби Антонио Гуттериш Президентимизнинг бу фондни ташкил этиш ташаббусини таъкидлаб, -"Мен Ўзбекистон Президентининг Трасс фондни ташкил қилишдаги ташаббусини юқори баҳолайман ва донорларни фонд фаолиятини молиялаштиришда фаол иштирок этишга чақираман[1]" деди.

Энди табиийки, Трасс фонди, шиддатли ҳаракатлар ва ҳар хил кучларни, имкониятларни, бирлаштириш нима натижа беради деган савол туғилади. Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу келажакка қатъий ишонч беради. Энг муҳими чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўли билан, комплекс - "яшил иқтисодийёт" принципларини экологик соф технологияларни комплекс қўллашни амалга оширишга имкон беради.

Орол денгизининг қуриган қисмидан кўтарилаётган захарли туз ва чанглари камайтириш ҳаракатдаги қумларни мустаҳкамлаш ва тўхтатишга, йўқолиб кетган тўқай ўрмонларини ва қамишзорларни тиклаш бўйича катта миқёсдаги ишларни ўтказиш, балиқчиликни ривожлантириш, учиб ўтувчи қушларнинг яшаш жойи бўлган буфер зоналарини -маҳаллий сув ҳавзаларини яратиш учун имкон беради.

Шунингдек чўлланиш жараёнининг янада ривожланишини тўхтатиш ва экологик миграциянинг олдини олиш учун керак. Буларнинг барчаси экологик вазиятни яхшилашга, Оролбўйи аҳолисини сув билан таъминлашни яхшилашга, канализация, майший чиқиндиларни утилизация қилишни ва санитария шароитини яхшилаш учун керак. Экологик туризмини ва шу билан бирга инфраструктураларни ривожлантиришга, ишчи ўринларини яратишга, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги социал хизматларни яхшилашга имкон беради.

Шунингдек Трасс фонди, Орол денгизининг маркази бўлган ва кўп талофат чеккан Мўйноқ шаҳрини мутлақо янгидан тиклашда ишлатилади. Мўйноқ шаҳрида sanoat корхоналари, кўп қаватли уйлар, замонавий хизмат кўрсатиш бинолари, мактаблар, таълим муассасалари ва бошқа соҳалар ривожлантирилади. Айниқса, худудда туризм инфраструктураси ташкил этилади.

Олиб борилган текшириш натижалари шуни кўрсата-

дики, Оролбўйида экологик вазиятни соғломлаштиришнинг жуда муҳим методларидан бири, бу Орол ва Амударё дельтасида буфер зоналар сифатида маҳаллий сув ҳавзаларини яратиш ва шу билан бирга, қурғоқчиликка ва шўрга чидамли маҳаллий бута ўсимликларидан фойдаланган ҳолда ўрмон зоналарини яратишдир. Буларга сув манбаи сифатида ташландик, коллектор, дренаж ва тошқин сувлари хизмат қилади.

Бу "Яшил ҳимоя" зоналари ва бошқариладиган кичик сув ҳавзалари - Ветландлар ва маданий ландшафтлар чўлланиш жараёнининг олдини олиш, микроклимни яратиш имкониятини беради ва Амударё дельтасида табиий ресурсларни тиклаш, чанг ва туз бўронларининг ҳаракатини камайтириш учун яратилади. Ветландлар - маҳаллий микроклимни яхшилашда, биологик хилма-хилликни сақлашда ва аҳолини балиқ билан таъминлашда, муҳим роль ўйнайди.

Оролбўйи ўрмон хўжаликлари томонидан ҳар йили 37 минг гектар майдонда ўрмон майдонларини ташкил этилмоқда. Шу мақсадлар учун Республика ўрмон хўжаликларида ҳар йили 100 минг кг уруғ ва 10 млн. донадан ортиқ кўчат тайёрланмоқда. Лекин шуни таъкидлаш керакки, олиб борилаётган ишлар шу зайлда амалга оширса, фақат Ўзбекистон Республикаси худудида тўлиқ бажариш учун 60 йилдан кўп вақт керак бўлади. Чунки ўрмон хўжаликларининг ҳозиргача мавжуд бўлган техник моддий базаси катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишга имкон беради. Шунинг учун Президентимиз оқилона ишларни шиддат билан амалга оширишга киришди.

Шундан келиб чиқиб, ўтган йилнинг (2018 й.) декабрь ойларидан бошлаб денгизни қуриган худудида 500 минг гектарлик ўрмон барпо этиш жараёнига киришилиб кетди. Мазкур ишга Орол бўйидаги барча ўрмон хўжаликлари, мингдан зиёд мутахассис-ишчилар жалб этилди. Шу ернинг ўзида яшаш учун барча шароитлар ташкил этилди. Ҳозирги вақтда саксовул уруғи ва кўчат экиш иши қизғин олиб борилмоқда, яшил ўрмонлар яратиш учун 500 дан ортиқ техника жалб қилинган.

Эндиликда Орол денгизига нисбатан, фақат хавфли даҳшатли офат зонаси сифатида эмас, балки ердан хўжалик мақсадларида фойдаланишнинг реал имкониятлари ва ҳатто ҳозирги вақтда туризмни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд бўлган маҳаллий хўжаликлар (экосистемалар) региони, деб қаралмоқда. Оролга ҳозирги вақтда бутун дунёда қизиқиш жуда кучайиб бормоқда. Айниқса, Орол денгизи қуриган қисмида жуда катта археологик ёдгорликлар топилмоқда: шаҳарлар, қадимги қурилмалар, далалар, йўллар ва инсоннинг узоқ мудатда яшаган бошқа изларини топишганлари муҳим омил бўлди. Бу фан олдида Ўрта Осиёнинг берк областларида иқлимнинг кўп асрлик тебранишининг характерларини аниқлашни муҳим вазифа қилиб қўйди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Халқ сўзи, 2018 йил 29-ноябр, №240 (720,)
2. <http://earthobservatory.nasa.gov/IOTD/view.php?id=84437>
3. Алибеков Л.А. К вопросу о разработке концепции природопользования в Средней Азии. "Вестник Российской Академии Наук", № 1. 1996.
4. Алибеков Л.А. Эколого-географические проблемы Центральной Азии. Под редакцией академика РАН А.Г.Бабаева. Изд. СамГУ. Самарканд, 2010 г.
5. Алибеков Л.А. Инсон ва табиат. Т.: "Фан ва технологиялар". 2016
6. Бабаев А.Г., Алибеков Л.А. Аральскому морю - экологическую стабильность. "Проблемы освоения пустынь", № 3-4. 2012
7. Шукин И.С. Геоморфология суши. 1 том. М. 1934

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ШАҲАРЛАРНИ САНОАТЛАШТИРИШ

2019/3-СОҲ

Гулбахор ХОЛДОРОВА, Сурайё ҲАЙДАРОВА - катта ўқитувчилар
Жиззах давлат педагогика институти

ОМИЛЛАРИ

Саноат тармоқларини ҳудудий ташкил этиш ҳар бир мамлакат ва минтақа учун муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати ва миқдори, хом-ашё ва ишчи кучи билан таъминланиши, иқтисодийдаги ўрни кўп жиҳатдан муайян саноат тармоғининг ҳудудий жойлашуви ва ташкил этилиши билан боғлиқ.

Замонавий саноат тармоқларини ҳар қандай мамлакатда ривожлантириш мумкин. Бунда айнан саноат тармоғини жойлаштириш тамойиллари ва омилларини ҳисобга олиш зарур.

Инсоният тарихининг турли даврларида шаҳарлар муайян функцияга ва вазифага эга бўлган. Бу ўз навбатида ижтимоий меҳнат тақсимоотида шаҳарларнинг ихтисослашувига сабабдир.

Маълумки шаҳарлар генетик жиҳатдан, яъни вужудга келиш жараёнида қайсидир ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ ва бинобарин қадимги даврлардан бери айрим шаҳарларни муайян ишлаб чиқариш марказлари сифатида билиш расм бўлган. XIX аср охири ва ундан кейинги даврларда саноат тармоқларининг кенг кўламда ривожланиши шаҳарларнинг саноат тармоқлари бўйича ихтисослашувига олиб келди. Шаҳарлар баъзи саноат тармоқларининг йирик марказларига айланди ва бу ҳолат шаҳарларнинг мамлакат, минтақа ҳамда дунёдаги аҳамиятини белгилаб берди.

Шаҳарларнинг ихтисослашувига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади:

- * **Ишлаб чиқаришни жойлаштириш омиллари;**
- * **Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати;**
- * **Фан ва технология тараққиёти.**

Жиззах вилояти ҳудудида табиий шароит ва ресурслардан фойдаланиш қадимдан ўзига хос хусусиятларга эга. Вилоят ҳудудида асосан қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлганлиги учун, саноат тармоқларининг шаклланиши учун муҳим омиллар бор. Жиззах вилояти аҳоли пунктлари негизда саноат тармоқларини шакллантириш ва аҳоли пунктларини саноат тугунларига айлантириш омиллари қуйидагилардан иборат:

* **Вилоят тоғ ва тоғ олди туманларида аҳоли миқдори жиҳатидан йирик қишлоқ ва шаҳарчаларнинг мавжудлиги;**

* **Вилоят ҳудудида мамлакат ва халқаро аҳамиятга эга магистрал темир ва автомобил йўлларининг ўтганлиги;**

* **Чўл туманлари марказлари ва бошқа аҳоли пунктлари ўртасида транспорт тизимининг қулай шаклланганлиги;**

* **Чўл туманлари марказлари бўлган шаҳарчаларнинг йирик транспорт йўллари устида жойлашганлиги.**

Албатта, минтақада саноатни ривожлантириш аввало, маҳаллий ресурслар асосида ташкил этилиши мақсадга

Аннотация

В данной статье анализируются общие и территориальные аспекты организации и создания промышленных малых городов в географических и природных условиях Джизакской области.

Ключевые слова: географическое положение, природные условия, промышленный город, особая промышленная зона.

Abstract

In the article had been analyzed general end territorial aspects organization end the creation of industrial small towns in the geographical end physical conditions of the Jizakh region.

Keywords: geographical location, natural conditions, industrial city, a special industrial zone.

мувофиқ. Шу билан бирга, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш фақат маҳаллий ресурсларгагина таяниб иш бошлашни тақозо этмайди. Хусусан, замонавий транспорт тизими хом-ашё ва энергетика муаммоларини тўла ҳал эта олади. Бинобарин, ҳар қандай ҳудудда турли даражадаги саноат корхоналарини шакллантириш имкониятлари мавжуд.

Айни вақтда Жиззах вилояти саноат тармоқларини шакллантириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилган. Хусусан, Жиззах маҳсус индустриал зонасининг ташкил этилиши, туманлар ҳудудида режалаштирилаётган бир қанча ишлаб чиқариш корхоналарни мисол келтириш мумкин. Бу ишларни амалга ошириш учун биринчи навбатда вилоят ҳудудидаги шаҳарчаларнинг саноатни ривожлантира олиш салоҳиятига атрофлича баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Туманлар ҳудудидаги саноат ишлаб чиқариш корхоналари асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган [1, 100].

Жиззах вилояти Республикада табиий шароитининг кескин тафовутларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат асосан вилоят ҳудудининг тоғ ва текислик чўл ҳудудларига ажралганлигидир. Айни ҳолат вилоятдаги иқтисодий ва ижтимоий географик омилларни ҳам белгилаб беради [2, 140]. Бинобарин, хўжаликнинг шаклланиши, аҳоли жойлашуви ва ривожланиши иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва бошқа жиҳатларнинг географик тавсифи ўзига хос тарзда тавсифга эгадир. Айни шароитда саноатнинг ривожланиши муайян иқтисодий ва ижтимоий географик омилларга боғлиқ эканлиги таъкидланади. Хусусан, саноат шаҳарчаларини ривожлантириш учун вилоятда бир қанча имкониятлар мавжудки, улардан унумли фойдаланиш ҳудуднинг индустриал ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Жиззах вилояти туманларидаги муайян аҳоли пунктларини кичик саноат шаҳарчаларига айлантириш асосан қуйидаги иқтисодий ва ижтимоий географик омилларга боғлиқ:

* **Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати, ҳудудий таркиби;**

* **Вилоятдаги транспорт тизимининг ҳудудий шаклланиши.**

" Вилоятдаги саноат тармоқларини жойлаштириш салоҳиятига эга аҳоли пунктлари.

Ушбу омилларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш тақозо этилади. ҳар бир омилнинг саноат шаклларини шакллантиришга таъсири атрофлича таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу борада баъзи мулоҳазаларни маълум таҳлилларга таянган ҳолда келтириш мумкин:

* Вилоят аҳолиси йиллар давомида миқдорий кўпайиш тенденциясига эга, бу асосан аҳолининг табиий кўпайиши ҳисобига кечмоқда, аҳолининг механик ҳаракати мустақиллик йиллари давомида умумий ҳолатда манфий сальдога эгадир. Ички миграция иқтисодий ва ижтимоий муҳит таъсирида эканлигини туманлар бўйича аҳоли кўчишининг ўзгаришларида кўриш мумкин. Масалан, Мирзачўл туманида бир қанча йиллар

давомида кўчиб кетувчилар катта миқдорда бўлгани ҳолда сўнгги бир неча йил давомида кўчиб келувчиларнинг кўпчилиги бўйича бошқа туманлардан олдинда туради.

* Аҳолининг ҳудудий таркиби вилоятда саноатнинг турли тармоқларини шакллантириш талабларига бирмунча жавоб беради. Ёш ва жинсий таркибнинг мутаносиблигини эътироф этган ҳолда, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тизимлаштириш кераклиги таъкидланади.

Бунинг учун биринчи навбатда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш талаб этилади.

Транспорт тизими вилоят ҳудудида саноатни ривожлантиришнинг энг катта имкониятларга эга омилдир. Халқаро ва мамлакат аҳамиятига эга магистрал темир ва автомобил йўллари билан бир қаторда вилоятнинг ички ҳудудларини боғловчи транспорт йўллари ҳам шундай имкониятлар бериши таъкидланади. Транспорт йўналишлари ва улар атрофида жойлашган аҳоли пунктларининг саноатлашиш имкониятлари ҳудудий нуқтаи назардан турли даражададир. Аҳоли пунктларида саноатнинг транспорт тизими билан уйғун ривожлантириш бир қанча омилларга боғлиқ. Булар:

* **Транспорт йўлларининг серқатновлиги;**

* **Йўлнинг йирик магистраллар ва марказий ўрин тутувчи ҳудудларга яқинлиги;**

* **Аҳоли пунктларининг демографик ривожланиши баробарида меҳнат ресурсларининг етарлилиги;**

* **Табиий ресурслар билан етарли даражада таъминланганлик.**

Ҳудуд саноатининг ривожланишида магистрал йўллар билан боғланиш, шу билан бирга уларга нисбатан жуда яқин жойлашмаганлик маъқулланади. Серқатнов йўллар яқинида фақат хизмат кўрсатиш шохобчаларини шакллантириш мумкин, ишлаб чиқаришнинг бошқа

тармоқлари учун эса йирик аҳоли пунктларига яқинлик талаб этилади.

Вилоятда саноат тармоқларини жойлаштириш салоҳияти энг юқори бўлган аҳоли пунктлари биринчи навбатда туман марказларидир. Бу аҳоли пунктлари олдиндан баъзи саноат тармоқларининг шакллантирилганлиги, аҳоли сонининг нисбатан кўплиги, транспорт тизимидаги қулайлик хусусан, асосий йўллар устида жойлашганлиги билан ажралиб туради.

Шу билан бирга юқорида назарда тутилган асосий омиллар таъсирида муайян имкониятларга эга аҳоли пунктларини саноатлаштириш мумкинлиги белгиланади. Бу аҳоли пунктларининг имкониятлари у ёки бу даражада салмоқли бўлиши мумкин. Бу имкониятларни ўрганиш ва хулосалар чиқариш учун махсус тадқиқот ўтказиш талаб этилади.

Сўнгги йилларда республикада рўй бераётган ўзгаришлар, жумладан, янги турдаги саноат корхоналарининг бунёд этилаётганлиги, мамлакат тараққиётида янги индустриал босқичнинг бошланишидан дарак беради. Бу борада йирик шаҳарларда қурилаётган корхоналар билан бирга, эркин иқтисодий зоналар, махсус индустриал зоналар [3, 113] атамалари остида шаклланаётган саноат ва ишлаб чиқариш ҳудудлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Жиззах шаҳри ва атрофида шаклланаётган махсус индустриал зона, вилоятда саноат тармоқларини вужудга келтириш ва ҳудудий жойлаштиришга янгича ёндашувнинг мисолидир. Биринчи навбатда, Жиззах шаҳри ҳудудида кўплаб энгил саноат ва замонавий машинасозликнинг тармоқлари кичик корхоналари ўз фаолиятларини бошлаган бўлса, эндиликда Республика ва ҳатто Марказий Осиё минтақаси миқёсида аҳамиятга эга бўлган корхоналар қурилишига ўтилмоқда. 2017 йилнинг апрел ойидан бошлаб Зафаробод тумани ҳудудида нефтни қайта ишлаш корхонасининг қурилиши бошланди. Айни қурилиш ва корхонанинг ишга тушиши Жиззах вилоятининг ҳудудий ривожланишидаги иқтисодий географик омилларнинг янгича талқин қилинишига олиб келади, бинобарин саноат шаклларини шакллантиришни муҳим ва долзарб вазифалар қаторига қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Солиев А., Назаров М. *Ўзбекистон қишлоқлари. Монография.* - Т: "Фан ва технология", 2009.
2. Солиев А. *Ўзбекистон географияси. Тошкент, 2014.*
3. Ҳакимов Қ., Адилова О. *Жиззах вилояти географияси.* - Жиззах, 2015.

ОИЛА: ТУШУНЧАСИ, ТАЛҚИНЛАРИ, ЭВОЛЮЦИЯСИ

Сайёра АБДИКАРИМОВА - мустақил тадқиқотчи
Хоразм Маъмун академияси.

2019/3-СОҲ

Этноанъаналарнинг ўзи моҳиятан тарихий-маданий воқелик, биз истай-мизми ёки йўқ, улар тарихийликни, ретроспектив таҳлилни тақозо этади.

Тўғри, оила ва этноанъаналар тўғрисида кўплаб фундаментал тадқиқотлар ўтказилган оила ва ундаги қадриятлар тўғрисида эса фикр билдирмаган файласуф, ижодкор учрамайди. Биз уларнинг ҳаммаси ҳақида тўхталишимиз, фикр билдиришимиз қийин, улар бизни мавзу доирасидан чиқишга, ҳатто эклектизмга мажбур қиларди.

Шунинг учун биз мавзу доирасини фалсафада, ижтимоий ҳаётда сезиларли из қолдирган таълимотларга назар ташлаш билан чегаралашимиз даркор. Бундан ташқари, турли идеологик таъйиқлар таъсирида бўлган файласуфларнинг, оилашуносларнинг тор субъектив ёндашувлари боис эътибордан четда қолиб келган. Шундай фикрлар, гоаяр мавжудки, уларни таҳлил қилиш бир томондан, анъаналарга, меросга объектив ёндашишни таъминлайди, иккинчи томондан, мавзуга кенгроқ қарашни шакллантиради.

Оиланинг институционал шаклланишида эркак ва аёл, улар ўртасидаги жинсий, маънавий-ахлоқий ва мулкий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мазкур муносабатлар эса маълум бир маданий этник ва ижтимоий муҳитда шаклланади, кечади. Шу нуқтаи назардан оиланинг институт сифатида шаклланиши мазкур муносабатларнинг тадрижий маҳсули ҳисобланади. Этнологик хусусиятлар унга миллийлик, локал ёки умуммиллийлик, умуминсонийлик бахш этади, этносга хос белгилар тарихий -маданий ривожланишнинг ажралмас атрибуту сифатида этноанъаналарга айланади.

Жинслараро муносабатлар авлодлараро муносабатлардан аввал пайдо бўлган. Жинсий муносабатлар авлодлараро алоқаларнинг ибтидоси, биринчиси инсон ўзини онгли мавжудот сифатида англамаган даврларда ҳам мавжуд эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон танасининг 96 % ҳайвонларникига айнандир [1, 16]. Халқ эртақлари ва мифларда эса ярим одам, ярим ҳайвон мавжудотларнинг тасвирлангани бесабаб эмас, илк одамлар ўзини ҳайвонот олами билан узвий қараган. Масалан, турк халқлари мифологиясидаги Алвасти образи бадбашара аёл, Зарафшон воҳасида у "сарик қиз" деб аталган. Алвасти истаган пайтида ҳайвонга ёки бошқа жонсиз предметларга айланиши мумкин бўлган. Қозонлик татарлар уни эчкига, сомон тўпламига, дарахтга, қозоқлар эса отнинг туёғига айланади, деб билганлар. Кўпинча у билан кўзлик мавжудот сифатида тасвирланган, одам билан жинсий муносабатлар ўрнатиши мумкин бўлган [2, 18-19]. Мазкур ибтидоий, ҳайвоний одат, зоофилия кейинчалик табуга учрайди, этнослар томонидан таққиланади.

Оилашунослар фикрича, оила ҳақидаги илмий, фалсафий ва этнологик қарашларнинг барчаси оиланинг икки жинс, эркак ва аёл бирлиги, иттифоқи, уларнинг биргаликда хўжалик юритиши сифатида тан олади. Демак, оила институтининг ядросини эркак ва аёл, улар ўрта-

Аннотация

В данной статье речь идёт о генезисе института семьи и о сохранившихся с давних времён этнологических, этнографических признаках, о роли этнологических признаков, этнотрадиций в формировании института семьи, а также об этапах развития института семьи в истории народов востока.

Ключевые слова: Мужчины, женщины, ведение хозяйства, институт семьи, генезис, этнологические, этнографические, исторические, культурные и социальные, фундаментальные.

Abstract

In this article there are given ideas about genesis of family institution and ethnologic, ethnographic markers, maintaining of ethnotraditions for ages and ethnologic markers, also developing stages of the family institution in the history of the eastern peoples.

Keywords: Man, woman, householding, family institution, genesis, ethnologic, ethnographic, historical, cultural, fundamental.

сидаги хўжалик муносабатлари ташкил этади. Мазкур асиома савол уйғотмайди. Бироқ оила институти генезиси ва этнологик, этнографик белгиларига назар ташлаган захоти турли саволлар пайдо бўлади. Эркак ва аёл, айнақса, кишилик жамиятининг илк, ибтидоий босқичида қандай тарзда биргаликда яшаш, хўжалик юритиш зарурлигини англаб етди? Бу ўринда дарвинистик таълимотнинг ҳаётийлиги қанчалик тўғри, уни теологик қарашлар нима учун рад этади? Оила институтининг шаклланишида этнологик белгиларнинг, этноанъаналарнинг узок асрлардан бери сақланиб келаётганини нималар билан изоҳлаш мумкин? Оилавий этноанъаналар этнослар таъсирида шаклланганми ёки уларга бошқа омиллар ҳам таъсир этганми? Бу омиллар нималардан иборат, уларнинг этноанъаналар трансформациясидаги ўрни қандай? Мазкур саволларга жавоб излаш кенг этнологик, этнографик, тарихий, маданий ва социологик изланишлар ўтказишни тақозо этади. Бу ўринда биз уларга, юқорида қайд этганимиздек, фундаментал аҳамиятга эга ижтимоий-фалсафий таълимотларга, кишилик жамияти ривожланишида сезиларли из қолдирган тарихий-маданий меросга мурожаат этиш билан чекланамиз.

Кишилик жамияти шаклланишининг илк босқичларини эрамиздан олдинги IV-III минггинчи йилларда юзага келган Хитой цивилизацияси, Ҳинд цивилизацияси, Миср цивилизацияси билан боғлаб ўрганиш кенг тарқалган, қабул қилинган. Мазкур цивилизацияларда шаклланган ижтимоий муносабатлар, маданий-хўжалик типлари, оила муаммоларга ойдинлик киритади.

Тарихий манбаларга кўра, эрамиздан олдинги III минггинчи йиллардаёқ қадимги Хитойда бамбук ва ёғоч тахтачаларга ўйилган битиклар, ёзувлар бўлган. Шундай битиклардан бири "Шицзин" кўшиқларида, тўпламларида юришдаги аскарларнинг ўз уйларига, оиласи даврасига қайтишини соғинаётгани қайд этилади [3, 154]. Демак, эрамиздан олдинги III минггинчи йиллардаёқ қадимги хи-

тойликлар "уй", "оила" деган тушунчаларга эга бўлишган, уларни айнан воқеликлар сифатида тасаввур этган. Уй, оила улар учун кадрдон даргоҳ, энг яқинлари яшайдиган, чекка, ёт жойлардан ўз уйини, оиласини фарқлайдиган, эъозлайдиган макондир. Минг афсуски, тарихий манбалар бу туйғуларни қандай пайдо бўлганидан хабар бермайди. Қизиқарли жойи шундаки, қадимги хитойликлар ўзини у ёки бу "уй"га тааллуқли деб билганлар, шу боис ўз князлигини "уй" номи билан атаганлар. Масалан, "Шан уйи", "Чжоу уйи", "Сю уйи" кабилар ўз навбатида ҳукмдорлар династияларини, князликларини англаган. Ши (уйга тааллуқли воқеларни битиб борувчи ходим, хаттот) зиммасига княз, ҳукмдор оиласи олиб борган ишлар, айниқса, бошқарув ишлари, ўзаро муносабатларни ёзиб бориш юклатилган [4,157]. Мазкур битиклар, солномалар туфайли қадимги хитойликларнинг оила бўлиб яшашга интилиши кучли бўлганини, ватан ҳақидаги тасаввурлари айнан "уй", "оила" билан боғлиқ бўлганини, ҳатто князлик, давлат ва сиёсий бошқарув ҳам улар орқали идрок этилганини кўрамиз.

Қадимги Хитойда ўрнатилган "ритуал кодекси" да ҳам бу тасаввурлар жой олган, яъни уй, оила ва ватан, давлат тушунчалари уйғун қаралган, уларни бир-бирига қарши қўйиш ёки фарқлаш аъна бўлмаган. Шарқ халқларига хос бўлган коммунитаристик ҳаёт тарзи, коммунитаризм гоёлари шу тариқа юзага келган. Қадимги Хитойда конфуцийликнинг шаклланиши ва унинг давлат идеологияси сифатида амал қилишида ҳам ушбу аъна-нана таъсирини кузатамиз. Конфуций (эр. авв. VI-V асрлар)нинг сиёсий-фалсафий ва ахлоқий меросидаги "олийжаноб эр" концепцияси Осмон-Ер-Одам триада-сини ўз ичига олади. "Олийжаноб эр", яъни ҳукмдор, оила бошлиғи, ритуал-аъналар асровчиси ушбу триадага хизмат қилади. Триада қисмлари ўртасидаги муро-са, уйғунлик, Осмон талабларига риоя этилишини кузатиш, таъминлаш "олийжаноб эр" зиммасидадир. У Осмон ўғли, Осмоннинг ердаги фарзанди, унинг кўрсатмаларига риоя этиш Осмон талабларига бўйсуншидир. Конфуций назарида бутун давлат, князлик бир оила-дир, уни "олийжаноб эр" идора этади. "Уйдан чиқаётганинда, дейди Конфуций, ўзингни худди энг азиз меҳмонларни кутиб олаётгандай тутгил. Одамлар билан худди буюк расм-русумларни адо этаётган каби муо-мала қил. Ўзинга истамаган нарсани-ўзгаларга ҳам қилма. Шунда на давлатда, на оилада норозилик бўлади" [5, 115-116]. Ҳатто Конфуций "ҳукмдор-ҳукмдор бўлсин, хизматкор-хизматкор, ота-ота бўлсин, ўғил-ўғил" [5, 164-165], деганида ҳам давлат ва оила институтига уйғун қарайди, уларни идора этиш тамойилларини эзгулик, адолат ва аждодлар қолдирган аъналарга риоя этиш-да кўради. Давлат ҳам, оила ҳам маълум бир аъна-ларга мувофиқ идора этилади, ушбу аъналарнинг бузилиши бошбошдоқликни, низоларни келтириб чи-қаради, хизматкор ҳукмдорга, ўғил отага бўйсунмай кўяди. Конфуций бунга кўплаб мисоллар келтиради [6].

Қадимги Хитой тарихчиси Бань Гу (эр. бошидаги 32-92 йиллар) трактатида эса оила, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Мутафаккирнинг фикрига кўра, "инсон йўли (дао таълимотига кўра) никоҳдан иборат. Кишилардаги туйғулар ва ахлоқий принциплар ичида эркак ва аёл муносабатларидан муҳими йўқ. Эркак билан аёл ўртасидаги жинсий муносабатлар ичида эр-хотин алоқаларидан муҳими йўқ. Айнан ушбу муносабатлар туфайли эркак ва аёл, инь ва ян, Осмон ва Ер ўртасида гармония сақланади, авлодлар ўртасида ворисийлик шаклланади, этик принциплар таъминланади" [7,52-53]

Трактатда, нима учун эркак ҳам, аёл ҳам ўз ташаббуслари билан оила қурмайди, деган савол қўйилади ва унга, "ноқонуний жинсий алоқалар ва ахлоқий бузуқлик рўй бермаслиги, ҳаё сақланиши учун", деб жа-

воб қайтарилади. Никоҳ тузиш ташаббуси ота-оналардан чиқади. Аёл эркакдан камида ўн ёш кичик, яъни эркак ўттиз ва аёл йигирма ёшда бўлиши зарур [7,53]. Ҳар икки томонда ҳам уч кун чироқ ўчмайди, мусиқа янграмайди, аждодлар ибодатхонасига уч ойгача никоҳ ҳақида хабар берилмайди. Бу пайтда "авлодлар алмашуви" рўй беради, куёв отаси ўрнига даъвогар бўлади, келин она бўлишга тайёргарлик кўради. Уч ой ичида ёшлар бир-бирларига ўрганишади, келин янги уйига мослашади, ҳомила ўзини билдиради, шундан кейин аждодлар ибодатхонасига никоҳ ва авлодлар алмашуви ҳақида хабар берилади.

Трактатда эркак (ян) ва аёл (инь)нинг қандай аъналарни бажариши, бир-бирларига боғланиши ва аҳил оила қуриши учун нималар қилиши зарурлиги баён қилинган. Давлат раҳбари, ҳукмдор икки марта уйланиши мумкин эмас, аммо бир йўла тўққиз аёлга, ундан лавозими паст амалдорлар, вазирлар эса икки аёлга уйланиши мумкинлиги таъкидланади. Оила бошлиғи эса қайта уйланиши мумкин. Келин, хотин эрига эмас, балки қайнота ва қайнонага хизмат қилган, у пайтдаги тасаввурларга кўра, куёв, эр қайнота ва қайнона билан бир бутунлиқни ташкил этади. "Аёл бошқа оилани (цзя) ўз оиласи қилиш учун никоҳга қиради". Олтмишдан ошган эркак "хотини эшигини беркитади" [7,59], яъни танасининг емирилишига йўл қўймаслик учун жинсий алоқаларини тўхтади. Мазкур тартиб ва аъналар Қадимги Хитойда моногамия билан бирга полигамия бўлганидан, оила институти маълум бир ижтимоий тартиблар, айниқса аъналарга мувофиқ ташкил этилганидан далолат беради. Аъналар оила институти шакллантиришнинг мажбурий атрибути эди, авлодларо муносабатлар ҳам ушбу аъналар доирасида бўлган. Конфуцийлик асослаб берган ва барча ижтимоий, сиёсий ва оилавий муносабатлар тизимларига жорий этган аъналар (аждодларни улуғлаш, улар яратган тартибларга сўзсиз итоат этиш, каттани катта, ҳукмдорни ҳукмдор, "олийжаноб эр" ва Осмонни шарафлаш, никоҳга ота-она рухсати билан кириш, оддий кишилар учун моногамия, амалдорлар учун полигамия, ҳатто хотиннинг синглисига уйланиш ва бошқалар) ўша даврнинг ўзига хос хусусиятлари эди. "Милоддан аввалги XVIII-XII асрларда Хитойда қариндошлар ўртасида никоҳга йўл қўйилган эди. Бироқ кейинчалик бу тақиқланган. Қариндош-уруғлар ўзлари билмаган ҳолда оилага бирлашмасликлари учун бир фамилияда бўлган келин ва куёв никоҳдан ўтказмаслиги тартиби жорий этилган... Хитой оиласи "бир хотинга бир эр" тамойили асосида ташкил топган. Оилавий муносабатларда хотиннинг эрга нисбатан садоқатли бўлиши, унга сўзсиз бўйсунуши шарт эди. Эр эса ижтимоий ҳолатига қараб, "иккинчи даражали" хотинларга (хотини туғмайдиغان бўлса) эга бўлиши мумкин эди... Хитой аънавий ҳуқуқида никоҳни бекор қилиш учун жиддий чеклашлар кўзда тутилмаган. "Эр хотинлик бурчини бузганлиги ҳақоратлаш, тан жароҳати этказиш никоҳни бекор қилиши мумкин эди" Хотин "ишонччи оқламаса", яъни қайнона ва қайнотага итоат этмаса, бепушт, енгил табиат, ҳасадгўй, вайсақи, бемор бўлса, ёки оила мулкидан берухсат фойдаланса, эри никоҳни бекор қилиш ҳуқуқи эга бўлган" [8,16-17].

Ҳиндистон цивилизациясида оила институтининг шаклланиши ва талқинларига оид турли, гоҳо зиддиятлификрлар кўплаб учрайди [9,121]. Ижтимоий -фалсафий ва этнологик нуқтаи назардан улар ҳинд халқининг тарихий -маданий ҳаёти, аёлларга муносабатлари ва келажақ авлодлар, айниқса, маънавий тараққиёт масалаларига оид меросини ифода этади. Будда (эрамиздан аввалги VI-V асрлар)ва буддавийлик таъсирида аёлга нисбатан салбий фикрлар [10,3] ёйилган бўлса-да, ҳинд халқи оила институти инкор қилган эмас. Будданинг ўзи ҳам, "кишиларни, худди она ўз фарзандини севганидек, севинг", деб ўргатади [11,21]. Ҳинд халқининг ижтимоий-фалсафий ва этнологик меросида Маланага Ватсыянанинг "Ка-

масутира" асари муҳим ўрин тутди. Аввало шуни айтишимиз зарурки, бу асар эротика ҳақида, деган нотўғри, тор фикр кенг тарқалган. "Камасутира" ёшларнинг бир-бирини севиб оила қуриши тарафдори. Мулккий муносабатлар (артхи)га қурилган жамиятда, қанчалик муҳим бўлмасин, у севишганларнинг оила қуришига тўсиқ бўлмайди. Ҳа, бойлик, мулк кишига мавқе, шон келтиради, жамиятдаги обрўсини оширади, сўзи ва истакларини рўёбга чиқаради. Ҳиндлар санъатининг ривожланиши шундай бадавлат кишилар ҳомийлиги туфайлидир. Аммо севишганларнинг аҳди аркти юзага келтирадиган тўсиқларни бартараф этишга қодир. "Ота-оналар, деб маслаҳат беради асар муаллифи-бошқа ниятдаги, қизи севмайдиган, у танимайдиган бойваччага ёки бир неча хотини бор эркакка бермоқчи бўлса, бу қиз, ўзидан гариброқ, аммо оилавий бахт келтирадиган камбағални танлагани маъқул. Бир неча хотини бор бойдан мустақил, эркин камбағал яхши. Бойнинг хотинлари, барча қулайликларга эга бўлса-да, бахтиёр яшолмайди. Кўп хотинли эркак эса кам ҳолларда улардан бирини чиндан севади, шунинг учун унинг хотинлари бошқа эркакларни қидиради. Истаклари паст, тубанлашган, кўп саёҳатда юрадиган, қиморга ўч ёки хотинларини ўз ҳолига ташлаб қўядиган яхши эр бўлмайди. Жуфт танлайдиган қиз ўзига ёқадиган билан аҳдлашсин. Бундай эр энг яхши, чунки у севимли эр бўлади" [11,207]. Бу лавҳадан маълум бўладигани, Ҳиндларда моногамия билан бирга полигамия ҳам бўлган, кўпгина аънаналар кейингисига амал қилган, ёш қизчаларни оилани, бадавлат эркакларга бериш одатий ҳол ҳисобланган. М.Ватсыяна эса моногамия тарафдори сифатида фикр юритади, оила қуриш асосини севгида, ёшларнинг бир-бирларини ёқтиришида кўради. У икки жинснинг қовушишида ҳаётга бўлган муҳаббатнинг, уларнинг ён-атрофдаги гўзалликдан завқ олиб, лаззат топиб, бир-бирларини ардоқлаб, севиб яшаш манбаини кўради.

Демак, оила мудом ҳам ташқи тазйиқларни ўзига қабул қилавермас экан, у ҳар қандай зиддиятли шароитда ҳам ўз ядросини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Кишилик жамиятининг илк босқичларидаги полигамия, полигиния, гуруҳий никоҳ ёки қўшилиш, эндогамия каби одатлар асрлар ўтиши ва жамиятда гуманистик қадриятларнинг кенг ёйилиши билан трансформацияга учрайди, улар

ўрнига оила институтини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи янги аънаналар пайдо бўлади. Оилани икки жинс иттифоқи, биргаликда ҳўжалик юритиши сифатида талқин қилиш моҳиятан ўзгармади, аммо ушбу субъектларнинг турли этносларга, миллатларга тааллуқли экани, бу мансублик доираси мудом кенгайиб боргани умуминсоний цивилизациянинг ютуғидир.

Миср цивилизацияси синфий муносабатларга қурилган. Матриархат тузумига хос одатий нормалар ва аънаналар оила институтига, никоҳ ва авлодлардо муносабатларга таъсир этган. Эркаклар ролининг ошиши билан оила институтини бошқариш, ундаги аънаналарни йўлга қўйиш патриархал хусусият касб этади. "Ҳаммурапи қонунлари" да эса 117-212 моддалар оила, оилавий муносабатлар, эр-хотин ўртасидаги алоқаларга бағишланган. Уларда кишининг ўз онаси, синглиси, қизи билан жинсий алоқа қилиши тақиқланади [12]. Уларда оиланинг бошлиғи эркак экани назарда тутилади, бу патриархал ёндашув қонунлардаги моддаларда кўзга ташланади. Эркакнинг хотин олиши, қул аёлга, чўрига эга бўлиши, истаган пайтида улардан ажралиши мумкинлиги кўрсатилади. Оила ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгариши билан эндогамик алоқалар тақиқланади, бироқ бадавлат эркаклар учун кўпхотинлик тақиқланмайди. Шу тариқа эркакнинг икки, уч ва ундан ортиқ хотинлар билан яшаши одатга айланади. Энди оила ҳақидаги талқин ва унинг доираларини эркак белгилайдиган бўлади, оила эволюцияси патриархал қарашларга мувофиқлаштирилади. Лекин оддий кишиларда, халқда оила моногамия тарзида тасаввур қилинади ва ундаги муносабатлар гендер тенглик принципларига мувофиқ ташкил этилади. Ушбу зиддиятли ҳол баъзи тадқиқотчиларда бутун йигирма асрлик тарих, ўтмиш патриархал одатлар ва аънаналар авж олган давр, деган фикрни келтириб чиқарган. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, оила эволюциясига юқоридаги зиддиятлар нуқтаи назаридан қараш зарур, акс ҳолда унга тўғри чизикли (линейно), бир ёқлама ёндашув юзага келади. Ижтимоий муносабатлар ва жамиятдаги нотекис ривожланиш билан боғлиқ оила институтининг шаклланишига, эволюциясига тарихий-маданий ва этнологик жараёнлардан айрича қарашга мажбур бўлаемиз.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аллан и Барбара Пиз. *Как заставить мужчину слушать, а женщину молчать. Почему мы такие разные, но так нужны друг другу.* Москва: Эксмо. - 2006. С. 16
2. *Женщина в мифах и легендах. Энциклопедический словарь.* Ташкент: Гл. ред. энциклопедий, 1992. С.18-19.
3. *История Древнего Востока. От ранних государственных образований до древних империй.* Москва: Изд.фирма "Восточная литература" РАН, 2004. С. 154
4. *История Древнего Востока. От ранних государственных образований до древних империй.* Москва: Изд.фирма "Восточная литература" РАН, 2004. С. 157
5. *Конфуций. Минск: Современное слово, 1998. С.115-116.*
6. *Мыслители древнего и средневекового Китая.* Москва: АСТ, 2005. С.53-113.
7. *Бань Гу. Всеобъемлющие дискуссии в зале Белого Тигра Семья. Книга для чтения.* Т.1. Москва: Изд. Полит. лит-ры, 1991. С.52-53
8. *Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи.* Тошкент: O`zbekiston, 2012. 16-17 б.
9. *Дхаммапада. Санкт Петербург, Изд. Чернишёва, 1993. С.121*
10. *Будда. Минск: Современное слово, 1998. С.3*
11. *Алимасов В. Фалсафа ҳаёт Ижод.* Тошкент: ҲЗР ФА Асосий кутубхонаси нашриёти, 2018. 207 б
12. *Қадимий ҳуқуқий ёдгорликлар: Ҳаммурапи қонунлари. Доро 1 нинг Беҳистун қояларидаги ёзувлари. Таржима асар.-Тошкент: Ўз Р Адлия вазирлиги ҳузуридаги Адолат нашриёти. 2016. 46 -52 б*

Педагогик кадрларни касбий фаолиятга тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш кенг тармоқли муаммодир.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОМПЬЮТЕР ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ

**Аскарбек УТЕМИСОВ - эркин тадқиқотчи
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети
Нукус филиали, utemisov.1983@mail.ru**

Таълим жараёнида инновацион техник воситалардан фойдаланиш тўғрисида бундан 20 йил илгари атоқли рус педагоги Б.Г.Ананьев шундай

деган эди: "Техник ва педагогик фанларни, инженерлик ва педагогик психологияларни бирлаштириш асосида янги, техникага асосланган саноат педагогикаси курилади. Педагогик техника ва инновацион технологиялар. Педагогик ва техник фанларни ўзида бирлаштирган йирик марказга айланади" [1, 95-96].

Ҳозирги замонда компьютер техникаси ва инновацион технологияларини таълим жараёнида қўллашнинг психологик ва педагогик томонларини ўрганишда Б.Ф.Ломов, Е.И.Машбиц, О.К.Тихомиров, Л.Н.Бабанин каби олимларнинг тадқиқотлари катта аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотларда компьютерларга таълим самарадорлигини оширувчи ҳамда инсон психикасини ривожлантирувчи восита сифатда қаратилади. Шундай бўлса-да, компьютерлар ҳеч қачон ўқитувчининг ўрнини боса олмаслигига алоҳида урғу берилди.

Жисмоний тарбия таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллашда юзага келадиган ҳиссий таъсирлар талабаларнинг диққат-эътиборини бир жойга, яъни ўрганилиши режалаштирилган ўқув материали устига жамлашга имкон беради, талабаларнинг қизиқишларини орттиради, ўрганишга бўлган ижобий ҳиссиётларни кўзгайди.

Маълумки, бутун ўқув-тарбия жараёнида талабаларнинг диққат-эътиборларини зарур йўналишда сақлаб туриш педагогиканинг энг долзарб муаммоларидан бири саналади. Бу ўринда К.Д.Ушинский шундай деган эди: "Ўқувчиларнинг эътиборлари таълим ва тарбиянинг муваффақиятли ва самарали бўлиши учун ўта муҳим омил ҳисобланади". У талабаларнинг диққатларини бир жойга жамлаш ва уни маълум бир муддат сақлаб туриш учун зарур воситаларни кўрсатиб берган: таассуротларни кучайтириш, тўғридан-тўғри диққатни ўзига жалб этиш, машғулотларнинг қизиқарли бўлиши, фикрларнинг чалғиб кетишига қарши тадбирлар.

Компьютернинг имкониятларинан фойдаланиб унинг экранида шакл, расм, схема, диаграмма ва жадвалларни яратиш учун етарли график имкониятларга эга эканлиги, уларни чоп қилиш, ишчи қобилиятларини текшириш, теварак-атрофдаги кўлаб ходиса ва жараёнларни моделлаштиришга имкон беради.

Кўргазмали-товушли образлар шаклида олинган билимлар билишнинг кейинги босқичи бўлган тушунчалар ва назарий хулосалар чиқаришга ўтишни таъминлайди. Ахборот технологияларининг предмет ва иллюстратив кўргазмали воситалари ёрдамида мантиқий кўргазмалилик (экранга чиқарилган матн кўринишидаги ёзма нутқ классификацион схемалар, тушунчалар ва улар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи схемалар, доиралар схемалар, классификацион дарахтлар) ҳам амалга ошири-

Аннотация

В статье раскрывается роль и значение инновационных технологий в повышении уровня профессионально-педагогической подготовки студентов. В процессе физической подготовки будущие учителя должны обладать ценностями физической культуры, которые не только улучшают здоровье, но также используют физическое воспитание и спорт для проведения воспитательной работы со студентами.

Ключевые слова: *Инновационные технологии, ценности, гигиена, инструктор, конструктив.*

Abstract

The article reveals the role and importance of innovative technologies in raising the level of professional and pedagogical training of students. In the process of physical preparation, future teachers should have physical culture values that not only improve health, but also use physical education and sport to conduct educational work with students.

Keywords: *Innovative technologies, censorship, hygiene, instructor, constructive.*

лади. Бундай кўргазмалиликнинг аҳамияти тушунча, фоя ва мантиқий элементларга образ кўринишини беришдан иборат бўлади. Ахборот технологиялари воситалари мантиқий кўргазмалиликни динамик шаклда ва индивидуал ўрганишга имконият беради.

Шундай қилиб, хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий ахборот технологияларидан ўринли ва унумли фойдаланиш педагогик жараённинг янада такомиллаштирилади.

*** ўқув ахборот материалларини ўқувчиларга тақдим этишда;**

*** интерактив таъсир орқали ўқув материалларини ўзлаштириш босқичида;**

*** ўтилган материалларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш босқичида;**

*** оралик ва жорий назорат босқичида;**

*** коррекция киритиш жараёни ва таълим жараёнига тузатмалар киритишда, унинг натижаларидан фойдаланиб, ўқув ахборотлари меъёрини аниқлаш, табақалаштириш ва тизимга солиш босқичларда.**

Таълим жараёнида компьютер ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишда бир қатор салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу ҳолат экран олдида ўқувчиларнинг, айниқса, ўсиб келаётган кичик ёшдаги болаларнинг узок муддатга қолиб кетиши билан боғлиқ. Бунинг олдини олиш учун таълим жараёнида компьютерлардан фойдаланишнинг меъёрларига қатъий риоя қилиш зарур.

Жисмоний тарбия жараёнида замонавий ахборот технологиялар имкониятидан кенг фойдаланиб бўлажак

ўқитувчиларнинг жисмоний маданият қадриятларини эгаллашларига шароитлар яратиб беради. Ахборот технологиялари воситалари мантиқий кўргазмалиликни динамик шаклда ва индивидуал ўрганиш режимида ифодалашга қодир.

Замонавий ахборот технологияларининг ўқувчилар руҳиятига таъсир кўрсатувчи турли вазиятлар мавжуд. Бу биринчи навбатда ўқув фаолияти доирасига болаларнинг ахборот технологиялари билан бевосита мулоқотга киришиши билан боғлиқ. Бугунги кунда виртуал олам технологиялари асосида тайёрланган компьютер ўйинлари ва аттракционларини ҳам унутмаслик лозим, ҳаттоки, компьютер билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам инсонлар уяли телефон, анимацион фильмлар, кредит карточкалари, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали компьютерлар билан ўзи билмаган вазиятларда мулоқотга киришади. Қолаверса, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ахборот технологиялари билан яқинда мулоқот қилишлари уларнинг таъсирининг кенгроқ бўлишига йўл очишади.

Замонавий ахборот технологияларидан таълим жараёнида фойдаланар экан, ўқитувчилар қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари зарур. Биринчидан, ахборот технологиялари заминидан юз бериши мумкин бўлган янгиликлар анъанавий мулоқот шароитларига олиб келади. Ўтказилган психологик тадқиқотлар масалаларнинг аниқлиқлигига, мантиқийлигига кетма-кетлиги талабларнинг ортиши кузатилади. Бу ҳолда руҳий мулоқот воситаларининг роли пасаяди. Иккинчидан, тескари алоқа кучаяди. Анъанавий фаолиятнинг ўзига ҳос хусусиятлари компьютерлашади. Таълим жараёни учун, шу жумладан, кичик ёшдаги болалар учун ҳам мўлжалланган дастурий ва техник воситаларнинг "инсонлашуви" кузатилмоқда. Уларда фойдаланувчилар ўз фаолиятларини мавжуд бўлмаган, аммо қандайдир амалларни бажариш учун зарур бўлган элементлар билан тўлдиришмоқда. Юзага келиши мумкин бўлган бундай вазиятлар ахборот технологиялари билан алоқадор фаолиятнинг турли кўринишларининг мураккаб тузилмасини шакллантиради.

Замонавий ахборот технологияларининг ўқувчиларга таъсири ортиб, у чегараланган доирадаги руҳий таъсирлардан тортиб, шахсни тўла ўзгартиришгача олиб бориши мумкин. Бугунги кунда шахснинг тўла ўзгариши масаласи олимлар томонидан ўрганиб чиқилмаган. Шунинг учун, таълим жараёни учун мўлжалланган замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнида педагоглар ва психологларнинг фаол иштирок этишлари зарур. Улар ахборот технологияларининг ўқувчилар шахсига бўлган салбий таъсирларини аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ масалалардан ташқари мазкур технологияларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг оптимал шарт-шароитларини ўрганишади ва тавсия қилади.

Намуна сифатида таълимда интернет-технологиялардан фойдаланишни масаласини кўрамиз. Интернет-технологиялардан унимли фойдаланиш ва билиш фаолиятини сифат ўзгаришлари ҳамда таълим олиш усуллариининг ўзгариши асосида шахснинг тарбиясида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Чунки интернет билан ишлаганда, талабаларнинг фаоллиги ортади, таълим жараёни индивидуаллашади, талаба ва ўқувчи ўртасидаги авторитар муносабатлар камаяди, турли маълумот манбалари билан ишлаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса ўқувчиларнинг шахсини ривожлантиради. Уларда мустақил фикр юритишга, ташаббускорликка, мобилликка рағбатланиш пайдо бўлади. Аммо салбий таъсирлар ҳам юзага келиши мумкин.

Интенсив интеллектуал ва ижодий ривожланиш талабаларни мавжуд ижтимоий муҳитга мослашишини таъминлай олмайди. Улар турли компьютер манбаларига, шу жумладан, интернетга боғланиб қолишлари мумкин. Бу эса келажақда шахсни бошқалардан ажралиб қолишига сабаб бўла олади. Талабаларнинг руҳиятида кес-

кин ўзгаришлар рўй бериб, уларда ўз дўстларини виртуал олам қаҳрамонлари билан алмаштириш, руҳий жавоб реакцияларида пасайиш, қизиқишлар доирасида торайиш каби ҳолатлар кузатилиши мумкин. Бундан ташқари олимлар учун замонавий ахборот технологиялари таъсирида олинган руҳий компоненталарнинг қайсилари фаолиятнинг "компьютерларсиз" доирасига олиб ўтилишини ҳамда таълимнинг ахборотлашувининг руҳиятга таъсир кўрсатиш механизмларини аниқлаш ҳам муҳим ва эътиборга молик ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида педагоглар учун ҳам ўта долзарб масалалардан бири саналади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланувчи педагоглар таълим фаолияти аниқлик, самарадорлик ва башорат қилиш мумкинлиги каби сифатлар эвазига ўзгаришини таъкидлашмоқда. Бу ўринда таълим олувчилар онгини ривожлантириш усулларига ўргатувчи ва бошқа компьютер дастурий воситаларининг таъсирини инкор этмаслик лозим. Вазиятни тўғри тушунтириш, ўқувчиларга онгли равишда масалаларни ечиш усуллари орасидан оптималини танлашга ўргатиш педагоглар учун асосий масалага айланиб қолади.

Таълим жараёнида компьютерлардан фойдаланиш жараёнида психологларнинг таъкидлашларича, илгари мавжуд бўлган, аммо қандайдир сабаблар билан унутилиб кетган руҳий компоненталарнинг айримлари қайта тикланмоқда. Мисол қилиб эпистоляр ижодни олиш мумкин. Электрон почта, чатлар, телеконференциялар ёзма мулоқот кўникмаларини (улар амалда ривожланган давлатларда телефон алоқаларининг ривожланиши натижасида унутилиб кетган эди) талаб қилади. Бу эса ўз ичига Интернет билан таниш бўлиш, иш юртиш ва шахсий ёзишмалар маданияти, ўз кайфиятини ифода этувчи махсус белгиларни ўрганишни талаб қилади.

Интернет миллатлараро мулоқотни янги босқичларга кўтаради, умуммаданий билишни фаоллаштиради, ёзишмалар жараёнида чет тилларини интенсив равишда ўрганишга шароитлар яратади.

Ахборот технологияларини фаолиятнинг турли доираларига татбиқ этиш асосида инсонни ортиқча ва машаққатли меҳнатдан озод қилиш ва унинг ривожланиши учун шарт-шароитлар тайёрлаш ётади. Замонавий ахборот технологиялари аста-секинлик билан айрим кўникма ва малакаларнинг йўқолишига сабаб бўлади. Аммо, бундай йўқотишлар ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Масалан, бугунги кунда электрон жадвалларнинг аҳамиятини рад эта олмайди. Улар инсонларни кўплаб ортиқча меҳнатдан қутулишга ёрдам беради. Аммо калькуляторлардан ҳаттоки бошланғич синфларда фойдаланиш уларда оғзаки ҳисоб, тез ҳисоблаш кўникмаларини йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса оқибатда болаларнинг сон тушунчаси устида амалларни тўғри бажара олмай қолишига олиб келади.

Жисмоний тарбия жараёнида услубий асосларини эгаллашга интилиш тарбияланган бўлгандагина бунинг учун зарур бўлган касбий тайёргарлик дастурини аниқ бажариш мумкин бўлади.

Талабаларни касбий тайёрлаш тизимида етакчи рол педагогик амалиётга тегишлидир. У ўқитиш жараёни ва талабаларнинг ўқув-ёрдамчи муассасалардаги мустақил амалий ишлари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб, талабаларни педагогик фаолиятнинг билиш тажрибалари билан қуроллантиради. Фоявий-сиёсий йўналтирилганлик, назарий асосланганлик, ўргатувчи ва тарбияловчи хусусиятлар, унинг мазмуни ва ташкил этилишига комплекс ёндашув, тизимийлик ва ворислик - педагогик амалиётнинг самарадорлигини асосий шартларидир.

Амалий машғулотларда кенг инновацион ахборот технологияларинан фойдаланиш талабаларни жисмоний тарбиялаш бўйича педагогик фаолиятда зарур бўлган услубий билимлар ва кўникмаларга ўргатилади, шунингдек,

бўлажак ўқитувчиларни шахсининг ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини такомиллаштириш жараёни масаласи ҳам хал ва самарали бўлади. Ўз ҳаракатлари имкониятларини ўзлари тўғри баҳолашлари, машғулотларни ўтказиш учун мўтадил мотивцияни яратиш учун талабалар ўзларининг жисмоний тайёргарликлари, ўқитиш натижалари, жисмоний такомиллашиш истиқболлари, шахсий ва касбий аҳамиятга молик ҳиссиётларни ривожлантириш ҳақида жорий ва тезкор ахборот билан таъминланган бўлишлари керак [2.26].

Бугунги кунда фақат ўқув мақсадлари учун мўлжалланган педагогик амалий дастурлар дасталари кенг кириб келмоқда. Ушбу даста ўз ичига педагогик, ўргатувчи, назорат қилувчи, намойиш қилувчи ва бошқа бир қатор таълим жараёни учун мўлжалланган ёрдамчи дастурларни олади. Бундан ташқари ушбу дастурлар дастаси таълим жараёнини бошқарувчи, тренажёр, моделлаштирувчи, янги ўргатувчи дастурларни ишлаб чиқиш, ривожланишда ортда қолаётган талабалар учун коррекцион таълим каби функцияларни ҳам бажара олади.

Биз юқорида келтирган таълим жараёни учун мўлжалланган дастурий воситаларнинг мақсади ва вазифалари қандай бўлишидан қатъи назар, асосий дидактик восита бўлиб ўрганилаётган фан ёки мавзу юзасидан ишлаб чиқилган ўқув материаллари ҳисобланади. Бу материалларни танлаб олиш (дидактик мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда) фақат ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Шунинг учун таълим жараёнида фойдаланиш учун ишлаб чиқилган замонавий ахборот технологиялари ўзида муаллифларнинг илмий ва услубий қарашларини ифодаловчи кўп компонентали мақсадли тизимга айланиши лозим.

Замонавий ахборот технологияларидан таълим жараёнида фойдаланишга оид материалларнинг таҳлили компьютерларнинг таълимдаги қуйидаги вазифаларини аниқлаб берди:

- техник-педагогик (ўргатувчи ва бошқарувчи дастурлар, ташхис қўювчи, моделлаштирувчи, эксперт, мулоқотли, маслаҳат берувчи, мантикий ҳисобчи);

- дидактик (компьютер тренажер сифатида, репетитор сифатида, ассистент сифатида, маълум бир вазифаларни моделлаштирувчи қурилма сифатида, таълим жараёнини жадаллаштирувчи восита сифатида ўқитувчи фаолиятини оптималлаштирувчи восита сифатида, ўқув материалларини тезкор алмаштирувчи восита сифатида, талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳақидаги ахборотларни берувчи қурилма сифатида, талабаларнинг билим даражаларини назорат қилувчи ва баҳоловчи, фаолиятларини фаоллаштирувчи ва рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш мумкин).

Шу муносабат билан педагогиканинг вазифаси кўрсатилган мақсадга, албатта, етишиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни аниқлаш ва таъминлашдан иборат бўлади. Бугунги кунда ушбу масала тўла маънода ҳал қилинганича йўқ.

Замонавий инновацион компьютер технологияларидан фойдаланиш натижасида педагогик амалиёт жараё-

ни психологик-педагогик ва махсус бўлимлар мустаҳкамланади ва бойитилади, уларни конкрет педагогик вазифаларни ҳал қилишда қўллаш тажрибаси тарбияланади; бўлажак ўқитувчиларда педагогик билимлар, тажриба ва кўникмалар ҳамда касбий аҳамиятга эга шахсий хусусиятлар ва сифатлар шаклланади ва ривожланади; ўқитувчилик касбига мўтадил қизиқиш ва муҳаббат, педагогик мустақил билим олишга эҳтиёж тарбияланади. Педагогик фаолиятга ижодий ёндашув шакллантирилади. Талабалар мактабдаги ўқув-тарбия ишларининг ҳозирги аҳволи илғор инновацион педагогик тажриба билан танишадилар, педагогик жамоаларга ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда қўлларидан келган ёрдамларини берадилар.

Ахборот билимларига баъзи ҳолларда фақат мулоқот воситаси сифатидагина қарайдилар. Ушбу билимларни мустақил тажрибалар сифатида кўриб чиқишга ҳақиқий коммуникатив билимларнинг фақат ўқув-тарбия жараёнининг самарасини оширишнинггина шарти эканлиги, ахборот билимлари эса фақатгина самарани ошириб қолмай, балки ўқитиш ва тарбиянинг зарур белгиси ҳамдир. Ахборот билимлари ва тажрибаларини ривожлантиришда овознинг йўлга қўйилганлиги, диққат (талаффуз)нинг ишлаганлиги нутқнинг ифодалилиги ва эмоционаллиги, унинг маданияти катта аҳамиятга эгадир [3.71].

Шундай қилиб, хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий ахборот технологияларидан ўринли ва унумли фойдаланиш педагогик жараёни янада такомиллаштиради.

*** ўқув ахборот материалларини ўқувчиларга тақдим этишда;**

*** интерактив таъсир орқали ўқув материалларини ўзлаштириш босқичида;**

*** ўтилган материалларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш босқичида;**

*** оралик ва жорий назорат босқичида;**

*** коррекция киритиш жараёни ва таълим жараёнига тузатмалар киритишда, унинг натижаларидан фойдаланиб, ўқув ахборотлари меъёрини аниқлаш, табақалаштириш ва тизимга солиш босқичларда.**

Таълим жараёнида компьютер ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишда бир қатор салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу ҳолат экран олдида талабаларнинг, айниқса, ўсиб келаётган кичик ёшдаги болаларнинг узоқ муддатга қолиб кетиши билан боғлиқ. Бунинг олдини олиш учун таълим жараёнида компьютерлардан фойдаланишнинг меъёрларига қатъий риоя қилиш зарур.

REFERENCES:

1. Zaytseva T.I., Smirnova O.Yu. V sb.: *Informatsionnie texnologiy v obrazovanii. M., 2000.*
2. Tojiev M., Salaxutdinov R., Barakaev M., Abdalova S. *Ta'lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalari. T.: TDIU, 2001.*
3. Ishmuhamedov R. *O'quv jarayonida interfaol uslublar va pedagogik texnologiyalarni qo'llash uslubiyati. T.: RBIMM, 2008. - 68 b.*

ОИЛА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Дилноза АБДУВАЛИЕВА - эркин тадқиқотчи
Жиззах политехника институти

Бугунги куннинг ёш авлодлари учун оила за-
монавий технологиялар, компьютер,
телевидение ва Интернет билан танишиш иш-
конияти берилган илк маскандир.

Бугунги кунинг замонавий боласига ҳозирги куннинг барча белгилари таъсир кўрсатган. У катталарниқидан тезроқ, уяли телефонни, компьютерни ва планшетни, телевизорни ва магнитофонни ўрганиш учун вақт топади, аста-секин ахборот технологиялари бола ҳаётининг бир қисмини эгаллай бошлайди ва бола онгли равишда уларни қўллашга ҳаракат қилади. Амалиётда фақатгина 20 йиллар олдин болалар кўчаларда ўйнашар, велосипедларда учишар, спорт билан шуғулланишар ва кумли қальалар куришар эдилар. Ҳаёлий ўйин усталари эса, ўтмишдаги болаларнинг қимматбаҳо ускуналар ёки ота-она назорати талаб қилмайдиган ўз ўйин шаклларини яратдилар. Ўтмишнинг фарзандлари жуда кўп ҳаракат қилишарди ҳамда уларнинг ҳиссий дунёси табиатга ва болаларча бегубор соддалигига таянган эди. Илгари кўпчилик оилаларда ота-оналар асосий вақтларини ишда ўтказар эдилар ва болалар уларнинг кунлик бўш вақтларини кутишар ҳамда ишдан келишган ота-оналари билан учрашувларни интиқлик билан кутишар эдилар. Дастурхон атрофи фикрлашиш ва куннинг қандай ўтганлиги ҳақида суҳбатлашиш учун йиғиладиган энг қулай вазиятдир.

Бугунги оилалар бошқача. Технологиянинг XXI аср оиласига таъсири унинг асосини бузади ва оилани ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган асосий қадриятларнинг тарқалишига олиб келади. Ота-оналар ўз ҳаётларини ва уйда иш самарадорлигини ошириш учун алоқа ва ахборот технологияларидан фаол фойдаланмоқда. Ўйин-кулги технологиялари (телевизор, интернет, видео ўйинлар) инсоният ҳаётига жуда тез кўчиб ўтди, ҳеч ким оиланинг тузлиши ва турмуш тарзи ўзгаришларини сезмади.

Уй компютерига эга бўлган ота-оналарнинг аксарияти, болаларининг компьютер технологияси кўп вақт талаб қилмайдиган вазиятда фойдаланишларини хоҳлашади, лекин болалар компьютердан сабоқ олишади ва у билан тунларни ўтказадилар. Улар компютерда ўйнаш учун дарсларни ўтказиб юборишлари мумкин. Ёки уйга қайтиб келганларида дарҳол унинг ёнига боришади. Агар компютер бузилган бўлса, бола безовта, тажовузкор ҳолатда, нима қилиш кераклигини билмайди. Агар компютерда ўйнаш тақиқланган бўлса, таҳдид қилиши ҳам мумкин. Унинг ақлий ва жисмоний саломатлигига зарар етиши аниқ. Болалари бундай ҳолатдан тушиб қолган ёки худди шундай муаммоларга дучор бўлган ота-оналарга нима маслаҳат бераман?

Маслаҳатлар: болаларни компютердан ҳимоя қилинг, чунки у унинг келажагининг ажралмас бир қисми бўлиб қолиши мумкин, фақатгина компютерда ўйнаш вақтини белгилаб, унинг ёшига (жумладан, компютер ўйинларига) ва Интернетнинг ахборот ресурсларига мос дастурларни ишлатишига мослаштиринг ҳамда шу асосга қатъий риоя қилишни талаб қилинг. Вақтнинг миқдори фойдаланувчининг ёшига қараб белгиланади. Агар унинг ортиқча компютер ғайрати сизни хафа қилса, ҳис-туйғуларингизни кўрсатишдан қўқманг. Шунда у сизга душман эмас, балки сизнинг компютерингиздаги ишни тўхтатиш ёки низо юз берган тақдирда ғамхўрлик қилиши керак бўлган яқин кишини кўради. Шу ўринда сиз

Аннотация

В данной статье рассматриваются преимущества и недостатки информационных технологий. Ресурсы даны с фактами, и это доказывает эффекты технологии и коммуникации. Им противопоставляются все виды общения.

Ключевые слова: семья, информационная технология, развлекательная технология, информационный ресурс, игры, связь, виртуальный.

Abstract

This article deals with the advantages and disadvantages of the information technology. The resource given with facts and it discusses effects of technology and communication. It contrasts all kinds of communication and gives reliable information.

Keywords: family, electronic technology, entertainment technologies, information resources, games, communication, virtual.

унга ўз позициясини аниқ ифодаланг ва компютер ўйинларига қарши эканлигингизни тушунтиринг. Улар учун ўзингиз намуна бўлиб болаларни фаол ўйинларга ва жисмоний машқларга қизиқишларини уйғотинг, шунда улар бу қувончни ҳис қилишади. Компютер ўйинлари дўстлар ва оила билан ҳақиқий мулоқот қилиш ўрнини боса олмайди. Кўпроқ китоб ўқиб, китоб билан дўстлашиш лозимлигини ўқидиринг ва бунда ўзингиз шахсий намуна кўрсатинг. Болаларга ёшига мос китобларни танлашинг.

Айтиш жоиз бўлса, оддийгина телевидениaning турли-туман дастурларни томоша қилиб, ҳар бир инсон жуда кўп фойдали ва зарарли маълумотларни олиши мумкин. Масалан, улар орқали фикр доираларни кенгайтириш, турли хулқ-атворларни кўриш ва улардан андаза олиш, кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Бунинг учун ҳозирги технологиялар асрида барча имкониятлар мавжуд (кўплаб телевизион каналлар, турли хил билим дастурлари, викториналар, мусобақалар).

Бирок, бошқа томондан, улар ҳақиқий ижтимоий ўзаро таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум. Телевизор қаршида самарасиз ўтказилаётган ҳар бир дақиқани дўстлар ва тенгдошлар билан мулоқот қилиш, фойдали амалий кўникмалар, китоб ўқиш, спорт машғулотлари билан шуғулланиш учун ишлатиш мумкин.

Интернетнинг ривожланиши билан бир қаторда бутунлай янги ҳақиқат пайдо бўлди - ВИРТУАЛ.

Тармоқ жамият учун ахборот ва руҳий таъсирнинг кучли воситасидир. Бугунги кунда одамлар интернетда ҳам ҳақиқий ҳаётдагидек турли ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин: сотиш, сотиб олиш, ўйин ўйнаш, дунёни томоша қилиш. Ушбу ўйинларни зарарли ўйин-кулги сифатида қабул қиладиган катталардан фарқли ўлароқ, улар ҳаёт муаммоларини унутиб қўйишга олиб келадиган, болалар учун наф келтирувчи эмас, балки хавфни кучайтирувчи манбаларнинг кўпайишига замин яратади ва ёшлар ўзларини ўта зиддиятли иштирокчилар сифатида ҳис этишлари мумкин. Кўпгина болаларда компютердан воз кечиш истаги бор. Бирок, психологлар "гиёҳванд моддалар", бундай ўйинларнинг узайган таъсири, боланинг тажовузкор ва шафқатсиз ҳаракатларига таъсир қилиши ҳақида огоҳлантирадилар. Ота-оналар ўсмирларни экранга боғланиб қолишдан чалғитишлари ва фаол одамлар қаторига қўшилиб, улар билан кўпроқ вақт ўтказишлари учун иш олиб боришлари керак.

Оиланинг махсус тарбиявий ўрни билан боғлиқ ҳолда,

уларнинг ижобий ва ахлоқий ривожланишининг оқибатларини камайтириш учун бизга келадиган маълумотларнинг салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирни кўпайтириш учун қандай ишлар қилиш керак деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун сиз, авваламбор, компютерингизни ва бошқа шу каби технологияларни хавфсиз қилинг. Уларнинг асосий вазифасини тушунтириш, танлов қилишни танқидий қилинг, унга нисбатан танқидий муносабатни кўрсатиш истагини кучайтириш. Ёш авлоддаги ахборот таҳдидини билиш ва уни бартараф этиш қобилиятини шакллантириш, шунингдек, ундаги телекоммуникация тизимлари билан алоқа қилиш қобилиятини ривожлантириш. [1,50]

Оилада ахборот маконини шакллантиришнинг етакчи принциплари қуйидагилар бўлиши керак:

- ахборот ва ахборот ресурсларининг хавфсизлиги (улардан фойдаланишни чеклаш, ёшга, физиологик ва ақлий хусусиятларга риоя қилиш);

- танлов ва муқобиллик (қўшимча ўқиш, оилани четдан кузатиш, фильмларни муҳокама қилиш, музейларга, концертларга, театрларга, экскурсияларга, саёҳатларга, оилавий алоқани йўлга қўйиш ва бўш вақтларни биргаликда ўтказишга ҳаракат қилиш);

- ахборот муҳит таъсирини филтрлаш.

- уйда, оилада, оилавий анъаналарда, оилавий алоқада ахборот маданиятини мақсадли шакллантириш, биринчи навбатда, интеграциялашган ва тизимли характерга эга бўлган кадрлар, билимлар ва кўникмалар шаклланиши жараёни муваффақиятли ва фарзандларимизнинг, умуман, давлатнинг келажаги барқарор ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа мамлакатларнинг тажрибасини таҳлил қилиш ва қўллашга уринар эканмиз, уларда, масалан туризм, минтақалар, қишлоқ хўжалиги, инновацион технологиялар, шаҳарсозлик, таълим соҳаси, АКТ, банклар, фуқаролик жамияти қандай ишлаши ва ривожланганлигини таққослаймиз ва ўзимизга: "Нима учун бизда бундай эмас?" ва "Нима сабабдан биз ҳам шундай қила олмаймиз?" деган саволларни берамиз. Адолат

юзасидан шуни ҳам таъкидлаш лозимки, таққосланаётган мамлакатлар барча соҳалардаги тараққиётга секин-аста, қадам-бақадам эришган ва биз буни тўғри тушушимиз зарур. [2]

Лекин агар асосий омил бўлмиш аҳолининг ўзига ишончи бўлмаса, фундаментал, яхлит принципларни эътибордан четда қолдириб, чет давлатларнинг амалиётини у ер-бу еридан "чўқилаб" қўллаган билан кутилган самарага эришиб бўлмайди.

Бундай хатти-харакатларнинг ҳаммаси ҳар қандай ривожланган, бой, ва аввало, ўз оиласини, ватани раванқини деб жон куйдиришга тайёр ҳар қандай инсон учун энг муҳим ва долзарб масалага айланиши зарур.

Сиз дунёдаги исталган иқтисодчи, стратег, ҳуқуқшунос, маслаҳатчи ёки тадбиркорнинг қай биридан сўраманг, уларнинг барчаси информацион технологияларнинг афзаллиги ва зарарли оқибатларини ҳамда технолоия ва алоқа тизимларининг ҳаётимиз мазмунига айланиб боришини таъкидлайдилар. Бас ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб бораётган экан, технологияларни ҳаётимизда ва энг асосийси оиламизда тўғри ва тизимли фойдаланилишига эришимиз зарур.

ФОЙДАЛаниЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. "Юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда хотин-қизларнинг роли" мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Жиззах - 2018 й. 50-бет.

2. <https://www.psych-olog.ru/2014/01/kak-vliyaet-internet-na-razvitierebenka>

3. Султонмурод О. Оила ва жамият. -Т.: Нишон ношир, 2017, -Б. 14.

ЁШЛАР ФУҚАРОВИЙ-СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯСИНИ АНИҚЛАШДА МУҚОБИЛ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ЙЎЛЛАР

Умид НОРБЕКОВ - мустақил тадқиқотчи
Ўзбекистон Миллий университети
umidnorbekov@gmail.com

Хозирги кунда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий позициясини шакллантириш каби масалалар долзарблигича қолмоқда. Мақоламизнинг тадқиқий мавзуларидан бўлган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий қизиқишларини ва сиёсий мотивларини аниқлашда муқобил илмий технологияларини тадқиқ этишдан иборатдир

Замонавий илмий тадқиқотлар натижасига кўра, ёшларни умуммафаатларга бирлаштиришда фуқаровий таълим ижтимоий-сиёсий инструмент сифатида қабул қилинмоқда. Шунга кўра ёшлар ўртасида умумий ижтимоий кайфиятни аниқлаб олиш, уларнинг сиёсий онгидаги бўшлиқларни тўлдириш, фуқаровий позициясини тўғри йўналтириш ҳамда уларга таълим ва тарбия беришда ушбу жиҳатларга кенг эътиборни қаратишдир.

XX асрда 50-йилларида ёшларнинг фуқаровий таълимини тўғри ташкил этиш ҳамда кучли, етук, сиёсий кадр тайёрлаш каби ижтимоий-сиёсий муаммолар кун

тартибидан ўрин олган эди. Шу билан бирга, илмий муомалага "сиёсий педагогика" атамаси кириб келди. Биринчи марта 1933-1945 йилларда немис файласуфи, Берлин университети профессори А. Боимлер томонидан қўлланилди. У сиёсий таълим яъни сиёсий педагогикани ёшларни тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири деб таъкидлаб ўтган эди [6]. Кейинчалик сиёсатшунос, профессор М. Хеттич томонидан ҳам "Сиёсатшуносликнинг асосий тушунчалари" асарида бу тушунчага атрофлича тўхталиб ўтади. У "сиёсий педагогиканинг предмети сиёсий социализация соҳасига қараганда анча кенгрок бўлиб, унинг илмий муаммолари эса сиёсий тарбиялаш, ўқитиш ва ижтимоийлаштириш тизимларини бирлаштиришдир. Бу эса сиёсий шахсни сиёсатнинг субъекти ва объекти сифатида шакллантиришга, ушбу жараённи ишлаб чиқиш ва тадқиқ этишга ҳар томонлама илмий асосланган ҳолда ёндашишга имкон беради" деб тушунтиради. [5, 108]

Рус тадқиқотчиси А.Лобанев "Сиёсий педагогиканинг муҳим вазифаларидан бири бу шахснинг сиёсий воқеликка нисбатан таъсирчанлигини аниқлаш, мафқуранинг фуқаро онгида сиёсий мақсадга айланишига ёрдам берувчи таълим ва тарбияни ташкил этишдан иборатдир" деб таъкидлайди. [3, 19]

Ҳозирда Ўзбекистонда "Сиёсий педагогика"га оид тадқиқотлар, дарсликлар, илмий лойиҳалар эҳтимол ишлаб чиқилган бўлса ҳам кенг жамоатчилик бундан хабардор эмас, келгусида бундай илмий йўналишлар сиёсий етук кадрларни яратишда, жамиятимизда сиёсий таълим сифатини яхшилашда қўл келиши мумкин

Бугунги кунда фуқаро ва фуқаровий онг каби тушунчалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Асосий сабабларидан бири глобаллашувнинг диний, ирқий, миллий жиҳатларга кенг таъсири бўлиб, фуқаронинг давлатга бўлган

Аннотация

В данной статье представлены понятия "политическая педагогика" и социально-педагогические технологии как альтернативный способ выявления политического и гражданского статуса молодежи. Научно-практический опыт этой технологии был подробно описан.

Ключевые слова: политическая педагогика, социально-педагогические технологии, гражданское сознание, гражданская позиция, опросник. М. Хеттич, Ветренко И. А.

Abstract

This article represents notion of "political pedagogy" and social pedagogical technologies as alternative method of clarifying political citizen status of youth. scientific-practical experimence of this technology was fully written.

Keywords: political, pedagogy, socio-pedagogical technology, citezen, consciouness M. Xettich, Vetrenco I.A.

муносабатини тўғри шакллантириш масаласи давлат ва жамият хавфсизлиги даражасига кўтарилди. "Фуқаровий-сиёсий таълим ва тарбия бугунги кунда таълим институтларининг ривожидида стратегик йўналишга эга, дейди олим Боголюбов ва таъкидлайдики, ҳозирги шароитда "айнан таълим муассасалари шахснинг сиёсий ижтимоийлашувида турғун институт мақомига эга бўлиши мумкин". [1, 112]

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият ёшлари таълим тизимида эканлигини ҳисобга олсак, ҳозирда инсон ресурсини бошқариш каби муаммолар кун тартибидида асосий масала бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатларни назарда тутган ҳолда ёшларнинг сиёсий -фуқаровий позициясини аниқлаш ва уларни ягона фуқаровий мақсад учун сафарбар этиш, уларнинг сиёсий қизиқишларини стимуллаш, энг асосийси шахснинг давлатга ва жамиятга бўлган миллий-фуқаровий ҳиссини уйғотиш каби ижтимоий муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Биз юқоридаги масалаларни ҳисобга олган ҳолда янги педагогик эксперимент тури сифатида ижтимоий-педагогик технология усулидан фойдаланишни илгари сурдик. Ушбу технологияда савол-жавоб, анкета сўровнома-си, интервью методларидан фойдаланиш анча самаралидир.

Ушбу педагогик технологияларнинг классификациясини ва шахснинг фуқаровий онгига таъсир этувчи методлари ҳақида россиялик олима Ветренко И.А куйидаги принципларни санаб ўтади:

Биринчидан, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар орасидан танлаб олинади. Чунки ушбу ёшларда энди фуқаролик позицияси шаклланиш жараёни бошланган бўлиб, барча ижтимоий муносабатларга қатнашиши фаоллашадди. Воқеликка бўлган таъсир ва акс таъсир пайдо бўлади.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

Энг муҳими эса шу жамиятда ўз ўрнини топишга тараддулик ҳисси барқарорлашиб боради. Айнан шу пайтда фуқарони жамият хизматиға сафарбар этиш самаралидир.

Иккинчидан, Ёшларни қайси ижтимоий қатламга тегишли эканлиги ва ижтимоий ҳолатини ҳисоб олиш лозим, сабаби инсоннинг жамиятда шаклланиши, ижтимоийлашиши уларнинг умум мақсадларига боғлиқ.

Учинчидан, вазият тасавури ва восита орқали таъсир самарадорлигини ошириш. Агар фуқаро бирор касбга алоқадор ёки қизиқиши балан бўлса ушбу имкониятидан тўғри фойдаланиш зарурати. (ВАЗИЯТ: Сиз ҳарбий бошлигининг буйруғини сўзсиз бажарасиз тўғрими?, Сиз ўз ота онангининг маслаҳатларига кулоқ солмаган пайтлар бўлганми? Тасавур қилинг душманлар сиз туғилиб ўсган қишлоққа ҳужум қилишди, сизга бошлигининг ҳаводан ёки куруқлик орқали ҳужум қилишни буюрди. Қандай йўл тутасиз, Сиз келажақда ҳарбий бошлиқни бўлиш истайсизми, агар ҳа бўлса, асос келтиринг, ВОСИТА: Сиз кураторсиз ёки ўқитувчи ҳарбий тактика машғулоти пайтида аскар ўзини тутиш қоидалари мавзусида билим бераяпсиз. Сиз Анкета эксперимент усулини воситага айлантасиз).

Тўртинчидан, Сиз педагогик ва таълим мақсадини унутмаслигингиз керак, чунки респондентга ҳам, таълимга ҳам фуқаролик позициясини биргалликда аналитиш бирваракайига иккита вазифани функционал бажарётганлигини унутманг. Бу эса вақтни ва қувватни тежайди. Бунда энг асосийси сиз танлаган мавзу ва анкета эксперимент мантиқан мос келишидир.

Бешинчидан, сиз тузаётган саволлар аниқ стратегияни мақсад қилиш зарур. Чунки ҳар бир берилган саволга жавоб респондентни шахсий омилларни очишига тўсқинлик қилмаслиги зарур. Яъни саволларнинг соддалиги жамиятдаги ҳаммага машҳур идеомалардан фойдаланиш, таълим мақсади билан боғлиқлигини таъминлаш, шахс психологик омилларни ҳисобга олиш керак бўлади. [4,45]

Биз юқоридаги принципларни инобатга олган ҳолда кичик тадқиқотимизни Жиззах давлат педагогика инсти-

Siz kelajakda siyosatshunos mutaxassis bo'lishingizga sharoit yetarli deb o'ylaysizmi? (Agar Ha bo'lsa asos keltiring) Ha, chunki men atrofda bo'layotgan siyosiy ijtimoiy iqtisodiy ma'naviy meritiy vujudlarga betarg emasman, fikrlarimiz kelishadigan, insonlar b-n muhokama
 Siz siyosiy jarayonlarni har vaqt kuzatib bora olasizmi? Har doim ham emas, ba'zan vaqt ajratib kuzatib turaman chunki shu soha mutaxassisi bo'lish uchun siyosiy jarayonlarni kuzatib, tahlil qilib borish k-k.
 Sizda siyosiy bilimlar yetarli deb o'ylaysizmi? Asman.

Har joyda har vaqtda siyosiy bahslarga qo'shila olasizmi? (Agar HA bo'lsa bir sabab keltiring) Ha, ayniqsa biror bir jarayon xususida no'fgiri fikr yuchilayotganda, bahsga kirishib to'gri tahlil qilishga harakat qilaman.

Sizning "siyosatga aralashma" degan iboraga munosabattingiz. (sabab keltiring) Asosan ko'pchilik bu iborani davlat boshqaruvi haqida deb aylaydi, ammo bu iborani har bir insonniy shaxsiy hayotida ham qo'llana boladi.

Siz siyosiy jarayonlarga qiziqasizmi? (Agar HA bo'lsa 3 ta asos keltiring) Ha, 1) Kelajakda yetuk kadr yoki lider bo'lishim uchun. 2) Davlat boshqaruvi haqidagi ma'lumatlardan daim bahardor bo'lish uchun. 3) Jahondagi davlatlarda bolayotgan jarayonlarga betarg emasligim uchun.

Atrofingizda "Inson siyosatni anglasa huquqini angelaydi, huquqini angladi ahlloqini angelaydi" degan ahloqni anglasa o'zligini angelaydi" degan hayotiy tamoyilda yashaydigan fuqarolardan bittasini misol keltiring. Bunga ko'p misol keltirish mumkin. Masalan, Norbekov U, To'rayev A. Shu b-n birga kung da'iradagi kutajakda siyosiy bilimlarga ega bo'lingiz, sizni qanday imkoniyatlar siyosiy rahbarlar kutmoqda? Shubhasiz kattig yoki kichik boshqaruv ahamiyatiga ega boshqaruv kutmoqda

Orangizda "Yosh siyosatchi" degan maqomga ega yoshlar mavjudmi? Oramizda yo'q, ammo bunday yoshlar respublikamiz hududida topilishiga ishonchim komil.

Siz siyosat sohasiga oid 3ta adabiyotni misol keltiring. "Buyuk shaxmat doskasi", "Temur tuzuklari", "Muzamal mulk"

Sizda doim siyosiy habarlarni birinchi eshitadigan do'stingiz bormi? Ha

Sizning fikringizcha yoshlarning siyosiy faol bo'lishiga to'sqinlik qiluvchi omillar mavjudmi? (Agar HA bo'lsa 3 ta asos keltiring) 1) Bu sohada mutaxassis o'qituvchilar yetishmaydi. 2) Kerakli adabiyotlarni topish qiyin. 3) Siyosiy partiyalarning siyosiy kuchi yetarli emas.

Sizning fikringizcha O'zbekistonda yoshlarni siyosiy sohada qo'llab quvvatlovchi tashkilotlar mavjudmi? (Agar HA bo'lsa ularning faoliyatini qanday baholaysiz) Ha, Yoshlar ittifoqi, Siyosiy partiyalar

Siz "Men O'zbekiston kelajagini qanday quraman" mavzusida ijtimoiy-siyosiy ESSE yoza olasizmi? Yoza olaman. Bu mavzuda hamma shu sohada tahlil olayotgan talabalar yoza olishi kerak deb hisoblayman. Chunki bu talabalar ganchalik siyosiy, ijtimoiy bilimga ega ekanligini ko'rsatish kerak.

tuти талабалари ўртасида сўровнома асосида амалга оширдик. Сўровномада 200 га яқин талаба иштирок этди.

Ташкил этувчилар: Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси, ўқитувчи Норбеков Умид

Объекти: Ёшларнинг сиёсий фаоллик ҳолатини баҳолаш

Субъект: 20 ёшдан 25 ёшгача бўлган талабалар


Экспериментнинг педагогик мақсади: Ижтимоий ва педагогик усулларни умумлаштириш орқали таълим мақсадиға эришиш.

Амалий аҳамияти ва кўзланган мақсад: Жамиятимизда ёшларнинг сиёсий жараёнларга қатнашиш ҳолатини аниқлаш ва натижа асосида уларга кўрсатмалар бериш ҳамда умумий хулосадан тадқиқот ишида фойдаланиш.

Ҳозирги ҳолати: Давомий, тугалланмаган.

Биз олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, ижтимоий-педагогик эксперимент тугалланмаганлигини ҳисоб олиб, респондентларнинг жавобларини орқали кичик хулосага келишимиз мумкин бўлади. Ижтимоий гуманитар соҳасига тегишли бўлган талабалар баъзи аспектларнинг умумий натижасига кўра сиёсий жараёнга иштирок этишни хоҳлашади, лекин жамиятда умумий тўсиқлар сифатида керакли адабиётларнинг йўқлиги (айниқса ўзбек тилида), мутахасис ўқитувчиларнинг етишмаслиги, ёшларни сиёсий соҳада қўллаб қувватловчи грантлар, жамғармаларнинг йўқлигини асосий сабаб сифатида кўрсатишган, давлат томонидан сиёсий тадқиқотлар жуда кам қўллаб қувватланиши, айримлари сиёсий партияларнинг сиёсий кучга эга эмаслигини таъкидлашган. Булар энг кўп сабаб келтирилган мисоллардир.

Биз ушбу жавобларни фоизли диаграммаға солиб кўрдик. Натижа қуйидагича;



A. Сиёсий жараёнда иштирок этишни хоҳлашади -- 50%

B. Сиёсий партияларнинг сиёсий кучга эга эмаслиги -- 25%

C. Ёшларни сиёсий соҳада қўллаб қувватловчи грантлар, жамғармалар йўқлигини - 12%

D. Мутахасис ўқитувчиларнинг етишмаслиги - 8%

E. Давлат томонидан сиёсий тадқиқотлар жуда кам қўллаб қувватланиши - 5%

Кутилган натижа:

Педагог ушбу усулдан нималарни билиб олди?

- Ўз талабаларининг қизиқишларини уларнинг фуқаролик-сиёсий позициясини, фуқаровий-сиёсий онгида қандай бўшлиқлар борлигини, натижада қандай ва қанақа ёрдам беришни англаб олди.

Тадқиқотчи ушбу усулдан нималарни билиб олди?

- Ёшларнинг (талабалар) сиёсий жараёнларни қандай англаши ва унинг ижтимоий -сиёсий иштироки билан боғлиқ муаммоларни тасаввур қилиш имкониятини берди.

-Ёшларга оид қайси соҳаларни ислоҳ қилиш керак эканлигини, ёшларга қандай ижтимоий-сиёсий кўмак бериш каби масалалар умумлаштирувчи хулосалар олинади.

Сиёсатшунос П.Н. Шараннинг ёзишича, "сиёсий ижтимоийлашиш кам ўрганилганлиги ўқув жараёни билан боғлиқ бўлиб, индивид қай тарзда демократик тизимда фуқаролик муносабатини қабул қилиши ва ўзгаларга еткази олиши охиригача аниқ эмас, чунки индивид турли таъсир кучларига дуч келади, уларнинг кучи ва самараси эса бир хил бўлмаслиги мумкин." [2,176]

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, натижалар доим ўзгариб туриши табиийдир, чунки давлат ва жамият ривожини динамикли ўзгариш характериغا эгадир. Инсон онги бор-

ликдан қувват олгани каби фуқаронинг сиёсий онги давлатда таркиб топган сиёсий борлигидан куч олади.

Бизнинг мақсад у ёки бу фикрларни бўрттириш эмас, балки жамиятимизда ана шундай экспериментли тадқиқотга, албатта, таълим ҳам шундай интеграл ислохотларга доим муҳтожлик сезаётганлигини англаштирдир.

Энг муҳими, тадқиқот жараёнида ёшларни сиёсий ислохотларга бўлган умумий руҳияти қисман бўлсада аниқланди. Айниқса, бу педагоглар учун қулай усул бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Боголюбов Л.Н. *Изучение социально-гуманитарных дисциплин как необходимое условие формирования у учащихся гражданской культуры*//Социально-политический журнал, 1997, № 3,
2. Шаран П.Н. *Сравнительная политология. Часть 11-М.: 1992*
3. Лобанев А.И. *Политическая педагогика: становление и развитие 2014*
4. Ветренко И.А. *Методологические особенности изучения современных политических процессов. Социум и власть. - Челябинск, 2009, № 4.*
5. Xattich M. *Grundbegriffe der Politikwissenschaft - Darmshtadt: 1980.*
6. <https://www.rapn.ru/in.php?part=in&gr=333&d=1101&n=35&p=0&to>

ТУРКИСТОНГА ЯНГИ УЗУМ НАВЛАРИНИНГ КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИ

Усмон ТҮПЧИЕВ - эркин тадқиқотчи
Жиззах давлат педагогика институти

Асрлар давомида аждодларимиз шуғулланиб келган қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган узум етиштириш ва узум маҳсулотларини тайёрлаш барча тарихий тараққиёт босқичларида ўз моҳиятини сақлаб қолган. Узум ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг аҳоли ўртасида кенг истеъмолда эканлиги боғдорчиликда узум етиштириш ва қўл меҳнатига асосланган маҳаллий узум ва узум маҳсулотлари ривожига, бу борада ўзига хос анъаналарнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида узумчилик ва шароб ишлаб чиқаришнинг тараққий этиб, ўлка ички ва ташқи савдосида муҳим аҳамият касб этиб келганлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам қишлоқ хўжалиги ва саноатда узум етиштириш ва вино ишлаб чиқариш миллий иқтисодиётимизнинг сердаромад тармоқларидан бири бўлиб, республикамизнинг қулай табиий-иқлим шароити ноёб хўраки ва техник узум навларини етиштиришга ҳамда кам харажатлар билан юқори стабил ҳосил олишга имконият яратадиган минтақа ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 февралдаги "Виночилик соҳасини ва алкоғолли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорида [1] ҳам мамлакатимизда виночилик соҳасини янада ривожлантиришда техник узум майдонларини кўпайтириш, жаҳон бозорида катта талабга эга бўлган, генетик жиҳатдан янги, машхур ва истиқболли узум навларини етиштириш белгиланганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистонда узумчилик ва вино саноатининг ривожланишида Россия боғдорчилик жамиятининг Туркистон бўлими муҳим роль ўйнаган. Ушбу жамият узумнинг маҳаллий шароитга мос келадиган энг яхши навларини ўрганиб тавсия этиш, янги саноатбоп узум навларини бошқа минтақалардан ўлкага олиб келиш ишларини ташкил этган. Жумладан, Қрим, Молдавия, Кавказ Республикаларидан Ўрта Осиёга узумнинг янги навлари, айниқса, вино олинадиган навлар ўлкага келтирилиб иқлимлаштирилди.

Туркистонга хориждан илк бор янги узум навлари 1868 йилда Тошкент уездига олиб келтирилган. Кейинчалик четдан келтирилган янги узум навларини етиштириш, йирик узум плантацияларига асос солиш борасида Самарқанд асосий марказ бўлиб қолди. "Узумнинг Европа навларини етиштириш Тошкентда бошланиб, кейинчалик Самарқандга тарқалди. Россиядан келган ҳар бир боғ эгасининг 25-30 десятина си-

Аннотация

В данной статье освещаются особенности новых сортов винограда, появившихся в Туркестане в конце 19 и начале 20 веков и их роль в винодельческой промышленности.

Abstract

This article highlights the features of new grape varieties that appeared in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries and their role in the wine industry.

нов-саноат узум боғи бўлиб, уларда узумнинг ҳам маҳаллий, ҳам Европа навлари парваришланган. Айниқса, Н.И.Иванов, ака-ука Первушинлар бу борада машхур бўлиб, уларнинг ана шундай боғларида узумнинг маҳаллий ва янги навларининг ўнлаб турлари ўстирилган ва мол-кўл ҳосил олинган" [2].

Ўлкага Россия империясидан келган агроном ва селекционерлар, ҳаваскор деҳқонлар янги узум навларини иқлимлаштириш билан бирга маҳаллий узум навлари хусусиятларини ҳам ўрганишди. Маҳаллий навлар билан четдан келтирилган янги узум навларини таққослаш, уларни бир-бири билан чатиштириш орқали янги навлар яратиш ишлари ҳам олиб борилган. Бундан кўзланган асосий мақсад, Россия империяси манфаатларига хизмат қиладиган узумчилик базасида вино ва бошқа спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришнинг узлуксиз тизимини йўлга қўйишдан иборат бўлган.

Кейинчалик 1869 йилдан бошлаб Туркистонга Россия империясининг Қрим, Кавказ, Украина каби минтақаларидан ташқари, Европанинг Франция, Германия, Венгрия, Болгария каби мамлакатлари ҳамда Америка қитъасидан ҳам узумнинг янги навлари олиб келиниб маҳаллийлаштирилган.

1888 йилдан янги узум навлари ўлкадаги юзлаб боғбонларга тарқатилган ва сотилган. Хусусан, XX аср бошларида Самарқанд вилояти уездларида 50 десятина ер майдонида узумнинг Қора Птивердо, Франкменс, Изабелла, Каберно-Савиньон, Оқ шампань, Рислинг, Сотернь, О-Порто, Модерн-Мальвази, Лакрима-христи, Оқ мускат каби чет элдан келтирилган янги навлар парваришланиб, боғбонларни қониқтирадиган меъёрга ҳосил олинган [3, 136].

XIX аср охирида Туркистонга Ширвон (Озарбайжон)дан Қора Ширвон ва Боку губерниясидан келтирилган Матрос номли янги узум навлари иқлимлаштирилган. Ушбу навлар ўзининг совуққа чидамлилиги, узумда учрайдиган замбуруғ ва бошқа касалликларга чидамлилиги, шунингдек, ҳосилдорлиги ва вино бериш микдори юқорилиги билан бошқа узум навларидан ажралиб турган. Масалан, узумнинг янги Матрос нави етиштирилган боғнинг ҳар бир десятина еридан олинган ҳосилдан 600-700 челақ (1 челақ 12-15 литр) сифатли вино олиш мумкинлиги каби хусусиятлари билан Мерло, Гренашь, Мурвед каби янги узум навларидан устун турган. Жанубий Қримдан келтирилган Пино-Фарнь, Бордо (Франция)дан келтирилган Каберно-Савиньон, Каберно-Франь, Карменера, Мерло, Вердо, Молебек, Шампань (Франция)дан келтирилган Пино-Фарнь, Пино-гри, Нино-Блань, Алигата каби узум навлари ҳосилдорликда, шунингдек, виносининг таъми ва рангининг жозибадорлигида Матрос билан баҳслаша олмаган [4].

Туркистон ўлкасига кириб келган янги узум навларининг маҳаллий навлардан фарқи бўлган ўзига хос

хусуситлари ҳам бўлган. Масалан, маҳаллий узум навлари тез касалликка чалиниб, бу касалликларнинг 11 хил тури мавжуд бўлган бўлса, Европа навларида бундай касалликлар тури кам бўлиб, асосан 3-4 йилда хлороз касаллигига чалинган ва уни даволаш осон кечган. Шунингдек, узумнинг Европа навларининг ҳосилдорлик даражаси маҳаллий навларга нисбатан юқори бўлиб, биринчи йили ҳосилдорлик паст бўлса, учинчи йили ўзини тиклаб олиб асл ҳолатига қайтган. Маҳаллий навларда эса бу жараён беш-олти йил давом этган. Узумнинг Опорти, Оқ, қора ва қизил Мускат каби янги навлари совуқ ҳаво таъсирига чидамли бўлиб, совуқ таъсир қилса ҳам ҳосилдорлик у даражада пасаймаган. Маҳаллий навларнинг аксарияти эса совуққа чидамсиз ҳисобланган. Бундан ташқари, янги узум навларидан юқори сифатли вино ва бошқа спиртли ичимликлар олиш мумкин, айниқса, бу борада Оқ Мускат, Бордо, Сотернь навларидан олинган вино маҳаллий навлар ҳисобланган Буваки ва Чарос каби узумлардан олинган виноларга нисбатан сифат жиҳатдан юқори турган.

Тошкентлик боғбонлардан Н.И.Иванов ва И.И.Первушин, самарқандлик боғбонлар А.Л.Филатов ва Р.С.Проховскийлар узумнинг Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперани мускати, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла каби 20 га яқин, шунингдек, узумнинг қора ва қизил турлари ҳисобланган Сотернь, Рислинг, Мадера, Гро-Рислинг, Оқ Мускат, сариқ тусли Александрия, Шосланинг каби ўнга яқин янги узум навларини парвариш-лаш ва уларни иқлимлаштиришда катта хизмат қилишган[5].

Туркистон ўлкасида узумчилик ва ундан юқори ҳосил олиш бўйича Самарқанд вилояти етакчи ўринда турган. Хусусан, 1894 йилда Самарқанд вилоятида 6 261 000 пуд узум ҳосили йиғиштирилиб, олинган ҳосилнинг 94,7% ҳўл мева сифатида итеъомол учун сотилган, қолган 5,3%, яъни 334 243 пуд узум ҳосилдан вино тайёрланган. Кўрсатилган йилда бутун Туркистон бўйича 11 млн пуд узум ҳосили йиғиштириб олинган ҳолда бир йилда узумдан олингани ҳосил миқдоридан улуш бўйича Самарқанд вилоятининг ҳиссаси 52-53%ни ташкил этган [6].

Туркистон ўлкасида узумчилик соҳасининг ривожланиши, ўлкада узумнинг янги навларининг жорий қилиниши натижасида минтақада етиштирилган маҳсулотни Россиянинг Европа қисмига, шунингдек, хоризмга экспорт қилишининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этган.

Туркистон ўлкасидан четга узум ва узум маҳсулотларини экспорт қилишда транспорт сифатида дастлаб туя, от, хачир каби ўй ҳайвонларидан фойдаланилган бўлса, кейинчалик ўлкага темир йўлнинг кириб келиши билан ушбу маҳсулотларни четга ташишда темир йўлдан фойдаланила бошланган. Манбаларда қайд этилишича, XIX аср иккинчи ярмида ҳар йили темир йўл орқали Самарқанддан Троицк ярмаркасига ёз ойларида 10 000 туя, жами 180 000 пуд кишмиш узуми ва бошқа товарлар олиб чиқилган. 1892-йилда Каспийорти темир йўли орқали Россия ва Европага 412 000 пуд кишмиш узуми жўнатилиб, унинг 285 566 пуди Самарқанд узуми бўлган. Ток тупидан узилган ҳолда экспорт учун чиқарилган ҳўл узумнинг умумий миқдори 3 000 пуд, узумдан тайёрланган винонинг умумий миқдори эса 66 838 пудни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичдаги Самарқанд узумидан тайёрланган вино миқдори 14 979 пудни ташкил этган. Россияга чиқарилган узум ва узум виноси 1888-йилда 70 597 пуд бўлган бўлса, кейинги беш йил давомида бу кўрсаткич беш маротабага ошиб, 1892-1893 йилларда 451 018 пудни ташкил этган [7,75].

XX асрнинг дастлабки ўн йиллигида Туркистондан

Россияга ҳўл мева чиқариш ҳажми ошган. Масалан, 1907 йилда 1906 йилга нисбатан ҳўл мева чиқариш 136,31%, узум экспорт қилиш эса 241,03% ўсган. Аксинча, куруқ мева чиқариш 22% пасайган. Бу кўрсаткич 100% нисбатида олинган бўлса, ҳўл мевалар 34,92% дан 38,55%га ошган ҳолда, узумнинг салмоғи 30,64% дан 48,77%га кўтарилганлигини кўриш мумкин[8].

Юқоридаги рақамлардан кўринадики, ўлкада узум етиштиришда ҳосилдорлик янги навлар ҳисобидан доимо кўтарилиб борганлиги маълум бўлиб, ўлка ташқи савдосида узум ва майизга эҳтиёж ошиб борган. Минтақада узумнинг навлари тури ва сони янги навлар ҳисобига уч баробарга кўпайган, яъни узум навлари сони кўрилатган даврда 60 дан ошиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига узумнинг 40 дан ортиқ янги навлари олиб келинган ва иқлимлаштирилган. Узумчиликни илмий асосда йўлга қўйиш, унинг асосида виночилик саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар кутилган натижаларни берган бўлса-да, лекин барча иқтисодий имкониятлар марказ манфаатларига бўйсундирилган эди. Россия мус-тамлакачилиги сиёсатида Туркистонда узумчилик соҳасини тараққий эттириш орқали четдан сотиб олинган спиртли ичимликларга кетадиган харажатларни камайтириш натижасида сифатли, олий навли вино ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш орқали катта даромад олишни режалаштирган. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мустамлака ҳукумат ўлкада узумнинг янги навларини етиштириш ва улардан мўл ҳосил олиш, олинган ҳосилдан сифатли вино ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори. 2018 йил 28 феврал.*
2. *Пулло А. К вопросу о виноградарстве//Туркестанский сборник. Том 467. -С. 59-60; Ҳайитов Ж.Ш. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар. -Бухоро. "Дурдона", 2018.-Б.75. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.- СПб., 1908. С. 237-239.*
3. *Виноделье в Туркестане//. Том 522. -С. 163; Стекольников И. Виноградарство и виноделие в Туркестан // Туркестанский сборник. Том 454. -С.136.*
4. *Невесский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области// Туркестанский сборник. Том 525. -С. 177-183.*
5. *Невесский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области// Туркестанский сборник. Том 525. -С. 177-183; ЎзР МДА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3178-иш, 142-варақ.*
6. *Пулло А. К вопросу о виноградарстве// Туркестанский сборник. Том 467. -С. 58-60; Шадманова С.Б. Туркистон тарихи-матбуот кўзгусида(1870-1917 йиллар). -Т.: "Янги нашр", 2011. -Б.85.*
7. *Ҳайитов Ж.Ш. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар. Дурдона. Бухоро, 2018.-Б. 75.*
8. *Вывоз сушеных фруктов и виноградного вина// Туркестанский сборник. Том 536. -С. 270-276.*

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАРОСИМЛАРНИНГ ЭТНОЛОКАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Фаррух АКЧАЕВ - эркин тадқиқотчи, Жиззах давлат педагогика институти

Зиёратгоҳлар ва уларда ўтказиладиган турли маросимлар умумий ва хусусий жиҳатлари билан ажралиб туради.

Республика микёсидаги барча зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар қарийб ўхшаш ҳолатда ташкил этилса-да аммо айрим хусусий ҳолатлар ҳам мавжудки, бу жараён аҳолининг турмуш-тарзи, кундалик машғулоти, орзу-истаклари ва маҳаллий анъаналар билан боғлиқ қарашлардаги ўзига хослик асосида юзага келади. Чунки анъана, урф-одат ва маросимларнинг юзага келиши ва халқ ижтимоий ва диний ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши мураккаб жараён бўлиб, унга бир қанча омиллар таъсир ўтказади.

Яъни миллий ўзига хосликлар узоқ тарихий даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий-географик ўрнашув, аҳолининг машғулоти, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳий-психологик қарашлари негизда қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади [Аширов А. 2014, 189 б].

Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ташкил этиладиган маросимларда ҳам умумўзбекка хос жиҳатлар билан бир қаторда хусусий кўринишлар ҳам мавжуд. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, қадамжолардаги маросимларнинг фарқи томонлари характер жиҳатдан куйидагиларда намоён бўлади: маросим турлари ва уни ўтказилиш жараёнида, маросимга хос таомларда, маросимда ишлатиладиган предметлар, уларнинг ранги ва сониди. Куйида фақат Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимлар ва унинг ўтказилиш жараёнларига тўхталиб ўтамиз.

Авлодлар учрашуви. Жиззах воҳасида қадимдан турли элат ва миллат вакиллари истиқомат қилиб келишган. Турли тарихий даврларда воҳанинг Бухоро ва Қўқон хонликлари таркибига ўтиб туриши, миллий ҳудудий давлат чегараланиши, коллективлаштириш ва чўлларни ўзлаштириш сиёсати ёки бошқа омиллар натижасида қўшни ҳудудлар билан ассимиляцияга учраган. Жумладан, аҳоли ўзлари туғилиб ўсган ҳудудлардан айрим масалаларда, хусусан коллективлаштириш, колхозлаштириш ва чўлни ўзлаштириш мақсадида республиканинг бошқа минтақаларига ва қўшни республикаларга кўчирилиши ушбу жараёнларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Воҳага хос жиҳатлардан бири турли сабабларга кўра бошқа ҳудудларга кўчиб кетган кишиларнинг оилавий (ёш авлод вакиллари қатнашиши мунтазам кузатилади) воҳадаги зиёратгоҳларга бир вақтда ташриф буюриши ва учрашув чоғида турли диний маросимларни бажаришидир. Бу маросимлар Ш. Рашидов тумани Қулписар ота зиёратгоҳида қозоқ миллати вакиллари, Фориш тумани ҳазрати Эшон Халифа ва ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳида тожик миллати вакиллари ҳамда Бахмал туманидаги Моргузар ота зи-

Аннотация

В данной статье на основе анализа научной литературы и этносоциологических исследований ведется речь о процессах проведения видов обрядов и свойственных блюд, а также пользование предметов, их цвет и количество отражаемые в этнолокальных особенностях, свойственных только Джизакскому оазису.

Ключевые слова: *Джизакский оазис, святыни, виды обрядов, процесс проведения обрядов, блюда свойственных обряду.*

Abstract

In this article, based on the analysis of scientific literature and ethnopsychological research, only typical types of rituals for the oasis are discussed, as well as the process of their conduct, ritual dishes, objects used in the ritual, their color and number, reflecting ethnocultural features.

Keywords: *Jizzakh oasis, sanctuary and Kadamjay Shrine and temples, types of rituals, ritual dishes.*

ёратгоҳида қирғиз миллати вакиллари томонидан ҳар йили 8-10 май кунлари оралиғида ўтказилади. Маросимда олдинги йилдаги келишув асосида танланган киши томонидан зиёратчиларнинг сонига қараб қора мол ёки бир неча қўй ва эчкилар қурбонлик қилинади. Маросимни ўтказиш жараёнида муҳим қисмларидан бири, ёши катталар билан бир қанча оилавий масалаларни келишиб олинишидир [дала ёзувлари.10]. Яъни ташриф бурувчилар ўзаро маслаҳатлашиб, ёши ёрилари муаммолари, қийинчиликларининг ечими ва хурсандчилик кунларини ташкил қилиш борасида фикр алмашишади. Маросим охирида ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилиниб, келтирилган ортиқча маҳсулотлар эҳсон қилинади. Йиллар давомида учрашувни ташкил қилиш ва маросимларни ўтказиш борасида ўзига хос анъана шаклланган бўлиб, айрим жараёнлари зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар билан омукталаниб кетган. Айнан бу тадбирларда ҳам зиёратгоҳларни жамоавий тарзда муқаддаслаштирилган ва барча учун энг сакрал ҳудуд бўлганлиги боис ушбу муқаддас масканда инсонлар энг хурсандчилик лаҳзаларини биргалиқда ўзаро жамоавий тарзда нишонлаш анъанасини кўриш мумкин.

Пода қўшиш маросими. Бу маросим асосан воҳанинг Зомин, Бахмал ва Ш.Рашидов туманининг тоғли ҳудудларига хос бўлиб, ҳар йили март ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида ўтказилади. Маросимда қишлоқда истиқомат қилувчи уруғлар навбати билан (қариндош уруғлар жамоасига бир неча йилда бир марта навбат келади) қўй сўйиб қурбонлик қилишади. Бунда қишлоқнинг ҳар бир хонадонидан бир нафардан ёши

улуғ вакили иштирок этади. Ушбу маросимда кимлар бу йил чўпонлик қилиши, чўпонга ҳар бир бош чорва моллари (от, қора мол, қўй ва эчки учун алоҳида табақалаштирилган) учун тўланадиган пул ёки унинг ўрнини босувчи натурал маҳсулот (буғдой, арпа ёки чорва моллари) миқдори, чўпонларга қўйиладиган талаблар келишиб олинади.

Ушбу маросимнинг зиёратгоҳларда ўтказилиш сабаби қуйидагича: биринчидан, зиёратгоҳларнинг жамиятдаги маъқеи ҳам инobatга олинган бўлиб, чорва молларнинг баракаси, уларни касалликдан сақлашда қадамжодаги авлиё муҳофаза вазифасини ўташига ишониш бўлса, иккинчи томондан, муқаддас жойда берилган ваъда ёки келишилган битим оғзаки бўлиб, унинг ишончилиги ва амал қилиш томонларнинг виждонига боғлиқ бўлади. Шу сабабли аҳоли орасида зиёратгоҳларнинг магик хусусиятларидан чўчиш, у ерда ёлгон гапирмаслик каби диний қоидалар томонларнинг маънавий бурчини эслатишга ишониш ҳисси мавжуд [дала ёзувлари, 5]. Қолаверса, айнан зиёратгоҳлар на давлатга на маълум бир шахсга тегишли бўлган ўзига хос муқаддас маскан бўлиб, халқ эътиқодларига кўра айнан бу ҳудудда амалга оширилган ҳар қандай келишув илоҳий аҳамиятга эга бўлади. Шу боис бу ерда тузилган оғзаки шартнома муқаддас келишув бўлганлиги боис уни бузиш оғир гуноҳ билан тенглаштирилади. Айнан бу ҳолатдан зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг ўзига хос сакрал хусусиятлари билан бирга уларнинг келишув объекти тарзидаги бошқа муҳим функцияси ҳам намойён бўлади. Умуман олганда, кўплаб Марказий Осиё халқлари ҳаётида зиёратгоҳлар маҳаллий одамлар учун энг муқаддас маскан ҳисобланган ва бу ерда бажарилган ҳар қандай амал ва маросимга ўзгача тус бериш ва инсонлар руҳияти учун ижобий аҳамият касб этиш кенг тарқалган.

Маросимларда амалга ошириладиган одатлар. Этнография тадқиқотлар жараёнида воҳа муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларида маросим охирида бажариладиган удумларда ҳам ўзига хос хусусиятлар кузатилди. Жумладан, ақиқа маросими сўнггида воҳа хонадонларида ёки Хўжамушкент ота, Новқа ота, Парпи ота, Саъд ибн Абу Ваққос ва Хўжабоғбон ота сингари зиёратгоҳларда маросимдан сўнг тажрибали ва хонадоннинг ёши улуғ аёллари эҳсон учун сўйилган қўйнинг ошиғини ушбу гўдак соғ-саломат улғайсин, чимилдик кўрсин деган мақсадда олиб кетишади ва уни ушбу чақалоқ вояга етганида унинг чимилдиги ёки сўрпасининг бир четига тугиб қўйишади. Қолган сўрпасини ташлаб юбормасдан яхшилаб тозалаб, янги оқ матога ўраб хонадоннинг тоза жойига кўмилган. Ахборотчиларимиздан бунинг сабаби сўралганда, бу боланинг ризқи уни беғоналар ёки ёввойи ҳайвонлар олиб кетмаслиги керак [дала ёзувлари. 11] лигини таъкидлади. Парпи ойм ҳамда Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларида ўтказилган маросимлардан сўнг ҳудуддаги сирпанчиқ тошларга сирпаниб кетишлари кузатилди. Ахборотчилар бунинг сабабини гуноҳлардан, турли инсулуслар таъсиридан ҳамда уларни қийнаб келаётган касалликлардан шу жойнинг ўзида фориг бўлиш [дала ёзувлари.3] билан изоҳлади.

Фикримизча, зиёратчилар томонидан қурбонлик амалга оширилганда ёки маросимларда фойдаланилган атрибутлар ва озиқ-овқатларни шу жойда қолдиришдан мақсад, барча ёмонликлар ва уларни қийнаётган жиҳатлар шу ерда қолсин, ўзим билан уйга эргашиб кетмасин деган фикр бўлган бўлса, айримларини олиб кетиш маросим аталган боланинг келажига, соғлигига гаров бўлади деган ишонччи юзага келтирган.

- Зиёратгоҳ таомлари. Зиёратгоҳларда ташкил қилинадиган барча маросимлар турли таомлар ҳамда егуликлари билан ажралиб туради. Маросимий таомларнинг кундалик таомлардан фарқи аста-секинлик билан бажарилаётган урф-одат ва маросимнинг таркибий қисми умумий овқатланиш ёки афсунгарлик объектига айланиб боради [Аширов А. 2007, 195-196 б]. Яъни маросим таомлари бажариладиган удумнинг бир бўлаги, уни тайёрлашдан то истеъмолга қадар бўлган жараёни бир бутунликни ташкил қилади. Жиззах воҳасида ҳам маросим таомлари ўзига хос кўринишда бўлиб, ўзида воҳа аҳолисининг машғулоти, турмуш-тарзи, ҳудуднинг иклими каби хусусиятларни бирлаштиради. Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, воҳада маросимларга аталган егуликлар орасида сутли ёки сут аралаштириб тайёрланадиган таомлар кўпроқ учрайди. Ахборотчиларнинг таъкидлашларига кўра, ҳудуд об-ҳавосининг кескин ўзгариб туриши донли ва бошқа таомларни тезда қотиб қолишига олиб келади, бу егуликларга сут солиниши эса, уни узоқ вақт юмшоқ сақланишига олиб келади [дала ёзувлари.7].

Бевосита таомларнинг ўзига тўхталадиган бўлсак, воҳада ҳар бир маросимда тайёрланиши шарт бўлган турлари мавжуд, яъни ритуал таомлар тушунчаси шакланган. Агар бошқа ҳудудлар маросимларига эътибор қаратилса, ҳар бир микроҳудуднинг алоҳида таомлиниши ва тайёрланадиган егулик мавжуд. Жумладан, Хоразм воҳасида зиёратгоҳларда асосан қурбонлик, дарвешона ва садақа маросимларда ритуал таом қорма (шавла)[Абидова З. 2018, 112 б], Бухоро[Курбонова М. 1994, 103 б] ва Тошкентда ҳалиса ёки ҳалим[Зунунова Г. 2013, с.255], Қашқадарёда шўрва, тўграма дарвешонада ғруч ош, Фарғона водийсида ҳалим тайёрланади[Аширов А.2007, 132 б]. Сурхондарёда чўзма, чалпак, ис[Файзуллаева М. 2010, 23 б] тайёрланади. Жиззах воҳасида эса барча маросимларда бўғирсоқ ва чўзма тайёрланади. Ҳар иккиси ҳам ҳамирни пахта ёғига пишириш жараёнидан иборат бўлиб, ахборотчиларнинг айтишича, таомларни тайёрлашда атрофга тарқаладиган хиддан, ўтиб кетган аждодларнинг арвоҳлари баҳраманд бўлиб, уларнинг руҳлари шод бўлади [дала ёзувлари. 11].

Воҳага хос маросим таомлари маълум магик хусусиятлар билан биргаликда, одатда узоқ вақт-бутун маросим жараёнини қамраб оладиган даражада вақт талаб қилинадиган умоч оши, ширгурунч, ҳолвайтар каби таомлар тайёрланади.

Воҳага хос маросимларда фойдаланиладиган предметлар икки қисмга ажратилади: биринчиси, иштирокчилар ўзлари билан олиб келадиган анжомлар ва иккинчиси маросим жараёнида зиёратгоҳдаги айрим предметларидан фойдаланиш ёки ўзлари билан олиб кетиши ҳамда қайтаришидир.

Воҳада зиёратчиларнинг аксарияти маросимлар чоғида арвоҳларга атаб чироқ ёқиш одати мавжуд бўлиб, ташриф буюрувчилар ўзлари билан ёғ, пахта каби "ислик" олиб келишади [дала ёзувлари.1]. Новқа ота, Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳларига келган ҳар бир киши ўзи билан "ислик" олиб келишади. Шунингдек, маросимнинг бажарилиши жараёнида қурбонлик тарзида парранда ёки хайвон ҳам сўйиш одати мавжуд. Юқоридагилардан ташқари, зиёратчилар ўзлари билан, зиёратгоҳдаги азиз авлиёга аталган мато, чироқ, пул ва чўзма ҳам олиб келишади. Ташриф буюрувчилар зиёратгоҳга мунтазам қатновчилар тоифасига кирса ёки бирор мушкулотнинг ечимидан сўнг зиёрат қилишни ният қилган бўлса, аввалроқ ҳадя қилишга буюм атайди ва алоҳида тугунга солиб қўяди [дала ёзувлари.8].

Одатда олиб келинган буюмлар зиёратгоҳдаги ишчиларга тақдим қилинади. Шунингдек, айрим предметлар вазифасини ўтаб бўлгач, ёқиб юбориш одати ҳам сақланган. Жумладан, Муғол қишлоғига кираверишдаги тепалик устида жойлашган Кўктўнли ота зиёратгоҳидаги кўк тошга асосан болаларда учрайдиган кўк йўтални даволаш учун ташриф буюрадилар. Бу ерда ўтказиладиган маросимларнинг хусусияти шундаки, зиёратчилар боланинг бўйига мос келадиган кўк матодан кўғирчоқ ясаб келишиб, кўк тошдаги ковакчага сув қуйиб ичилгандан сўнг, пастдаги сойликка олиб тушиб кўғирчоқни ёқиб юборишади. Бизнингча, бунинг сабаби бола вужудига кириб олган ёвуз руҳлар ва касаллик маросим давомида кўғирчоққа ўтади. Уни ёқиб юбориш ёвуз руҳлар ва касалликдан фориғ бўлишнинг энг мақбул йўли эканлигига ишонилдир.

Воҳа зиёратгоҳларига олиб келинаётган мато рангларининг ҳам ўзига хос функцияларини Янгиобод туманидаги Бўтаош Вали зиёратгоҳида учратиш мумкин. Бу ерга фарзанд кўриш мақсадида келган зиёратчилар оқ мато олиб келишса, тутқаноқ ва жин чалди касаллигидан халос бўлиш учун келган зиёратчилар қора матодан тикилган ёпинчиқда келиб маросимдан сўнг ушбу матоларни ирим сифатида қолдириб кетишлари кузатилади [дала ёзувлари.9].

Бундаш ташқари кузатувларимиз жараёнида воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларда сонлар ҳам муҳим аҳамият касб этиши аниқланди. Хусусан, Зомин тумани Куччи болғали қишлоғидаги Хўжа Кўндаланг зиёратгоҳига даво истаб келган зиёратчилар чиллашир касаллиги билан оғриган боланинг ёшига қараб чироқ ҳамда чўзма олиб келишса [дала ёзувлари.2], Туркман қишлоғидаги Хўроз ота зиёратгоҳига хўрозак (нафас йўллариининг бўғилиши) касаллигига чалинган бола йилнинг нечанчи ойида тугилганига қараб чироқ ва чўзма олиб келиш одат тусига кирган [дала ёзувлари.4]. Демак, бу каби анъаналар қадимги даврда диний тафаккур табиат ва руҳларга сиғиниш, уларни муқаддас деб билиш воҳа аҳолисининг бугунги кундаги урф-одатларида сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Зиёратгоҳдан олиб кетиладиган буюмлар эса турли кўринишда бўлиб, ташриф буюрувчининг нима мақсадда предметга эҳтиёж сезишидан ва зиёратгоҳнинг хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Жумладан, воҳанинг Парпийоим, Хўжамушкент ота ва Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларига кўпроқ фарзанд талаб зиёратчилар келишади. Бефарзанд аёл муқаддас булоққа ёки мазорга келгач, "зиёратгоҳ ҳомийси" [Зиёратгоҳда Қуръон оятларидан ўқиб, дуои фотиҳа қилиб турувчи диний илмдан хабардор киши]га ташриф буюриш мақсадини баён қилади. Зиёратчи аёл расм-русумларни тугатгач, унга олдин зиёратгоҳга келиб, фарзандли бўлган она боласининг кокилидан берилади. Жараённи ташкил қилувчи ходим "кейинги келишингизда иккита қилиб олиб келасиз" - деб таъкидлайди [дала ёзувлари.6]. Бу билан ўша аёлни фарзанд кўриб, фарзандининг ҳам кокилини олиб келишига ишора-

дир.

Хулоса қилиб айтганда, воҳа зиёратгоҳларида ўтказиладиган маросимларнинг хусусиятлари ва уларни ўтказишдан кўзланган мақсад-муддаоларда, ишлатиладиган предметларнинг ранги ва сонини белгилашда, маросимларда тайёрланадиган таомларнинг турларини танлашда айрим этнолокал хусусиятлар учрайди. Бунга маҳаллий ҳудуд иқлими, жойлашган ўрни, аҳолининг машғулоти ва яшаш шароити каби жиҳатлар ҳам таъсир ўтказган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абидова З. *Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот): тар. ф.ф.д. учун дисс. - Тошкент, 2018.*
2. Аширов А. *Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т.: 2007.*
3. Аширов А. *Этнология: Ўқув қўлланма. - Тошкент: Yangi nashr, 2014.*
4. Зунунова Г. *Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX - начало XXI в.). - Ташкент: Extremium-press, 2013.*
5. Курбонова М. *Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъавий таомлари. (XIX аср охири ва XXI бошлари): Тар. фан. ном. дисс. - Тошкент, 1994.*
6. Файзуллаева М. *Сурхон воҳаси аҳолиси таомлари билан боғлиқ анъана ва маросимлар: тар. фан. ном. дисс. - Тошкент, 2010.*

ДАЛА ЁЗУВЛАРИ:

1. Дала ёзувлари. *Фаллаорол тумани Авлиё қишлоғи. 2015 йил.*
2. Дала ёзувлари. *Зомин тумани Қушчи Болғали қишлоғи. 2016 йил.*
3. Дала ёзувлари. *Зомин тумани Парпийоим, Фориш тумани Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳлари. 2014-2016.*
4. Дала ёзувлари. *Зомин тумани Туркман қишлоғи. 2016 йил.*
5. Дала ёзувлари. *Зомин тумани Хўжаи Сероб ота, Бахмал тумани Новқа ота ва Теракли ота ҳамда Ш.Рашидов тумани Парпи ота зиёратгоҳлари. 2015-2017 йиллар.*
6. Дала ёзувлари. *Парпийоим, Хўжамушкент ота ва Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳлари. 2014-2017 йиллар.*
7. Дала ёзувлари. *Ш.Рашидов тумани Парпи ота қишлоғи. 2018 йил.*
8. Дала ёзувлари. *Янгиобод тумани Сармич ва Жўлангар қишлоқлари. 2016 йил.*
9. Дала ёзувлари. *Янгиобод тумани Юқорисармич қишлоғи. 2014 йил.*
10. Дала ёзувлари. *Ш.Рашидов тумани Қулписар ота, Фориш тумани ҳазрати Эшону Халифа ва ҳазрати Зайнулобиддин, Бахмал тумани Моргузар ота зиёратгоҳлари. 2014-2018 йиллар.*
11. Дала ёзувлари. *Ш.Рашидов тумани Эски Тошкентлик маҳалласи. 2018 йил.*

С.П.ТОЛСТОВНИНГ ХОРАЗМ ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ

Жамол ЮЛДАШЕВ - эркин тадқиқотчи, Жиззах вилоят халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази

Археология фани дунё миқёсида катта тарихий ахамиятга эга, ўз шаклланиши ва тараққиётининг узоқ йўлини босиб ўтган ижтимоий гуманитар фан тармоқларидан биридир.

Ўзбекистонда археология фани асосан XX асрнинг 20-30- йилларида ўзининг илк шаклланиш даври иккинчи босқичини ниҳоясига етказди. Бу даврда В.Л.Вяткин Афросиёб шаҳар харобасини (1925: 1929, 1930). Б.П.Денике қадимий Термизни (1926-1927 й), М.Е.Массон Оҳангарон водийсининг айрим ёдгорликларини (1925-1928 й), Айритом харобаларини (1932-1933 й) қазиб ўргандилар. 1930 йилларда кенг кўламда қазиш ишларини А.Ю.Якубовский Зарафшон водийсида (1934, 1939 й), М.Е.Массон қадимий Термизда (1936-1938 й), В.А.Шишкин Тали-Барзуда (1936-1938 й), Варахшада (1937-1939 й), С.П.Толстов ва Я.Ф.Фуломов кўҳна Хоразм воҳасида (1937-1950 й), А.П.Окладников Тешиктош ва Мачай горларида (1938-1939 й), В.В.Григорьев ғовунчитепа харобаларида (1934-1937 й), олиб бордилар. [1] Тўпланган археологик материаллар Ўзбекистон тарихини ниҳоятда қадимийлигини исботлади, уни даврлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилди, янги археологик маданиятлар - Калтаминор, Тозабогёб, Амиробод, ғовунчи маданиятлари ўрганилиб фан муомиласига киритилди. Натижада Бақтрия, Хоразм, Суғд тарихий-маданий ўлкаларида қадимги даврлардан бошлаб ўзига хос маданий ҳаёт бунёд этилганидан фан олами воқиф бўлди.

Шу ўринда, Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон археологиясини ўрганишда, уни тараққий эттиришда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган, таниқли Хоразмшунос олим, профессор С.П.Толстовнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

1907 йил 25 январда Петербургдаги ҳарбий зобит Павел Толстов ва тўқимачи Мария Ивановна Бадаева оиласида туғилган Сергей Толстов болалигидан шарқ тарихига меҳр қўйди ва шу боис, Москва Давлат Университетининг тарих факультетига кириб ўқиди. Моддий маданият тарихи давлат академиясининг аспирантурасида ҳам таҳсил олди. Дастлаб Москвадаги музейлардан бирида фаолият юритди. Кейин эса болалигидан эртақ- афсоналар орқали ўзини мафтун қилган Хоразм тарихини ўрганишга киришди. Биринчи маротаба у 1929 йилда илк бор Хоразмга келган эди. С.Толстовнинг Хоразмга қизиқишига сабаб, биринчидан у талабалик давридаёқ Волга бўйи халқлари этнографияси билан шуғулланган, бу халқларнинг моддий ва маънавий маданиятларини ўрганиш жараёнида, бу маданиятнинг талайгина жиҳатлари қадимги замонларда унинг Ўрта Осиё билан алоқалари бўлганлигидан далолат берарди. Бу эса Сергей Павловични Хоразмга мафтун қилиб қўйди. Иккинчидан, ўша даврда илмда урфга айланган ғарбпараст олим-

Аннотация

Данная статья посвящена жизненному пути и научной деятельности известного археолога С.П.Толстова и его многолетним исследованиям по древней истории Хорезма, а также о его огромном вкладе в деле развития археологии Узбекистана.

Ключевые слова: археология, цивилизация, культура, Ковунчиская культура, экспедиция, этнография, Келтаминар, Тазабогяп, Амиробод, Бақтрия, Хорезм, Согд

Abstract

In his artekle is considered the life way of S.P.Tolstov, his researches a baut history of Khorazm and his great contribution for developing archaeology of Uzbekistan.

Keywords: Archaeology, civilization, ethnography, culture, cultural, culture area, the culture of, ancient places, Kaltaminar, Tozabogyob, Amirobod, culture of Kovunchi, Baktriya, Kharazm, Sugd.

ларнинг шарқ халқлари тараққиётини инкор қилувчи, шарқ мамлакатлари азалдан сира бартараф қилиб бўлмайдиган турғунликка маҳкумдир, деган даъвоси, Толстовни ғазабини кўзғатганди. Бундай қарашларни ўзгартириш учун С.Толстов "Шарқ халқлари ҳам мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтганликларидан, улар ҳам айни ўша ижтимоий-иқтисодий формацияларни бошларидан кечирганликларидан, тарих Шарқ бошқа-ю, ғарб бошқа деган гапни билмаслигидан далолат берувчи рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар топиш керак эди вазифа ана шундан иборат эди! Бу вазифани ҳал қилишда Хоразм материалига зўр умид боғладик" деб ёзган эди. [3.] Натижада ана шу умид билан у барча машаққатларни енгиб, 1936 йилда Хоразм археология ва этнография экспедициясини ташкил қилди. Бу вақтда у эндигина ўттиз ёшга кираётган, ғоятда зийрак ва теран мулоҳазали йигит эди.

С.П.Толстовнинг археологик ишларида ўрганилган айрим маълумотларга тўхталиб ўтсак.

Хоразм археология-этнография экспедицияси - Хоразм воҳаси археологик маданияти ва тарихини (палеолит давридан мил. 18-19 а.ларгача) текшириш мақсадида уюштирилган экспедиция (1937). Хоразмни археологик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш 1928-29 й.ларда бошланган. А. Ю. Якубовский бошчилигидаги экспедиция хоразмшоҳлар пойтахти - Урганч(ҳоз. Кўҳна Урганч) даги меъморий ёдгорликларни ва илк ўрта аср шаҳри Миздахқон (Хўжайли яқинидаги Гавр қалъа)да қазишма ишлари олиб борган. 1934 йил Тошқовуздаги Замахшар шаҳар харобасида М. В. Воеводский экспедицияси фаолият юргизган. 1936 йил Я. Фуломов ва Т. Мирғиёсовлар Мангит яқинида жойлашган мил. 1-минг йиллик ўрталарида оид зардуштийлар қабристонини тадқиқ этган. 1937 йил

Я.Фуломов Гулдурсун, Норинжон ва Пилқалъа шаҳар харобаларини текширган. Шу йилдан Хоразм археологик этнографик экспедициясига С.П.Толстов раҳбарлик қилди. Экспедиция таркиби йилдан йилга археолог, этнограф, антрополог, рассом, меъмор ва бошқа мутахассислар билан кенгайтирилган. Экспедиция аъзолари Аёз қалъа, Бозорқалъа, Жонбос қалъа, Тупроққалъа, Кўйкирилган қалъа, Кўргошинқалъа, Қизилқалъа, Кўзалиқир, Тешикқалъа каби ноёб археологик ёдгорликларни илмий тадқиқ этдилар. Ғазишлар натижасида турли даврларга мансуб бўлган Хоразм воҳасининг жуда кўп тарихий ёдгорликлари: харобалар, қалъалар, истехкомлар, каналлар, қад маданиятни ўрганишга ёрдам берувчи ёзувлар, суратлар, уй анжомлари, муҳрлар, кумуш, мис хайкалчалар топилди. Экспедиция Қадимги Хоразмнинг бошқа ўлкалар билан қандай алоқада бўлганлигини ўрганди. Натижада Хоразм қадимдан Волга - Дон ҳавзаларидаги скифлар, қуйи Сирдарё атрофидаги саклар, Жанубий Туркманистон ва Бухоро воҳаси халқлари билан тарихий маданий алоқада бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланди. Экспедиция материаллари асосида муҳим монографиялар, илмий мақолалар, тарихий очерклар ёзилган. Илмий ҳисоботлар "Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции" номи билан нашр қилинади. Хоразм археологик-этнография экспедицияси фаолияти туфайли биринчи марта 1956 йил Хоразмнинг археология харитаси тузилган. Экспедициянинг илмий тадқиқотлари бутун Ўрта Осиёнинг қадимий тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. [4]

С.П.Толстов бошчилигида 1939-1940 ва 1945 йиллар Хоразм археологик-этнография экспедицияси текширган Калтаминор маданияти Ўзбекистонда неолит даврига оид биринчи топилган археологик маданият (мил. авв. 7-3 минг йиллик). [2.] Калтаминор кўли ёнидан топилган. Калтаминор маданияти Амударёнинг қадимги Оқчадарё дельтаси, Қизилқум, Юқори Ўзбой, Моҳондарё, Оролнинг шимолий-шарқий бўйларида, Қозоғистон ва шарқий Каспий, яъни Балхан ва Мангишлоқ ҳудудларигача тарқалган. Албатта, бу жуда катта ҳудудда ягона бир оилага оид одамлар яшаган эмас, бу ерларда бир-бирига яқин бўлган қабилалар яшаган дейиш тўғри бўлади. Яқинлик, асосан, тош қуролларда яхши кўринади. Тош қуролларни, ясаш техникаси ва унинг типларида ўхшашлик фарқлар эса сопол идишларда, яъни унинг безакларида - безак буюмларда, тақинчоқларда кўринади. Асосий қуролларининг ўхшашлиги ва фарқларини сақлаб қолган қуроллар - шу воҳаларда бир-бирига ўхшаш, бир хил турмуш тарзига эга бўлган уруғлар бўлганлигини кўрсатади. Булар Оқчадарё, қуйи Зарафшон, Лавлаконт, юқори Ўзбой, Устюрт гуруҳларидан иборат. Шу ҳудудларда яшаган неолит одамлари 7-3 минг йилликда яшаб овчилик, темирчилик ва балиқчилик билан тирикчилик ўтказишган. Овчилик, теримчилик ва балиқчилик билан боғлиқ қуролларни ишлаш техникаси неолит даврида энг чўққига чиққан давр ҳисобланади. Қирғичлар, кесувчи, тешувчи қуроллар, ўқ-ёйлар, камон ўқлари ва шунга ўхшаш қуролларни ясаш энг такомиллашган давр ҳисобланади. Микролит қуролларининг пайдо бўлиши, суяқдан ва ёғочдан яна ҳам такомиллашган қуроллар ясаш имкониятини берган. Археологлар, асосан, шу микролитлар ва ўқ-ёйни ясашига асосланиб неолит даврини даврларга ажратганлар. Калтаминор маданиятини ҳам 3 даврга бўлиб ўрганилган. Калтаминор маданиятининг илк даври 7-5 минг йилликка тўғри келади. Бу даврга хос ёдгорликлар Зарафшоннинг

қуйи оқимида, Қизилқумнинг Лавлаконт ва Караката, жанубий-шарқий Устюртда топилган ва ўрганилган. Калтаминор маданиятининг ўрта даври 6-5 минг йилликка тўғри келади. Бу даврга оид манзилгоҳлар бутун физилқум ва унга яқин бўлган ҳудудлардан топилган. Калтаминор маданиятининг охириги даври 4-3 минг йилликка тўғри келади. Бу даврга оид ёдгорликларга Қозоғистон ҳудудларидаги манзилгоҳлар киради. [5.]

С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси 1937-1940 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги Амиробод канали атрофидан топиб текширган Амиробод маданияти - қадимги Хоразмнинг сўнгги жез даври манзилгоҳи милоддан аввалги 9-8 асрларга тегишли. Амиробод маданияти Сувёрган маданияти ва Тозабоғёб маданияти уйғунлашуви асосида шаклланган. Амиробод маданиятининг ноёб ёдгорликлари Яқка Парсон 2 ва Губод 2 ёдгорликларидан сиртига турли шакллар чизилган сопол идишлар, шунингдек маржон ва чиғаноқ шодалари, жездан ясалган тақинчоқлар, бигизлар, ўроқ ҳамда ўқ учлари ва уларнинг қолиплари топилган. Жез ашёларнинг кўплаб топилиши ўша даврда металл қуйиш техникасининг ривожланганлигини, халқ хўжалигидан тош қуролларнинг меҳнат қуроллари сифатида сиқиб чиқарилганлигини кўрсатади. [5]

Хоразм археология-этнография экспедицияси (С.П. Толстов, Я. Фуломов, М.А. Итина ва бошқалар) томонидан 1940-1946 йилларда тадқиқ этилган Сувёрган маданияти ҳисобланади. Сувёрган маданияти Хоразм воҳасининг чўл зонасига оид жез даври археологик маданияти (мил. авв. 2 минг йилликнинг 1-ярми - 1 минг йиллик бошлари). Амударёнинг қадимги дельтаси ўнг томондаги чўл ичига ёриб киргани учун Сувёрган номи билан аталган. Сувёрган маданияти қабилалари, С.П. Толстовнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг Жанубий-ғарбий вилоятларидан Хоразмга келган янги этник гуруҳ бўлиб, уларнинг моддий маданияти Жанубнинг ўтроқ деҳқончилик маданиятига ўхшаш бўлган. Сувёрган маданияти ўз тараққиётида 3 босқични (Қамишли, Бозорқалъа, говунчи) босиб ўтган. [2]

Яна бир Хоразмдаги жез даврига оид археологик манзилгоҳлардан бири Тозабоғёб маданияти (мил. авв. 2 минг йиллик ўрталари ва 2-ярми) ҳисобланади. Тозабоғёб канали номи билан аталган. 1938 йил С.П.Толстов ушбу канал яқинидан бу маданиятга оид манзилгоҳларни топган. Тозабоғёб маданияти Амударё дельтаси, ғуйи Зарафшон ва Қайроққум чўл зонасида тарқалган. Бу ҳудудлардан юзлаб макон ва 10 га яқин қабристон аниқланган. Асосий машғулоти - суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвачилик, меҳнат ва ҳарбий қурол-аслаҳалар жездан, баъзан тошдан ясалган. Ойболта қуйиш учун тайёрланган қолиплар топилган. Тозабоғёб маданияти кишилари уруғчилик жамиятида яшаганлар, матриархат аънаналари сақланган. [3]

Ўзбекистонда Темир даврида оид ёдгорликларни саналаштириш ва дастлабки туркумларга ажратилишига доир тадқиқотлар С.П. Толстов, А.И. Тереножкин ва Я.Фуломовлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон ҳудудида Темир даври ёдгорликлари мил. авв. VIII-VI асрларга мансуб. Улар Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида ўрганилган; Кўзалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа сингари қадимги қалъа ва қишлоқ, шаҳар харобалари, Тагискен ва Уйғарак қабристон-қўргонлари, Бўкантов қоятош суратлари текширилган. Темир даврида қадимги Хоразм ҳудудларида дастлабки йирик суғориш иншоотлари вуҷудга келган. [2]

С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археология-этнография экспедицияси 1938-1939 йилларда Қорақалпо-

гистоннинг Тўрткўл туманидаги Султон Увайс тоғи жанубий-шарқда жойлашган (мил. авв. IV аср-милодий II аср) Жонбос қалъа, Ёнбош қалъа - қадимги қалъа харобалари ўрганилди.

Тупроққалъа - қадимги шаҳар-қалъа харобаси милодий III-IV асрлардаги хоразмшоҳлар қароргоҳи. ҳозирги Беруний шаҳри атрофидаги ҳудудда жойлашган. 1938-1950 йилларда С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан ўрганилган. Тупроққалъанинг маданий қатламидан, милод бошларидан VI асргача бўлган даврга оид ашёвий материаллар чиққан. Тупроққалъада 100 га яқин турар жой, хўжалик бинолари ва 8 та сарой хоналари қазилган. [5]

1960-1963 йилларда СССР ФА Хоразм археологик экспедицияси С.П. Толстов раҳбарлигида Тагискен манзилгоҳида тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида Тагискендан 70 дан зиёд мазорқўрган аниқланган. Дафн иншоотлари улкан бўлиб, айримларининг диаметри 25 метргача. Тагискен 2 қисмдан: Шимолий Тагискен ва Жанубий Тагискендан иборат. Шимолий Тагискен мил. авв. IX-VIII асрларга оид бўлиб, хом гиштдан қилинган ҳашаматли дафн иншооти қолдиқлари ва унинг атрофидан 14 та ҳар хил ҳажмдаги қабр топилган. [3]

Ўзбекистон тарихи фанининг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистон археологияси ҳам мустақиллик йилларида ўзининг тараққиёт даражасига эришиб улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Айниқса, тош даври, броза даври, темир даври, антик ва илк ўрта асрлар даври моддий маданияти мунтазам ўрганилиши натижасида илмий таҳлиллар келтирилиб янги хулосалар билан бойитилди.

Ўзбекистоннинг ибтидоий давр ёдгорликларини тадқиқ қилиш натижасида бу ҳудудда яшаган аҳолининг хўжалиги, турмуш маданияти каби муҳим масалаларга

ойдинлик киритилиб, минтақа аҳолисининг моддий тараққиёти маҳаллий негизи асосида узлуксиз ривожланиб борганлиги ва қўшни воҳа аҳоли гуруҳлари билан мунтазам алоқада бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, С.П.Толстов нафақат археолог сифатида балки этнограф олим сифатида ҳам фан тизимида чуқур из қолдиргандир. Ўтган асрнинг 30-60- йилларда С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археологик-этнографик экспедицияси мисли кўрилмаган янгиликлар, маданият марказларини ўрганиб юртимиз археологияси ва этнографияси ривожига улкан хисса қўшганлигини кўришимиз мукин. Ўзбекистонда археология фанига катта эътибор берилиши натижасида бугунги кунда илмий тадқиқотларнинг натижаси сифатида тарихимизнинг бир неча юз минг йилликлардаги тарихий воқеликларга ойдинлик киритилмоқда, Ўзбекистон жаҳоннинг илк цивилизация марказларидан бири эканлиги ўз исботини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Т.Ш.Ширинов, А.Э.Бердимуродов, М.Ҳ.Пардаев // Ўзбекистон археологияси. 2010.**
2. **Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959.**
3. **Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.**
4. **Д.Алимова, А.Асқаров, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: "Ўзбекистан миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004 йил.8 жилд, 488 бет.**
5. **Холбоев З.Т "Ўзбекистоннинг археология ёдгорликлари" ўқув услубий қўлланма ЖДПИ 2014.**

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШДА Б.БЛУМ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунида ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да ёш авлодни ва бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига катта аҳамият берилган.

Умида ЗОКИРОВА - эркин тадқиқотчи
Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация

В статье на основе анализа основных понятий и принципов воспитания нравственных поведений личности излагаются содержание и возможности педагогической технологии Б.Блума при нравственном воспитании будущих учителей.

Ключевые слова: анализ, понятия, принцип, поведение, воспитание, "золотое правило", Яссави.

Abstract

Behavior of the person aducation and moral of spiritual ethic trends accounts in B.Blum pedagogical technology because of the future teacher ethics.

Keywords: Analysis, conception, trend, conduct, education, golden rule

Чунончи, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар, деб аталган бандида: "Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий, маданий - тарихий анъ-аналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали, ташкилий, инновацион педагогик технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади" [1.55 -бет] дейилган.

Маънавий-ахлоқий тарбияда ахлоқ маънавиятининг ўзаги ҳисобланади ва у шунчаки инсонларнинг саломаликлари, хушмуомалалиқдан иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳаллолик дегани.


Ахлоқий тарбия ҳам-шунга мос ҳолда маънавий тарбиясининг таркибий қисми бўлиб, унинг вазифаси ёшларда ахлоқий фазилат, ҳарактер, хатти-ҳаракат, малака, одатларни шакллантиришдан иборат. Ахлоқий тарбия инсонларнинг маънавий жиҳатдан камол топишида янги ва энг юқори босқич ҳисобланади. Инновацион педагогик технологиялар уни амалга оширишнинг тамойилларини, шакл ва услуб (усул)ларини белгилайди. [6.71 -бет] Ахлоқий тарбиянинг ўз тамойиллари бор. Бу тамойиллар - кишиларнинг яхшилик ва ёмонликка муносабатини намоён этадиган ва тарихан таркиб топган хулқ - атвори, тарбияни ҳаёт билан боғлаш, меҳнат ёрдамида тарбиялаш, ўқувчи, талабалар мустақиллиги, ташаббускорлиги ва ҳаваскорлигини ўстириш ва ҳақозолар киради. Умумий ҳолда ахлоқий тарбияда инновацион педагогик технологиялар тамойиллари ва уни амалга оширишнинг шакл ҳамда услублари орасидаги алоқадорликни қуйидаги схемадагидек тасаввур қилиш мумкин. (1 схема).

Оқоридаги "олтин қоида" меъёрий жамиятнинг иқтисодий, сиёсий- ижтимоий тузилишига боғлиқ. Аммо бу гапдан, жамиятга мансуб бўлган киши ўз онги ва фель атворидида мазкур жамият, даврнинг ахлоқий хусусиятини тўла ва бир хил даражада акс эттиради деган маъно келиб чиқмайди. Шунингдек, кишиларнинг ахлоқий қарашлари ва хулқини белгиловчи ижтимоий муҳитнинг айрим шахс фикри ва ҳаракатига кўрсатадиган таъсири ўз-ўзидан содир бўлмайди албатта (осмонга отилган тош ерга тушади, лекин инсон бошқача у ақл-идрок, мақсад, ёки хирсининг таъсирида ҳаракат қилади). [2.15 -бет]

Айнан нафс ёки ҳирс ҳақида ўтилишидаги Хожа Аҳмад Яссавий яратган маълумот ва илгари сурган маънавий-ахлоқий ғоя ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу маънода унинг ҳикматларида илгари сурилган ахлоқий пандларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг инновацион педагогик технологияларида фойдаланиш ўринли. [3.27 -бет]

Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш-нафсни

(1 СХЕМА)



таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисобланган. У нафсга мағлуб шох-қул нафсдан устунликка эришган ғариб-шоҳдир деб айтади.

Нафс инсон учун катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг ғурури ва инсоний қадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайди, деб билган. Ўз хикматларидан бирида

шундай дейди:

**Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумрох бўлур
Ётса - турса шайтон билан ҳамрох бўлур...**

У нафс бандаларига қарата "нафсни тепгил, ей бад-кирдор" деб мурожаат этади, ва "нафсим мени йўлдан уриб хор айлади, термултириб халойиққа зор айлади", деб нафс бандаларини танқид этади. Нафс инсондаги бутунликни иймонни синдиради, маънавий жиҳатдан жарга қулатади. [4.43-бет]

Бу ғоялар бизнинг ҳозирги кунимиз педагогик технологияларимиздаги тарбия учун ғоят муҳим йўналиш бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда педагогик мақсадларга эришиш самарадорлигини оширишда Амирикалик олим Б.Блум тавсия этган педагогик технологияни ўқув жараёнида кенг қўллаш имкониятлари мавжуд. Унинг асосий моҳияти: билиш, тушунтириш, таҳлил, умумлаштириш (синтез) ва баҳолаш катигорияларини дарс мавзусига қўллашдан иборат. Мазкур педагогик технологияни бўлажак ўқитувчиларни маънавий - ахлоқий тарбиялаш тегишли мавзу ва ғояларга боғлаб ўргатишнинг кенг имкониятлари мавжуд.

Бунинг учун: биринчи босқичда ҳар бир мавзу ёки тушунчага оид асосий таянч иборалар ажратиб олинди;

Иккинчи босқичда ҳар бир таянч иборани чуқур ўрганиш даражаси ўрнатилади;

Учунчи босқичда, мақсадга эришиш мезонлари белгилаб олинади.

№	Тушунча (таянч) иборалар	Ўқув мақсадлари тавсифи	Ўқув мақсадлари мазмуни
1	Ахлоқ	Тушунтириш	Ахлоқ-арабча хулқ сўзининг қўллиги эканлиги ва ахлоқий қарашларини тушунтириш
2	Ахлоқ нормаси (меъёри)	Билиш	Кишиларнинг хулқ феъл-атворларини тартибга солиш ахлоқий талаблар мезонларини кўрсатиб бериш.
3	Ахлоқ тузатиш иши	Таҳлил	Жиноий тартибда қўлланиладиган жазоларнинг ўзига хос турлари ва муддатларини ўрганиш
4	Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси	Умумлаштириш (синтез)	Суд ҳуқуқи биноан муайян жазога маҳкум этилган шахсларнинг жазони ўташ тартиби тўғрисидаги қонунларни айтиш
5	Ахлоқий поклик	Билиш	Ахлоқий поклик туфайли пайдо бўладиган фазилатлар, ғояларнинг объектив эҳтиёж эканлигини таъкидлаб ўтиш
6	Ахлоқий тамойиллар	Тушунтириш	Кишилар ўртасидаги ҳамкорлик ҳар бир кишининг шахсий манфаати йўлида эмас, балки умумий мақсадлар йўлида белгиланиши лозимлигини тушунтириш
7	Ахлоқий тарбия	Таҳлил	Ахлоқий тарбия маънавий тарбиянинг таркибий қисми эканлигини, унинг вазифаси ёшларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборат эканлигини тавсифлаш
8	Ахлоқий ҳиссиёт	Билиш	Шахснинг жамият ва ўз атрофидаги кишиларга муносабатини инфодалайдиган кечинмалар тури эканлигини ўргатиш
9	Ахлоқий санкция	Ўргатиш	Ахлоқий санкция кишиларнинг хулқ-атворини тартибга солиш турига қўшимча воситаси эканлигини тушунтириш

Худди шу сингари яна бир қанча таянч иборалар: ахлоқий эркинлик; ахлоқий зарурат; ирода эркинлиги; фатализм (тақдир); валюнтаризм (ирода сўзидан олинган); танлаш эркинлиги; табиий ирода; ўзбошимчалик; ижобий ўлчов; салбий ўлчов; ахлоқий масулият; ахлоқий баҳо; ахлоқий мотив (характер); ахлоқий баҳолов мезони кабиларни ҳам юқоридаги схемада шу педагогик технология асосида шакллантириш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки Б.Блум педагогик технологияси бўйича мавзуларни баён қилишнинг авзалликлари:

1. Ўқув мақсадларини аниқ белгилашга эришиш;
2. Мавзу бўйича аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш;
3. Талабалар билан узлуксиз қайта алоқалар ўрнатишни таъминлаш;
4. Ўқув натижаларини ривожлантириб кўзланган мақсадга максимал эришишларда намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI - аср бўса-ғасида: Хавфсизликка таҳдид, баркамоллик шартлари ва тараққиёт кафолатлари". Тошкент, Ўзбекистон 1997.**
2. **Ўзбек совет Энциклопедияси 1-том. Тошкент, 1971.**
3. **С.Бойматов, Ф.Маматқулов. Маънавият ва шахс тарбияси. Услубий қўлланма. "Сангзор" нашроти, Жиззах - 2011.**
4. **С.Облоқулов. ҳиссиёт тўғрисида Фаробий нима деган? Фан ва турмуш. №10, 1975.**
5. **Шермухамедов Я. "Иккинчи муаллим" инсоний камолот ҳақида. Фан ва турмуш. №10, 1975.**
6. **С.Облақулов. Шарқ алломалари тарбия хусусида. Фан ва турмуш. №.11, 1984.**

ЁШЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

**Феруза ОРИПОВА - эркин тадқиқотчи
Жиззах давлат педагогика институти**

Камолот йўлидаги ҳар қандай интилишлар бош мезони ҳисобланган интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш масаласи ўзича хос теран мазмунга эга.

Интеллектуал ва ижодий фазилатли бўлишга интилишдан мақсад-бадавлат бўлмоқ, шон-шуҳратларга бурканиб яшамоқ, чексиз қудрат соҳиби бўлмоқ эмас. Бироқ ана шу интилиш туйғули бизнинг ҳаётга муҳаббатимиз янада ортади, биз янада шодонроқ ва масрурроқ бўлиб қоламиз, ўзимизни соғлом (бардам) роқ ҳис қилиб, турли тажовузлардан яхшироқ ҳимояланган деб биламиз. Шу маънода, баркамол авлодни тарбиялашда уларнинг интеллектуал ва ижодий фазилатларини шакллантириш педагогик механизмларини такомиллаштиришни аллақандай маҳдуд бир аъмолга олиб борадиган изтиробли йўл эмас, балки ёш авлод онгининг кенгайишини, миллатимиз, Ватанимиз куч қудратини мустаҳкамлайдиган қувончли ҳодиса ва бурч деб тушуноқ лозим.

Бу масалага ҳурматли биринчи президентимиз И.А.Каримов давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ жиддий эътиборини қаратиб, 1995-йил феврал ойидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси маърузасида "Юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб бериш учун маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади" - деган эди.[1,28- бет,]

Шунингдек, таълим тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш келгуси тараққиётимизнинг асоси эканлиги ҳақидаги унинг қуйидаги сўзлари ғоят ибратлидир.

"Мақтаб, таълим - тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонуниimizда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб қувватлашини талаб қиладиган умумий масаласидир. Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бу эса таълим - тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боровчи педагогик механизмни такомиллаштиришни тақозо этади"[2,15- бет].

Аннотация

Характеризуются цели анализа и основные схемы по совершенствованию педагогического механизма, направленного на формирование интеллектуальных и творческих способностей при воспитании молодого поколения.

Ключевые слова: воспитание, интеллектуал, творчество, формирование, механизм, звено, кинематическая пара, схема, анализ.

Abstract

The article describes the main scheme of the analysis and improvement of the pedagogical mechanism for the formation of intellectual and creative qualities in the upbringing of a harmoniously developed

Ана шуларни ҳисобга олиб, бундай жиддий масалани чуқур ҳис этган биринчи президентимиз И.Каримов 2010- йилни "Баркамол авлод" йили деб эълон қилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу мурожаат билан биринчи президентимиз мустақиллик сўқмоқларидан оғишмай, дадил қадам ташлаб олға бораётган келажаги буюк давлатимизнинг ўз халқини молиявий инқироздан олиб чиқишнинг ягона йўли илм-фанни, ёшларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш билан янги техника ва технологиялар яратиш, маънавий - маърифий, ва мафкуравий - маданий даражамизни янада юксалтириш олиб чиқиш эканлигини уқтириб, таълим тизими, унинг ҳар бир масъул раҳбари, илм фанимиз фидойиларидан тортиб, фуқарою барча зиё аҳлини баркамол ижодкор авлодларимиз - жамиятнинг ривожлантирувчи кучи, давлатимиз равнақининг муҳим пойдевори, таянчи ва қудрати эканлигини чуқур англаб етишга чақирди ҳамда ҳар бир устоз - мураббийдан ҳар томонлама баркамол ва ижодкор ёшларни тарбиялаш учун ҳар бир ҳаракатида барча салоҳиятини ана шу муҳим долзарб муаммони тезкор ҳал қилишга қаратиш лозимлиги ва бундан ўзга чинакам нажот йўли йўқлигини алоҳида кўрсатиб берди[1, 15-бет]. Юқоридагилар, ёшларни ҳар томонлама баркамол ва ижодкорлик руҳида тарбиялаш жамиятда ҳур ва тўқис бўлиб яшашнинг муҳим шарти эканлигини ҳар бир устоз чуқур англаб етиши ва иш фаолиятида шунга қараб ҳар жиҳатдан фаол ижодкорлик руҳида ёшларни тарбиялашни биринчи даражали муҳим вазифа деб билишларини тақозо этади. Бундай жиддий вазифани бажаришда ҳеч бир восита ўқитувчиларнинг ўрнини босолмайди ва шу маънода уларнинг фаол жонқуярлиги биринчи ўринга чиқишини унутмаслик керак.

Айниқса ҳозирги глобаллашув жараёнида бир нарсани алоҳида таъкидламоқ зарур. Кун сайин табиат ва ўзидан бегоналашишига мойиллик кўрсатаётган инсон Сўқрот айтганидек, ўз вақтида ўзлигини, асл қиёфасини танимоғи лозим. Машҳур файласуф ва социолог Элвин Тоффлер ўзининг "Келажақ ҳайрати" асарида "Инсон ўзидан бегоналашаётган экан, ўзлигини ҳам унутиб қўймоқда. Бунинг оқибатида минглаб мураккаб муаммоларга йўлиқмоқда", деб таъкидлайди.[3,21-

бет]

Бундай нохушликнинг олдин олишининг ягона йўли, инсонларни баркамоллик сари етакловчи интеллектуал ва ижодий фазилатлар тизимини таҳлил қилиш ва уларнинг ёш авлод руҳий баркамоллигини шакллантириш, таъминлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳамда уни амалга оширишнинг педагогик механизмни такомиллаштириш ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб ана шу фазилатлар рўйхатига эътиборни қаратамиз.

Интеллектуал фазилатларни тавсифловчи тушунчалар: Ақл (инсонлар пири комили, муршиди ягонасидир), фатонат, зукколик, зеҳнлилик, баъманилик, хотира ва кабилар.

Психологик хусусиятларни тавсифловчи тушунчалар:

- Иқтидор (кучли, қудратли, қодирлик)
- Даҳолик ("гений - лотинча ижодий талант, истеъдоднинг энг юксак даражаси")

- **Талант**
- **Истеъдод**
- **Қобилият**
- **Тафаккур**
- **Тасаввур (хаёл қуввати)**
- **Идрок (сзиш, ҳис этиш, образли тасаввур қилиш)**

- Диққат ва ҳоқозолар.

Техник ижодкорликнинг асосий мезонлари эса кашфиёт, ихтиро, рационализаторлик таклифларидан иборат.

Олдин таъкидланганидек бу фазилатлар рўйхатида ҳам кўплаб таҳлилий тушунчалар мавжуд. Мавзудан келиб чиққан ҳолда эътиборни педагогик механизмларини такомиллаштириш гоёси таҳлиliga қаратамиз.

"Педагогика"нинг таърифи ҳам ўзига хос ҳар хил сўз тузилмалари орқали баён этилиб келинади (гарчи маъно-моҳияти мос келсада). Шулардан энг маъқули бизнингча Ўзбек совет энциклопедиясидаги ҳисобланади ва унда "Педагогика (юнонча педагогий) инсонни шакллантиришда муайян мақсад сари қаратилган тизимий фаолият тўғрисидаги ҳамда таълим-тарбия беришнинг мазмуни, шакли ва методлари ҳақидаги фан бўлиб, унинг асосий категориялари: интеллектуал шахсни шакллантириш, тарбиялаш, маълумотли қилиш, таълим бериш" деб таърифланади. [4, 17- бет]

Кейинги таҳлилни мавзудаги педагогик механизмлар иборасидаги "механизм" тушунчасига қаратамиз.

Механизм сўзининг русча-ўзбекча луғатдаги маъноси таърифида "турли ҳодисаларнинг юзага келиши ва давом этиши тартиби" дейилган.

Энди эътиборни мавзудаги "педагогик механизмни такомиллаштириш" нинг моҳиятига қаратамиз. Таълим тизимимизнинг ҳозирги кундаги вазифаларидан бири-педагогик механизмни ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан такомиллаштиришдир. Дарҳақиқат, педагогик механизмни такомиллаштириш - фикрдир, лекин оддий фикр эмас, балки келгусига йўналтирилган векторли фикрдир, у ҳудудда ёки жаҳон миқёсида ишлаш мумкин. Шу маънода, педагогик механизм - кўплаб параметрларга боғлиқ мураккаб функциялардан иборат бўлиб, уни такомиллаштириш эса шу функцияларнинг мусбат орттирмаси узлуксизлигини таъминлашдан иборатдир. Бу эса "механизм" тушунчаси моҳиятини тақозо этади.

"Механизм"ни русча-ўзбекча луғатда-соат механизми, давлат (аппарати) маҳаними, химиявий реакция механизми ва ҳақозо дейилиб, умумий ҳолда эса "Турли ҳодисаларнинг юзага келиши ва давом этиш тартиби" деб изоҳланган. [7,20- бет]

"Механизм" га "Машина ва механизмлар назарияси" фанида: "Механизм деб - битта кўзгалмас звено, бир ёки бир нечта кўзгалувчан звенолардан иборат, аниқ ҳаракатланишга мўжалланган кинематик (ҳаракатланувчи) жуфтлар йиғиндиси" деб таъриф берилган. [7, 21- бет]

Шу таърифни педагогик механизм ва уни такомиллаштиришга қўлланса кўзгалмас звено бу, Баркамол авлод Ўзбекистон тараққийотининг пойдевори ҳақида қонундир. Айнан ана шу баркамол авлодни тарбиялаш ҳақидаги республикамиз қонунини яъни инсонлар интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантиришнинг қонун билан ҳимоя қилинишини, педагогик механизмни такомиллаштиришни таъминлашнинг биринчи шартини дейиш мумкин бўлади. Механизм таърифидаги кинематик жуфтлар бу албатта ҳар бир фуқаронинг миллати, тили, динидан қатъий назар ижод қилиш ва билим олишининг кафолатланганлиги ва педагогик фаолият билан шуғулланувчилар ҳисобланади. Педагогик механизмни такомиллаштиришнинг иккинчи ва энг муҳим шарт ана шу кинематик жуфтларнинг аниқ ҳаракат йўналишига эга бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Кўзгалувчан ҳаракатдаги звенолар муҳити бу таълим тўғрисидаги қонуннинг: умумий қоидалари; ва уни рўёбга чиқариш босқичлари; кадрлар тайёрлашнинг миллий модели; кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилловчи мутасадди раҳбарлар, ёш авлодлар ва баъзан қўшни давлатларимиз ҳамкорлигидир. Бундан кўринадики, педагогик механизмни такомиллаштириш даражаси асосан кўзгалувчан звенолар муҳити билан боғлиқ. Ёшларда интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантиришнинг аниқ истиқболли ҳаракат йўналишини тўғри белгилаб олиш ва бу йўлда адашмасликка боғлиқ.

Юқоридаги таҳлиллардан интеллектуал ва ижодий фазилатлар ва педагогика (педагогик механизм) бир қараганда бир бирига ўхшашдек туюлади. Аслида эса, улар бир-биридан моҳияти жиҳатдан маълум даражада фаст қилади. Хусусан, педагогика баркамол авлодни тарбиялашда интеллектуал ва ижодий фазилатлар эса ана шу педагогик механизмлар маҳсули бўлган баркамол авлод (шахс ёки киши) лар томонидан жамият(-дунё)ни ўзгартириш омили сифатида намён бўлади.

Шу ўринда дастлаб интеллектуал ва ижодий фазилатлар пайдо бўлганми ёки педагогик механизм (педагогика) деган шунингдек интеллектуал ва ижодий фазилатлар педагогикани бошқарадими ёхуд педагогик механизм уларни бошқарадими деган муаммоли савол туғилади. Буюк аждодларимизнинг "Кимки ҳаётдан олмаса таълим-уни ўргатолмас ҳеч бир муаллим" деган ибратли сўзлари ҳам "интеллектуал ва ижодий фазилатлар"нинг "педагогик механизм"дан олдин вужудга келганини тасдиқлайди. [5,26]

Буни қуйидаги ҳужжатий мисол орқали ҳам исботлаш мумкин. Манбаларда келтирилишича, маймунларнинг ибтидоий даврларда сувнинг бир қирғоғидаги дарахтнинг нариги қирғоққа йиқилиб қолишидан фойдаланибнариги қирғоққа илк ўтишларидан кўприклар пайдо бўлган, яъни у пайтда кўприклар қурилиши ҳақидаги педагогика фани мавжуд эмас эди. Ибтидоий чўқмор, тош қуроллари каби кўплаб интеллектуал ва ижодий фаолиятлар маҳсуллари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. [5,28-бет]

Гарчи инсон интеллектуал ва ижодий фазилатлари дастлабки омил сифатида педагогик механизмдан олдин пайдо бўлган бўлса-да, педагогик механизмнинг уни бошқариб бориши объектив заруриятга айланади. Буни қуйидаги оддий фараз орқали ҳам исботлаш мум-

кин. Умуман мактаб кўрмаган ўрта яшар инсондан оддий Пифагор теоремасини (арифметика ёки ёзувни) сўраш беҳуда уриниш бўлар эди ва ҳоказо.

Оқоридагилар баркамол авлодни тарбиялашда интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантириш ва педагогик механизм орасидаги узвий боғлиқлик ижтимоий тараққиётнинг муҳим ва бош омили сифатида ўзига хос педагогик механизмини такомиллаштиришга муҳтожлигидан далолат беради.

Сўзда, ҳамма баркамол авлодни тарбиялаш тарафдори, ўқув юртлари, дастурлар, режаларнинг мукамал бўлиш тарафдори. Лекин амалда эса аксарият ҳолларда бунинг тескараси бўлиб чиқади. Устига- устак, замонавий педагогика баъзан ўта жозибали, қойилмақом ғоялар, тахнологиялар берадию, лекин баркамол, ёш авлодни тарбиялашда уларнинг интеллектуал ва ижодий фазилатларини шакллантириш амалиётига ҳеч қандай наф келтирмайди.

Шунинг учун ҳам ҳар томонлама синалган, исбот этилган, самарали ва такомиллашган педагогик механизм яратишни бугунги узлуксиз таълим тизимимиз олдида турган долзарб муаммолардан бири дейиш мумкин.

Айтилганлар баркамол авлодни тарбиялашга кирган барча фазилатларни шакллантиришга оид педагогик механизмини такомиллаштириш ғояси билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бирлаштириш ва тар-


мадан кўринадики, педагогик механизмни такомиллаштириш бешта кўзгалувчан звено имкониятлари билан боғлиқ интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантириш блоки, бешта аниқ ҳаракатланишни талаб қилувчи кинематик жуфтлар йиғиндисидан иборат кинематик занжир (матрица) дан ташкил топган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, баркамол авлодни тарбиялашда интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш, унинг имкониятларини илмий асосда ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, мазкур схемадаги кинематик жуфтларнинг мантиқий кетма-кетликда аниқ ҳаракатланишини таъминлаш ва назорат қилишнинг "Ягона педагогик механизм маркази" яратишни талаб қилади. Бу билан узлуксиз таълим тизимини тартибга тушириш, бошқарув ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга асосланган баркамол авлодни тарбиялашда интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантиришнинг такомиллашган педагогик механизми яратилади ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда сифатли кадрлар тайёрлашнинг муҳим истиқболи таъминланиб, мамлакат равнақининг пойдевори гранитдек мустаҳкам бўлади.

Бундай масъулиятли вазифа ва бурчнинг нечоғлик даражада бажарилишини ўз навбатида педагог (устоз ва мураббий) ларнинг кадр- қимматига боғлиқ. Бу кадр-қимматнинг ягона шарти эса ҳалол ва бегараз ижодий фаолиятдир. Ўз соҳамизда қанчалик кўп ёки оз муваффақиятга эришимиз аввало ўзимизнинг интеллектуал ва ижодкорлик фазилатларимизнинг қай даражада намоён қилишимиз билан асосланади.

Шу ўринда "Шарқ пандномалари"да таъкидланган "Арастунинг Искандарга насиҳати"даги: "Шуни билгинки, агар хулқинг бузуқ бўлса, фуқарони тўғри йўлга бошлаш қўлингдан келмайди, агар гумроҳ бўлсанг уларга йўлбошчилик қилолмайсан, агар ўзинг тўғри йўлдан адашган бўлсанг, уларга панд-насиҳат қилолмайсан. Ахир кўзи ожиз киши қандай қилиб кўрга йўл кўрсата олади? Хор ва тубан киши бошқаларга обрў ва кадр-қиммат ато қила оладими?" деган наси-

ҳатларини ҳар бир педагог ўзига бурчий рамз сифатида қабул қилиб, унга ёшларнинг интеллектуал ва ижодий фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг бош ғоявий қуроли деб қарашлари лозимлигини алоҳида таъкидлаш зарурати туғилади. [6, 21- бет]



тибга тушириш имкониятлари схемасини яратишни тақозо этади. Умумий ҳолда, бу баркамол авлодни тарбиялашда интеллектуал ва ижодий фазилатларни шакллантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш ўз ичига қуйидагиларни олади (1-схема). Схе-

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". Тошкент. "Шарқ" на-шриёти, 1998 й.28-бет
2. Б.Раҳмонов "Комиллик мезони". Келажак авлод.2016 й.№ 4. 15-бет
3. Х. Тоғаев. Талабаларнинг иқтидорлилик қобилиятларини ривожлантириш ва такомиллашти-риш бўйича услубий қўлланма. Жиззах-2003й.21-бет
4. Х.Тоғаев. Олий таълим тизимида сифатли мутахассислар тайёрлашнинг истиқболлари: му-аммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий конференция. Самарқанд. 2009 й.26-феврал. 17-бет
5. С.Алимов. Интилганга ирода ёр. Фан ва турмуш. 1982 й, №11,26-28 бетлар.
6. П.Ҳамидов.Евгеника нима? Унинг ҳомийлари ким? Фан ва турмуш, 1975 й, №11, 22-23бетлар
7. Т.Орифжонов. Ирсият инженерлиги. Фан ва турмуш.1976 й, №12, 20-21бетлар

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ДЕМОКРАТИК-ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ

Жаҳонгир АНАРБАЕВ - эркин тадқиқотчи
Жиззах политехника институти

2019/3-СОҲ

Узбекистонда кечаётган ҳуқуқий демократик давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида демократик тартибот, барқарор ривожланиш муаммоларига эътибор ошиб бормоқда.

Албатта, бу жараёнлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонунийлик, ижтимоий адолат, эркинлик ва демократияни қарор топтириш билан боғлиқ. Айнан шундай ижтимоий меъёрлар ва қадриятларга таянувчи ижтимоий ҳамкорлик тизимини шакллантириш ҳамда мустақамлаш кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар шароитида кечади.

Зеро, амалга ошириладиган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг мақсади - юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш, негизда моддий жиҳатдан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустақам оила бўлган адолатли жамиятни шакллантиришдир. Бироқ ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиёти илдизига болта ураётган иллатлар сони кам эмас. Протекционизм, коррупция, буйрократизм, маҳаллийчилик, боқимандалик ва шу кабилар яққол мисол бўла олади. Юқорида санаб ўтилган иллатлар жамият ривожига салбий таъсир ўтказувчи жараён эканлиги ҳаммамизга маълум. Бундай иллатларга қарши курашиш яққа фуқаронинг иродасига боғлиқ бўлмаганини инобатга олсак, биз биргаликда, бир бутун кучга айланиб тинчлик ва барқарорлик йўлида фаол иштирокчи бўлишимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Мафкуравий курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Бунда кишиларнинг бир мақсад йўлида бирлашиб, яқдилликда, адолат мезони асосидаги ижтимоий муносабат муҳитини яратиши ўта муҳим масаладир. Шундай экан ижтимоий ҳамкорлик жамиятнинг демократлашуви ва ижтимоий адолатни амалга оширишнинг омили сифатида ҳам аҳамиятлидир. Бу борада Т. Б. Маттибоевнинг "...мамлакатимизда эркин ва фаровон жамият барпо этиш - мақсад, амалга ошириладиган ислохотлар - восита бўлиб, жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик, ўз навбатида, ислохотлар учун шарт-шароитлардир. Буларнинг барчаси адолатнинг жамиятимиз ҳаётига нечоғлик жорий бўлишига боғлиқ, зеро адолат бўлмаса, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилмайди. Бусиз эса, ўз навбатида, ижтимоий ҳамкорлик ҳам қарор топмайди"[1,89-90]-деган фикрни келтириб ўтишимиз мумкин. Демак, жамият тараққиётини белгиловчи, уни янги ривожланиш

Аннотация

В этой статье основное внимание уделяется понятию социальной справедливости, которое является объектом развития общества, социальным взаимодействием и основой этих широких отношений. Это также отражает демократическую сущность.

Ключевые слова: Демократизация общества, гражданское общество, социальное партнерство, социальная справедливость, рыночная экономика.

Abstract

This article focuses on the notion of social justice, which is the object of society's development, which is a social interaction and the basis of this wide-ranging relationship. It also reflects the democratically-based essence.

Keywords: Democratization of society, civil society, social partnership, social justice, economics of market.

босқичига кўтарувчи муҳим тамойиллардан бири адолатдир. Айнан адолат туфайли жамиятда ижтимоий ҳамкорлик кенг кўламли ва мустақам пойдевор яратилади. Адолат тушунчасининг мазмун-моҳияти инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий мезони сифатида идрок этилгани учун ҳам доимо ижтимоий аҳамият касб этган ҳолда ва "ижтимоий адолат" тарзида ифодаланиб келинади. Шу маънода адолатни жамият ҳаётининг туб ва асосий қонунларидан бири сифатида тушиниб, унинг ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари билан воситалиги ва бу боғлиқликнинг жамият барқарор тараққиётидаги ўрнини таҳлил қилиш зарур.

Бизга маълумки, аждодларимиз қадим замонлардан буён бир-бирлари билан аҳил кўшничилик муносабатида бўлиб, бўз ерларни бирга ўзлаштирган, биргаликда канал қазиган, бирга меҳнат қилиб, бирга ҳосил йиққан. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, биринчи Президентимиз И.А.Каримов "Ўзбекистон халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азда ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз"[2,13]-деб таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш бизнинг, ўзбекона маънавиятимизнинг узвий бир бўлагига айланиб улгурган. Уни амалиётда тўлиқ жорий қилиш орқали кўплаб ижтимоий муаммоларнинг ечимига жавоб топиш мумкин. Жамиятдаги тузулмаларнинг биргаликда, умумийликдаги ҳамкорлиги - бу жамиятда фаол

ижтимоий муносабатлар ўрнатилганидан далолат беради. Табиийки, "фаол ижтимоий ҳамкорлик бу - жамият барча аъзоларининг, ижтимоий гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида, биргаликда фаолият олиб бориши, шунингдек, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этадиган тушунчадир. Ижтимоий ҳамкорлик шу маънода жамиятда тинчликни, барқарорликни ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилдир" [1,80]. Шундай экан, ижтимоий ҳамкорлик ўзаро ишонч, ҳурмат, адолат мезони асосида ташкил этилганлиги, унинг самарасини белгилаб беради. Бироқ, жамиятимизда жамовийлик муҳитига путир етказадиган айрим тушунчалар жамиятимиз ривожига ғов бўлмоқда. Мисол сифатида баъзиларини келтириб ўтишимиз мумкин. Жумладан, протекционизм (лотинча protection - ҳимоялаш) ижтимоий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатувчи иллатлардан биридир. Бу ҳақида Ж.Й.Яхшиликковнинг "... ижтимоий ҳаёт учун хавfli бўлган иллат бўлиб, юқори мансаб ва мавқега эга бўлган шахс томонидан ўзга шахснинг муаммоларини ҳал қилиш учун ноқонуний ҳомийлик кўрсатиш ҳисобланади" [4,236]-деган тарифини келтириб ўтишимиз мумкин. Демак, юқори мансаб ва мавқега эга бўлган шахс ҳокимиятни ўз манфаатлари йўлида, ғаразли мақсадларни амалга оширишда ноқонуний қўллаш билан боғлиқ ҳолатдан иборат бўлган жиноятдир. Боқимандалик ҳам айнан шундай жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи иллатлардан саналиб, биринчи ҳолатда, ўзини ўзи муносиб баҳолай олмаслик, ўз қобилияти ва жамиятдаги ўрнини нотўғри тушinish оқибатидир. Натижада у "одамлар меннинг олдимда қарздор" қабилдаги сохта тасаввурлар билан ўзига кўпроқ имтиёз талаб қила бошлайди. Иккинчи ҳолатда эса шахс ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмайди ва бунинг оқибатида ношуд, ташаббускорлик салоҳияти паст, иродасиз, қарам одамга айланиб, "берсанг-ейман, урсанг-ўламан" деган нақлдаги аянчли ҳолатга тушиб қолади. Ўз навбатида, бундай иллатларга қарши курашишда ижтимоий ҳамкорликнинг асоси бўлган, адолатнинг аҳамияти кучли. Зеро, биз қураётган бозор иқдисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг туб асосида ижтимоий адолат тушунчаси ётади. Адолат бош мезон, ўлчов бўлмаган жамиятда тартиб бўлмайди. Бугунги кунда ёзилаётган адабиётларда: "Адолат-инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири" [5,15], "Адолат - ахлоқ ва ҳуқуқнинг асосий категорияларидан бири; қонун олдида барчанинг тенглиги ва қонуннинг барчага баробарлиги" [6,86] -деган бир қанча таърифлар берилган. Ҳақиқатдан ҳам адолатсиз жамият тузумига ҳеч ким бардош бера олмайди. Инсон камолати учун маънавият қанчалик муҳим озуқа бўлса, адолат ҳам шунчалик зарур. Икки тушунча бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Мухтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "адолат ва маънавият - ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат ҳам бўлмайди" [7]. Бундан қуйдаги фикрни англаш мумкинки, адолат мезони асос бўлган ҳар қандай фаолият турида маънавият мезони ҳам акс этади. Демак, адолатни маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида қабул қилиб, кейин ижтимоий муносабатларга ки-

ришиш орқали фаол ижтимоий ҳамкорлик субъектига айланамиз.

Мамлакатимизда жадал суратларда амалга оширилаётган янгиланиш ва жамият тараққиётига йўналтирилган сиёсатнинг мақсади юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратишдир. Бунда асосий мақсад ривожланган демократик мамлакатлар даражасида кафолатланадиган турмуш даражасини таъминлаш, аввало, негизида моддий жиҳатдан таъминланган, ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам оила бўлган адолатли жамиятни шакллантиришдир. Шу маънода ижтимоий адолат мустақил ва барқарор тараққиёт йўлини танлаган ҳамда бу йўлда маълум тажрибалар тўплаган Ўзбекистоннинг бундан кейинги ривожланишнинг зарур шарти бўлиб қолмоқда. Ушбу фикрдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий адолат ғоясининг тадрижий ривожига ва умуминсоний моҳияти, унинг ижтимоий ҳамкорлик қадриятларига мос томонларини англаб олиш катта аҳамият касб этаётганлиги табиийдир.

Адолат ва адолатсизлик тушунчаларининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу тушунчалар зардуштийлик динида ҳам учрайди. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто" да: "Биз адолат қистовида бу ерга келдик. Биз бу ерда адолатни истаймиз. Агар сен озурда бўлмасанг, адолат истагувчини мақсад манзилига етказасан. Заҳмларга ҳаммадан яхши малҳам бўлурсан. Ўғри ва қароқчиларни ҳаммадан кўра яхшироқ нобуд айлағайсан" [8,250] -деган фикр баён қилинганлигини кўриш мумкин. Антик давр файласуфларидан бири Арастуниинг фикрига кўра, ижтимоий адолатни амалга оширишда раҳбар шахсларнинг ўрни муҳим эканлиги унинг барча ижтимоий-сиёсий ғояларида акс этган. У адолат ҳақидаги аниқ фикрларини ўз шогирди Александр Македонскийга қилган қуйдаги насиҳатларида баён этади: "эй Искандар, жиноятчига жазо белгилашдан мақсадинг яхши ном чиқаришми ёки қаҳру ғазабинга таскин беришми, шуни аниқлагин. Агар бу ишда кўзлаган мақсадинг қасос олиш бўлса, билгилки, қаҳру ғазаб аччиқдир, аччиқ дарахт эса ширин мева бермайди" [9,39-40]-деб таъкидлаб ўтган. Ўрта асрларга келиб, адолат ғояси Марказий Осиёлик мутафаккирлар ижодининг асосий қисмига айланади. Бунинг мисолини Амир Темурнинг давлатни адолатли бошқариш асосида жамиятда адолатпарварликнинг қарор топтириш борасида қилган саъй-ҳаракатларида кўриш мумкин.

Амир Темурнинг "Куч-адолатдадир" ғоясининг тарихий аҳамияти каттадир. Соҳибқурон Амир Темур таниқли давлат арбоби сифатида давлатни бошқариш, давлат хизматчиларининг, хусусан, давлатда ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш учун маъсул бўлган кишиларнинг ахлоқий фазилатларининг сараси бўлмиш адолат ҳақида илғор ғояларни илгари сурган ва унга амал қилган. Демакки, адолат ўтган даврлар мобайнида юксак қадрланиб, жамиятнинг шаклланишида ва ривожланишида муҳим рўл ўйнаган.

Жамиятда адолат ўрнатиш орқали фаол ижтимоий ҳамкорлик муҳитини яратишда биринчи галда давлат ҳокимияти органларининг ўрни аҳамиятлидир. Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев жамиятда адолатни қарор топтириш учун адолатсизликларнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш иши-

га қаттиқ киришди ва ҳар бир сўзлаган нутқларида ҳам буни кўришимиз мумкин. Муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев "Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун кўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Бу масала, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бутун суд тизими, прокуратура, ички ишлар, назорат органлари раҳбарлари ва ходимларининг, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг бевоқифа вазифасидир"[10, 10]-деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, юқори мансаб эгаларининг одилона бошқарув сиёсати биринчи ўринда жамиятда ҳақиқатда адолат борлигини кўрсатади. Кишиларнинг қонунга бўлган ҳурматини оширади. Бу эса ўз навбатида кишиларнинг бир бирлари билан ижтимоий фаол муносабатда бўлиши, мақсадлар ва манфаатлар йўлида ҳамкор бўлишига олиб келади. Жамиятда тартибни юзага келтиради. Тартиб албатта, нафақат жамият тараққиётининг ҳамда ҳамманинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришининг асосий омилларидан биридир. Иккинчидан эса, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари, касаба уюшмалари, фуқаролик жамияти-

нинг бошқа институтлари ҳамда фуқароларнинг фаолиятидаги ташаббускорлик ва ҳамкорлик муҳити яратилган бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан адолат мезони асосида ташкил этилган бўлса, бир-бирига ўзаро мутаносиб келгандагина фуқароларнинг бахтли турмуш тарзи кафолатланади.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, жамиятнинг демократлашувида, шу билан биргаликда биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат устуворлиги асосида, фуқаролар давлат билан бир қаторда сиёсий ҳаётнинг мустақил субъекти бўлиши керак. У ҳокимият билан бахсга киришиши, ҳокимият билан бирга ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилишида иштирок этиши, шу билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий муносабатларда фаол ва эркин ҳамкорлик қилиш қобилиятига эга бўлиши даркор. Сиёсий ташаббускорлик, ҳуқуқий саводхонлик, тадбиркорлик, ватанпарварлик каби тушунчаларига ижтимоий адолат, ўзаро келишув ва ҳамкорликнинг маънавий мезони сифатида қараш, жамиятнинг демократлашувда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Маттибоев Т. Б.** *Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари.* -Т.: Академия 2014 -Б. -89-90.
2. **Каримов И .А.** *Истиқлол ва маънавият.* - Т.: Ўзбекистон 1994-й -Б. -13.
4. **Яхшиликков Ж.Й, Муҳаммадиев Н.Е.** *Миллий ғоя - тараққиёт стратегияси.* - Т.: Академия 2017. -Б . -236.
5. **Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати** -Т.: Ғофур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010-й. -Б. -15
6. **Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати.** -Т.: "Академия", 2007-й -Б. - 86
7. **Мирзиёев Ш.М.** *Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш-барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти// "Халқ сўзи" газетаси, 2017-йил 14-июн .*
8. **Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси.** -Т.: "Шарқ", 2001. -Б. 250.
9. **Арастуниг Искандарга насиҳати // Ўзбек педагогикаси анатологияси. Икки жилдли.Ж.1-Т.: Ўқитувчи,1995. - Б.39-40.**
10. **Мирзиёев Ш. М.** *Эркин ва Фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.* -Т.: Ўзбекистон 2016-й -Б.10.

ОНАГА ЭҲТИРОМ - ОДАМИЙЛИККА ЭҲТИРОМ

Юлдуз КАРИМОВА - филология фанлари номзоди
Жиззах давлат педагогика институти

Муайян адабий асар юксак бадиий даражага кўтарилганда, унга қўйилган маънавий-ахлоқий муаммолар ҳиссий таъсирчанлик касб этади.

"Адабиёт менинг "мен"лигимни, сенинг "сен"лигингни, унинг "у"лигини ўзимизга кўрсатувчи ойна, инсон деб аталмиш мамлакат чегараларини чизиб беришга даъво этувчи энг кучли ғудрат! - энг қудратли куч! Чунки адабиёт инсон ўзаги бўлмиш Рухнинг овози"[1,11].

Бугунги кун ўзбек ҳикоячилигида анъанавий йўналиш билан модерн изланишларни уйғунлаштирган ҳолда ижодий имкониятларини кенг намоён этаётган ёзувчиларимиздан бири - Саломат Вафо. Адибанинг "Элат" ҳикояси орқали китобхон адабиёт инсон юзига тугилган ойна, адабиёт яна шу инсон ўзаги бўлмиш Рухнинг овози эканлигига яна бир қарра инонади.

Адабиётимиз тарихида мустақил ҳикоялардан ташкил топган асарлар кўп. "Элат" ҳикоясининг композицион тузилиши ҳам ўша асарларга ўхшаш. 70-йиллар ўзбек нашрида янгилик бўлган Асқад Мухторнинг "Чинор" романидаги ҳар бири мустақил кўринган қисса, ҳикоят, ривоятлар аслида мантиқ жиҳатидан бир гоёвий марказга келиб бирлашади, композицион яхлитликни ҳосил қилади. Романдаги сюжет ва композицион бундай ўзига хосликни адабиётшунос олим О.Шарафиддинов мозаика санъатига ўхшатган эди.

Шунга кўра кичик, мустақил ҳикоялардан ташкил топган, аммо чуқур бадиий-гоёвий куч бирлаштириб турган "Элат"ни адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошевнинг "нарсий мозаика" деб баҳолашида ҳақиқат бор[2,315].

Ҳикоя - она дийдорига кечиккан ва айна ҳолатда одамийликка кечиккан, она зиёратига ошиқмаган, айна пайтда инсонийликка ошиқмаган, соғинч азобидан қуриб-қақшаб кетаётган онанинг кўнглини тўлдиролмаган, айна пайтда туғилган қишлоғи, жону жигарларини сафини ҳам бут қилолмаган, охир оқибат ўзи эътироф этгандек: "олис шаҳарда ҳар ким бўлса ҳам, ўзи туғилиб ўсган Моноқда ҳеч кимга айланган" инсоннинг кўнгли фарёди.

Беихтиёр шоирнинг куйидаги мисраларини пичирлайсиз:

Кўнглимга орзулар солган қишлоғим,

Олис-олисларда қолган қишлоғим.

Келиб қоларми, деб ҳар саҳар, ҳар шом

Кўзлари йўлимда толган қишлоғим.

Менинг мақсадимдан кўнглим кўп тўқдир

Армон нишонига тегмаган ўқдир...

Шоир ҳақ, армон - нишонга тегмаган ўқ каби, қутилмаганда қайтиб келиб ўқ отарнинг ўзини ҳам жароҳатлаб қўйиши мумкин.

Армон ҳеч қачон тузалмайдиган? мудом қон сизиб турадиган жароҳатки, унинг азобли изтиробидан инсон доимо ғамзада.

Шоир Миртемир армон суратини сўзда янада моҳирона моддийлаштиради:

Товонимга қақир тиканакдай ботгувчи - ғашлик,

Бедаво сизловқудай сизлатгувчи - ғашлик,

Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,

Чувварага чеккувчи - ғашлик...

"Элат"да Саломат Вафо армон ва айрилиқ куйининг руҳий азобларини тасвирлашда энг оддий сўзларга ҳам қаҳрамон қаддини эгиб қўйган армоннинг тоғдек залворини юклай олган.

Аннотация

В статье рассматривается своеобразие героя рассказа Саломата Вафо "Элат", он не успел даже на похороны матери, пойдя на кладбище исповедался за свои грехи.

Ключевые слова: духовность, морально-духовная ценность, художественная проблема, общественная среда, художественная интерпретация.

Abstract

In the article the literary interpretation of the hero's agonies of "Elat" by Salomat Vafo was studied, who became distanced from mother's face during years, even could not arrive her funeral service, analyzed humanistic activities through seven graves.

Keywords: spirituality, moral-spiritual value, an artistic problem, duty, an artistic interpretation.

"Мен элатга тез орада бораман, қўяман демасам-да, онам барибир кутаверган, йўлларимга қарайверган, қиш ойлари деразадан қараб кўзлари толган. Унинг ана шу сукутида буюк норозилик, кўнгли тўлмаслик, бир оз гина, бир оз ўпкалаш бор эди... Онаминг вафоти ҳақида мудҳиш хабарни олган тонг... Мен ўзимни

бутунлай йўқотиб қўйдим, назаримда онам ҳали ўлмайдигандай, яна кўп яшайдигандай эди. Ўлим деган ҳодисот, қайси бир маънода онамга тегишли эмас, онам ўлиши мумкин деган фикрни миямга сиғдира олмайдим... Бу хабардан сўнг дунё бўшаб қолди... Ўйлар-ҳаёллар мени еб тамом этди..." [3,174]

Саломат Вафо "Элат"да фарзанд дийдорига интизор кетган она ҳолатини тасвирлаш ёки юз кўришишни қиёматга қолдириб армонда ўртанаётган фарзанднинг изтиробларини кўрсатиш билан чекланганда эди, насримиз она ва фарзанд бурчи муаммосига бағишланган яна бир асар билан кенгаярди, холос.

Мутолаа давомида адиба бутунлай бошқача йўлдан борганини, худди ана шу йўл асарга оригиналлик, жозибаси, фалсафий таъсирчанлик, ўзига хос сирлилик бахш этганини кўрамиз.

Қаҳрамон онасининг таъзиясига кечикди. Бу кечикишда катта рамзий маъно бор. Аслида у яшашга, инсон бўлишга кечикди. "Етиб келсам уй хувиллаб ётибди, аллақачон жаноза ўқилган. Дарвоза, уй, боғлар - ҳаммаси қариб, мунғайиб қолгандай. Файзсиз. Онам ўтирадиган кўрпача йиғиб (онам ҳозир туриб кетгандай), гужум айрисига илиб қўйилибди. Кўрпача, супа, гужумлар...ҳаммаси мавжуд...онам йўқ" [3,175].

Қаранг-а, ташқи оламдаги деярли ҳамма кучларга бас кела оладиган энг олий ва қудратли мавжудот - инсоннинг мавжудлиги унинг ўз қўли билан яратган бир кўрпача, бир пиёла, бир гужумча эмаслигини ҳамма вақт ҳам ўйлаб кўравермаймиз.

Мудҳиш айрилиқнинг зил-замбил юкини ортан фарзанднинг она қабрини излаш жараёнидаги тасвирларда бадиий моҳият юзага чиқа бошлайди.

Ваёнгондаги эски ва янги, обод ва нообод қабрлар она онасининг мангу оромгоҳига талпинаётган қаҳрамон еттига қабр олтидан ўтади.

Бу қабр эгалари қаҳрамоннинг болалик, ўсмирлик оламида ўз изини қолдирган, шаҳарда кечган ҳаёти давомида олис хотираларга айланиб мия пучмоғининг аллақерларидан ўрин олган, айна дамда ҳар қайси ўзича бир тарихга дўниб, уюм тупроққа айланган одамлар.

Қаттол урушнинг оқибатида бир умр руҳан, жисмонан, маънан азобланиб яшаган Пирим бува, энг гул ёшида тупроққа буюрилган, кўпларнинг юрагига илк муҳаббат оловини ёққан қора кўз, қора соч Оводон (асли Ободондир. Бечора ота-она яхши умидлар-ла босган излари обод бўлсин, дея қизларини шундай номлашгандир), фарзандсизлигини Оллоҳдан, аъмолини кўрмай, атрофдагилар билан қасдлашиб, меҳрини итларга бериб яшаган, охир-оқибат қабри ҳам итларга қўналга бўлган Нойила тотар, бутун Моноқ элатини ойлаб мотамда қолдирган, ўз никоҳ тўйи куни фалокатга учраб ҳалок бўлган "ҳатто ўлимнинг ҳам раҳми келар даражада ёш" кетган Отаназар, Моноқда айтилган: қирқидан ошган одам сурнайчи бўлмас, деган нақлни йўққа чиқариб қирқидан ошганда сурнай чалишни ўрганган, савдойи дея касалхонага жўнатилиб, "номаълум умрини ўша ёқларда яшаб", ҳаёт шомни яқинлашганда, Моноқ тупроғига кўмилганча, оёғини узатиб ётишни истаган ғариб, мискин бефарзанд Шариф сурнайчи, асли исми нутилиб, амали исмига айланиб кетган, даври келганда давронни беармон сурган, бутун Моноқ элатининг лаънатига қолган раис қабри.

Саломат Вафо бу қабр эгаларининг тарихини қахрамонининг ўй-кечинмаларида жонлантираркан, уларнинг бирортасига ҳам зўрма-зўраки ё ижобийлик, ё салбийлик сифатларини тиқиштирмайди.

Қаҳрамон то онасининг қабрига етгунча юқорида саналган етти қабрдан ўтиб боради. Қадимдан халқимиз "7" сонига алоҳида урғу беради. ("Сув етти думаласа тоза бўлади" ёки "Етти ўлчаб бир кес" каби) Қаҳрамон дуч келган еттита қабр аслида еттита тақдир, еттита умр, еттита кечмиш. Бу ерда ётганлар Моноқ элининг оддий одамлари. Уларнинг барчаси ҳам "ҳазрати инсон" бўлиб яшашни уддалай олган эмас. Мутулаа жараёнида қаҳрамон хотирасида жонланган ана ўша "эмаслик"ка гувоҳ бўлар эканмиз, маънавий-ахлоқий қадриятлар, одатда, айрим файласуфлар, бирон бир йўналиш тарафдорлари томонидан белгиланмаслигини, балки жонли амалиёт жараёнида ишлана бориб, кўп авлодларнинг, умуман бутун халқ, унинг барча табақаларининг ҳаётий тажрибасини йиғма ҳолда акс эттиришини англаб етамиз. ҳар бир қабрдаги умр, кечмиш, аъмолнинг қаҳрамон руҳиятидан ўтиб баҳоланиши асарга фалсафий йўналиш бахш этган. Ана шу ҳолатларда адиба сўзни шунчаки ишлатмайди, уни ёқади. Ва бу сўзлар ҳароратида фожеий тасвирнинг бутун залвори унинг ифодасидан китобхон қалбига кўчган ҳиссий юк асарнинг таъсирчанлигини таъминлаган: "Қабр ҳам - Отаназарнинг ўзига ўхшаб баланд ва мағрур эди. Нақл этишларича, муҳаббатда телбалик бормиш айнан шу телбалик рамзи ўлароқ ётмишди бу ерда оғамиз... Қабристоннинг тупроғи жуда оғир эди, бунда орзу-армонлар, изтироб, ҳаваслар паноҳ топмиш инсоннинг мангу навқирон кўнгли кўмилмиш эди" (Отаназар қабри) [3,179], "Мени бу расм ёмон этди, кўз ёшларимни арта-арта аранг ўрнимдан жилдим. Шаҳарда йиғлашни унутиб қўйгандим... Мен ким эдим, ким бўлдим, шаҳардаги изтироб-у ўртанишларнинг сабаби не эди?" (Оводон қабри) [3,180]. "Ҳақиқат ўзининг умри мобайнида, биринчи марта шу ерда қабристонда рўй-рост юз фоиз ҳақиқат мақомида акс этмиш эди. Фақат

ўлимгина ҳақиқат эди" (Болалар қабри), "Инсон ба-рибир ўларкан бунча зулм, ҳиёнат-гуноҳларни нечун содир қиларкан, деб ўйладим. Ва яна ўзимга жавоб бердим: ҳеч ким ўлимни бўйнига олмайди, ҳар ким ўзини мангу деб ўйлайди. Бу сафга ўзимни ҳам қўшиб қўйдим"(Раис қабри) [3,183].

Адабиётшунос Қ.Йўлдошев таъкидлаганидек, гўристон тасвиридаги қабрлар шунчаки қўйиндилар эмас. "Уларнинг вазифаси каттароқ. Улар онасининг таъзиясига, яъни асл инсоний бурчини бажаришга кечиккан қаҳрамоннинг одамликка етиб бориши учун босиб ўтиши зарур бўлган синов манзиллари эди"[4,482].

Хотирланган ҳар бир марҳумнинг ҳаётлигидаги ожиз ва кучли тарафлари, яхши-ю ёмон фазилатлари, савобу гуноҳлари қаҳрамоннинг аъмолида ҳам бўй кўрсатган эдики, унинг ҳар бир қабр билан юзлашиши ўз "мени" билан юзлашиши, инсонийлиги моҳияти билан юзлашиши эди.

Қаҳрамоннинг ўз онасининг қабрига етишини атайин қийинлаштиришга ёзувчи ана шундай катта бадий-ғоявий, рамзий маъно юклайди.

Ниҳоят, қаҳрамон онасининг қабри ёнида. "Шу ерга келганда, руҳи-жонимда бир ўзгариш юз бериб, безгак туггандай титрай бошладим... Ўзимни лаънатлаб йиғлардим, мен кўпроқ йиғлашга ўргана бордим. Ана шу лаъзаларда бутун умрлик ҳаётим учун, олис шаҳарларда қолиб кетганим учун, яратганга минг тазарру айтдим. Агар, Оллоҳ амр этиб, шу лаъзада онам қайтадан тирилар бўлса, бутун умр пойининг гардини артиб ўтишга, умрим шомигача хизматида бўлишга тайёр эдим.

Онам, о кўзимнинг нури, онам! Бошимни кўтариб қарасам, онам қора мармар тошда жилмайиб, кулиб, яшнаб, порлаб турарди. Қабрга номуносиб онам! Умр кутиб толган - онам!" [3,188].

Инсон сажда қилиши лозим бўлган зот бу Оллоҳдан сўнг - Она. Инсон ҳаётига маъно ва мазмун, гўзаллик бахш этадиган: меҳр, шафқат, виждон, эзгулик, олийжаноблик, дўстпарварлик, ватанпарварлик уруғларини юракларга қадаб уни ўстириб-ундирадиган оналар - жаннатий боғбонлар.

"Элат"да адиба оналаримизни ана шундай улуғлайди, оналар тимсолида инсонийликни улуғлайди, қайсикки фарзандлар руҳ озодалигини туймай туриб, одамийликнинг манзил мороҳилларини босиб ўтмасдан туриб она ризолигига эришишлари мумкин эмас, деган ғояни бадий ҳақиқат даражасига кўтаради.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. У.Ҳамдамов. Янгиланиш эҳтиёжи. Т.: Фан, 2007.
2. Қ.Йўлдошев. Умиднинг улғайиши. Саломат Вафо. Тилсим салтанати. Роман ва ҳикоялар. Т.: Шарқ. 2004.
3. Саломат Вафо. Тилсим салтанати. Т.:Шарқ,2004. 174-б. (Бундан сўнг ушбу нашрдан олинган кўчирмаларнинг саҳифасини кўрсатувчи рақамлар қавс ичида бериб борилади).
4. Йўлдошев. Қ. Ёниқ сўз. Т.: Шарқ, 2004.

Устоз-мураббий, тилшунос олим УМРБОЙ ПИРНАЗАРОВ -

Эл дарди билан қўйсагина жон шу жон эгаси
ҳақиқий инсон.

Илми кучли довон ошар.

70 ЁШДА

Дарҳақиқат, Умрбой Пирназаров том маънода ўз ишига маъсулият билан ёндашадиган, бугунги ишни эртага қўймайдиган, дўстлари сафдошлари таъкидлаганидек, "нуктадон" инсон. Лекин бу мартабага осонликча эришгани йўқ. Авваламбор, у ўз ишини, оиласини, талабаларни чин дилдан севади, ардоқлайди. Айниқса ёшларга айрича муҳаббат ва эътибор билан қарайди, уларнинг ҳар бирида келажагимизни, юртимизни юксак тараққиётга етакловчи куч ва комил инсонларни кўради. Ёшларни изланувчан, билимга чанқоқ мустақил фикрлайдиган шахс бўлиши учун ҳаракат қилади. Зеро бу хислатлар устознинг ўзида болалигидан мужассам эди.

Умрбой Пирназаров 1949 йил 1- сентябрда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Оқтепа қишлоғида таваллуд топди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, ҳаётда доимо олға интилишга қарор қилган ва илми, савияси ва маҳоратини оширишги иштиёқи баланд Умрбой Пирназаров Украинадаги Полтава Давлат педагогика институтида таҳсилни давом эттирди ва ушбу олий таълим даргоҳини "имтиёзли" диплом билан тугатди.

Устознинг кейинги ҳаёти борлиғича ёшлар тарбияси, илмий изланиш, "иш ҳужжатлари" билан ишлашга, ташкилотчиликка қаратилди.

Устоз қатор йиллар давомида ўқитувчилик, мураббийлик касбини улуғлаган ҳолда институт кадрлар бўлими бошлиғи, кафедра мудирини, илмий ишлар проректори, хорижий тиллар факультети декани лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Элда, юртда, жамоада, дўстлар орасида камтар, "нуктадон", "содиқ дўст", "салоҳиятли олим" каби сифатлари билан танилди, ҳурмат ва эътибор қозонди.

Устознинг илмий педагогик фаолиятини алоҳида ёритиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

"Умрбой Пирназаров талабалик давридаёқ илмга чанқоқлиги билан ажралиб турар эди" деб таъкидлайди курсдош ўртоғи доцент А.Б.-Эрназаров.

Дарҳақиқат ўша даврда Умрбой Пирназаров нафақат рус тили ва адабиётини, украин тили ва адабиётини ҳам чуқур ўрганди, таҳлил ва талқин қилди. Талабалик давридаёқ кўпгина украин шоир ва ёзувчиларининг асарларини украин тилидан ўзбек тилига таржима қилди

ва вақтли матбуотда эълон қилди.

Умрбой Пирназаров машҳур тилшунослар И.А.Бодуэн де Куртене, Л.В.Шерба, В.А.Редькин (илмий раҳбари)лар изидан бориб ўз эътиборини ақли-шуурини, мураккаб, кам ўрганилган рус ва умумий тилшуносликда янги ва "ёш" соҳа ҳисобланган фонология йўналишини чуқур ўрганишга қаратди. Натижада 1990 йилда "Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзлар морфонологияси" мавзусида номзодлик диссертациясини мувоаффақиятли ҳимоя қилди. Ушбу мавзу юзасидан монография, юзга яқин илмий мақолалар чоп эттирди.

Ҳозирги кунда устоз талаба ёшларга рус тили фонологияси фанидан махсус курс (магистрлар учун) ишлаб чиққан ва шу асосда магистрлар илмий изланишларига яқиндан кўмак бериб келмоқда.

Устоз бугунги кунда "Ҳар хил тизимли тилларда атоқли отлар морфонологияси" мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий тадқиқот олиб бормоқдалар, бир қатор ёшларга магистрлик диссертация, малакавий битирув иши мавзулари устида ишлашларида бевосита раҳбарлик ва маслаҳатчи сифатида илмий фаолиятини давом эттирмоқдалар.

Устоз бахтли оила бошлиғи, фарзандлари, набиралари эл хизматида, халқ ҳўжалигининг турли соҳасида олий маълумотли етук мутахассислар сифатида фаолият юритиб келмоқдалар.

Шуниси эътиборга моликки, Умрбой Пирназаров қаерда, қайси лавозимда ишламасин, ҳалол меҳнат қилди. Ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишиши учун фидоийлик билан ишлади. Ўз касбий маҳоратини, тажрибасини узлуксиз оширди. Бу интилишлар унга бахт, иқбол, обрў-эътибор келтирди, элга танитди. Нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳурматга сазовор бўлди. Қилган хизматлари юксак баҳоланди. Филология фанлари номзоди, доцент Умрбой Пирназаров қатор фахрий ёрлиқлар, "Ўзбекистон республикаси халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ўзининг қутлуғ 70 ёшини нишонланаётган азиз устозимиз, ҳамкасбимиз Умрбой Пирназаровни чин дилдан табриклаймиз, ижодий баркамоллик, оилавий хотиржамлик ва узок умр тилаймиз.

Дилором ХОДЖИМЕТОВА - филология фанлари номзоди, доцент

Абдувахоб ЗОКИРОВ - филология фанлари номзоди, доцент

Жиззах давлат педагогика институти



АХМЕДОВ ТУЙЧИ АДАШЕВИЧ - 1984 йил 1 январь Самарқанд вилоятида туғилган. 2005 йилда Жиззах давлат педагогика институтини таъмомлади. 2009 йилдан бошлаб мазкур институтнинг ижтимоий фанлар кафедрасида ўқитувчи ва катта ўқитувчиси вазифаларида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз меҳнат фаолиятини илмий изланишлар билан биргаликда олиб борган олим 2019 йилнинг 14 майида 07.00.01 - Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда телевидениянинг ривожланиш жараёни ва унинг аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрни (1991-2016 йиллар)» мавзусида **DSc.27.06.2017 Tar 01.04** - ихтисослашган Кенгашда тарих фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) ишини муваффақиятли тарзда ҳимоя қилди.



СУЛАЙМОНОВ ФОЗИЛ УРАЛОВИЧ - 1977 йил 15 июнь Жиззах вилоятида туғилган. 1999 йилда Самарқанд давлат университетини таъмомлади. 2011 йилдан бошлаб Жиззах давлат педагогика институти математика ўқитиш методикаси кафедрасида ўқитувчи вазифасида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз меҳнат фаолиятини илмий изланишлар билан биргаликда олиб борган олим 2019 йилнинг 17 майида 01.02.05 - Суюқлик ва газ механикаси ихтисослиги бўйича «Агрегатланган ғовак муҳитларда модда кўчишининг гидродинамик масалалари» мавзусида **DSc.30.08.2018 FM/Т 02.09** - ихтисослашган Кенгашда физика-математика фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.



БОЛТАЕВА БАРНО ИСОҚУЛОВНА - 1979 йил 18 декабрь Жиззах вилоятида туғилган. 2005 йилда Жиззах давлат педагогика институтини таъмомлади. 2005 йилдан бошлаб мазкур институтнинг бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедрасида ўқитувчи ва катта ўқитувчи вазифаларида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз меҳнат фаолиятини илмий изланишлар билан қўшиб биргаликда олиб борган олима 2019 йилнинг 09 июнида 10.00.01 - ўзбек тили ихтисослиги бўйича «Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳил)» мавзусида **DSc.27.06.2017 Fil.02.03** - ихтисослашган Кенгашда филология фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) ишини ҳимоя қилди.



Кистаубаев Савлибек Усманович - 1966 йил 30 июнь Жиззах вилоятида туғилган. 1990 йилда Самарқанд давлат университетини таъмомлади. 1999 йилдан бошлаб Жиззах давлат педагогика институтида даставвал Тарих ўқитиш методикаси ва Ижтимоий фанлар кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифаларида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз меҳнат фаолиятини илмий изланишлар билан биргаликда олиб борган олим 2019 йилнинг 29 июнида 09.00.04 - Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича «Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли» мавзусида **DSc.27.06.2017 F.02.02** - ихтисослашган Кенгашда фалсафа фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) ишини ҳимоя қилиб, институт илмий салоҳиятига ҳисса қўшди.

Саҳифа илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлим материаллари асосида тайёрланди

ЖУРНАЛДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага:
 - мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади.
 - Мақола ўзбек ва қисман рус, инглиз тилларида бўлиб, унга уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда калит сўзлар илова қилинади.
2. Мақола журнал таҳририятига "Microsoft Word" дастурида ("Times New Roman" 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси 1,15 интервалда) терилган ҳолда бир нусхада, электрон варианты (флешка ёки CDда) билан топширилади.
3. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 6-саҳифадан 10 саҳифагача бўлиши тавсия этилади.
6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй ва хизмат телефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.
7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шarti билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютер дастурларида киритилиши керак.
8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм-фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.
9. Журналда чоп этилаётган мақолаларда аниқ мақсад ва вазифаси, амалий аҳамияти ҳамда аниқ ечим ифодаланиши керак;
10. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
11. Таҳририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Таҳририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.
12. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.
13. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳрирвий ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.
14. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича таҳририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.

